

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари

илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журнал

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

Бош муҳаррир –

Йўлдошев Иброҳим Жўраевич
филология фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир ўринбосари –

Холикулова Гўзал Эркиновна
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Муҳаббат Туляходжаева – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Сарвиноз Қодирова – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Оқилхон Иброҳимов – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Ильдар Мухтаров – санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Абдурахим Исмоилов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор
Абсалом Умаров – социология фанлари доктори, профессор
Абдухалил Маврулов – тарих фанлари доктори, профессор
Маъруфжон Юлдошев – филология фанлари доктори, профессор
Ҳамдам Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент
Антонина Кошелева – педагогика фанлари номзоди, доцент
Мусаллам Абдужаббарова – педагогика фанлари номзоди, доцент
Темур Рашидов – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Жамоатчилик кенгаши

Бахтиёр Сайфуллаев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси,
педагогика фанлари номзоди, профессор
Озодбек Назарбеков – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти
Акбар Ҳакимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Камола Акилова – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор
Нигора Каримова – санъатшунослик фанлари доктори
Мақолада келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2015 йил 14 декабрда 0862-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг
2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан
Санъатшунослик фанлари бўйича диссертациялар юзасидан
асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган
илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

ISSN 2181-8932

2020/3(15)

МУНДАРИЖА

1. **И.Йўлдошев.** Адиблар хиёбони – адабиёт, маънавият, маърифат, маданият маскани.....3
2. **И.Мирзо.** Улуғим6

I. ТЕАТР ВА КИНО

1. **Г. Холиқулова.** Эмоционал кайфиятда фикрлайдиган шоир 10
2. **М.Умаров, Б.Нурманова.** Муҳаммад Юсуф – замонамиз қаҳрамони..... 13
3. **И.Жуманов.** Муҳаммад Юсуф шеърлятида Ватан мадҳи ва талкин таъсирчанлиги 16
4. **О.Тожибоева.** Муҳаммад Юсуф ижодида бадий образ талқини 19

II. МУСИҚА САНЪАТИ

1. **З.Худаярова.** Миллийликни қалбларга сингдирган шоир
(Муҳаммад Юсуф ва миллий кўшиқчилик) 23

III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФА ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

1. **М.Юлдашев.** Муҳаммад Юсуфни англаш 28
2. **Н.Қобилов.** Ўзбекнинг оташқалб шоири 30
3. **С.Тўйчиева.** Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан, ватанпарварлик фазилатларининг улуғланиши 32
4. **М.Исокова.** Муҳаммад Юсуф шеърлятида аёллар талқини 35
5. **З.Норқўзиева.** Элни севиб, эл дардида ёнган шоир 39
6. **Б.Ирисметов, Ф.Аскарров.** Жизнь и патетика поэзии Мухаммада Юсуфа
в истории литературы и искусства Узбекистана 40
7. **Қ.Нишонбоева.** Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан мадҳи 43
8. **Г.Хайдаров.** Муҳаммад Юсуфнинг “Эй, дил...” достони ҳақидаги ўйлар... 46
10. **Ш.Нусратова.** Муҳаммад Юсуфнинг “Уйкудаги қиз” шеъри ҳақида..... 50
11. **А.Қурбонов.** Аёлга таъзим ва эҳтиром..... 52

IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

1. **М.Абдуҷаббарова.** Адиблар хиёбони – маънавият майдони 55
2. **Ф.Зупарова.** Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърларининг тарбиявий аҳамияти 59
3. **А.Абдуҳалилов.** Сўзни улуғлай билган шоир 62
4. **Б.Инатуллаев.** Муҳаммад Юсуф шеърлятида ижтимоий фаол шахс феномени 64
5. **С.Маҳмудова.** Муҳаммад Юсуф лирикасида мифологик образлар 68
6. **Р.Юсупова.** Устоз-шогирд анъаналари: Комил Яшин ҳамда Муҳаммад Юсуф муносабатлари
мисолида 71

V. ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

1. **У.Мусинов.** Маърифатли шоир ижодида устоз-шогирд анъаналарига эътибор 74
2. **Х.Файзуллаева.** Бўлажак санъат ва маданият ходимларини тарбиялашда Муҳаммад Юсуф
ижодининг ўрни ва аҳамияти 78
3. **Г.Назарова, Н.Раимқулова.** Илк ўзбек тангоси муаллифи..... 81
4. **К.Умаров.** Ёшларда юртга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда
Муҳаммад Юсуф ижодий меросининг ўрни 84
5. **С.Марков.** Традиции и прогресс в творчестве Мухаммада Юсуфа: новый ритмический
рисунок узбекской поэзии..... 88
6. **Ш.Бобомуродов.** Муҳаммад Юсуфнинг “Қора кўёш” достонида драматик ҳолатлар 90

VI. ХОТИРА

1. **М.Толипов.** Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Олтин даври” 93
2. **М.Набиева.** Кўз ёшингни ҳеч қачон, ҳеч кимга кўрсатма 96
3. **А.Шоносир.** Шоир ёди..... 98

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори,
филология фанлари доктори, профессор

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – АДАБИЁТ, МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ, МАДАНИЯТ МАСКАНИ



Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони.
Бу масканга қадам кўйишингиз билан қалбингизни ўзгача бир шукуҳ, завқ ва ҳаяжон эгаллайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда: бу “буюклар қаҳқашонида” халқимизнинг улуг ижодкорлари, ўзбек маданияти, адабиёти ҳамда тафаккурининг тимсоллари бўлмиш йигирмадан ортиқ адибларнинг ҳайкаллари жойлашган. Уларга боқиб, буюк адабиётимиздан фахрланиш ҳисси янада жўш уради.

2020 йил 20 май куни Адиблар хиёбонига ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз. Бу адибларимизнинг кўплари бу дунёдан армон билан кетдилар. Бугунги авлод адибларимизнинг ана шу армонларини рўёбга чиқаришимиз, уларнинг ҳар бирига ўз ҳурмат-эҳтиромимизни кўрсатишимиз лозим”, дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ижодкорларни қўллаб-қувватлаш нияти, самимий руҳда ўтган суҳбати барчамизни ҳаяжонга солди. Ахир, бу сўнгги ўттиз йил давомида эътибордан четда қолдирилган, асарлари чангга ботган ва нашр этилгандан ҳам тўрт нафар яқинларидан бошқалари бундан беҳабар бўлган ижодкор учун кутилмаган маънавий куч эди. Бир пайтлар шаҳарнинг қоқ марказида ўзининг муҳташам биносидан айрилиб, кўп йиллар давомида кўчманчи сингари бинодан-бинога кўчиб юрган Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида бино қурилиши эса, хўрланган етимнинг бошини силагандай бўлди. Уларнинг кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетди.

Кеча Адиблар хиёбонига бордик ва ҳайратдан лол бўлиб қолдик. Адиблар хиёбонининг гўзаллигига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Алишер Навоийдан кейинги ўзбек адабиётининг беш юз йиллик тарихи шундоқ кўз ўнгингизда. 24 нафар буюк сўз санъаткорларининг мис ва бронзадан ясалган ҳайкаллари, атрофидаги гўзал боғлар, киши димоғини завқлантирадиган гулларнинг хушбўй хидидан ўзингизни қандайдир жаннатга киргандек ҳис этасиз. Боғда юрганингизда, сиз чиройли қасрларни кўрасиз. Ҳар бир ҳайкал атрофида кўшк мавжуд. Сиз ҳайкаллар орасидан кўтарилишни бошлайсиз. Марказий йўлакдан ўтаётганда боғнинг юқори қисмида Алишер Навоийнинг улуғвор



хайкали ўрнатилган. Ҳа, энди у боққа тесқари қарамайди, ўгирилиб, Адиблар хиёбонига қарайди. Биз ҳайқалнинг этагига чиқдик. Биз орқага ўгирилдик ва қотиб қолдик. Ҳайқал пойида худди бутун адабиётимиз вакилларининг ҳайқаллари буюк бобомизга қараб, таъзим қилгандай. Ҳаяжон босилди. Шунда мен давлатимиз раҳбарининг истак ва ниятларини ҳис қилдим.

Адиблар хиёбонининг гўзаллиги беқиёс, аммо унинг моҳияти янада ҳаяжонлантирди. Ҳазрат Навоий қуёшга баландликдан қарайди. Қуёш – нур манбаи, мажозан айтганда, билим ва маърифат манбаи. Навоий бутун ҳаёти давомида маърифат ва зиёга, илмга интилиб, маърифатни тарғиб этган. Шунинг учун, у ўз даврида “Шамс ул-миллат”, яъни миллатнинг қуёши сифатида машҳур бўлди. Унинг пойида барча ўзбек адабиёти вакиллари, адабиёт тарихи мукаммал мужассамлантирилган. Ҳамма Навоийни улуғлайди, Навоий уларни баландликдан, маърифатга ва зиёга тарғиб қилади. Бу боғ, боғ эмас, бу ўзбек адабиёти тарихи дарслигининг кўргазмали манзараси! Бу ерда ёш авлод биз бир йил мобайнида ўқийдиган маърузаларни бир соат давомида ўзлаштириши мумкин. Ўзбек адабиёти билан таниш бўлмаган одам, ўз навбатида, бир айланишидаёқ адабиётимизнинг донгдорларини эслаб қолади, ўзбек адабиёти тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлади. Шу маънода, ишонч билан айтишимиз мумкинки, ушбу хиёбон нафақат адабиёт, балки билим ва маърифат маконига айланди.

Адиблар хиёбони – очик осмон остидаги дарсхона, бу жой доимо очик дарслар билан банд бўлиши,

ёшларнинг қадамлари узилмаслиги, энг муҳими, бу ердаги руҳ барча йигит-қизларнинг қалбига сингиб кетиши кераклиги таъкидланди. Ушбу вазифалар ҳар биримизни масъулиятни чуқурроқ ҳис этишга, ўз ишимизга янги миқёсда, юқори даражада ёндашишга ундайди.

Чиндан ҳам, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф каби миллат ойдинлари яратган юзлаб асарлар, бетақрор образлар халқимизнинг менталитети, характери, ўзбекнинг ўзлиги ҳақида шаҳодат беради. Шу маънода, ушбу хиёбонга қўйилган ҳар бир ҳайқални ўзбек халқининг маънавияти, тафакқурига қўйилган ҳайқал, дея айта оламиз.

Ташриф жараёнидаги учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, миллий ҳамда мумтоз адабиётимизни ривожлантириш, бу соҳадаги илмий ва ижодий ишларни янада такомиллаштириш бўйича алоҳида топшириқлар берилди. Бу ерда ёдгорлиги ўрнатилган ҳар бир адиб ҳаёти ва ижоди муайян олий ўқув юрти томонидан ўрганилиши, тарғиб этилиши белгиланди.

Ўзбек халқининг сеvimли ижодкори, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодий меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб этиш Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоасига юкланди. Шу мақсадда таълим муассасасида алоҳида “Йўл харитаси” қабул қилинди. Унга кўра, шоирнинг ижоди ва фаолиятига

бағишланган мавзулар фан дастурларига киририлиб, уларни талабаларнинг дарс машғулотлари ҳамда мустақил таълим асосида ўзлаштиришларига кенг шароитлар яратилди. Шунингдек, келгусида институт профессор-ўқитувчилари, талабаларининг Адиблар хиёбонига ташрифи ташкил қилиниб, Муҳаммад Юсуф ёдгорлиги пойида қатор тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, китобхонлик кечалари ўтказиш кўзда тутилган. Тадбирларни кўтаринки руҳда, таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар иштирокида уюштириш бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан келишувга эришилган.

Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеърида миллий руҳ, халқона фалсафа, бой ва бетакрор тилимиз жилолари, ўзбек халқининг юксак инсоний фазилятлари мужассамлиги билан бирга, ёшлик сурури, ишқ ҳамда муҳаббатнинг нафис наволари юксак даражада ифодасини топган. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда: “Муҳаммад Юсуф кўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди. Одамлар унинг китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар... Шоирнинг умри унинг шеърларида давом этмоқда”.

“Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир куш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитганман. Ўша куш айнан Муҳаммадjonнинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагида ошён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамини латиф бир куйни хониш қилгандай эди.

... Дарҳақиқат, у ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзанддай, беғараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърляти ҳам худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърлят сифатида майдонга келди. Ва бу оққунгил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърлят ёдгор қолди”, – деган эди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов.

* * *

Баъзан катта-катта маблағлар сарфлаб ҳам одамларга Ватанни севдириб бўлмайди. Шоир эса оддийгина сўзлар билан Ватаннинг нималигини қалбингизга жойлайди-қўяди: “Римни алишмасман бедапоянга” деган шу биттагина мисраси билан ўзбек халқининг қаддини қанчалик кўтариб қўйди. Қаранг, битта бедапояни ҳам Римга бермайман, деяпти. Яна бошқа бир мисрада эса, “Парижнинг энг машҳур ресторанларин, Битта тандирингга алишмасман мен”, дейди.

Ҳақиқатан ҳам, шоир шеърлярида нафақат ўзининг, балки ўзбек халқининг юрак уриши эшитилади, у ўзбек дунёсини англашга ўргатади.

Миллий адабиётимиз тарихида Ватан ҳақида ёзилган шеърлар, дostonлар бисёр. Аммо уларда

шакл, ифода, образлар тизими ҳар хил. Ҳар бир ижодкор Ватанни ўзига хос тасвирлайди, турфа рангларда кўради.

Муҳаммад Юсуф шеърлярида Ватанга анъанадаги меъёрлар, сийқаси чиққан қолиплар билан ёндашмайди. У кўпчиликка ўхшаб Ватанини севиши, унда гўзал табиати, буюк инсонлари борлигини куруқ санаб, шеър охирида жонини фидо қилишини айтиш билан чекланмайди. Юрагининг тубидаги энг соҳир туйғуларни қалбингизнинг ҳар бир торини титратадиган, кўнглингизнинг энг чуқур еригача етиб борадиган даражада ифодалайди.

Шундан келиб чиқиб, “Муҳаммад Юсуф – Ватан куйчиси” деган ҳужжатли фильмни тасвирга олишга қарор қилдик. Ушбу картинада шоир ижоди, ҳаёти, маҳорати ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур фильм шоир юрагидаги она юртга муҳаббатни, оташнинг бир учқунини талабаларимиз қалбига ҳам кўчиришга ёрдам беради, уларда ватанпарварлик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, миллий қадриятларга садоқат, жонқуярлик туйғуларини тарбиялайди, деган умиддамиз.

Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, талаба-ёшлар ўртасида тарғиб этиш бўйича режаларимиз бисёр. Жумладан, институтимиз ахборот-ресурс базаси қошида Муҳаммад Юсуф ижоди ҳамда фаолиятини акс эттирувчи алоҳида Адабиёт илмий маркази ва аудитория ташкил этамиз. Ушбу марказда Муҳаммад Юсуф билан бирга, бошқа ўзбек адабиёти намояндалари ҳаёти, ижоди, яратган бадиий асарларини доимий равишда ўрганиш мақсадида адабиёт тўғараги очилади. Шоирнинг уй-музейига, у яшаб ўтган ҳамда ижод қилган тарихий масканларга профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг саёҳатлари мунтазам уюштирилади. Ижодкор асарлари мутолааси бўйича талабалар орасида турли танловлар, мусобақалар ҳамда фестиваллар ўтказиш анъана тусини олади.

Муҳаммад Юсуф номидаги институт стипендияси таъсис этилиши, ҳар бир факультетда ўзбек адиблари яратган асарларни саҳналаштирувчи театр труппалари тузилиши ёшларнинг бадиий диди, салоҳияти, билим ва иқтидорини юксалтириб қолмай, уларни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шоир асарларининг рақамли платформага ўтказилиши, уларнинг электрон каталоги яратилиши, Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи 3D форматдаги виртуал роликлар тайёрланиши, интерфаол музей ташкил этилиши эса, ёшларни масофавий шаклда ҳам ушбу эзгу мақсадлар йўлида кенг қамраб олиш имконини беради. Зеро, Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам ёшлар учун ҳар жиҳатдан ибратлидир.

УЛУҒИМ

Муҳаммад ака ўз шеърларига қуйиб қўйгандек ўхшарди: содда, чапани, самимий... Айтганча, самимий дегани нимани англатади, биродари азиз? Кўп ишлатилганидан деҳқоннинг кетмонидек ялтиллаб кетган бу сўзнинг қиёфаси қанақа? “Унинг шеърларидан самимият балқиб туради”, деб ёзишади олимларимиз. Ҳеч тасаввур қилолмайман.

Тўхта, самимият деганлари чин юракдан чиққан, дўстона айтилган сўз бўлсамикин? Эҳ, пешонангни тириштириб қанча изоҳ изласанг, қанча шархласанг, шунча самимиятдан йироқлашиб бораверасан-да!

Муҳаммад аканинг дастлабки шеърларини ўқиганимда қизғалдоқзор адирда почалари шимарилган ўспирин қуёшга қараб шошмасдан кетаётгандек туюларди. Яна унинг шеърларидан эндигина қўшқулоқ бўлган ялпизнинг ҳидларини туярдим. Хуллас, ғирт ўзбекча манзара, кайфият эди бу. Тўғри, ҳаммамиз ўзбекча ёзамиз, лекин ҳамма ҳам ўзбекона ёзолмас экан.

*Муҳаббат, эй гўзал изтироб,
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.
Кўкрагимга қўлингни тираб,
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку...*

“Юрагим адо бўлди”, “вайрон бўлди”, “яра бўлди”, ҳатто, “харж бўлди” каби китобий жумлалар кўп. Муҳаммад ака эса росмана халқона қилиб айтади. Юраккинанг тўкилиб кетади.

Ёшлиқдан жуда шеърсевар эдик. Яхши шеърлар ўз-ўзидан ёд бўлиб қоларди. Бир-биримизга айтиб чарчамасдик. Мусобақалашардик ҳам. Севимли шоирининг суратларидан альбом қиладиганлар ҳам кўп эди. Қизиқ, газет-журналда чиққан расмига қараб одамнинг яхши-ёмонлигини сезса бўлади. Сизга ҳам шундай кўринадими? Муҳаммад Юсуфнинг “Ёшлик”даги катта сурати деярли ҳамма талабаларнинг ётоқхонасида осифлик турарди. Ўша ним табассум, кўз алланечук ёшинқираган. Очиғи, баъзи кизлардан ўша расмларни рашк қилардик. Биз ҳам шоирликка ўзимизча номзод эдик-да.

1988 йил. Биз филология факультетининг иккинчи курс талабасимиз. Замон олаговур, рост-ёлғон аралаш, қизил империя тагига сув кета бошлаган даврларни яхши эсласангиз керак. Ижтимоий дард деганда, албатта, унга малҳамдек бўлиб Муҳаммад аканинг шеърлари ёдингизга тушар. “Бободехқон”, “Ўзбек иши”, “Нега йиғламайсан”, “Уруш бўлмасин”, “Пахта”, “Биринчи синф болалари”, “Сўроқ”... ҳар бири жамоатчилик томонидан катта воқеа сифатида қабул қилиниб, кизгин муҳокама-мунозараларга сабаб бўлганди. Ўша йили ёз бошида Фарғонадаги Марказий стадионда катта концерт ташкил қилинди. Сизга ёлғон, менга чин, футбол томошасигаям бунча муҳлис тушмайди:

Ўтиргани жой йўқ, тумонат одам. Сабаби бор-да, кимсан Таваккал Қодиров бошчилигида бу ёғи Охунжон Мадалиев торини созлаб турган бўлса, бу ёқда эса Анвар Обиджону Муҳаммад Юсуфлар чиқиши кутилаётган бўлса... Концерт ўз йўлига, Анвар аканинг олтиариқча ҳазилга йўғрилган шеърлари томошабинларни бир қийқиратиб олди. Устоздан сўнг навбат “ёшларнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфга” берилди. Муҳаммад ака ўзига хос сал қийрихонроқ одим отиб, минбарга кўтарилди. Стадион сув қуйгандек жим. Халқ ўз дардкаш шоирдан ҳар доимгидек кутилмаган бир шеър кутяпти. Шоир бироз бўғик, узук овозда “Дўппи” шеърини ўқий бошлади. Мен атрофга қарайман: минглаб муҳлис нафас ютиб, саратонда чўллаган йўлчидек ютоқиб тинглаяпти. Ниҳоят шеър якунида фикр портлади: “Бошга лойиқ дўппи йўқми ё, Бош қолмади дўппига лойиқ!” Стадион ларзага тушди. Одамлар жон-жаҳди билан қарсак урарди, ёшларнинг олқишлаб қийқиришидан қулоқлар батанг бўлди. Ёнимда ўтирган Абдулла дўстим қўли билан ишора қилиб бир нарсалар деди. Қарасам, бир киши майдонни кўндаланг кесиб шоирга қараб шитоб боряпти. Минбарга енгил кўтарилди-ю қўйнидан яп-янги Марғилон дўппини олиб, совринни кўз-кўз қилаётгандек боши узра кўтариб намоийиш этди-да, меҳр билан, эҳтиром билан шоирнинг бошига қийгазди. Яна қарсак, яна олқиш. Бу ўзига хос совринда ўзбекона тимсол бор эди назаримда.

Ўша куни оқшом Водилга – Турсунали полвонниқига зиёфатга жўнадик. Муҳаммад акалар алоҳида енгил машинада, биз полвоннинг томоша машинасида. Полвон акани биласиз, яхши шеърнинг, ҳақиқий шоирнинг қули. Эҳ-ҳе, бу дарёдил инсон туфайли қанчадан-қанча ижодкорлар бир-бирини таниган, топган, кўнгли ўсган. Аканинг саховати ҳам ўшанча бор. Шу кеча ҳақиқий назм ва наво кечаси бўлди. Асосий қахрамон, албатта, Муҳаммад Юсуф. Табиийки, даврадагилар шоирдан янги шеър сўрашди. Муҳаммад ака шошмасдан чўнтагидан тўрт букланган қоғозни олди-да, “тандирдан янги узилган, ҳали ўзим ҳам ёд олганим йўқ, сизлар биринчи эшитувчисизлар. Турсунали полвон ўқишга миллий кийимда борса, ректор бу Маданият институти бўлса, тўн қийиб юриш мумкин эмас, деганмиш”, деди-да машҳур “Тўн”ини ўқий бошлади.

*Ўзбекнинг тўнини енглари узун,
Ўзбекнинг жўнини енглари узун.
Енги узун қўйлак қийманлар сизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар...*

Хизмат қилиб юрган мезбон болакай ҳам шеърга маҳлиё бўлиб қўлида чойнак билан эшикка суянганча

котиб турарди. Шеър ниҳоятда равон, қуйма, табиий, худди Водилсойнинг кумуш сувидек роҳатихон эди. Бир пасдан кейин Полвон ака мени таърифлаб даврага таништирди ва Муҳаммад акадан изн сўраб, каминага навбат берди. Ёшлик экан-да, хотира тиник, қон қайноқ, қойил қолдириш, таассурот уйғотиш истаги жўш урган... Шоир менга ёнидан жой бериб, “ана энди ўқи”, деб буюрди. Полвон ака давранинг у ёқ бу ёғида гаплашаётганларни “тпш” деб, кўрсаткич бармоғи билан ёлғондакам пўписа қилиб тинчителишга киришди. Шеър айта бошладим. Гап-сўз аста-секин тинчиб, даврадагилар таажжубланиб бир-бирига қараб, кош кўтариб имо-ишорага тушди. Мен ҳозиргина Муҳаммад ака ўқиган “тандирдан янги узилган” шеърни тугилмасдан, бамайлихотир ёддан айтиб бермоқда эдим. Шеър тугади. Шоир менга бироз ажабланиб, ҳам иккиланиб қаради. Кейин гап нимадалигини тушуниб, “Қойил! Икковимиз битта шеърни ёзиб қўйибмиз-а”, деб ҳазиллашди-да, сочимдан ғижимлаб, пешонамга пешонасини дўстона уриб қўйди. Шоирнинг илтифотидан даврага янада файз киргандай бўлди...

* * *

“Мен жумла жаҳонни севаман, бутун инсониятга жоним садаға”, деб айтиш осон. “Бутун дунё оналарига гулдан ҳайкал қўяман”, деб ҳаммаям айтолади. Лекин биттагина одамни яхши кўриш, кадрлаш, унга яхшилик қилиш анча мушкул иш. Ён кўшнисига керак пайтда ёрдам беролмаган одам жаҳонга нима қилиб берарди дейсиз. Буюк Навоий бежиз “Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай...” деб ёзмаган.

1994 йили Набижон Боқий раҳбарлигида Шоҳимардонга борадиган бўлдик. Набижон ака “Муҳаммад бир зиёрат қилиб келайлик деяпти, йиғиштиринг майда-чуйда ишларни, кетдик”, деди. Хўп, дедик. Кўнмай кўринг-чи! Набижон Боқийни биласизу... Эртаси оқшом Андижон поездига Муслмон Намоз, Салим Ашур, Муҳаммад Шариф... чиқдик. Азонгача уйқу тугул, ёнбошлаб ётиш ҳам бўлмади. Муҳаммад Юсуфнинг суҳбати, мушоира, улфатчилик (айтганча, у даврларда Набижон ака ажабтовур ичарди). Тонгда Бағдод тумани марказидаги Фуркат станциясида бизни шахсан Абдуқаҳҳор Абдусаматов кутиб олди. Муҳаммад аканинг оёғига қўй сўйилди, мезбонликнинг расм-русумлари бажарилди. Ҳозир “Тоҳир-Бағдод” ижод уйи жойлашган толзорда юзлаб одам йиғилган, байрамона шукуҳ хукмрон эди. Ростдан ҳам Муҳаммад Юсуфдек шоир билан юзма-юз учрашиш, шеърларини ўзидан эшитиш кадрини билган одамга тўйдай гап эмасми? Ахир халқнинг ўз шоири оила аъзосидек кадрдон бўлиб қолади, асарларини ҳар бир одам мен учун ёзилган, менинг ичимдагини ёзган, деб ўйлайди. Салим Ашур иккимиз ҳам шеър ўқидик, олачалпоқ қарсақ бўлди. Муҳаммад ака кўнглимизни кўтариб, халқдан дуо олиб берди. Сўнг Бағдоддан Шоҳимардонга йўлга чиқдик, ҳоким бува бекаму кўст кузатди.

Кўли Қуббон, Ёрдан азиз каби қутлуғ манзилларда уч кун истироҳат қилдик. “Ёз фасли, ёр васли, дўстлар суҳбати” бир умрга эсдалиқ бўлди. Гаплашилмаган мавзу, тегилмаган масала қолмади. Бироқ ғийбатлашмадик. Қайси шахс ҳақида мундайроқ гап кўзғолса, Муҳаммад ака оғизга урарди: “Ҳеч бўлмаса, Шоҳимардондан уялинглар. Ўша одамнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг-чи! Уларга ҳам осон эмас...” Мен аканинг бағрикенглиги, олижаноблигига яна бир бор беш кетдим.

Шоҳимардон марказидаги томоша майдо-нида иттифоқо, устоз Йўлдош Сулаймонни учратиш қолдик. У киши уч-тўрт марғилонлик ижодкорлар билан дам олишга чиққан экан. Узоқдан тўлиб-тошиб, қувончдан чарақлаб, кучоғини очганча Муҳаммад акага пешвоз юрди. Шоирни азамат кучоғига оларкан, тинмай “Улуғим, улуғим-а”, дерди. Йўлдош ака тушлик чоғи чўнғара гуручига ош дамлатиб, бизни сийлади. Муҳаммад Юсуф аҳён-аҳён адибга жавобан аския қилмоқчи бўлар, ўхшаса-ўхшамаса, Йўлдош ака тиззасига шаппатлаб, осмонга қараб, силкиниб қуларди...

Қайтишда яна Бағдодда кўноқ бўлдик. Устоз маҳаллий полвонларни суриштирди: “Тўра полвон бўларди, тирикми? Рустам полвон вахли кетибди-да, аттанг... Ёш полвонлар ҳам борми?” Кейин Марҳаматда сайлларда кураш бўлишини, Қозоғистону Татаристондан полвонлар келиб белотиш курашида қатнашган пайтларни эслади. “Аmmo ҳаммасидан бағдодликлар зўр чиқарди, Ҳожимукониниям чалпак қиларди Рустам полвон”, деди.

Меҳмонларга харидор кўп, айникса, шоирга “бир пиёла чой” таклиф қилганлар сон-саноксиз. Мен кишлоғимга ўтиб, уйдагилар билан хайрлашиб келадиган, кейин Тошкентга қайтадиган бўлдик. Бирдан Муҳаммад ака, “мен ҳам сен билан кишлоғинга бораман”, деб машинага чикволди. Ҳолатимни тушуниб турибсиз, менга нокулай, шундай шоирни ҳеч бир тайёргарликсиз ҳовлига олиб бораманми? Гап эшитишим аниқ. Айникса, Илёс акамдан: “Бир оғиз хабар бериб қўймайсанми, қўй-пўй ёнбошла-тиб кутиб олмаймизми? Ҳа, бола ёш!” деган даққини эшитишим тайин. Йўл-йўлакай устоз оилавий шароитни суриштирди. Мен шунчаки гап орасида дадам “Тошкентда одам бўлишингизга кўзим етмайроқ турибди, ундан кўра туманимиз газетасида ишлаганингиз маъқул, Абдуқаҳҳор ўзимизники”, деганини, ўзим ҳам иккиланиб турганимни айтдим. Муҳаммад ака муносабат билдирмади.

Ҳозиргидек эсимда, сўрида ўтирибмиз. Тепамизда ранг ола бошлаган узумлар август шабадасида сокин чайқалади. Акага ҳовлимиз маъқул тушди. “Кенг, саришта экан, ўзбекнинг ҳақиқий ҳовлиси шу-да”, деди тандирга ишора қилиб. Дадам ишда экан, аям дарров чой дамлаб келди. Муҳаммад ака кутилмаганда аямга юзланиб: “Ая, мен қанақа шоирман”, деб сўраб қолди. Аям: “Вой, Муҳаммаджон, сиз энг зўр шоирсиз-да, бунга ҳамма

биладию”, деди чой қайтариб. Шунда устоз бошқача бир овози товланиб, “аяжон, ўғлингиз мендан ўн марта зўр шоир, ҳали кўрасиз, мени айтди дейсиз, фақат бунинг жойи Тошкентда, менинг ёнимда”, деди. Аям кўзларига ёш олди. Мен билиб турибман, бу гаплар онанинг кўнгли учун, менинг келажим учун бўрттириб айтилганди. Муҳаммад аканинг шуҳратига яқинлашишга мендақаларга йўл бўлсин. Устоз одамни, айниқса, онани мана шундай кадрлар эди.

* * *

90-йиллар бошидаги кескин бурилишлар адабиётнинг ҳам чайқалишига сабаб бўлди. Янги тузумга ўтишдаги каловланиш, айниқса, ижтимоий мувозанатнинг бузилиши, моддият бирламчи талабга айланиши адибларга зўр таъсирини ўтказиб, аксарият ижодкорлар тушкунлик гирдобида қолди. Шўро сиёсатининг оташин куйчилари ўз асарлари ўзларидан аввал рихлатга юз тутганидан гангиб қолган эса, саройдан ташқари юрган қалам аҳли мавзу тополмай гаранг бўлди. Халқ ўзини бозорга урди, арзонпуруш шоирлар ҳам раста ёйишга киришди. Ана шундай ғалағул тушган даврда ҳақпараст ёзувчимиз Шукур Холмирзаев “Адабиёт ўладими?” деган чақмоқдек сарлавҳа остида донғил мақола эълон қилдиким, барча сўз санъати ихлосмандлари ларзага тушди: “Дарҳақиқат, энди кимни қаҳрамон этиб белгилаймиз, кимга қарши байроқ кўтарамиз? Энди ҳамма гапни айтиш мумкин бўлса, цензура йитган эса, сўзда жозиба қоладими? Нафис адабиётга эҳтиёж нафосат аҳлида бўлади, бу нозик тоифа дажжол бозоридан беғижим чиқармикан?”

МАҚОЛАНING ХУЛОСАСИ БУЛ ТУРУР:

“Биз кўриб-яшаб турган ҳаёт эса мислсиздир: инсоннинг ноёб сифатлари, қусурлари-ю эврилишлари, буюкликлари ҳар сонияда намоён бўлмоқда. Вазифа – уларни кўриш, англаш, мағзини чақиш ва тасвирлаш орқали инсонларни олий нурга – эзгуликка тортишдан иборатдир. Шу йўлдан адашмасак ва бизни адашишга мажбур этмасалар, бас, қолгани ўзимизга боғлиқ экан. Тўғри, ҳар ким ҳар хил савияда ёзади, бу ёқда “бозор иктисодиёти” ҳам хавф солаётирки, у ҳар қандай асарни ҳам кўтармайди. Буларни-да ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Ҳисобга олиш эса маҳоратга, ибтидоий одам истаганидек, асарнинг қизиқ ва завқли бўлишига зўр эътибор бериш демакдир. Ана шундай талабга жавоб бергудек асарлар яратила бошлар экан, китобхонлар кўзи ўнгида хийлагина обрўйи тушган адабиётимиз ҳам, ёзувчиларимиз ҳам яна қайта ўз мавқеини эгаллайдики, бу – янги обрў, янги мавқе бўлади”.

Кўриб турибсизки, адиб некбин хулоса бермоқда. Лекин мавзу ва сарлавҳа афкор оммада шу қадар шов-шув кўтардики, энг тепса тебранмас сўз муҳиби ҳам саросимада қолди. Айниқса, Муҳаммад Юсуф батамом ўзини йўқотган, гўё ҳукм кутаётган маҳбусдек кўринарди. Мен шоирни “Инқилоб”

хиёбонида саломга алик олишга ҳам ҳуши келмай руҳсиз ўйга чўмиб ўтирганини кўриб шунини таҳмин қилардим. Лекин бу навмидлик узоқ чўзилмади. Шукур Холмирзаев ишора қилган нажот қопқасини очиш Муҳаммад аканинг ўзига насиб этди. Устоз шеърятни янгилади, оҳор берди. Губор босган назм кўзгусини энги билан артиб, кўнгилга солди. Оқибатда ҳеч қайси шоир муяссар бўлмаган шону шуҳрат эгаси бўлди, миллионлаб нусхада китоби чоп этилган ягона ўзбек шои-



* * *

Муҳаммад ака турмушнинг майда икир-чикирларига берилмади, ўткинчи туйғуларга ўралашиб қолмади. Куйлаганда бор овози билан, рўй-рост, баланд пардаларда куйлади. Ҳаётини, ижодини буюк мақсадларга бағишлади.

У ўз халқини, тупроғини, Ўзбекистонини беғараз яхши кўрарди. Ишончим комилки, агар керак бўлса, Ватан учун ҳеч иккиланмай жонидан кечишга тайёр эди. “Ўзбекистон менинг онам, кимки унга қўл кўтарса, қўлларини уриб синдираман”, деганда ҳақиқий фарзанднинг, ориятли йигитнинг иқрорини, яъни ўзининг чин сўзини айтганди.

Аканинг Ватан ҳақидаги қўшиқлари минглаб ёшларни тарбиялади, тўғри йўлга солди. “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” деб ҳайқирганда юракларга ларза тушди, Ватан қадрини, озодлик бахтини англади. “Иддаолар қилмай” халқини севган, Истиклол куйчисига айланган шоир ўз навбатида Юртбошидан, юртидан меҳр кўрди, ардоқланди. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида халққа, Ватанга “Муҳаммад Юсуфдек шоирлар зарур”лиги алоҳида таъкидлангани шоир ижоди ва шахсиятининг моҳиятини яққол кўрсатган.

Самимият, бизнингча, табиийлик демакдир. Дунёни фақат оқ-қора рангда кўрадиган далтониклар бўлгани каби кўпчилик илғамайдиган бўёқларни кескин ажрата биладиган зако соҳиблари ҳам учрайди. Бу неъмат, албатта, улуғ Тангрининг севиқли бандасига сийловидир. Ўз навбатида, ана шундай ноёб истеъдод эгаси, магар у ижодкор бўлса, мансуб халққа Ўғлонининг олий тухфаси саналади.

Устоз Муҳаммад Юсуф ана шундай табиий шоир, самимий инсон эди.



I Бўлим

**ТЕАТР
ВА
КИНО**

ЭМОЦИОНАЛ КАЙФИЯТДА ФИКРЛАЙДИГАН ШОИР

“Муҳаммад Юсуф тўғрисида билиб, билмай ёзадиганлар кўпайиб кетди. Унча яқин бўлмаган кишилар тўқиб ёзишса, кишининг ҳамиятига теккандек туюлади. Шукурлар бўлсинки, Муҳаммад аканинг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида, Тошкент давлат шарқшунослик институтида, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида ишлайдиган курсдошлари, дўстлари ҳаёт. Улар билан учрашувлар ташиқил этиб, кўпроқ маълумотларга эга бўлиш, ҳаққоний ҳақиқатларни ва хотираларини ёзиш имконияти бор. Чунки бу дўстлар ёлгон сўзлашга йўл қўймайдилар”[1].

Шоирнинг умр йўлдоши Назира опа Саломова билан суҳбат чоғида гапни ушбу сўзлардан бошлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Китобхон шоирнинг ижодидан бахраман бўлиш учун шеърини тўпламларини қўлига олади ва юрагига яқин бўлган шеърни танлаб, ёдлайди. Ёки китобхон ўқитувчи бўлса, бирорта тадбирга ўқувчисини тайёрлаш учун шу тадбир мавзусига мос шеърни танлаб, ўқувчисига ёд олдиради, агар у сахна нутқи ўқитувчиси бўлса-чи? Тайёрлаётган актёрининг қалбини очиш, сўзларнинг туб маъносини сингдириш ва асар моҳиятини томошабинга етказиш йўлида чуқурроқ мулоҳазага эга бўлган шеър излайди, топиб, талабаси билан ишлай бошлайди. Аммо шоирнинг ҳаёт йўлини, унинг изтиробларини, ижод машаққатларини сезмаган ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бари бир мукамал ижрони рўёбга чиқара олмайди. Шунинг учун адабиётни, хусусан, шеърини саёз билиши мумкин эмас.

Муҳаммад Юсуф ҳақида кўпроқ билишни истаган киши унинг яқинларига эргашади. Шунда шоир ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлади, адабиётдаги кучини янада чуқурроқ ҳис этади.

Пойтахт ҳар доим инсонларни билимга, илмга чорлаган, уни ҳар томонлама чархлаб туришга хизмат қилиб келган.

Ўн саккиз ёшида Тошкентга келиб, адабиёт қозонида қайнаган Муҳаммад Юсуф институтни битирганидан сўнг, “Китобхонлар жамияти”да ишлаб, тинимсиз ижод билан шуғулланади. Унинг ўзбек адабиётида мукамал шоир бўлиб танилишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг хизмати катта бўлган. Ўзбек адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшган публицист, очеркнавис, драматург Н.Сафаров ёш шоирнинг шеърларида ватанпарварлик ҳисси борлигини сезган. Қисқа вақт бўлса-да, устознинг ўғитлари шоирнинг ҳаётида ўчмас из қолдирган.

Назира опадан шоир ҳақидаги маълумотларни олар эканман, ушбу фикрлари ҳам мени чуқур ҳаёлга

толдириди. “Одатда, қишлоқ болалари дала ишларини ҳам, уй ишларини ҳам ўз ўрнида бажарадиган, меҳнаткаш бўладилар. Мол-ҳолни ҳам эплаб кетаверадилар. Лекин Муҳаммад ака ёшлигида кўп ҳам далада деҳқончилик ишларини севиб қилавермаган экан, бунақа ишлардан кўра расм чизишни хуш кўрар экан. Чизганда ҳам, жуда ўхшатиб чизар экан... Ўн саккиз йил умри Андижон тумани, Марҳамат тумани, Қовунчи қишлоғида ўтган бўлса, йигирма тўққиз йил умри ижодий меҳнатда – Тошкентда ўтди”[1]. Ҳа, расм чизган бола ҳаётга чуқурроқ нигоҳ билан қарайдиган бўлади, ҳуда-беҳуда гапларни гапирмайди. Ўйлаб, ўйлаб, кейин сўзини тилга чиқаради. Унинг қалбида турли хил поэтик образлар яшайди. У шу образлар билан суҳбатлашади, суҳбат чоғида жўшиб кетади ва қўлидаги қалам орқали қоғозга дурларини соча бошлайди.

Машҳур шоир Иоганнес Бехер шундай ёзган: “Ёмон расмларнинг айби ёмон чизилганида эмас, балки ёмон ўйланганидир”[2]. Табиийки, шоирнинг етук ўй ва фикрлари тўғрилиги, ўзининг чиройлилиги ҳамда таъсирчанлиги билан қалбларга етиб борган. “Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир куш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша куш айнан Муҳаммаджоннинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагида ошён курганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди”[3].

Масалан, шоирнинг Ватан ҳақидаги шеърлари ҳар қайси ёшдаги инсоннинг юрагини ларзага келтиради. Чунки, шеърлардаги кечинмалар ҳар қандай инсоннинг қувончу дарди билан чамбарчас боғлиқ. Сўзлар гоҳ ўй-хаёлга толдиради, гоҳ чинакам руҳий мамнуният, сурур бағишлайди.

*Онамга ўхшайди менинг Ватаним,
Онамдай меҳрибон, онамдай хоксор.
Ҳолбуки, қизи бор енголмас ганим,
Ҳолбуки, ўғли бор чакмоқдек шунқор.
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,
Қушининг инини ҳам бузгиси келмас.*

Бу шеърдаги “ҳолбуки, қизи бор енголмас ганим, ҳолбуки, ўғли бор чакмоқдек шунқор” деган сатрлари ўқувчи қалбида ғурур ҳиссини уйғотади. Қиз боланинг тасаввурига ихтиёрсиз Тўмарис, Бибиҳоним каби момолар келса, ўғил болаларнинг кўз ўнгида Жалолиддин, Амир Темур каби боболаримиз гавдаланади.

Ёки шу шеърдаги қуйидаги мисраларда ифодаланган: “кимлар чумолидир, кимлар шилликқурт” сўзларда шилликқурт бўлиб кун кечиргандан кўра, чумолидай меҳнаткаш бўлиб, ҳеч бўлмаганда оила-сига фойда келтиришга ҳаракат қилиш керакли-



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг волидаи мухтарамаси Энаҳон ая Сотиболдиева.

гини айтмоқчи бўлади. Поэтик образлар орқали ҳаёт ҳақиқатини ўзгача сифатларда беришга интилади:

**Замин қандай улуг, замин беҳудуд,
Кимлар чумолидир, кимлар шиллиқурт.
Болам, буюрмасин ўзгага, дейди,
Ҳамманинг ўзига насиб этган юрт.
Чунки дунё кўрган, кўргиси келмас,
Кушнинг инини ҳам бузгиси келмас.**

Шеърнинг сўзлари ниҳоятда содда ифодаланган. Тилга кўчиши ҳам осон, тасаввурларни ишга солиш ҳам энгил кечади. Асосийси, хотирага тез ўрнашади.

Актёрлик маҳоратини эгаллаш ниятида институтга келган аксарият талабаларда тасаввурни ишга солиш жуда қийин кечади. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Ҳаётни кузатмаслиги, адабиётни севмаслиги, кам мутолаа қилиши ва ҳоказо. Актёрлар учун тасаввурларни ишга солишга бағишланган юзлаб техник машқлар ишлаб чиқилган. Машқларни бажариб, сўзга ўтиш жараёнида М.Юсуфнинг шеърларидан парчалар ўқитилганда, тилининг тозаллиги, яъни шевалардан холи адабий тилни тез ўзлаштириши, фикрлаши, образли тасаввур қила олиши, энг асосийси, сўз ҳамда мантиқий урғуларни тўғри қўя олиши бўйича тез ва соз натижаларга эришилиши мумкинлиги дарс жараёнларида жуда кўп кузатилган.

Албатта, сўзга янги маъно, янги бадий жило бериш шоирнинг истеъдодига, сўз маҳоратига, таассуротларларининг бойлигига боғлиқ. Лекин актёр шоирнинг юрагидаги дардини, илгари сураётган ғоясини ижро қилиш учун қанча меҳнат қилиши керак. Уни ёдлабгина айтиб бериш актёрнинг иши эмас. Унинг ижросида шоир чизган образлар томошабиннинг кўз ўнгида яққол гавдаланиши керак.

Бир мисол келтирмоқчиман: “Драматик театр

ва кино актёрлиги” йўналиши талабалари орасида самарқандлик талабанинг қалбини, тасаввурини ишга солиш жуда қийин кечди. Унинг устига нутки ҳам чатоқ эди. Бу 1997 йилдаги ҳодиса эди. Одатда, актёрликда таҳсил олаётган талабалар жиддий шеърый асарларни II курсда ўқийдилар, яъни ижрога тайёрлайдилар. Шеър билан ишлаш жараёнида ўша талабанинг нутқидаги камчилиги яққол сезилаверди. Яна техник машқлар устида ишлайман, югуртираман, копток машқлари, арқончадан сакраш машқлари орқали тез айтиш, дикцион машқларни бажартираман, натижа ёмон. “Ў” унлисининг ўрнига “у” унлисини, “и” унлисининг ўрнига “э” унлисини қўллайди ёки аксинча. Талабанинг лаблари жуда тор. Дарсдан сўнг талабани олиб қолиб, унга М.Юсуфнинг “Ватан” деб номланган шеърини тавсия этдим. Чунки бу шеърни ўзим жуда яхши кўриб, ёдлаб олгандим. Саҳнада талабанинг нигоҳларида, ташқи кўринишида тарихий шахс образларини ярата оладиган кирралари борлигини сезардим. Шеърнинг ғоясини, сўзларининг туб маъносини, шеърдаги темпо-ритм масалаларини тушунтириб, уни икки қават куб тахлаб, унинг устига чиқариб, қўлига табуретка кўтартириб қўйдим ва шу ҳолатда ушбу шеърни ўқитиб кўрдим. Асосий мақсадни аниқлаб бердим, яъни ўзининг туғилиб ўсган кишлоғини душманлардан қизғаниб, уларга айтадиган гапини шу шеър мисраларида ифодалашни лозимлигини тушунтирдим. Талаба дарров ҳолатга кирди. Пешонасидан тер оқа бошлади, баралла овозда ғурур ҳисси билан шеър ўқий бошлади:

**Эй, менга эртақлар сўйлаган Замин,
Эргашиб изиндан қолмасман сенинг.
Ўзгалар наздида Боги Эраминг
Жийданг япрозига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.**

*Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,
Ялпизлар ястанган дала-даштларинг.
Осмонга туташган оқтерак ўлкам,
Кўнглимда ўзгача сайру гаитларинг.
Ватан, қадрим уйи – хонақоҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.*

Ушбу шеърда сўзлар шундай заршунослик билан танланганки, ижрочи бу сўзни айтиш учун оғизни очишга мажбур бўлади. Унли товушлар билан сўзларнинг гўзаллиги кўринади, оҳангдорлик билан янада жиллоланиб кетади. Юрак тўлқинланмай илож йўқ. Талабанинг ҳам юраги шеър ўқиш пайтида шундай тўлқинланиб кетдики, нутқидаги жўшқинлик, кишлоғини бегоналардан қизганиб, Ватанини мақташ руҳидаги ижроси унинг нутқий камчиликларини ҳам яшириб қўйди. Унинг тасавурида эрта баҳорда далалардаги, ариқ бўйларидаги ялпизлар ҳам, кумуш ранг оқтераклар ҳам гавдаланди. Ҳатто сўз урғулари ҳам шундай тўғри қўйилдики, ялпизларнинг хидларигача ҳис қилгани сезилди. Талабанинг қалбини очиш йўлида амалда қўлланиладиган бунақа услублардан қўллаб мисолларни келтириш мумкин.

Шоирлар образли фикрлайди, дейишади, китобларда. Менимча, Муҳаммад Юсуф эмоционал кайфиятда фикрлайдиган шоир бўлган. Чунки интервьюларида ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ажойиб эмоционал кайфиятда фикрларни айтар эди. Масалан, “Мен Ватан деганда Онамни тушунаман, менинг Онамни, менинг Ватанимни ҳақоратлаган одамнинг қўлини синдиришга тайёрман!”, деган сўзлари эшитувчининг этини титратиб юборади. “Деярли ҳамма халқда бирор-бир яхши тадбир бўлса, йиғилиб, овқатланиб бўлгач, албатта, баланд овозда, жўр бўлиб қўшиқ айтишади. Ўзбек халқида бундай одат йўқ, нега шундай, чунки бу миллатнинг тарихи буюк, унинг қўшиғи ҳам, ор-номуси ҳам юрагида, қалбида...”, деган фикрлари яна кишини ўйлантириб қўяр эди.

“Шеърнинг дунёга келишини тўлғоқ тутаётган пайтга қиёслаш мумкин. Шеърларини асосан уйда, фарзандларидан хотиржам бўлган чоғларида ёзганлар. Шеър қоғозга тушаётганда улар халал бермаслиги шарт эди. Ёзганларини, албатта, менга ўқиб берардилар. Мен ёнларида бўлмасам, бутун бошли шеърнинг баҳридан ўтган пайтлари ҳам бўлган, йиртиб ташлаганлар. Шунинг учун ҳар доим сергак туришим керак эди. Уларни тушуниб етганим учун ҳақиқий дўстга айлангандим. Мени шунинг учун кадрлардилар”, [1] деб эслайди Назира опа.

Муҳаммад Юсуфнинг жуда кўп шеърлари халқимиз қалбига қўшиқ орқали кириб келди. Кўпгина лирик хонандаларнинг машҳур бўлишида шоирнинг роли жуда катта бўлди.

Унинг зийраклиги, топқирлиги, кузатувчанлиги қўшиқларда ҳам сезилиб туради. 2012 йил чоп этилган шоирнинг “Сайланма” китобида шоир ва хонандаларнинг шоирни эслаб ёзган хотиралари ҳам киритилган. Шунда Муҳриддин Холиқовнинг “Қизғалдоқ” шеърининг ёзилиш тарихи ҳақида айтган икки оғиз гапи бор. “... шоир билан тоққа дам олгани чиққандик. Ҳаммамиз ўзимиз билан бандмиз. Бир маҳал Муҳаммад ака бир ўзлари четда хаёлга берилиб ўтирибдилар. Ёнларига бориб: “Ҳа, ака, нималарни ўйлаяпсиз?” деб сўрадим.

У: “Муҳриддин, қара, анави қизғалдоқ менга тинчлик бермаяпти. Ўпай десам пешонаси йўқ, узай десам тўкилиб кетади. Бир шеър ёзсам, қўшиқ қиласанми?” дедилар. Кейинроқ ҳаммага машҳур “Қизғалдоқ” қўшиғи яратилди” [4].

Элимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф шеърларини бугунги кунда ўқимаган, ёд олмаган киши орамизда жуда кам бўлса керак. Агар шоир ҳаёт бўлганида 66 ёшда бўлар эди. Пойтахтимиздаги энг гўзал боғ – Адиблар хиёбонидаги 24 нафар шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳайкаллари қаторида XX асрнинг энг ёш шоири сифатида қад кўтариб туриши ҳамда шоирнинг ҳайкали ёнида доимий учрашувлар, маҳорат дарслари, турли кечаларнинг ўтказилиши – ёшу қарида бирдай адабиётга, санъатга бўлган меҳр туйғусини уйғотишга хизмат қилиб келмоқда.

Бугун Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари турк, қирғиз, қозоқ, тожик, француз, инглиз тилларига таржима қилиниб, тилларда дoston бўлмоқда. Айниқса, унинг шеъри билан куйланган қўшиқлар ҳар хил миллат вакиллари томонидан куйланиб, ижтимоий тармоқларда янграмоқда.

Назира опа билан суҳбатимни тугатар эканман, олдимдаги компьютер орқали олдиндан тайёрлаб қўйилган “ZOOM” дастури орқали сеvimли шоиримизнинг шеър ва қўшиқларини талабаларимиз, докторантларимиз ижроларини онлайн тарзда эшиттирдим. Назира опа хурсандлигидан кўзларидан ёш қалқиб чиқди. Ёшларимиз шоирнинг шеър ва қўшиқларини шунақа севиб ижро этишар эдики, ўзим ҳам опага қўшилиб йиғлаб юбордим...

Адабиётлар рўйхати:

1. Саломова Назира опа билан ўтказилган суҳбатдан. 2020 йил 27 май.
2. Акрамов Б. Шеърят гавҳари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 3-бет.
3. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Тошкент: “Ижод дунёси”, 2004. 3-бет.
4. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: “Sharq”, 2012.

МУҲАММАД ЮСУФ – ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек шеърияти ривожига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ижодида барқ урган самимият, миллий гурур, фалсафий соддалик, Ватанни улуғлаш каби ўзига хосликнинг давлатимиз томонидан эътироф этилгани, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти устозлари ва талабалари томонидан таъкил этилган адабий-бадиий тадбирлардаги ўзида самимиятни мужассамлаштирилган композициялар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ватан, шеърият, фалсафа, халқона соддалик, ғизон, миллий гурур, ифтихор, композиция.

Мамур УМАРОВ,
доцент кафедраси “Искусствоведения и культурологии” ГИИКУЗ, кандидат филологических наук,
Барно НУРМАНОВА,
докторант по специальности “Театральное искусство”

МУҲАММАД ЮСУФ – ГЕРОЙ НАШЕГО ВРЕМЕНИ

Аннотация: В данной статье освещается творчество народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа, который внес огромный вклад в развитие узбекской поэзии, отмечается искренность, философская простота, самобытность его стихотворений, где воспеваются Родина, речь идёт о литературных мероприятиях, организованных преподавателями и студентами Государственного института искусств и культуры Узбекистана.

Ключевые слова: Родина, поэзия, философия, интернациональная простота, стон, национальная гордость, гордость, композиция.

Mamur UMAROV,
Associate Professor of the Department of “Art History and Cultural Studies” of UzSIAC, Ph.D.
Barno NURMANOVA,
Doctoral student in “Theater Arts”

MUHAMMAD YUSUF – HERO OF OUR TIME

Abstract. This article notes the great contribution to the development of Uzbek poetry, the work of the People’s Poet of Uzbekistan Muhammad Yusuf, sincerity, national pride, philosophical simplicity, the identity of the Motherland, literary and artistic events organized by teachers and students of the State Institute of Arts and Culture, these are compositions that embody sincerity.

Key words: Motherland, poetry, philosophy, international simplicity, groan, national pride, pride, composition.

XX аср бошларида немис файласуфи Жан Поль: “Бу дунё ичра, яна бир дунё бор – у шеъриятдир”, деган эди. Шеърият оламига қизиқадиганлар бу фикр нақадар тўғри эканига ишонади. Чунки шоирлар сўзида сеҳр бор. Шунинг учун уларнинг сўзлари илоҳий кудратга эга. Ҳақиқатан ҳам, шеъриятдаги сўз оҳанги ва бадиийлик уйғунлашганда, унинг ҳис-туйғуларимизни кўзғовчи кудрати ошиб кетади. Бу кудратни англаб етган шоирлар – дунёга ва ватанга нисбатан пайдо бўлган илоҳий ишқини сеҳрли сўзлар орқали, халқона соддаликда, фалсафий ҳамда самимий изоҳлайдилар.

Муҳаммад Юсуф ҳаётни ва Ватанни қандай илоҳий ишқ билан севиш мумкинлигини ўз шеъриятида исботлай олган ижодкор шахс эди. Бу ишқ – халқона тилда, самимий изҳор қилинган боис, дарҳол юракка тегадиган, туйғуларни кўзгайдиган, эса қоладиган ва тилдан-дилга кўчадиган кудратга эга эди. Халқимизда буюклик – оддийликда, деган ибора бор. Муҳаммад Юсуф жимжимадорликдан воз кечиб, оддийликка қадам қўйди, бу оддийлик шу даражада соддалашдики, танланган мавзунинг шеърий таҳлили – фалсафийлашди.

Шоир бу кудратни қайдан олди? Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейдилар. Яссавийнинг “Ҳикматлар”ида оятлар ёки ҳадислар моҳияти – оддий, халқона

тилда самимий изоҳлангани учун улар тилдан-дилга кўчиб, шоирга машҳурлик олиб келди.

Машраб ғазаллари ҳам оддийлиги, фалсафий талқини ҳамда самимийлиги билан қалбга ва онга дарҳол таъсир этгани учун, кўшиқларга айланиб, тилдан-дилга кўчиб юрди. Махтумқули шеъриятида бу анъана давом этди. Фурқатнинг юрт ишқидаги ғизони, Муқимийдаги зиёлилар аҳволига нисбатан истехзо, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон шеъриятидаги – Ватан қайғуси, унинг истикболи учун куюнчаклик ўзбек шеърияти оламининг уфқларини кенгайтди.

Ҳамид Олимжон ўз ижоди билан илоҳий ва дунёвий ишқ уйғунлашганда – Ватанга бўлган муҳаббат юксакликка кўтарилиши мумкинлигини асослади.

**Чанпар уриб гуллаган богин,
Ўлар эдим Ватан тунрогин...
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур...**

Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеъриятида – Ватанни севиш, уни таърифлаш ва улуғлаш янада юксак поғонага кўтарилди. Улар дунёвий туйғуларимизга таъсир этадиган, фикрлашга ундайдиган ижтимоий масалаларни шеърий мавзуларда халқона соддаликда талқин қилишди. Бу алломалар

кенг камровли мавзулар таҳлилидаги метафора ҳамда қиёсий ўхшатишлари орқали бир-бирларини тўлдириб боришди ва ўзбек шеърлятида бадиий яхлитликни вужудга келтиришди. Улар эътиборидан четда қолган мавзуларни – Рауф Парфи, Омон Матжон, Шавкат Раҳмон ва Муҳаммад Юсуф каби шоирлар таҳлил этиб, ўзбек шеърлятини зиёлиларнинг энг севимли жанрига айлантиришди.

Муҳаммад Юсуф Республика рус тили ва адабиёти институтини тугатгани боис, унинг ижодида Шарқ ва Ғарб шеърят олами уйғунлиги шаклланди. Масалан, Пушкин, Есенин ҳамда Анна Ахматова шеърлятидаги соддалик ва самимийлик унинг руҳиятига яқин бўлган. Улар ўз ижодида дунёвий ишқни улуғлашни намуна даражасига олиб чиқди. Масалан, Пушкин – “Мен сизни севардим, чин юракдан, самимий, чексиз”, деса, Есенин – “Эрон гўзали, Шагане, о, Шагане”, дейди. Анна Ахматова эса – “севги ўзи нима?”, деган саволга жавоб излайди. Муҳаммад Юсуф – Ватанни чин юракдан, самимий ва чексиз севиш мумкинлигини ўз ижодида исботлади ҳамда ўзбек халқининг энг севимли шоирлигига айланди.

Тошкент давлат театр санъати ва рассомчилик институтининг “Актёрлик курси”га киришга даъвогар бўлганлардан – шеър, масал ва монолог ижросини сўраш анъанаси бор. 1970 йилдан бошлаб талабгорлар орасида Абдулла Ориповнинг “Аёл” ва “Она”, Эркин Воҳидовнинг “Нидо” ва “Ўзбегим” шеърлари ёки дostonларидан парчалар ижроси удумга айланди. 1976 йилдан бошлаб, Муҳаммад Юсуфнинг матбуотда эълон қилинган шеърларини ижро этадиган абитуриентлар ҳам учрай бошлади.

Мустақилликка эришилгач, Наврўз ва Мустақиллик куни каби байрамларда Ватанни улуғлайдиган шеър ва қўшиқлар сиёсий тадбирларнинг ғоявий-бадиий мақсадини аниқлайдиган таянч ижроларга айланди. Натижада, институт миқёсида ўтказиладиган тадбирлар қаторига – Қодирий, Ҳамза, Фитрат, Авлоний, Маннон Уйғур, Чўлпон таваллудини нишонлайдиган адабий-бадиий композициялар киритилди.

2004 йили Ўзбекистон театр санъати институтида тарихий воқеа содир бўлди. “Саҳна нутқи” кафедрасининг ўқитувчиси Ўктам Нурмухамедова III курс кўғирчоқ театри актёрлари билан марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган адабий-бадиий композиция тайёрлади. Устознинг Ўзбекистон халқ шоири ижодига бўлган меҳри шогирдларига ҳам юққанлигига гувоҳ бўлганлар, раҳбарлар бу композицияни аудиториядан “Ўқув театри” саҳнасига олиб чиқиш лозим деб топди. Тадбирга режиссёрлик қилиш юбилей тадбирларини ўтказиб, тажриба орттирган Маъмур Умаровга топширилди.

Институтнинг 300 ўринли “Ўқув театри” зали 2004 йилнинг 26 апрель куни лиқ тўлди. Бир соат давом этган адабий бадиий композицияга Севара Назархон ижросидаги “Ватаним” қўшиғининг мусиқаси “летмотив” этиб олинди. Композиция якунида машҳур қўшиқ баралла янгради. Талаба-актёрлар, яъни композиция иштирокчилари саҳна олдида сафланишди ва Севара Назархон ижросига жўр бўлишди. Бундай якун томошабинларнинг гулдурос қарсақлар билан олқишланди.

Парда ёпилгач, устоз кўзидаги шашқатор ёши билан ижрочиларни бир-бир бағрига босиб, қутлади. Талабаларнинг ютуғидан қувонган тенгдошлари парда ортидаги ижрочиларни ва ташкилотчиларни мақтай бошлади. Шу кундан эътиборан, Муҳаммад Юсуф шеърляти актёрликка даъвогарлар томонидан энг кўп ижро этиладиган репертуарига айланди.

Давлатнинг барча сиёсий, ижтимоий ва маданий тадбирларини нишонлашда Муҳаммад Юсуф шеърляти асосида яратилган қўшиқлар жаранглай бошлаганини инобатга олган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2013 йил 27 декабрда “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Бу шоирнинг замонамиз қаҳрамонига айланганлигининг тан олинганлиги эди.

Қарорда М.Юсуфнинг шеърлари ва дostonлари халқимизнинг маънавиятини, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзлиқни англаш, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини камол топтириш, истиқлолга садоқат ва Она Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қўшган ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ҳамда бетакрор маҳорати алоҳида таъкидланди.

Ушбу қарорга асосан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам тегишли режалар ишлаб чиқилди ва тадбирни 2014 йилнинг апрель ойида тантанали ўтказиш режалаштирилди. “Саҳна нутқи” кафедраси ҳар йили ўтказадиган анъанавий – “Бадиий ўқиш танлови” иштирокчиларига Муҳаммад Юсуф ижодига тааллуқли шеърлар ижроси билан қатнашиш лозимлигини таъкидлади.

“Драматик театр ва кино актёрлиги санъати” йўналиши талабалари Зокиржонов Бекзод ҳамда Файзиев Абдужаббор – ижросидаги “Муҳаммад Юсуф” номли адабий-бадиий композиция институтнинг “Ўқув театри” саҳнасида намойиш этилди. Саҳна мавзуга мос безатилган ва жиҳозланган, унинг марказини Муҳаммад Юсуф портрети эгаллаган. Портрет саҳна сатҳидан ярим метр кўтарилган. Унинг икки ёнида чарақлаб турган шамлар, портрет тагида – гуллар. Икки актёр ҳам замонавий, зиёлича кийимда. Композициянинг эмоционал таъсир кучини шоирнинг зиддиятли ички кечинмалари ҳамда қувончи орасидаги кураш белгилади.

Абдужаббор шоирнинг тушқун кайфиятли шеърларини, Бекзод жўшқин туйғулари барқ урган шеърларини навбатма-навбат ижро этдилар. Бир шоир икки хил туйғусини икки актёр ижросида намойиш этилишида бадиий рамзийлик бор эди. Шеърлар композицияси ижодкорнинг болалик хотиралари, ўсмирлиги, улғайган пайти, ижтимоий масалалар ва истиқлол қувончи каби мантиқан ривож ҳамда ички туйғулар курашига қурилган эди.

Бир соат давом этган тадбир жараёнида Муҳаммад Юсуф портрети аста-секин саҳнавий фазога кўтарилиб боради. У энг ёрқин ва кўримли нуктага егганда ижро тўхтади. Икки ижрочи ўгирилиб, шоир портретига таъзим қилади. Мусиқа янгради, парда ёпилади. Томошабинларнинг гулдурос қарсаги, қувонч ёшлари, ўзаро қутловлар... Бу Муҳаммад Юсуф ижодига эҳтиром ҳамда ижрочилар жасоратига эътибор эди. Шу кундан бошлаб “Анъанавий танлов”да

иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар репертуарида Муҳаммад Юсуф шеърляти етакчилик қила бошлади.

Ўзбек шеърлятида ўзига хос услуб яратган шоирлардан бири Рауф Парфи эди. У шеърлятимизга японларнинг “Хакку”, яъни энг содда – учлигини олиб кирди. Бизда иккилик – мисра ҳамда тўртлик – рубой мавжуд эди. Шоир ривожланишимизга тўсиқ бўлаётган иллатлардан бири бўлган маҳаллийчилик оқибатида кадрлар масаласи тўғри ҳал бўлмаганлигини қуйидаги миллий “Хакку”да чуқур дард билан изохлайди.

*Бир ёқларга кетмайсанми, учиб-учиб,
Юрасанми ис босиб, қорайиб,
Шўрлик, шаҳарлик чумчуқ.*

Бу масала Шавкат Раҳмон шеърлятида ҳам етакчи мавзуга айланганди. Улар қисматиға ачинган Муҳаммад Юсуф “Лолақизғалдоқ” номли васият шеърини Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлайди ва ўз армонларини битикка айлантириб – аёлиға, қизларига, поэзия мухлисларига, гўзал табиат рамзи бўлган “Лолақизғалдоқ”қа шундай дейди:

*Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ...*

Шоирларнинг башорати авлиёлар ривоятига тенглаштирилган. Мана исботи...



*Ёмон кунлар бир кун
Яхши бўлар-у,
Ёмон одам яхши
Бўлмас ҳеч қачон...
Демак, тақдир экан
Тўй қўрмай ўлмоқ...
Менинг қизларим энг
Бахтли бўлади!
Келинлар қўйлаги
Рухиодай оппоқ...
Тириклар мудроқда,
Ўликлар уйғоқ...
Ишинг тушса, шини
Муҳаммадга бор,
Шоирлар шидда
Ишонганим шу.
Кўкси тиниқ бола,
Ҳалол бола у...
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўйиб, ўшини
Қучоқлаб ўлсам!..
Ўтинчим – тепамда,
Йиғлама узоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

Шоирнинг ҳар бир мисраси Ватанни севишга, борлиқни улуғлашга, ўзгаларнинг ва дақиқаларнинг кадрига етишга даъват қилади. Шу боис, уларни ўқиганда авлиёлик қудратини дарҳол хис этасан. Сабаби, Муҳаммад Юсуф ўзбек шеърляти учун анъана бўлган самимийликни, соддаликни энг қуйи халқона нуқтага олиб тушди, бу нуқта – донолик ва авлиёлик нуқтаси бўлиб, унинг ижодкорини файласуфлар даражасидаги юксакликка олиб чиқадиган ҳамда улуғлайдиган даража бўлиб қолди.

Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрган чоғида, замонамиз қаҳрамонлари ҳайкалларини олий таълим муассасаларига тақсимлаб, Муҳаммад Юсуф ҳайкалини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берди. Мазкур тавсиялар асосида институт раҳбарияти томонидан тадбирларни амалга ошириш режаси ишлаб чиқилди ва унга жавобгар шахслар белгиланди.


Хулоса шуки, замонамиз қаҳрамонига айланган Муҳаммад Юсуфнинг ижодий мероси институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан ўрганилади. Унинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар саҳнага олиб чиқилади. Танлов асосида ғолиблар аниқланади ва рағбатлантирилади. Бундай эзгу ишларга қодир ижодий жамоамиз зиммасига юклатилган хайрли вазифаларни шараф билан адо этади ва эришган натижаларини янада такомиллаштириб, анъанага айлантиради. Бу тадбирлар навбатдаги замонамиз қаҳрамонларини тарбиялашга замин яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2013 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 25 июлдаги “Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг бюсти ўрнатилган хиёбонни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ВАТАН МАДҲИ ВА ТАЛҚИН ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Бугунги кунда ёш авлоднинг тасаввур дунёси, Она Ватанини аслича, бор қиммати, қалби билан ҳис этиши, қадриятларимизни асраши, меҳр ва эътиқод кўрсатиши каби инсоний фазилатларини тарбиялаш яшаш тарзимизнинг муҳим омилларидан бири сифатида амалий ифодасини топмоқда. Келажак авлоднинг шахс сифатида камол топиши тараққиётимизни ҳаракатлантирувчи, мустақамловчи омиллардан бири эканлиги маълум. Она Ўзбекистонимизнинг тобора гўзаллашаётган улугвор жамоли, табиати, суви, тупроғи, ўту гиёҳи, бог-роғлари, тарихий қадриятлари, маънавий хазинасини авайлаб-асраш, унга меҳр уйғотиш ҳар биримизда эътиқод ва бурч, улугвор мақсад даражасида яшаш тарзимизга айланиши лозим. Бундай гоёлар тараннум этилган бадиий юксак шеъриятнинг энг сара намуналарини танлаш ҳамда уларнинг ижроси устида ишлаб, ўз тингловчи ва томошабинларига тақдим қилиш, институтимиз талабалари қалбида ифтихор туйғуларини мустақамловчи воситалардан биридир. Ёш ижодкорларнинг юртсеварлиги табиат оламини, ўзи яшаётган муҳит, халқи, ватанини инсоний меҳр-муҳаббат билан сева олиши, унинг ижодкор шахс сифатида шаклланишининг кафолатидир.



Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг улугвор гоё ва амалларидан бири бўлиб бунёд этилган Адиблар хиёбони, унда она табиатимизнинг мукамал кўрки қамровида қад ростлаган шоир ҳамда адибларимизнинг сиймолари ташриф буюрган ҳар қандай инсонни тўлқинлантирувчи ифтихор туйғуларининг кечинаётганини, атоқли шоир ва адибларимиз: Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Шукрулло, Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Шухрат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Мухторов, Ҳалима Худойбердиева, Иброҳим Юсуповларнинг забардаст ижоди янада теран маъно билан жонланганини ҳис этамиз.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига бириктирилган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг мардонавор ҳайкали олдида ҳар сафар зиёрат учун ташриф буюрганимизда, қалбимизнинг жунбишга солувчи эҳтиром ва эътирофларга тўлгани, ифтихор туйғуларининг жонлангани,

қалбимизда фахрланиш туйғулари уйғонишини сезамиз. Ўзининг ўта таъсирчан шеърият дostonлари билан катта-ю кичикнинг қалбидан жой олган М.Юсуф ижоди Она Ватанга меҳр ва садоқат кўрсатишнинг олий намуналардан бири бўлиб кириб келди. Шеъриятга мафтун ёшларимиз томонидан Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Усмон Азим, Азим Суён, Шавкат Раҳмон, Гулчеҳра Жўраева, Аскар Маҳкам, Рауф Парфи, Иқбол Мирзо, Муҳаммад Исмоил, Шукур Қурбон, Фарида Афрўз каби шоирларнинг жўшқин туйғулар уйғотувчи шеърлари ижодий имтиҳон жараёнлари-ю ўқув аудиторияларда, институтимизда анъанавий ўтказилиб келинаётган “Обод юртнинг оташин сўзи” бадиий сўз кўрик-танловларида, театрлаштирилган маънавий-маърифий байрам концертларимизда ижро этилиб келинаётгани улар шеъриятидаги юксак поэтик бадиийлик қимматидандир.

“Саҳна нутқи” фанимизнинг амалий машғулотларида ижро учун танланган шеърларнинг таҳлили ва талқини устида ишлаш жараёни ифода



таъсирчанлигининг муҳим омилларидан бири сифатида ўрин олиб келмоқда. Муҳаммад Юсуф шеърляридаги давр руҳи, Ватан мадҳи танти халқимизнинг содда табиати, унинг мақсад ва интилишлари, хулқ-атвори, фазилатлари уни жонли тилда ижро этишга чорлайди. Уларни чуқур ўрганиш ижровий етукликнинг асосларидан биридир. Яшаш ва камол топишдай улуғ неъмат бахту саодатга, ақлу заковатга, беқиёс ижодга эришишимизга илҳомлантиради. Замин ва замон, она табиат, шоир улуғлаган “йўли ипак”, “суви маржон”, “олтин дала-лар”, “зумрад осмон”, “зилол бўстон”нинг борлиги ҳамда биз шу заминда улғаяётганимиз, дунёми-зинг “дунё ичра тенгсиз”лиги, изланишлар изми-даги бадий талқинимизнинг асосий ҳаётбахш томирларидан биридир. Шу буюк заминни улуғ-лаш, муқаддас Ватанга меҳр-садоқат руҳини мус-таҳкамлаш, меҳр ва эътиқод уйғотиш, табиатимиз-нинг бетакрор сеҳри, жозибаси, гўзал олами борлик мавжудотларга эътибор каби муносабатлардан, шоир табиатидаги халқчил, поэтик фазилатлардан ибрат олишга интиламиз. Миллатимизнинг танти-лиги, саховати, бағрикенглиги, фидойилиги, тирик-лигу, бору йўқлигимизни қон-қонимизга сингиб кетган ҳаётбахш ақидаларимиздан бири сифатида англаймиз ва тингловчилар қалбига, онг-шуурига етказишга интиламиз. Муҳаммад Юсуф шеърла-ридан биз манзил-мақонимиз, отамиздан қолган кўрғоннинг азиз ҳамда табарруклиги, унинг тенг-сиз қиммати ва ободлиги, қалбимизни қувватланти-рувчи асосий омиллардан бири эканлигини ҳис этиб, тингловчиларимизга ижодий изланишлари-мизнинг маъзи, мазмун-моҳияти сифатида етказиш устида ишлаймиз.

Талабалар билан матнлар устида ишлаш жараёнида кўплаб кўшимча маълумотлар, уларнинг қалби, ижодий тасаввурини уйғотувчи тафсилотлар устида тўхталаш лозим бўлади. Сўз орқали томошабинлар тасаввурига дунёқараши, муайян борлик, воқеа-

лар тизимида бўлган муносабатига таъсир эта олиш салоҳияти ижрочининг иродаси, аниқ мақсад асосида қатъият билан томошабинга таъсир кўрсатиш нуфу-зини доимий ўстириш муҳим вазифамиздир.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари ва дoston-ларидаги ҳаётий иборалар чанқоқ қалбларга малҳам бўлувчи зилол чашма каби халқчил содда ҳамда самимий тилидан деб биламиз. Поэтик тасвир ва тафсилотга ҳамоҳанглик уйғотиш, асарнинг ҳар томонлама қимматини аён қила олиш Муҳаммад Юсуф маҳоратининг кирраларидан бири сифатида қадрлидир. Унинг шеърларидаги содда ва таъсирчан ҳаётий сўз – фикр, ғоя сўз мутаносиблигида жавлон уради.

Бунёдкорлик, яратувчилик тамойиллари билан келажакни кураётган жамиятимизга ҳаммамизни безовта қилаётган нотинч воқеалар, ёт ғоялар, коррупция, мафия, наркотик моддаларнинг тинимсиз кулфатлари, ахлоқий тубанлик, ёшларнинг ёт таъсирлар гирдобига тушиб қолмасликлари учун курашиш кераклигини англаймиз. Бунда бизни катта муаммолар тўфонидан миллий истиқлол ғоялари сингдирилган бадий асарлар асрашига ишонамиз. Шундай таҳдидли муаммолар гирдобидида биз илм ва тафаккурнинг ҳайратомуз парвозлари, санъат, маънавият, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг кўри-нишлари, курашлар, ютуқлар, мағлубиятлар, тало-тўплар, бўҳронлар силсиласи билан юкинган тарзда босиб ўтмоқдамиз. Бу синовли жараёнларда сўз ва сўз санъати ўзининг яратувчилик, уйғотувчилик каби буюк қудратли кучини намоён этиб келмоқда. Сўз санъати ҳамиша ўз замонининг руҳи, дарду дунёси, муаммоларини акс эттириши билан умум-инсоний тараққиёт жараёнларига беминнат хизмат қилиб келади. Ўз ўрнида, ижрочи ижодкордан ўз замонасининг энг илғор фикрли, жўшқин, эътиқодли ва ранг-баранг талқин, ифодавийлик маҳоратини мукамал эгаллашни талаб этади. Ижрочи, аввало, ўз замонаси, даври муҳитини ўзида сингдирган, ўзи

яшаётган жамиятни ҳар томонлама теран англаган, унинг ютуқларидан чин инсоний қалб билан қувона оладиган, фахрланиб, ардоқлаб, олқишлай оладиган ижодкор фуқаро бўлишни, давр иллатлари, умуминсоний кадриятларга ёт сарқитлар, инсон табиатига ёт нуқсонларга қарши мурасасиз курашчи ва ташвиқотчи-тарғиботчи бўла олишдек бурчни юклайди. Биз шу жиҳатларни юқорида зикр этилган Адиблар хиёбонида қад ростлаган барча шоир ва ёзувчиларимиз баробарида Муҳаммад Юсуфнинг бебаҳо ижодий хазинасидан топамиз.

Ижрочига илҳом берувчи, Ватан мадҳи барқ урган Муҳаммад Юсуф шеърларининг талқин таъсирчанлигига эришиш жараёни унинг асарларига қайта-қайта мурожаат қилишимизни тақозо этади.

Биз сўз санъатини тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини, азалдан ва бугунги кунда унинг нечоғлик таъсирчанлик қудрати ҳамда ҳикматини ҳис этишга ва такомиллаштиришга интилмайдик, унинг битмас-тугунмас имкониятларини ҳис этиб бораверамиз. Ўз ўрнида, унинг ифодавий мукамаллиги ва катта ҳаётий аҳамиятини тўлароқ англашимизга эҳтиёж ортиб бораверади. Муҳаммад Юсуф шеърларининг халқчиллиги, пишиқлиги, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилганлиги, мантиғининг кучлилиги, тасвирларининг мукамал пухталиги, мавзуларининг долзарблиги баробарида, инсоний кадриятлар билан ҳамоҳанглиги, ҳар бир ижрочи ва тингловчининг дарду дунёсига таъсир кучи, ижрочининг тасавури, муносабати, иродасини уйғота олиш хусусияти ҳамда бошқа жиҳатлари етук бўлиши билан доимий эътиборимизда.

Муҳаммад Юсуф ўзининг “Қора куёш” драматик достони билан зулмкор Сталин қатағонининг ёвуз жабр-ситамларига дучор этилган миллат қурбонларининг аянчли қисмати, фожиали тақдирини ўта таъсирли даражада, маҳорат билан ёритиб, китобхонни ларзага солди. Шоирнинг сўз қудрати, сўз сеҳри, сўздаги буюклигини унинг шеърлари орқали англаб, катта мақсадлар билан ёритмоққа интилар эканмиз, ижрочилар учун унинг ноёб ва бебаҳо кирраларни кашф этишга интиламиз. Бунда замон руҳи, миллий ғояларининг нафасини ҳис этамиз. Инсон, аввало, ўзи туғилиб ўсган заминнинг тупроғи, мусаффо ҳавоси, суви, тоғу тош, боғу роғлари, ундаги халқнинг бахти, тинчлиги, фаровон яшаши учун фидокорлик қилаётган инсонларга ҳақиқий меҳр-муҳаббат, ардоқ, уларга эргашиб эҳтиёжини ҳис этмас экан, у ўз даврига муносиб бўла олмайди. Ижодкорда эса, одамларга таъсир қилувчи, ишонтирувчи, ҳайратларга солувчи кучни топиш кийин кечади. Асарлар орқали биз тарихимиз, кадриятларимиз билан юзма-юз бўламиз. Бадиий адабиётларимизда тараннум этилган, бугунги кунимиз учун бир дақиқа ҳам ўйлашдан, курашдан тўхтамаган буюк инсонлар – алломаларимиз, мутафаккирларимиз дарду дунёсига кириб

борамиз. Айниқса, одамларда ҳақиқий фахр, меҳр, кадр уйғота олган, борликни ҳис эта билиш ҳақида яратилган асарларга эътибор қаратишимиз лозимлигини тўлароқ ҳис этамиз.

Жамият тараққиётининг ҳамма поғоналарида ҳам сўз гўзалликнинг, баркамолликнинг, комилликнинг ҳаракатлантируви, қувватлантирувчи омилларидан бири бўлиб келган. Халқимиз, миллатимизнинг тафаккури, мафкуриси, маънавияти, дунёқарши каби мураккаб жараёнлар, ҳаёт-мамонт учун танла ниш, ўзгариш, юксалиш жараёнида экан, бу яшаш ва ижодий фаолият тарзимизда фикр ва сўз фаол муносабатимизда акс этиши лозим. Ўз шеърлари билан миллатнинг донолиги, олижаноблиги, заковати, салоҳиятини ўзида мужассам қилган қатор буюк сиймолар орасида Муҳаммад Юсуф ўздан сўнмас нуру зиёни ақл ва қалб кўзи билан ҳис этишга чорлаётгандай туюлади. Шоирдаги шу олий матлабни ижрочи кенг ва чуқур ҳис этиб, ўз олий муддаосига сингдириши шеърнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини шакллантиради.



МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА БАДИИЙ ОБРАЗ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Мазкур мақолада Муҳаммад Юсуф шеъриятидаги образ ва образлилик хусусияти ўрганилади, зеро шоирнинг ижодий мероси бугунги кунда нафақат адабиётишунослик, балки бошқа ижтимоий фанлар эътиборини ҳам қаратади. Шоир ижодидаги бадиий образлар таҳлили санъатишунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: санъат, бадиий санъатлар, бадиий образ, тасвирий ифода воситалари.

Олтиной ТАДЖИБАЕВА,
доктор искусствоведения

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗА В ТВОРЧЕСТВЕ МУХАММАДА ЮСУФА

Аннотация. В статье предпринята попытка изучения художественного образа и образности в поэзии Мухаммада Юсуфа, творческое наследие которого в настоящее время представляет большой интерес не только литературоведов. Образы его стихотворений исследований на основе анализа художественных образов как предмет искусствоведения.

Ключевые слова: искусство, художественное слово, художественный образ, средства художественной выразительности.

Oltinoy TOJIBOEVA,
Doctor of Art history

INTERPRETATION OF THE ARTISTIC IMAGE IN THE WORKS OF MUHAMMAD YUSUF

Annotation. The article raises an attempt to study the artistic image and imagery in the poetry of Muhammad Yusuf, whose creative heritage is currently the subject of great interest not only to literary critics. The research is based on the analysis of artistic images as a subject of art criticism.

Keywords: art, artistic word, artistic image, means of artistic expression.

Адабиёт борлиқни бадиий образларда ифода-лайди. Бадиий образни яратиш йўли, ифода воситалари, усуллари, услублари билан адабиёт санъат турига айланган. Санъат асари образдан бошланади. Образнинг ҳаётийлиги, бадиият даражаси санъатшунослик тадқиқотларига мавзудир. Шоир яратган бадиий образ жонлилиги, мустаҳкам замини, ўзига хос сифатлари билан ҳайратга солиши, унинг ижодкорини санъаткор дейишга асос беради. Муҳаммад Юсуф ана шундай санъаткор эди. У яратган “Ялпиз”, “Райҳон”, “Қизғалдоқ”, “Дўлана”, “Капалак”, “Жайрон”, “Чумоли”, “Тулпор” сингари тугал шаклу шамойили, хусусияти, табиати, феъл-атворига эга бўлган образлар инсондек мулоқотга кириб, сирдош дўст, дардкаш дугонага айланади, шеърят аталмиш юксак санъатга ошно этади.

“Эрка кийик”нинг садоқатли ининг бўлиб елка тутиши, “Тулпор”нинг оғангдек бағрига олиши, “Лолақизғалдоқ” сингилик меҳрини бериши, “Капалак” сирдошингга айланиб, бирга куйишини бутун жисму жонинг билан ҳис қилганинда қалбинг жунбишга келади, шу улкан оламнинг яхлит бўлагига айланиб кетасан:

*Кел йиғлаймиз биргалашиб янтоқларга,
Саҳроларда қуримаган булоқларга.
Иккаламиз яралганмиз қийноқларга.
Эрка кийик, майлими бир эркаласам...*

Муҳаммад Юсуфнинг поэтик образларини акс эттирган бир қарашда енгил, ўйноқидек туюладиган мисралари қаърида бир олам дардли кечинмалар, ширин азобу аччиқ малҳам, ўтли хиссиёт ва титроқли ҳаяжон мужассам. Уларни талқин этишда шоир бадиий адабиётнинг фанда “Илми саноеъ” деб юритилувчи маънавий санъатларидан кенг фойдаланади. Маънавий санъатларнинг ташбеҳ (*Кафтдан зирапчангни олмай севаман*), муболаға (*Ой менинг елкамга ўтириб олган, Офтоб гавго солар юрган йўлимда*), ташхис (*Менинг оғам – оқтерак, Менинг онам – мажнунтол*), синекдоха (*Гулим, меҳр кўзда дегани ёлгон*) каби турли шакллари образлар ҳаётийлигига хизмат қилади. Маънавий санъатларнинг бунингдек жозибаси олдида бу дунёнинг рости ёлғони, бахтию бахтсизлиги кун ва туннинг алмашишидек оддий туюлади. Бу дунёда гўзалликдан бошқаси ўткинчи эканлигига ишонасан. Аллоҳ бандасини мўъжизалар учун яратганига имон келтирасан.

Шоир яратган бадиий образлар ниҳоятда рангбаранг. Булар орасида ўз оҳанрабоси билан тортиб турувчи ва энг ёрқини – бу Ваган образи.

*Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга,
Римни алишмасман бедапоянгга...*

Бу сўзларни тинглаганда болалигимиз ўтган кенг бедапоялар, чексиз далалар, адирликлар ёдга тушади. Дунёнинг не-не гўзалликлари мафтун

этимасин, ҳар қандай инсон эртами-кечми, ўзлигига, ўзининг сокин кенгликлари, чексиз яйлов-бедазорларига талпинади. Эҳтимол, бу ҳам одамийликнинг бир белгисидир. Шоир шу тариқа дунё яралибдики, одамзоднинг ўзи билан келиб, ўзи билан кетадиган энг муқаддас туйғуларни бадиий образда ифода этади. Бадиий образ маънавий-эстетик эҳтиёжни қондириш билан бир қаторда, ўзининг улкан тарбиявий аҳамиятини ва ижтимоий тафаккурга таъсирини кўрсатади. Шу ўринда, В.М.Жирмунскийнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Бадиий образ – воқеликнинг пассив умумлашмаси эмас, балки ўзига хос ҳиссий-руҳий қуввати билан адабиётни жамиятнинг фаол кучига айлантирувчи воситадир”.

Муҳаммад Юсуф ўз интервьюларидан бирида устози Абдулла Орипов ҳақида гапириб: “Алишер Навоидан кейин роппа-роса 500 йил ўтиб, 1941 йилда ўзбек халқининг пешонасига яна битта шоир битган”, деган ташбеҳни айтган эди. Беихтиёр ўйлаб қолсан, бу сўзларни айтган шоирнинг ўзи ҳам Аллоҳнинг бир инъоми эмасмиди?! Узоқ йиллик мутелик даврини бошдан ўтказган халқимиз мустақиллик деган неъматни ҳали идрок этиб улгурмаган бир пайтда Муҳаммад Юсуф номи ярқ этиб пайдо бўлгани бежиз эмас. Зеро, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ўзининг кўп йиллик текис-силлиқ ўзанидан чиқиб кетган жамият, алғов-далғовли ижтимоий муҳит, ўзига хос бир тилмочга эҳтиёж сезарди. Бу тилмоч сиёсатдан узоқда юргувчи оддий халқ учун жуда зарур бўлиб, англамаганни англашти, илғамаганни илғатиши вожиб эди. Муҳаммад Юсуф ана шундай тилмоч бўлиб – эрк, хуррият, Ватан севгиси, юрт қадрини содда, жайдари, бепардоз ва ўта самимият ила тушунтириб берди. Ҳали ўзимиз англамаган қалб кечинмаларимизни, юрагимиз тубидаги туйғуларимизни шеърга солиб, тақдим этди.

Узоқ йиллар ўзлигини унутиб, ўзгалар учун ишлашга кўниккан ва ниҳоят, ўзга халққа куллуқ қилишдан озод этилган миллат бирданига эркинлик маъносини англаши осон эмас эди. Истиклолнинг мазмун-моҳияти, хуррият қадрини ҳис этиш ҳамда энг муҳими, эркпарвар юрт отаси теварагида бирлашиш учун айнан Муҳаммад Юсуфнинг ўзи ва сўзи керак бўлди.

*Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл, элим.*

У яратган Ватан образи мутлақ янгилиги, аслиги, оддий кишиларга яқинлиги билан эътиборни тортади. Кўп йиллар мавҳум бўлган Ватан тушунчаси олдидаги ҳайбатли девор олиб ташланди. Оддий, самимий, халқона яратилган Ватан образи ушбу мавзудаги зерикарли, баландпарвоз мазмунни тамоман ўзгартириб юборди.

Ватан мавзусидаги шеърларни мажбуран ёдлаш ва ёдлатишга эҳтиёж қолмади. Бир пайтлар минг бир ҳадик билан “Ўзбегим”ни ўқиб, таскин топган кўнгиллар бир-биридан самимий, содда ва шуниси билан кўнгилга яқин мисраларга ўз тўридан жой берди.

Бу образ Юлдуз Усмонова, Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Холиқов, Севара Назархон қўшиқларида парвоз қилиб, барчанинг тилидан, дилидан ўрин олди, ўзимизникига айланди. Зеро, ўзимизники бўлган юртда ўз тилимиз, эркимиз, халқимиз деган тушунчаларни тўлақонли идрок этиш учун айнан ўзимизнинг қўшиқларимиз зарур эди.

Гарчи ана шундай қўшиқлар шоир қаламидан туғилган бўлса-да, Муҳаммад Юсуф қўшиқчи шоир деган тавсифни ёқтирмаган. Қўшиқ учун атайин шеър ёзмаган ҳам. Унинг шеърлари ўз қаноти билан қоғозга тушган, ўз мусиқаси билан битилган ва шу боис ҳофизлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетган. Зеро, бу ўша дамларда санъаткорларимизнинг ҳам бўғзидаги қўшиғи, айтмоқчи бўлган сўзи, қуйламоқчи бўлган изҳори эди. “Халқ бўл, элим” дейилганда давра гув этиб, бежиз қалқиб кетгани йўқ, “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” дея қуйланганда этимиз жимирлагани ёки “Улугимсан, Ватаним” дейилганида беихтиёр жўр бўлишимиз ҳам тасодиф эмас эди.

Муҳаммад Юсуф талқинидаги Ватан образи шунчалар суюклики, “қўйнингдаги ифтихору, бўйнингдаги тумор”га айланади, шунчалар суюмлики, “иддаолар қилмай севасан!” У шунчалар яқинки, “ўғлим деб, бош эгади”.

*Сен – шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуглардан
Улугимсан, Ватаним!*

Одам нимани қўйнида олиб юриши мумкин? Ўта қимматбаҳо санаган, йўқотиб қўйишдан қўрқиб, эҳтиётлаган нарсасини. Бировларнинг кўзи тегишидан пана қилган суюкли суратни. У “бўйнидаги тумор”, яъни балою қазолардан жонни асрайди. Бунингдек ташбеҳ – Ватанни севиш, уни ардоқлаш борасидаги юзлаб маърузалар ва китоблардан минг чандон кўпроқ таъсир қилиши аниқ. Аристотель ёзган катарсис ҳодисаси, яъни таассурот ортидан покланиш, руҳланиш ҳолати юз беради. Шу тариқа Ватан севгиси қулоққа эмас, юракка михланади. Бадиий образ таассуротидан туғилган эл-юртга, она тупроққа бўлган эҳтиром, меҳр-муҳаббат ва улкан садоқат ўзига хос ибрат мактабига айланади.

*Ватан –
Юрагимнинг
Олампаноҳи,
Бу дунё
Букри бир
Жийданнинг шоҳи!
Кўзим ёши билан
Сугориб гоҳи,
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман.*

Муҳаммад Юсуф шеърларидаги юксак бадиият шоирнинг халқ ижоди, жаҳон шеърляти, қолаверса, дунё санъати ва маданияти борасида улкан билими, теран тушунчасининг ифодасидир. Ҳар қандай санъаткорнинг билим ва дунёқараши нечоғли кенг бўлса, образларида шунчалик халқчиллик, самимийлик устувор бўлади, жимжимадорликдан узоклашади, соддалик касб этади. Оддий тилда айтганда, Муҳаммад Юсуф шеърларининг зуваласи пишиқлиги ҳам мана шундан.

Шоир ёзади:

*Қандай йигит эдим-а,
Қандай йигит эдим-а.
Онам туққан
Муҳаммаджондай
Йигит эдим-а...*

Бейхтиёр халқ оғзаки ижодидаги мана бу сатрлар ёдга тушади:

*Ой Барчиним, ёр-ёр
Гул Барчиним, ёр-ёр
Ултонтозга текканча
Ўл Барчиним, ёр-ёр.*

Халқ оғзаки ижоди адабиётнинг бош асоси бўлиб, асарлар мағзини тўқ, моҳиятини пишиқ қилиши улғу ёзувчи ва шоирлар ижодида ўз тасдиғини топган. Шоирнинг халқ кўшиқлари йўлида ёзилган кўплаб шеърларида бадий образ халқона талқинда рўйи-рост акс этади, дилингдан ва тилингдан жой олади:

*Бир баётим бор эди,
Бир баётим йўқ эди.
Бир қанотим бор эди,
Бир қанотим йўқ эди.
Бўлдинг бир қанотим-а,
Фотимажон, Фотима.*

Сўз санъаткори Муҳаммад Юсуфнинг образ яратишдаги маҳоратини кузатарканмиз, унинг ниҳоятда ранг-баранглиги диққатни тортади: “*кўзимнинг ёшини келади ичгим, тилимни чайнагим келар гоҳида*”, “*қўёшга қўшилиб ботиб кетгим келади*”.

Бейхтиёр бадий образнинг мураккаб дунёсини ҳис этасан, унинг ижодкори улкан оламнинг алоҳида бир гўзал қисми, ўзгача ҳилқати эканига ишонасан. Ана шунда Абдулла Орипов ташбеҳи фикрларингга ойдинлик киритади: “... Муҳаммад бир сайроқи куш эди, у бизнинг боғимизга келиб сайради-сайради ва яна учиб кетди”.

Муҳаммад Юсуф – улкан бир жараён, алоҳида олам.

*Менинг кимлигимни
Билмайди ҳеч ким.
Мен бир галатиман.
Мен алоҳида...*

Эҳтимол, мана шу алоҳидалиги учун ҳам уни барча бирдек севади. Кекса момолару нуроний отахонлар, чапани эркаклару тортинчоқ жувонлар, бўз йигитлару уятчан қизлар, китоб тутганлару тутмаганлар, барча бирдек ардоқлайди! Унинг бетакрор шеърларидан ўзлигини излайди, сирдошини кўради, дардкашини топади. Зеро, Муҳаммад Юсуф “*кўҳна тол бешиқни бағрига босган*” оналарни, “*отга сирини айтгуччи*” чапани йигитни, “*қишлоқдаги қизларнинг бари қарашган*” бўз ўғлонни, “*кузда қолган бободехқонни*” шеърдек мўъжизага ошно қилиб кетди, бадиият завқни тотиб кўрмоқлик бахтини улаша олди!

*Ўлса ўзи ўлар,
Сўзи ўлмайди,
Ҳамиша барҳайт насл шоирлар.
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.*

Бугунги кунда Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти зиммасига юклатилгани кўнгилга шуқуҳ бағишлайди. Зеро, мамлакатимиз маданияти ва санъатининг эртанги кунини яратувчи ёшлар таҳсил оладиган мазкур илм даргоҳида бу улкан мероснинг ўрганилиши нафақат илмий-бадий, балки улкан ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Муҳаммад Юсуф бадий дунёсига чуқурроқ назар ташлаш, унинг образ яратишдаги бетакрор маҳоратини ўрганиб чиқиш ёш ижодкорларни адабиёт ва санъатдаги самимият, табиий туйғулар, соф кечинмалар жозибасидан баҳраманд этади, беғуборликка ундайди, кўнгилни тозалайди. Бу ҳислар бўлажак санъаткорларнинг дастлабки қадамларидан жисмига жо бўлиши, эртанги санъатимиз жозибасини ошириб, бетакрор, самимий қиёфасини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоғи муқаррар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 150 б.
2. Асаллаев А. ва б. Бадий санъат жозибаси. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2005. – 23 б.
3. Жирмунский В.М. Введение в литературоведение: курс лекций. – Санкт-Петербург: Изд. С.-Петербург. университета, 1996. – С. 440.
4. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: “Просвещение”, 1972. – С.272.
5. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Тошкент: “Ижод дунёси”, 2004. – 190 б.
6. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. – Тошкент: “Nihol”, 2011. – 192 б.



II

Бўлим

**МУСИҚА
САНЪАТИ**

МИЛЛИЙЛИКНИ ҚАЛБЛАРГА СИНГДИРГАН ШОИР

(Муҳаммад Юсуф ва миллий кўшиқчилик)

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида сўз боради. Ижодкорнинг шеърлари таҳлил этилиб, уларнинг бадиий ва эстетик қиймати, бугунги кун учун аҳамияти белгиланади.

Калит сўзлар: шоир, шеърят, муסיқавийлик, оҳанг, бадиийлик, наср “Улугимсан, Ватаним”, “Меҳр қолур”, халқона, лирик қаҳрамон, халқчилик, тўплам.

Зайнаб ХУДАЯРОВА,
преподаватель кафедры “Национальное пение” ГИИКУз

СВОЕОБРАЗНЫЕ ЧЕРТЫ ПОЭЗИИ МУХАММАД ЮСУФА (Муҳаммад Юсуф и национальное песнопение)

Аннотация: В данной статье речь ведется о жизни и творчестве народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа. Анализированы его стихотворения, определены их художественная и эстетическая ценность и значение их на современном этапе.

Ключевые слова: поэт, поэзия, музыкальность, мелодия, художественность, проза, “Улугимсан, Ватаним”, “Меҳр қолур”, народность, лирический герой, гуманность, сборник.

Zaynab KHUDAYAROVA,
teacher of the department “National singing” UzSIAC

POET SOAKING NATIONALITY IN HEARTS (Muhammad Yusuf and national singing)

Annotation. The present article touches upon the life and creative activity of Muhammad Yusuf, People’s poet of Uzbekistan. Analysing the creator’s poems the author of the article defines their artistic and aesthetic value and importance for today’s life.

Keywords: poet, poetry, musicality, tune, prose, “Ulug’imsan, Vatanim” (“You are my pride, my country”), “Mehr qolur” (“Only kindness remains”), related to nation, lyric character, collection.

Ўз касбига бутун умрини, қалб кўрини бахшида қилган фидойи инсонлар ҳақида қанча гапирсанг, ёзсанг, шунча оз. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли, шунингдек, авлодларга қолдирган маънавий мероси халқнинг қалбида абадий яшайверади. Шу сабабли ҳам, уларнинг ижодига авлодлар томонидан қайта-қайта мурожаат этилаверади. Ўзбек миллий адабиётининг истеъдодли шоирларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ана шундай инсонлардан бири эди. Шоир болалиқдан зийрак, кизиқувчан, айна пайтда шеърят ва адабиётга меҳри жуда баланд бўлган.

Гарчи оддий деҳқон оиласида дунёга келган бўлсада, ўқиш ва ишларида катта муваффақиятларга эришади. Ўрта мактабни битиргандан сўнг, Республика рус тили ва адабиёти институтида таҳсил олади ва мазкур олийгоҳни 1978 йилда тугатгач, Ўзбекистон китобхонлар жамиятига муҳаррир бўлиб ишга қиради. Сўнгра “Тошкент оқшоми” газетасида, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, “Ўзбекистон овози” газетасида ва умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби лавозида фаолият юритади.

Мустақилликнинг илк даврларидаёқ “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!”, дея истиқлолни баралла куйлаган ижодкор Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Шоирнинг дастлабки шеърлари биринчи бор 1976 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган. Сўнгра

унинг: “Таниш тераклар”, “Булбулга бир гапим бор”, “Илтижо”, “Уйкудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари”, “Ишқ кемаси”, “Кўнглимда бир ёр”, “Бевафо кўп экан”, “Ёлғончи ёр”, “Эрка кийик”, “Биз бахтли бўламыз”, “Осмонимга олиб кетаман”, “Улугимсан, Ватаним” каби ўндан ортиқ шеърый тўпламлари адабиётимизнинг олтин меросига айланди.

Мазкур китобларга қирган шеърларида шоирнинг юксак инсоний фазилатлари билан бирга, ёшлик сурури ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона, содда, айна пайтда, бетакрор кечинмалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Шу сабабдан, Муҳаммад Юсуфнинг халққа, халқнинг эса шоирга бу қадар дилдош ва сирдош қилган шоир фазилатлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз билдик. Муҳаммад Юсуф туғма шоир эди. У шеърни ясовчи эмас, балки шеърни юрагидан шалолодек тўлқин уриб чиқарувчи шоирдир. Ижодкор шеърятдаги халқ қалбига яқинлик, инсонлар дилидаги қувонч ҳамда шодлик, армон ва дардларни топиб сўйлаш, инсоннинг рангин туйғуларини рассомона кўз билан илғаб, муסיқий мисраларда ифодалаш, унинг шеърятдаги бадиий ҳаққоният уйғунлиги – шоир шеърларининг тақдорланмас, ўзига хос хусусиятларидан. Яна шуниси эътиборлики, шоир шеърларида сунъий бадиийлик, зўрма-зўраки ўхшатишлар, мантиққа зид бўлган жонлангиришлар орқали бадиият яратилмайди. У муҳаббат, тарихимиз ёки тақдиримиз ҳақида куйлайдими, хамиша ҳаётга ва ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб туради. Унинг ҳар



*Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов Муҳаммад Юсуфга
“Халқ шоири” унвонини топширмақда. (1998 йил)*

бир ибораси айна ҳақиқатдир. Шоир шеърятининг барчага бирдек яқин ва севимли қилган хусусиятларидан бири ҳам ана шундадир.

Ҳақиқатан ҳам, Муҳаммад Юсуф шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, энг аввало, унинг яна бир хислати ҳақида тўхталиб ўтмоғимиз жоиз. Бу хислат шоир шеърларидаги мусиқавийликдир. Муҳаммад Юсуф шеърятини мусиқавий шеърятдир. У шундай ёзадики, мисралари гўё кўшиқдек жаранглайди. Унинг ҳар бир мисрасида, ҳар бир бандида алоҳида, такрорланмас оҳанг бор, уни сира ҳам бошқа оҳангга айтиб бўлмайди. Шоир истеъдодининг яна ўзига хос, такрорланмас кирраларидан бири хусусида унинг синглиси Матлуба Бўтаева шундай дейди: “Акам санъатга жуда меҳр қўйган эди. Шу боис, рубоб чалиб, ёзган шеърларини куйга солиб, ашула қилиб айтарди. Бу акамнинг очилмаган кирраларидан бири эди”[6]. Демакки, ижодкорнинг миллий санъатимизга, хусусан, ўзбек миллий кўшиқчилик санъатига меҳри жуда юқори бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, у қайси мавзуда, нима ҳақида ёзмасин, шеърлар мусиқий оҳанги билан бирга яралганининг гувоҳи бўласиз. Санъаткорлар унинг ҳар бир мисрасини кўшиққа солиб юбордилар. У ёзган шеърлар мусиқий оҳанги билан бирга туғилгани натижасида муаллифини ҳам, ҳофизни ҳам машхурлик поғонасига кўтарган. Қанча-қанча санъаткорларни элга танитди. Хусусан, Ғиёс Бойтоев, Юлдуз Усмонова, Охунжон Мадалиев ва

Севара Назархон каби улуғ санъаткорларимиз шоир яратган ижод намуналари орқали халқ меҳри ҳамда олқишига сазовор бўлишди. Бу кўшиқлар ўзбек миллий кўшиқчилигини юксак поғоналарга олиб чиқди.

Айни пайтда, бу машхурликнинг энг муҳим манбаи унинг соддалигида, халқчилигида, айнан халқ тилида ёзилганлигидадир. Соддалик деганда жўнликни тушунмаслик керак, албатта. Соддалик, биринчи галда, ҳар бир сўзнинг халқона руҳда ва шу билан бирга, оҳанг ранг-баранглиги, мазмуннинг тугаллиги ҳамда фикрнинг барқарорлиги-ю, образнинг куюклигидадир. Гарчи у шеърятда содда сўзлардан фойдаланган бўлса-да, унинг мазмун-моҳиятини жуда ҳам бой, чуқур маънога эга тарзда ёритиб берган. Шоир ижодидаги соддалик ҳақида шундай фикрларини изҳор этади. “Ҳаётда жимжимадор, баландпарвоз сўзларни ёмон кўраман. Сўзни борлигича ифода этсам дейман. Унинг устидан бўёқ суркаш мутлақо ортиқча. Қандай сўз бўлмасин, ўрнида ишлатилса, соддалик ва равонлик ўз-ўзидан пайдо бўлади Мен шундай деб ўйлайман”[6]. Шу сабабли шоир шеърлари кўшиқ бўлиб қанот ёзди. Ҳаттоки юртининг энг улуғ байрамларида у яратган шеърлар асосидаги кўшиқлар баралла янгради. Бу кўшиқларда халқнинг дарди, орзуси ва армони жаранглади. Шу боис бўлса керак, унинг шеърлари халқимизнинг ардокли мулкига айланди ва шу билан бирга, ўзбек миллий кўшиқчилиги ривожига муносиб ўрин эгаллади.

Муҳаммад Юсуф шеърятининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, ижодкор қайси бир мавзуга қўл урмасин, нима ҳақда шеър ёзмасин, унинг кўз олдига, биринчи навбатда, Она Ватан гавдаланади ва у ўша улуғ Ватаннинг фарзанди сифатида қўлига қалам олади. Шунинг учун шоир ижодий фаолиятининг асл ўзагини айнан Ватан, эл-юрт, унга муҳаббат, садоқат туйғулари қамраб олган. Аслида, Ватан ҳақида, юртимиз тарихида ўтган улуғ аждодларимиз тўғрисида ёзилган асарлар ниҳоятда кўп. Аммо нима учундир уларнинг кўпчилиги Муҳаммад Юсуф шеъри каби машҳур бўлмади. Чунки шоир ижодида асосий ўринларда турувчи Ватан мавзусидаги шеърлар ўзгача оҳанг ва тақрорланмас мисраларда жо бўлганлиги сабабли ёрқин ва таъсирчан дейишимиз мумкин. Масалан, Ватан ҳақида ёзган шоирларнинг ҳеч бири Ватанни онага, сингилга ўхшатган эмас ёки Ватаннинг тол бешиқдан бошланишини фақат шу ижодкоргина ўз асарида илк бор қўллаган.

Шоир Ватан мавзусига қайта-қайта мурожаат этар экан, у ўзи туғилиб ўсган юртини, Ватанини ҳеч кимга бермас ва ҳеч нарсага алишмас эди. “Ватан менинг онам. Бу дунёда ундан гўзал, ҳалол, кечирувчан, меҳрибон йўк. Биз нима қилсак ҳам кечиради. Баъзан, ҳатто яхши маънода алдасанг ҳам кечиради. Энди мени онамдек гўзал, ҳокисор зотни яхши кўрганлар менинг дўстим. Лекин менинг онамга кимдир тош отса, у ҳақида биров ёмон гапирса, у менинг душманам. Менинг тасаввуримда Ватан у менинг онам. Ватан шундай нарсаки, уни тилга олганинда жонингни беришга тайёр бўлишинг керак. Жонинг чиқиб кетиши керак. Уни ҳеч кимга ҳақорат қилдириб бериб қўймайман ва ҳеч кимга ишонмайман”[5], дея таъкидлайди шоирнинг ўзи. Ҳақиқатан, ижодкорнинг Ватан ҳақидаги ҳамма шеърлари она ҳақида ёзилган бўлиб, она ҳақидаги барча шеърлари айна пайтда Ватанга бағишлангандир. Шунинг учун бўлса керак, у юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари, қўшиқлари билан танилди, шуҳрат қозонди. Эл меҳрига ва олқишига сазовор бўлди. Яна шу жиҳати диққатга сазоворки, шоирнинг деярли Ватан ҳақидаги барча шеърлари куйга солинган, эшитсак, вужудимиз титроққа тўлади. Сабаби, унинг сатрларида халқона оҳанг ажиб садо беради. Шоир ушбу шеърларида ҳар бир ўзбек фарзанди сўз билан таъриф этолмаган туйғусини қоғозга тушира олган. Шу сабабли ҳам ушбу шеърлар нафақат санъаткорларимиз, балки меҳнаткаш халқимиз томонидан ҳам ҳали-ҳамон севиб куйлаб келинмоқда. Ижодкорнинг “Ватаним” шеъри асосида яратилган Севара Назархон томонидан юксак маҳорат ва дард билан ижро этилган қўшиқни эшитмаган, уни хонандага жўр бўлиб, бирга ижро қилмаган инсон кам топилади. Бастакор ҳам шеър матнига, мазмун-моҳиятига мос ва оҳангдош мусиқа топганки, гўё шоир олдиндан шу мусиқани хиргойи қилиб, ашъор битгандай, назаримда.

Кўпчиликнинг сеvimли қўшиғига айланиб улгурган мазкур “Ватаним” шеърда шоир Ватан сўзига таъриф берар экан, “*ёруғ жаҳоним*”, “*улуғлардан улуғим*”, “*Ўзим ҳоқон, Ўзим султон, Сен тахти Сулаймоним*” каби сифатлар билан бир қаторда, “*синглим дейми*”, “*онам дейми*” каби оддий жумлаларни ҳам қўллайди, ҳеч бир ижодкор аҳлининг ҳаёлига келмаган “*чўпон-чўлигим*”, “*тишимдаги гичир-гичир сўлигим*”, “*олисларда қуриб қолган қудуғим*”, “*воҳ болам, деб айтолмаган дудуғим*” каби халқона ибораларни ғоят усталик, айна вақтда, дадиллик билан шеърятга олиб кирди. У Ватанини шунчаки сеvмайди, улуғламайди, балки юрак-юрагидан, қалб-қўридан бир инсоний муҳаббат билан сеvадикки, шоирнинг она юртдан туйган меҳри худди сингилнинг, онанинг меҳридек илик, у бир ака бўлиб, бир ўғил бўлиб, бу меҳрга жавоб бергиси, агар шу юрт “ўғлим” дея унга муштоқ бўлса, ҳар қандай мушкулот қаршисига чиққиси, келгуси падаркушлардан келажак Улуғбекларини пана қилиб кучгиси келади.

Мана, бир вазмин, бир ўктам оҳангда оташин мисралар янграмоқда.

*Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамҳонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри –
Илигимсан, Ватаним... [1]*

дея жаранглаган биргина мана шу мисранинг замирида олам-олам маъно мужассамлаштирилган.

Шоирнинг она юртдан туйган меҳри худди сингилнинг, онанинг меҳридек илик, яхши ва ёмон кунларида ҳар доим бирга, меҳрини эса офтобга қиёслайди. Ватан она сингари бағрида яшаётган халқининг ютуқларидан, шодон кунларидан сеvинади, қувонади. Опа-сингил каби кўнгли хира, изтиробга тўлган вақтларда ҳамдард-у ҳамроҳ бўлади. Кўриниб турибдики, шоир оддий ҳаётий воқеалар асосида ажойиб ўхшатишлар ва теран фалсафий мушоҳадага эга бўлган мисралар яратган.

Шоир учун Навоий, Ясавий, Улуғбек, Бобур ёки Машраб каби улуғларимиз халқ ва миллатнинг мужассам исми ҳамда фаҳридир. Шоир бу исмлар бағрига юрт тарихини шу билан бирга, унинг энг зафарли ва аччиқ кунларини жамлайди. Ҳар бир банди олдига Ватанга бериладиган: “*Улуғимсан*”, “*Илигимсан*”, “*Қўригимсан*”, “*Чўлигимсан*”, “*Уругимсан*”, “*Сўлигимсан*”, “*Дудуғимсан*” каби ибораларга назар солсак, камида юз йиллик ҳодисалар натижаси, қувонч ва аламини ифода этиб келади. Мазкур сатрлар юксак маҳорат ила миллий ўзига хослик, ўз Ватанига бўлган алоҳида муҳаббат билан ҳурматга сазовор. Шоир шеърятда Ватанига муҳаббати ана шундай тарзда ифодаланади.

Муҳаммад Юсуф ўз ижод намуналарини яратишда тарих саҳифаларига эътибор қаратади. Уни халқининг ўтмиши ва бугуни қизиқтиради. Биргина бандда ифода топган маънолар кўламига эътибор берайлик:

**Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин – Курдистонда,
Бобуринг – Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиг деб,
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уругимсан, Ватаним...**

Ушбу мисралардаги ҳар бир сўз биттадан тош бўлиб, гўё алоҳида-алоҳида ритм билан нақ сенинг кўксингга тегади, руҳингга ғалаён солади. Дастлабки мисрада, чор ҳукумати томонидан ўз Она Ватанидан кетишга мажбур бўлган ва умрбод ортга қайта олмай, ўз Ватанидан олисда вафот этган ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири Фурқат ёдга солинса, банднинг иккинчи мисрасида эса, шўро давлати қатағонига маҳкум бўлган, “халқ душмани” тамғаси билан Сибирга сургун қилинган истеъдодли шоир ва драматург Усмон Носир эса олинади. Қолаверса, кейинги мисраларда номлари тилга олинган Жалолиддин Мангуберди ва Бобур каби улуғ зотларларимизнинг бошидан нелар ўтгани, не-не захматлар билан босиб ўтган машаққатли йўли, ҳаёти ва қисмати бизга яхши маълум. Энди эса, навбатдаги мисрага диққатимизни қаратамиз. Шеърдаги “Бу қандай юз қаролиг деб, Ётарлар зимистонда”. Мисрасида турли сабабларга кўра мақбаралари хорижда қолиб кетган улуғ аждодларимизнинг турли можаролар сабабли шикаст топган қабрларини кўриб, халқимиз юрагига ва нафсониятига озор етмаслиги мумкин эмас эди. Шеърдаги айни шу мисралар мазкур ҳолатнинг аччиқ ифодаси дея тушунилиши мумкин...

Ва, ниҳоят, шоир халқ номидан ўз эркини, мустақиллигини қўлга киритган Она Ватанини қутлаб:

**Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним.
Ёлғизим,
Ягона дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуглардан
Улугимсан, Ватаним...**

дея фахр этади.

Ушбу шеърдаги сўзлар жуда таъсирли, бадий бўёқдорлик меъёрида, маъно моҳияти эса унданда

гўзал. Бу мисраларни ўқиган ҳар бир инсон ўз қалбига Ватан туйғусини, меҳрини туяди. Тааж-жубки, бу туйғудан кўкси тоғдек кўтарилади. Шоир мазкур шеърлари орқали бутун халқининг фарзандига ғурур, ифтихор туйғуларини туйишга ундайди, уларни ҳам Ватанга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Шоир шеърларини ўқир эканмиз, хокисор, меҳнаткаш элини, улуғ Ватанини ўзига хос, ҳаммага тушунарли тарзда тараннум этганини гувоҳи бўламиз.

Шоирнинг услуби ҳақида Ўзбекистон қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов шундай хотирлайди: “Муҳаммаднинг шеърларини ўқисангиз ёки шеърларига ёзилган ашулаларни эшитсангиз шундай таассурот туғилар эдики – жуда содда, жўн ёзилганда, деган фикр пайдо бўлар эди. Мана “От”, “Дўппи” ҳақидаги шеърни оладиган бўлсак, мен ҳам ўтириб ёзиб ташлайман, деб ўйлайсиз. Лекин унга ўхшатиб ёзиб кўрадиган бўлсангиз, ундаги содалик, жўнлик жуда ҳам қийин.

У халқни, шеърни табиийлигини ўз ичига синдириб юборган шоир эди”. Ижодкор ҳақида билдирилган бундай фикрлар бежизга эмас. Албатта, унинг ижоди такрорланмас ходисадир. Шунинг учун М.Юсуфнинг шеърлари биринчи китоблариданок кўпчиликнинг эътиборига тушди ва жуда кўпчилик унинг мухлисига айланди.

Муҳаммад Юсуфдек шоирнинг қалби она замин янглиғ саховатлидир. Замин бағрида турфа хил гуллар очилади, тиканлар ўсади. Шу каби шоирнинг қалби ҳам ўз туйғуларидан турфа хил гуллар – шеърият гулларини армуғон этади. Мухтасар айтганда, Муҳаммад Юсуф содаликни фазилат даражасига кўтара олган, оддийликдан гўзаллик кашф эта олган шоирлар сирасига қиради. У шундай истеъдодли шоир-ки, у ҳаётда бор одамларни, уларнинг қувонч-у изтиробларини, орзу ва армонлари, юртининг ҳақиқатда мавжуд манзараларини қаламга олди. Унинг дилга ёқар мисраларини хиргойи қиламаган биронта ўзбек фарзанди топилмаса керак.

Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлайди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади ва “Ўзбекистон халқ шоири” унвонини берди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 2001 йил 30 июлда дунёдан кўз юмди. Гарчи у вафот этган бўлса-да, ундан чинакам бетакрор ижодий мерос қолди. У одамлар қалбида мангу яшайди. Унинг шеърлари ҳамиша азиз ва ардоқлидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф. Улугимсан Ватаним. – Тошкент: “Ижод дунёси” нашриёт уйи, 2004. -75 б.
2. Муҳаммад Юсуф. Осмонимга олиб кетаман. – Тошкент: “Ёзувчи” нашриёти.
3. Муҳаммад Юсуф. Халқ бўл, элим. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.
4. Ўзбекистон телевидениесининг “Соғинч” деб номланган кўрсатувида 2020 йил, 26 январь.
5. “Муҳаммад Юсуф”. Хужжатли фильм. Ўзбекино Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияси. 2004 йил.
6. Сўнмас юлдузлар. “Муҳаммад Юсуфни хотирлаб”. “5-студия” Ёшлар ижодий уюшмаси томонидан олинган кўрсатув. 2019 йил 26 апрель



III Бўлим

**САНЪАТ ТАРИХИ,
ФАЛСАФА ВА НОМОДДИЙ
МАДАНИЙ МЕРОС**

МУҲАММАД ЮСУФНИ АНГЛАШ

“Коинот қачонлардир бир нуқтанинг, бир зарранинг портлашидан пайдо бўлган, дейилади. Агар шу фикр тўғри бўлса, поэтик сўз, яъни шеърятнинг моҳиятида лоҳудудга сочилиб кетган коинотни тўплаб, сидириб, яна ўша нуқтанинг ичига сигдириш истаги ётади”, – дейди Рамиз Раъшан. Ва, шоирнинг зиммасидаги қутлуг вазифа ҳақида гапириб: “ҳар бир асл шоир Тангрини ўз она тилида тасвирлайди ва ҳақиқий шоир Тангри дийдорини тилаб, қушдай, қанот қоқа-қоқа, ўз тилининг осмонини кенгайтиради”, – дейди. Қушнинг қанот қоқишидан оҳанг яралади, куйга айланади, сўзга айланади. Шу бепоён осмон қушларга ва шоирларга армуғон қилинди, дея бежиз айтилмайди.



Ўз сўзи билан кўркли тилимизнинг покиза осмонини кенгайтирган шоирлар кўп. Ўзбекнинг бахти ҳам шунда. Бугун бу тилда тараннум этиб бўлмайдиган туйғу ёхуд тушунчанинг ўзи йўқ. Туркий тилни дағал ва назмга яроқсиз деб билганларнинг ҳаддини буюк Навоий XV асрадаёқ кўрсатиб қўйган. XX аср аввалида ўзбек тилида насрий асар ёзишнинг мушкуллигини рўкач қилганларни Қодирий ва Чўлпон насрадаги бетакрор сўз назми билан ҳайратга солган. Кейинги авлодлар ичида ҳам бадиий сўзнинг меъморлари саналмиш катта шоирлар етишиб чиқди. Демак, муқаддас силсила давом этмоқда ва миллат тургунча туради.

Ўтган асрнинг сўнги чорагида адабиётимизнинг покиза осмонида йўлчи юлдуздек порлаган шоир Муҳаммад Юсуф ўзининг содда ва самимий сўзи, ўзигагина ярашадиган шеърятини билан эл назарига тушди. У ўзининг қисқагина умрида миллий шеърят ва замонавий қўшиқчиликни юксакларга кўтарилишига беминнат ҳиссасини қўша олди. Шоир ҳақида Эркин Воҳидов шундай ёзган эди: “Муҳаммад Юсуфни халқимиз севиб, дилида сақлайди, Ватан куйчиси, Истиқлол куйчиси деб ардоқлайди, ўзбек элига улуғ меҳр, садоқат сингиб кетган назокатли, самимият тўла шеърларини кадрлайди, қўшиқ қилиб айтади. Унинг шеърятини чин маънода қанотли шеърят, юрт осмонида баланд парвоз қилувчи, юракларга қанот бергувчи шеърят деса бўлади”.

Ватанини куйламаган, мадҳ этмаган шоир дунёда бўлмаса керак. Муҳаммад Юсуфгача ҳам, ундан кейин ҳам қўлига қалам тутган шоир борки, Она Ватанни улуғлаб шеърлар ёзган, ёзади. Бу табиий ҳол. Муҳаммад Юсуф Ватанни қандайдир баландпарвоз, шеърдан-шеърга ўтиб юривчи жимжимадор сўзлар билан эмас, содда,

беғидир ва мағзи тўқ сўзлар билан тасвирлайди. Унинг шеърларидаги Ватанни тасаввур этиш осон ва хузурли; қайсидир жиҳати билан синглингизга, қайсидир жиҳати билан онангизга ё отангизга ўхшаб кетади. Ватаннинг андозасини улардан оласиз, Ватаннинг сарҳадларини уларга бўлган меҳру муҳаббатингиз билан белгилайсиз. Унинг “Изҳори дил” шеърларидаги сатрларга эътибор беринг-а:

*Кўҳна тол бешиқдан
Бошланган олам,
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир қуни синглим, деб,
Бир қуни онам –
Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман!..*

Ватан ҳақида бундан-да самимий ёзиб бўлармикан? Шунинг учун ҳам, унинг шеърларини ўқиган сари Ватанга, туғилиб ўсган юртга муҳаббатингиз ортаверади.

Буюк бастакорларнинг муқаддас мақсади мусиқада илоҳий овозга, сасга, товушга энг яқин оҳангни топиш ва тингловчига жаннатий овозни, беҳиштий садоларни туйдиришдан иборат бўлади. Олимлар эса, инсониятни ўйлатадиган саволларга аниқ жавоб топиш пешида азият чекади. Шоирлар эса, миллатнинг виждони, миллий кадриятларнинг муҳофизини, ҳис-туйғуларнинг кўзгуси ҳисобланади.

Муҳаммад Юсуф тилимизнинг жонкуяр ҳимоячиси эди. Бу бежиз эмас, у ҳар бир сўзни Ватан деб билар, Ватанни асрашни миллий тилдан бошлаш кераклигини шеърларида кўп таъкидлар эди.

**Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар.
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.**

Инсон она алласи билан қулоғига қуйилган тилдагина тараддудсиз сўзлай олади, кайфиятини, ҳис-туйғуларини беҳато ифода этади, дилидагини эмин-эркин, бор бўйича тўқа олади. Шу маънода, шоирлар миллат руҳиятидаги эврилишларнинг, ижобий ва салбий ўзгаришларнинг кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Қандай алам отимизни қўйса ёвлар,
Маргилонлар қаердаю Горчаковлар?..
Бизни азал буқолмаган бу синовлар,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.**

Буни шоирнинг катта васияти деб тушунмоқ керак. Бу васиятни амалга оширмоқ бугунларга насиб қилди. Давлат тилини ривожлантириш департаменти жой номларини, топонимик объектлар номини тартибга солишга астойдил бел боғлаган. Муҳаммад Юсуфнинг бу орзусини мазкур муассаса фаолияти давомида амалга оширади, деган умиддамиз.

Халқ орасида: “одам дунёга бир марта келади”, деган машҳур гап бор. Одамдай яшашга, орзуларни эртанги кунга сурмасликка даъват этувчи бу гапни шоир ўз йўриғида сўроқлайди. “Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин”, – дейди шоир. Ва шу бир жумлага одамзод қанча гуноҳларни, орзуларни, исёнларни, дард ва аламларни сиғдириб юборишини айтмоқчи бўлади. Шоир халқ тилидан тушмайдиган бир жумлани сўроқлаш воситасида, халқ тилидаги ҳар қандай бирликнинг яхшиликка, эзгуликка ва абадиятга дахлдор эканлигини урғулайди. “Бир марта келинадиган дунёда фақат яхшилик қил, яхши ном қолдир”, деган қадимий ҳикматнинг оҳорли ифодасини топади. Шоир халқ тилидаги айрим сўз, ибора ва қуйма гапларни ғуборлардан поклаб, асл холида, яна халққа қайтариб беради. “Одам дунёга бир марта келади” гапининг майда мақсад ва манфаатлар учун қурбон қилмаслик кераклигини, эзгу ният ва амаллар учун ишлатиш зарурлигини эслатмоқчи бўлади.

Шоир ижоди бедорликка даъваткор шеърият. У севги, висол, айрилик, изтироб каби шахсий кечинмалардангина иборат шеърият эмас. Китобхонни ижтимоий ҳаётда фаол яшашга, уйғоқликка чорловчи шеърият. Бир шеърида шундай сатрлар бор:

**Мудроқ босган дилим,
Айтаман бир сир.
Тангри уйқуни-да
Паллада тортар.
Уйқу – ҳам
Насияга берилган умр,
Уйқунг ортган сайин
Қарзинг ҳам ортар...**

Умрининг ҳар они ўлчовли, ҳатто уйқунинг ҳам бадали бор. Буни идрок этган китобхон ўз умрини сарҳисоб қилади ва шоирдан миннатдор бўлади.

Муҳаммад Юсуф ижоди умуминсоний қадриятларни улуғловчи шеърият ҳисобланади. Унинг шеърларида инсониятга алоқадор эзгу ҳислатлар, савоб амалларнинг тамоми энг баланд пардада қуйланади. Бир мансур шеърида шундай дейди: “Асли инсон хоки қўйилган ҳамма жой азиз ва муқаддасдир. Бас, шундай экан, одамлар истаган қабр тупроғини кўзларига суртсин. Бундан кимга жабр бўлибди”. Бу ерда инсоннинг дин, эътиқод, мазҳаб, ирк, миллат ва ранг-рўйи қандай бўлишидан қатъи назар, муқаддаслиги ва унинг хоки қўйилган тупроқнинг азизлиги тараннум этилмоқда.

Шоир шеърни, тилни ажодлардан қолган ва авлодларга бекам-беҳато етказилиши шарт бўлган муқаддас мерос деб билади.

**Тушимга қиради Қодирий бобом,
Бемадор, бемажол, беҳол, беором..
Тушимга қиради Қодирий бобом:
Тур дейди, мунча қўн ухладинг, болам.**

Сўзга, тилга, миллий анъана ва қадриятларга лоқайдликни ажодларга, ота-боболаримизга, Кошғарийга, Навоийга, Бобурга, Қодирийга хиёнат деб билади. Ундан-да, ўта Ватанга хиёнат деб тушунади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бир гуруҳ ёзувчи, шоир ва зиёлилар билан ўтказган учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида гапириб: “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”, – деган эдилар.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоасига шоир Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенг тарғиб этиш вазифаси юклатилган эди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ибратли ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш бўйича институтда ўқув-маърифий тадбирларни ташкил этиш, илмий-ижодий фаолиятни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар режаси тузилди. Институтнинг барча курс ва гуруҳларида Муҳаммад Юсуф ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятига бағишланган махсус курслар ўқитилиши белгилаб олинди. Бу махсус курсларни ўқитишдан мақсад бир шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўргатишдангина иборат бўлмаслиги керак. Камида, Ватанни Муҳаммад Юсуфдек “иддаолар қилмай” севишни ўргатишдан, она тилимизни Муҳаммад Юсуфдек гард юқтирмай ардоқлашни ўргатишдан, бекиёс миллий қадриятларимизни унингдек англашни ўргатишдан иборат бўлишига эришмоғимиз лозим.

ЎЗБЕКНИНГ ОТАШҚАЛЬ ШОИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърляти юзасидан таҳлиллар ёритилган. Шоирнинг шеърларидан парчалар кўриб чиқилган.

Калит сўзлари: мумтоз адабиёт, ирфон, рамзий, шеър композицияси.

Насрулло ҚОБИЛОВ,

и.о. профессор кафедраси “Искусства музыкального, драматического театра и кино” ГИИКУз,

УЗБЕКСКИЙ ПОЭТ С ГОРЯЧИМ СЕРЦЕМ

Аннотация. В данной статье анализируется поэзия народного поэта Узбекистана Мухаммеда Юсуфа. Рассматриваются отрывки из стихотворений поэта.

Ключевые слова: классическая литература, познание, символический, поэтическая композиция.

Nasrullo KOBILOV,

Professor of the Department of “Art of Musical, Drama Theater and Cinema” UzSIAC

UZBEK POET WITH HOT HEART

Abstract. This article analyzes the poetry of the people’s National poet of Uzbekistan Muhammad Yusuf. Excerpts from the poet’s poems are considered.

Key words: classical literature, cognition, symbolism, poetry composition.

Ўзбек мумтоз адабиётининг шеърляти асрлар чашмасидан сув ичган, йиллар оловида тобланган, қанча давр ўтса-да, метин каби забардаст ва мустаҳкам бўлиб келган. Унинг асосини буюк бобокалонларимиз – Алишер Навоий, Бобур, Ганжавий, Саккокий, Атойи, Анбар отин, Машраб, Лутфий ва бошқа шу каби ўз ижоди билан дунёвий шухрат қозонган ва ҳали-ҳамон ана шу шухратнинг илохий нури саноқсиз кўнгилларга хузур бағишлаб келаётган устодларнинг қалами ташкил этади. Бу адабиётда илму ирфон, муаззин саодат, инсоний тафаккур, илохий ғоялардан тортиб фалсафий қарашлар, ниҳоятда сермазмун фикрлар, теран мафкуралар акс этган. Боболаримиз яратган етук асарларнинг ўлмас ва ўчмас ёди бизнинг ҳаёт йўлларимизни саодат манзили томон элтади.

Мустақиллик шарофати туфайли бошқа соҳалар каби ўзбек шеърлятининг ҳам йўналишлари, замонавий тилда айтганда платформаси ўзгарди. Эндиликда Она Ватанни мадҳ этувчи, тинчлик ва осойишталикни тараннум этувчи нафис мисралар туғила бошлади. Ана шундай мисраларни маромига етказиб ёза олган шоирлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфдир. Шеърят хос адабиёт, унинг мухлислари хос қатлам бўлиб, улар адабиётдан ўзларига саодат излайдилар, қоронғи зулматини ёритишда, узок йўлларини яқин қилишда адабиётдан куч оладилар. Муҳаммад Юсуфнинг ёзганлари инсон юрагини чертиб ўтади, содда ва нафислиги, ёрқин ҳамда эсда қоларли маҳзун хиссиётлари билан алоҳида ажралиб туради.

Мендан нима қолар, икки мисра шеър,

Икки сандиқ китоб, бир уюм тунпроқ,

Одамлар ортимдан нима деса дер,

Мен сени севимдан ўзимдан кўнпроқ.

Шоир ўзининг шеърларида, аввало, инсон кечинмаларини ифодалайди. Гоҳида ҳаётнинг ўткинчилигини қуйласа, гоҳида муҳаббатнинг абадийлигини уқтиради. Ҳақиқатан, гўзал мисралар орқали инсонни бахт ва

саодатга элтувчи муҳаббат туйғусининг нақадар азиз эканлигини англайсиз. Шеърлятининг қудрати ҳам ана шунда, мисраларни кўз билан ўқиб, юрак билан ҳис этасиз ва бу хиссиётлар тафаккурга фикр ташлайди. Инсон фикрлаш орқали танлайди, дунёни кўриб туриб яхши-ёмонни ажратади. Муҳаммад Юсуф шеърляридаги ғоялар ва мазмунларда муҳаббатнинг ўзига хос тараннуми, тасвирий ва поэтик ифодаси мавжуд. Айниқса, умрнинг ўткинчилиги, вақтнинг ўтиб боравериши, ўзгача ракурсларда, ҳаётнинг мисралар орқали ёритилади.

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,

Мен бир галатиман, мен алоҳида.

Кўзимни ёшини келади ичгим,

Тилимни чайнагим келар гоҳида.

Шоирнинг “Сурат” номли шеърда инсон тасаввурига сиғмас рухий эврилишларни қаламга олган тасаввирлар бор. “Ой менинг елкамга ўтириб олган, Офтоб ғавғо солар юрган йўлимга”. Бунда ошиқ ва телбавор йигитнинг кўнгил туйғуларига ошуфталиги, ўтпарастан бўлиб ёнаётганлиги, қалб кечинмаларининг ниҳоятда нозик тортимлари мавжуд. Инсон ички туйғуларининг ноён манзил томон отилиши, ғала-ғовур ҳаёт қўйнидаги ўзининг алоҳида дунёси, бахт ва орзулар, доғули замона, кўзга кўринар ҳамда кўринмас кучларга қарши исёни ҳам акс эттирилган. Муҳаммад Юсуф барчасини содда ва халқчил сўзлар билан ёзади. Содда сўзлар қулоққа таниш ва юракка тез кириб боради. “Уйғонсам кўрпам – кул, йиғлар севгилим” сатрларидаги тасвирий кўриниш! Муҳаббат оташи қуйдирган кўрпа – бу тўғри маънодаги тўшак бўлса, рамзий маънодаги юрак, севгилим дея атагани – ёр ва рамзий маънода оловли муҳаббатни назарда тутмоқда. Ошиқ йигит ғафлатда қолгани, оловли ҳис билан ёрини қучгани ва уни ҳам оташда ёқгани ифодаланган. Шеърнинг бадииятида ошиқ хатосини ва ана шу хато ортидаги суратини чизади, китобхон ана

шу суратга махлиё бўлади ҳамда сўзлардан сезадик, ошиқнинг ҳоли хароб ва абгор.

Муҳаммад Юсуф ижодида она табиатни мадҳ этувчи қатор шеърлар учрайди. “Булбул”, “Далада”, “Лолақизғалдоқ”, “Ҳайвонот боғи”, “Оқ тулпор”, “Қушлар ҳам йиғлар”, “Қизил олма”, “Қизғалдоқ”, “Капалаклар” — бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шоир ўз асарларида, аввало, сарлавҳага катта эътибор қаратади, рамзий маъноларда ўз қалб кечинмаларини очиб беради.

“Қизил олма” мисраларидаги рамзий ифодалар ҳам кўнгилдаги суюкли ёр, бевафо санамга аталган.

Қизил олма, қизил олма,

Мен енгилдим.

Дунёи дун деганларин

Энди билдим...

каби сатрларда шоир дунёнинг чархи дунлигини ўткинчи ва бевафолигини таъкидламоқда. Ва, муҳаббат қаршисида ўзини енгилганини, ожиз қолганини тан олмоқда. Ўзбек фольклор асарларида азалдан қизил олма, қирмизи олма – бу ёр рамзи, яъни гўзал, париваш қизнинг ифодаси бўлиб келган. Қизил ранг ҳам инсон ҳиссиётларини тоширувчи, тасвирий жиҳатдан эҳтиросни кўзғатувчи ранг ҳисобланади.

Мазкур шеърда ошиқ баланд шохдаги қизил олмани узиб кўрганини, қарасаки, унинг ичига қурт тушганини, яъни армон ва дард борлигини куйламоқда. Қурт олмани еб битиргани каби армон ва дард ҳам инсонни еб битиради, қалбини жароҳатлайди. Шеърдаги қаҳрамон олмани ирғитворади, ўша дардман ёрнинг кўксидан итаради, ундан воз кечади, шунда олма ташлаб кетилишини билиб, нега баланд шохдан узилганини айтиб, дод солади. Маъшуқа севилмаганини, вафо кўрмай айрилиқ дардига дучор бўлаётганини сохта муносабатга йўлиққанини билиб исён қилаётгани тасвирланмоқда.

Муҳаммад Юсуфнинг маҳорати шундаки, содда сўзлар ва тушунувчан иборалар орқали аслида инсон туйғуларини ўта чуқур қатламларини, қисмат ва тақдир чизиқларини рамзий маънода ифодалаб бермоқда. Шоир шериятнинг вазифаси инсон туйғуларини тасвирлаш эканлигини чуқур англаган ҳолда, поэтик ижодида мисраларига ошиқлик туйғусининг озурда ситамлари, вафо соғинчи, меҳр ва муҳаббат илинжларини сингдириб кетган. “Севгига йўл бўлсин бизга бу чорбоғда”, деган сатрларида адашганини, қизил олмани баланд шохдан узиб хато қилганини уқтирмоқда. Ушбу сатрлар шеър композициясининг кульминацион нуктасида келади. Бу формула худди ҳаёт формуласи сингари кўпчилик инсон ўз хатоларини умри поёнига етиб бораётганда англайди ва портлайди. Мазкур ҳолатда, шоирнинг бир қарашда оддий, бироқ ўта пухта ва нафис тарзда яратилган композицион шеърини кўриш мумкин. Сўнгги мисралардаги “Бизнинг бошга шундай савдо тушган экан”, дея ошиқ ўтган умрини сарҳисоб қилади, ҳаммасини тушуниб етади. Умр инсонга берилган савдо, пешонага ёзилган тақдир, Яратганнинг инъоми бўлиб қолади. Демакки, мисраларда илоҳий ёндашув, ўзига хос қараш, маҳорат билан тасвирланган фикрларни кўрамиз, ҳиссиёт билан ўқиймиз ва маънан лаззат оламиз.

Инсон маънавияти, руҳий дунёси бой ва теран маъноларга тўла бўлиши лозим. Адабиёт ана шу маъноларни беради. Маънавий лаззат орқали бизнинг дунёқарашимиз янада ортади, руҳий қониқиш ҳисси шеърнинг ҳаётий мисраларидан олинади.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб,

Кул бўлади.

Инсон бир кун ўз майлига

Кул бўлади...

Шоир агар ўзи бошидан ўтказганларини ёзса, асарлари ҳаётий бўлади. Муҳаммад Юсуфнинг ҳам маҳорати ва бадиий тасавури шу жиҳатдан мукамалдир. Юқоридаги сатрлардаги сўзларда инсоннинг кул бўлиши айtilмоқда. Майл – бу истак, ички хоҳиш, у кўнгилдан чиқади. Инсон қанчалар ақлли ва зукко бўлмасин, бир кун эмас, бир кун бари бир кўнгил ишини қилади. Истакларини амалга ошириш учун яшайди. Умр сўқмоқларини орзулар билан босиб ўтади. Шеърятнинг қудрати ҳам инсон маънавиятини бойитиб, руҳиятининг қатламларини янгидан кашф қилади. Ахир бу дунёдаги ҳар бир инсоннинг ҳаёти кашфиётга лойиқ бўлиши мумкин. Адабиёт ва санъат вакиллари ана шу кашфиётларни асарларга жо этади.

Юлдуздан ҳам олис о, сен буюк гам,

Бугун ўзинг йўқсан фақат ёнимда.

Муҳаммад Юсуф шеърларидаги тасвирлар инсон қалбининг тасвири каби ишончли ва таъсирчан кучга эга. Юлдузлар биздан энг олисда бўлган мавжудот бўлса, унга қўл етмас, у сўнмас экан, шоир қалбидаги чуқур ғамни шунга тенглаштирмоқда. Ҳатто ўша ғамни буюк деб атамоқда, сабаби, у илк севгидан қолган ўкинч ва қайғу. Унинг жароҳати ҳам шу қадар чуқур ва азобли бўлиши мумкин. Биз юлдузлар ёнимизда эмаслигини биламиз, лекин улар билан сирли равишда суҳбат қурамиз, ички туғён ҳамда аламларимизни олис юлдузларга айтиб берамиз. Шоир икки қаторли мисраларда катта бир ҳолатни, инсон тақдиридаги юз берадиган воқеани қаламга олган. Нозик ечимини ва тасвирини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Юсуфнинг баракали ижоди, нафис шеърлари асрлар давомида яшайди, майин ва дилтортар тароналарга айланиб, саноксиз қалбларга жо бўлади. Адабиётга қадам қўяётган кўнлаб мурғак кўнгиллар устоз шоирнинг ижодидан баҳра олади, илҳом ва завқ билан қалам тебратади. Инсонлар гоҳида оташқалб, ёниб турган чўғ сингари тафтли ҳиссиёт-ҳаяжонларни, гоҳида эса музлаб қолган армонларни юракка кўмиб яшайди. Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари ана шу оловлардан ҳам тафтли ва қайноқ, музлардан ҳам қаҳратон ҳамда метиндир. Ҳар бир китобхон унинг ана шундай қайноқ мисраларини қалбига жойлаб, ошуфта хаёллар билан яшаб бораверади.

P.S. Шоирнинг шеърлари икки жойда – китобларда ва қалбларда қолади. Ўзимизни ва саодатимизни излаб юрган умр йўлимизда уларни топиб яшаймиз.

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА ВАТАН, ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ

Аннотация. Давлатимиз раҳбари Адиблар хиёбонида таширф буюрганларида, баркамол авлодни камолга етказишда адабиётнинг, маърифатнинг роли ниҳоятда катта эканлигини айтиб, миллат руҳияти, миллат тафаккурининг ёрқин тимсоллари бўлган таниқли адиблар ҳақида ҳурмат билан гапиргандилар. Улардан бири – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг Ватан ва юртга муҳаббат меҳрига йўғрилган ҳаёти ҳамда ижоди ҳақиқий маърифат дарси, маънавият дарси эканлиги ҳақидагисидир.

Ушбу мақола шоир ижодига бир назар, бир эътироф ҳисобланади.

Калим сўзлар: истеъдод, қаҳқашон, жумбоқ, заргар, элдош, масъулият, шижоат, ватанпарварлик, абадият.

Сайёра ТҶИЧЕВА,
доцент кафедраси “Организация и управление учреждениями культуры и искусства”,
доктор философских наук ГИИКУз

ВОЗВЕЛИЧЕНИЕ РОДИНЫ, ПАТРИОТИЗМА В ТВОРЧЕСТВЕ МУҲАММАДА ЮСУФА

Аннотация. Во время визита главы нашего государства на Аллею писателей в Ташкенте было отмечено, что роль литературы и образования в развитии гармонично развитого поколения огромна. С уважением говорил об известных писателях, которые являются яркими символами мышления и духа нации. Одним из таких представителей является Мухаммад Юсуф, его жизнь является примером духовности и просвещения.

В данной статье рассматривается творчество поэта, отмечается величине его таланта.

Ключевые слова: талант, Родина, загадка, ювелир, друг, ответственность, отвага, патриотизм, вечность.

Sayora TOYCHIEVA,
Associate Professor of the Department “Organization and Management of Institutions of Culture and Art”,
Doctor of Philosophy UzSIAC

THE GLORY OF MOTHERLAND AND PATRIOTIC VIRTUES IN THE WORK OF MUHAMMAD YUSUF

Abstract. During the visit of the head of our state to the Alley of Writers in Tashkent, the role of literature and education in the development of a harmoniously developed generation is enormous. One of them is the life and work of the People’s Poet of Uzbekistan Muhammad Yusuf, who loved the Motherland and the country, a lesson of true enlightenment, a lesson of spirituality. This article is a recognition of the poet’s work.

Keywords: talent, Motherland, world, puzzle, jeweler, friend, responsibility, courage, patriotism, eternity.

Маълумки, бундан уч йил илгари аҳли маданият, аҳли санъат ҳаётидаги ёрқин саҳифа – давлатимиз раҳбарининг бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашуви бўлган эди. Бу учрашувнинг амалий натижаси – маданият, санъат ташкилотларига “Дўстлар клуби” орқали моддий ҳамда маънавий кўмак берилгани, алоҳида иқтидор талаб қилинадиган олийгоҳларда тест имтиҳонлари ижодий имтиҳонларга алмаштирилгани, болалар ва ўсмирлар мусиқа ҳамда санъат мактабларига таниқли санъаткорларнинг раҳбарликка тайинлангани соҳада ўзига хос бурилиш ясаган эди.

Очик ва самимий мулоқот руҳида ўтган тадбир якунида Президентимиз: **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улўғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”**, деган фикрни қатъият билан таъкидлаганлари ҳар бир ижодкор кўнглини тоғдек қўтарган эди.

Шу йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида

Адиблар хиёбони ташкил этилгани, йигирмадан ортиқ адибларнинг ҳайкаллари тикланиб, уларнинг ҳаёт ва ижодларини тарғиб қилиш турли олийгоҳларга бириктирилгани, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижодини тарғиб қилиш Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига юклангани ана шу файзиёб тадбирларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Улуғларнинг бир яхши гапи бор: “Ватан ҳақида ёзганда энг янги кўйлагингни кий, энг тоза сатрларни ёз!”; инсон руҳиятининг жозиб кечинмаларига бундан ортиқ таъриф йўқ.

Истиқлолнинг, мустақилликнинг иссиқ нафасини халқимизнинг юрагига юрагидан кўчирган, йигирманчи аср ўзбек шеърятига шахд ва шижоат билан кириб келган Ватан куйчиси – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърятисида ана шундай Ватанни куйлашдаги ҳақиқий ўзбекка хос жўмардлик, бағрикенглик, тилингни учида турган сўзни оддий ҳамда жўн сатрларда шеърхонга етказиб бера олишдек фавқулудда ҳайрат ва сеҳр кучи бор.

Бу ҳайрат, бу сеҳр сизга дунёдаги энг хушбўй хид бўғдойнинг, бўғдой ноннинг иси эканлигини, инсон зотига бир мартагина бериладиган бебаҳо умрнинг яхшиликлари ўтишига эришмоқ ҳикматини англа-тиб туради. Сатрларида Ватан – онанг каби ягона ва ҳамиша қўли елкандан маҳкам кучиб туришини, яратганнинг ўзи фақат яхши кўрган бандалари-гагина муҳаббатдай буюк инъом тортиқ этишини ўзгача нола ва қувонч торлари орқали ифодалаган. Қайтариб бўлмас ҳаёт ўзанини фарзандлари-миз тақдирида акс-садо беришини, қандай амал-лар қилсанг, уволу савоби шундай бўлиши тарзида мушоҳада этишга ундайди.

Шоирнинг куйма ёмби каби дилтортар шеърла-рини ўқиркансиз, ялтироқ, жимжимадор сўзлардан, фақат шахсий кечинмалар, тор фикрлардан қочиб: “Элу юртга, миллатга, Ватанга, инсониятга қандай наф келтирдим, халқим учун нима қилдим?” деган савол ҳар бир инсоннинг фикр чизигидан ўтмоғи кераклигини англайсиз.

*Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг жону жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним! [1. 12-б.]*

Шоир бетакрор сатрлар орқали бошинг кўкда бўлсада илдизларинг ер бағрига маҳкам қадалган чинорсан, юрагимга қадаб кўйган туморимсан, шунча буюкларинг, улуғларини санадим, лекин ҳаммасидан энг улуғим, ўзинг беминнатим, Ўзбе-кистоним, дея боласидек эркалаб айтади. “Юраги-нинг Олампахои” бўлган муқаддас Ўзбекистонни ўзгача жонфидолик, буюк садоқат билан таъриф-лайди.

Айниқса, “Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда, Тош-канни кўрмаган бечора онам”, “Кимда ғам кўп бўл-са – у менинг онам”, “Римни алишмасман бедапо-янга”, “Ғичир-ғичир тишимдаги сўлиғимсан, Вата-ним”, “Капалаклар одамлардан меҳрибон”, “Туғил-маган кўшиқларим сиздан узр”, “Бош қолмади дўп-пига лойиқ”, “Икки елка тўла бир дунё гуноҳ” сатр-лари ҳам беминнат қуёш нуридек таниш ва қадрдон.

Шоирнинг “Таниш тераклар” (1985), “Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйкудаги қиз” (1989), “Ҳалима эна аллалари” (1989), “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1991), “Бевафо кўп экан” (1991), “Эрка кийик” (1992), “Сайланма” (2007), “Биз бахтли бўламиз”, “Осмониюга олиб кета-ман”, “Улуғимсан Ватаним” сингари шеърини тўп-ламлари, “Кўхна кудук”, “Қора қуёш” дostonлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимиз-нинг қўлидан тушмай ўқиладигани эса шоир юраги она халқи тилида куйлаганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла

Орипов: “Шоир бўлиш оғир. Шоир бўлиш қийин, бундай буюкларнинг Қаҳқашонида” [2. 217-б.], деб ёзганларида ижод азобию, илҳом шуқуҳи, янги шеър нафаси нақадар тотимли, нақадар ширин эканини, буни фақат сўз дардида яшаётган шоиру адиблар – бошидан ўтказганлар билишини назарда тутган бўл-салар керак.

Муҳаммад Юсуф бир кун келиб жаннати фир-давмонанд боғ ташкил этилишини ва аллома адиблар, устозлари қаторида уларнинг суҳбатлари-дан баҳраманд бўлишини билгандек: “Ажаб дунё” шеърда Ҳазрат Алишер Навоийни, беназир Заҳи-риддин Муҳаммад Бобурни шундай тасвирлайди:

*Икки буюк шоир, икки мусофир,
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.
Сизни ўйлатмасми бу жумбоқ, бу сир
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.
Икки буюк ҳикмат, икки хуш забон,
Икки буюк дилдан йўқдир садо бир.
Биз ганимга бежанг топширган кўрган –
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур [1. 106-б.]*

Мумтоз адабиётимизнинг икки забардаст юлду-зининг миллат истикболи, юрт иқболи борасидаги бебаҳо ижодий мерослари йўлчиноқ сингари келажак манзилларини ёритиб туришига ишора беради, гўё.

Фалакиёт илмининг етук билимдони, темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг ўз фарзанди томони-дан қатл этилгани шоир юрагини тилкалайди, оғриқ-ларининг акс-садоси дунёларни йиғлатади:

*Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?.. [1. 106-б.]*

Суҳбатларидан бирида шоир айнан мана шу шеърини онаси Энахон ая ниҳоятда яхши кўришини меҳр билан тасвирлаб берганди.

Кейинги икки-уч йил ичида Тошкент мисли кўрилмаган тарзда ўзгариб кетгани, қатор-қатор ҳашаматли уйлар, чароғон кўприклар, сайилгоҳу хиёбонлар инсон иродаси, инсон қўли мўъжизалар яратишга қодир эканлигини кўрсатиб беради.

Муҳаммад Юсуф Тошкент кўчалари, пой-тахт кучоғини аввалдан билиб тасвирлагандай, бош кентимизнинг ҳар бир кўчасида, ҳар бир япроғида Қодирийнинг ўйчан руҳи борлигини, устоз Ойбекнинг нигоҳи боқиб турганини ёдин-гизга солади:

*Анҳор бўйларида қумрилар ўйнар,
Шоир Ғафур Ғулом билган қумрилар.
Икки минг аввал Сағбонни излаб,
Ҳиндистонни ташлаб келган қумрилар [1. 332-б.]*

Ҳазрати Бедил: “Ҳақиқий шеърят ўзига хос бир оламдир, у учинчи дунёдир”, – деганларида ҳаммага бир хилда ёқадиган, элнинг байрамию ташвишида бирдай оғиздан тушмай келадиган барҳаёт шеър-ятни назарда тутган бўлсалар керак. Муҳаммад Юсуфнинг шеърятини ўзанига сиғмаган дарё сингари ҳарфу сатрларга сиғмаган бекиёс маъно ва тафаккур чашмаларидир.

Орифлару донишлар юрти Ўзбекистон нафасини, эл меҳру дардини катта-катта ўзбекча ҳарфлар билан ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагига ёзиб қўйган булбулнафас шоирнинг:

*Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Яктагининг энгларидан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менинг
Бободехқоним менинг [1. 266-б.]*

сатрларини ҳали сиёҳи куримаган ҳолда, ўзининг “анжанча” талаффузида ўқиб берганида, бутун дунёга дастурхон солишга тайёр меҳмондўст халқнинг, таёқ суксанг боғ бўлиб кўкариб, ҳосилу хирмонлари хорижлик меҳмонларнинг ҳавасини келтиришини айтганида, қуёшдан аввал уйғонадиган, ҳалол ризқ билан фарзандлари қалбида она тупроққа ҳавас уйғотадиган элдошларимиз, бободехқонларимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бир суҳбатда Самарқанднинг қуёшнусаха обонни, Зарметаннинг қатиғи, Паркент узумлари, Бахмал олмалари, Кўкон ҳалволари ҳақида гап кетганда, ўрнидан тура солиб: “Бизда бори қайда бор?” деб болаларча ҳайқиргани, бир муддатдан сўнг, ана шу шеърини яйраб ўқигани, умрбод ёдимиздан чикмайдиган маърифий дарс бўлган экан, ўшанда.

Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган пайтларида, хизмат такозоси билан ижодий давраларда кўп учрашиб турар эдик. Суҳбатимиз кўпинча ёшлар шеърини ҳақида кетганда тошкентлик ёш шоир Усмон Бекнинг “Ўзбек десам, отдан тушиб кўришдилар”, самарқандлик ёш шоира Гулжамол Асқарованинг “Бир ёр топсак эдик, жондан кечгулик” сатрларини қайта-қайта ўқиб бериб, ҳаммага ибрат қилиб кўрсатганини, адабиётга фақат янги сўз айтмоқ учун, адабиётни бойитмоқ учун, сўзга муносиб бўлмоқ учун, сўзнинг қадрини азиз қилмоқ учун кириш кераклигини, шеърини ёлғонни, худбинлиги ҳасадни, иккихилликни кечирмаслигини бот-бот такрорлар эди. Ким билсин, қалбидаги бу талабларини, балким машхур ёзувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид

Аҳмаднинг: “Муҳими рост сўзлаш ва рост ёзишдир”, – деган файласуфна ўғитларига ўзи бир умр содиқ қолгани учун айтгандир.

Муҳаммад Юсуф ҳақида сўз борганда атоқли адабиётшунос Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидиновнинг куйидаги сатрларини эсламаслик мумкин эмас:

“Муҳаммаджоннинг Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдим, ичкарига кириб кетди-да, 10–15 дақиқача вақт ўтиб, қўлимга шеърини тутқазди ва уни менга бағишланганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетгани ўшанда”. Худди шу шеърни қўшиқ қилиб куйлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев шоир шеърлари халқона оҳанги ўзи билан келадиган сатрлардан иборат эканини “Онам йиғлар...”, “Муҳаббат йўқ экан дунёда” номли қўшиқларни мусиқасини яратишда шоирнинг ўзи устида турганини алоҳида меҳр билан тасвирлайди [3. 16-б.]

Давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбонида адабиёт ва маърифат ҳақида қуюниб гапирганлари, эл суйган адиблар ва шоирларнинг ижодини тарғиб этишни қатор олийгоҳ жамоалари учун шарафли вазифа қилиб қўйганлари, биз – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари, талабалари учун ҳам дастуриламал бўлади.

Хитой файласуфи Конфуцийнинг: “Ҳамма нарсада ҳам гўзаллик мавжуд, бироқ уни кўрмоқ ҳаммага ҳам насиб этмаган”, деган пурҳикмат эътирофи худди Муҳаммад Юсуфга аталгандек. Ҳаммага бирдек ёқадиган ёниқ сатрлари, жўн ва содда байтлари то қиёмат қадар шоирнинг руҳи ёнимизда, уйғоқ эканлигининг исботидир [1. 16-б.]

Бу фоний дунёга чакмоқдек чақиб, кумридек, айтар сўзини дона-доналаб, тизим-тизимлаб халқига тақдим этган кумридил шоирнинг Ватан мадҳини, ватанпарварлик фазилатларини жону дили билан элдошлари юрагига кўчиргани, халқимиз қалбида тоабат азиз, суюкли, ҳақиқий фарзанд бўлиб қолгани – шоирнинг иккинчи умридан дарак беради. Зотан, яхши инсонлар ҳаётлик чоғларида ҳам, ўлимларидан сўнг ҳам завоқ топмайдилар. Чунки, улар миллат ифтихори, миллат тимсолидирлар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 4 август. 153-сон, 4-бет.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Еттинчи жилд. – Тошкент: Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
3. М.Юсуф. Сайланма. – Тошкент: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007.
3. Ш.Курбон. Муҳаммад Юсуф ёки устоздан ўзган шогирд. – Тошкент: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012.
4. Каримов Ж. Шижоат ва мардлик сабоғи. – Бухоро: “Durdona” нашриёти, 2019.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА АЁЛЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация. Мазкур мақолада Муҳаммад Юсуф шеъриятидаги аёллар образи, уларнинг талқини ўрганилади. Бугунги кунда шоир ижоди, унинг бой мероси кенг ўрганилмоқда. Мазкур мақолада шоирнинг аёллар мавзусидаги шеърларининг қўшиққа айланиши, уларнинг халқчиллик хусусиятлари кенг мушоҳада қилинади.

Калит сўзлар: Ватан, миллий ғурур, шоир, хотин-қизлар, санъат, бадиий образ.

Матлуба ИСОКОВА,
и.о. доцент кафедрасы “История искусств и культурологии” ГИИКУз

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЖЕНЩИН В ПОЭЗИИ МУХАММЕДА ЮСУФА

Аннотация. В статье исследуется трактовка образа женщины в поэзии Мухаммеда Юсуфа, сегодня в творчестве поэта широко изучено все его богатое наследие. Широко прослеживаются превращения стихов на женские темы в песни, их народнические черты.

Ключевые слова: Родина, национальная гордость, поэт, женщины, искусство, художественный образ.

Matluba ISOKOVA,
Associate Professor of the Department of “Art History and Cultural Studies” UzSIAC

INTERPRETATION OF WOMEN IN THE POETRY OF MUHAMMAD YUSUF

Abstract. The article examines the interpretation of the image of a woman in the poetry of Muhammad Yusuf, today all of his rich heritage is widely studied in the poet's work. The transformation of poems on women's themes into songs and their populist features is widely traced.

Key words: Motherland, national pride, poet, women, art, artistic image.

Ёзувчининг ҳеч кимга насиб этмаган бахти бор.

Бу – бир варақ оқ қозоғза дардини тўкиб солиш бахтидир!

Ўтқир ҲОШИМОВ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Муҳаммад Юсуф – шеърият оламида бахти кулиб бокқан, омадли шоирлардан бири. У ўзбек миллий адабиётининг кўзга кўринган, истеъдодли, шу билан бирга, ўзининг дилга яқин шеърлари билан халқимиз юрагидан чуқур ўрин эгаллай олган, қобилиятли шоирларидандир. Унинг сермазмун ижоди асрий маданиятимиз, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, шунингдек, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришда катта ўрин тутиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф 1954 йил 26 апрелда, Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги Қовунчи қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келган. Унинг болалиги барча болалар сингари кечди... Аммо, қисқа муддатда ёзган шеърлари билан барчани ўзига чорлади. Шоир қайси мавзуга қўл урмасин, ҳаётгӣ, оддий қарашлари билан қалам тебратди. Унинг сўзларида муҳаббат бор, дард бор, қалбни ўртовчи аёллар мадҳида бетакрорлик, ўзига хос йўсиндаги тасвирлаш услуби бор. Бир сўз билан айтганда, М.Юсуф оддийликда буюкликни, буюкликда оддийликни кўрсатиб бера олган. Унинг шеърларини ўқиб, бу гўзал жумлалар муаллифининг ҳам ҳақиқатгўй, ҳалол, покиза ва муҳаббатга лиммо-лим қалб эгаси эканлигини англаб етамиз. Шунинг учун бўлса керак, шоир Муҳаммад Юсуф-

нинг кўплаб шеърлари хофиз, хонандалар томонидан қуйланган, қўшиқ бўлиб қалбларга етиб борган.

Инсон дилига хуш ёқувчи қўшиқ тингласа, аввало, унинг муаллифи ким дея назар солади ва бу, албатта, Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бўлган қўшиқлар бўлади. Унинг шеърлари жуда оддий, сўзлари раvon битилганлиги учун халқ оғзаки ижоди намояндалари билан ҳамоҳандир. Шоирнинг “Меҳр қолур” шеърини эслаб кўринг-а:

Ўтар қанча йиллар тўзони,

Юлдузлар – кўзёши самони.

Ўтар инсон яхши-ёмони,

Меҳр қолур, муҳаббат қолур...

Бу каби сатрларида дардли, инсон руҳиятини тарбияловчи сўзларни қайта-қайта ўқиб, таскин топамиз. Мушоҳада қилиб, хулоса қилишга шошамиз.

Шеърят санъати яралибдики, аёл номини улуғламаган, унинг гўзаллигини таърифламаган шоир ёки ёзувчи бўлмаса керак. Бу борада, шоир Муҳаммад Юсуф энг маҳоратлиларидан, десам, адашмайман. Унинг ижодида аёл талқини пок севги тими соли, меҳрибон она, вафодор ёр, суюкли қиз, қўл етмас армон бўлган муҳаббат образларида ўз аксини топади.

Айниқса, ҳамма ҳам илғай олмас, аёллар кўнглига малҳам бўла оладиган, аёлнинг нозик кўнгли, унинг меҳрини шеърлари билан ифода этиб берган улкан ижодкор ҳамдир.

**Кўрқаман, эртага мен ўлиб кетсам,
Ётар бўлсам қумга ботиб кўзларим,
Кўнглимни кўчкидай босади бир ғам –
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим...**

Ушбу шеърга эътибор берсак, ўзининг чекаётган дардидан ҳам қизлари ҳақида қайғураётгани, ўздан кейин улар аҳволи қандай бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ушбу шеърни шоир тасаввури кенг, мушоҳадага бой тарзда ёзган. Сўзларининг дардлигидан юраклар жунбишга келиб, қалб йиғлайди. Ҳақиқатан ҳам, қайси фарзанд йиғламайди, отаси вафот этса?! Қайси қиз йиғламайди, тоғ каби улкан суянчиғи қулса?! Қайси қиз йиғламайди, болаликдан шўх эркаликларини кўтарган отасини йўқотса?! Қайси қиз йиғламайди, оппоқ либосида ота уйини тарк этаётиб, дуоларга қўл очиб: “бахтли бўл, қизим”, дея пешонасидан ўпган отасини йўқотса?! Қайси қиз йиғламайди, беллари букчайган, қўллари меҳнатдан қаварган, ҳассага суяниб, узокларга термилиб меҳрга ташна отасини йўқотса?! Қайси қиз йиғламайди, улғайгач ҳам меҳрга тўла кўзлари ила боқиб: “сенга ишонаман, ақллисан, қизим”, деган отасини йўқотса?! Албатта, бизнинг падари бузукворларимиз суянган тоғимиз ва ишонган боғимиздир.

Ўзбек адабиётида шеърлар бисёр, шоирлар кўп, кўшиқларга айланган мисралар кўп, аммо Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни бўлакча, ҳар бир ижод намунасида ошиқларга хос чинакам дил изҳори, она меҳри, аёл дарди, аёл бардоши, юрт соғинчи, фарзанд ифтихори, дўстлик, меҳр-муҳаббат, севгига садоқат, она табиатга ҳурмат каби туйғуларни қалбан ҳис этамиз, руҳан дўстлашамиз. Айниқса, шоирнинг “Ўзбекнинг аёллари”, “Сени ҳеч ким севолмайди менингдек”, “Биз бахтли бўламиз”, “Кундошли уй”, “Уйкудаги қиз”, “Ўзбек момо”, “Кумушбиби ноласи”, “Зайнабнинг ноласи”, “Кумуш”, “Озода”, “Ўлан”, “Кристина”, “Алла”, “Гўзаллар”, “Жайрон”, “Шоир севгиси”, “Палахмон”, “Лолажон”, “Қари қиз” каби бир қатор шеърларида дилкашлик ва ўта нозиклик билан аёл муҳаббатига, аёл гўзаллигига, унинг сабр-матонатю бардошига, ўзбекона ориятига, нафис таъриф

беради-ки, хоҳ у етук аёл бўлсин, хоҳ ўспирин қиз, ундаги мисраларни шубҳасиз, ўзининг қалб сўзларига айлантириб олади. Шунинг учун ҳам, бу ўлмас сатрлар халқнинг қалбидан чуқур жой олган бўлса, ажаб эмас.

Шоир томонидан қоғозга тушган, аёл таърифига билдирилган сўзлар, тингловчи кўз ўнгида унинг сиймосини руҳан чизишига туртки беради.

Жумладан, шоирнинг:

**Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг аёллари,
Фарзанд учун яралган...**

сингари жумлалари билан ўзбек аёлининг нақадар болажон, меҳрибон, сабрли ва матонатли шахс сифатида намоён этган.



Шоирнинг энг сара шеърлари қаторидан жой олган: “Онамга”, “Онажоним” “Онамга хат” шеърларида эса онаизорига ўз вақтида кўрсата олмаган меҳрини, қалбидаги афсус-надоматларю, соғинчларини шу қадар дилга яқин таърифлаганки, ўқиган инсон нафақат чуқур таъсирланади, балки ўзи учун қалбан сабоқ ҳам олади.

Шоир Муҳаммад Юсуф ўз онаси учун ёзган шеърда ҳам ҳаётини ҳақиқат бор.

**Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам,
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўгил бўлдимми!..**

Ушбу шеърдаги “Тошканни кўрмаган бечора онам” каби сўзлар ўқилишидан қулгили туйилса ҳам, сўзларда оддийлик бор. Авваллари Тошкентга келиш ҳам анча қийин бўлган. Она фарзандини кутиши, юрагининг бир парчаси ҳақида қайғуриши шундоққина сўзларда намоён бўлган.

Она ягона. Она битта. Онадек улуғ содда зот дунёда бўлмаса керак. Аёл қалблари ичида энг меҳрибони ҳам бу онадир. Она ҳақида қанча шоирлар шеърлар битган.

Муҳаммад Юсуф ана шундай халқимизнинг ҳар қайси қатлами билан дардлаша оладиган шоир эди. Унинг ўзига хослиги ҳам айнан шунда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳриддин Холиқов томонидан куйланган “Қизғалдоқ” кўшиғи тингловчини жунбишга келтиради. Шоирнинг ушбу шеърининг ёзилиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (мархум) Муҳриддин Холиқов хотираларига юзланамиз. “Муҳаммад Юсуф ўз ишининг устаси эди. Менинг ижодимда хизматлари бекиёс. Шоир билан тоққа дам олишга чиққандик, ҳаммамиз ўзимиз билан бандмиз. Бир маҳал Муҳаммад ака бир ўзлари четда хаёлга берилиб ўтирибдилар. Ёнига бориб: “Ҳа, ака, нималарни ўйлаяпсиз?” деб сўрадим. У бўлса, “Муҳриддин, қара, анави қизғалдоқ менга тинчлик бермаяпти. Ўпай десам, пешонаси йўқ, узай десам, тўкилиб кетади. Бир шеър ёзсам, кўшиқ қиласанми?” (1) дедилар. Кейинроқ ҳаммага машхур “Қизғалдоқ” кўшиғи яратилди”, – деган эди ўз хотираларида М.Холиқов. Ҳақиқатан, ушбу шеър орқали шоирнинг зийрак, топқир ҳамда кузатувчан инсонлигини яна бир бор кўришимиз мумкин.

*Аё, тақдир, мени бунча жафоларга йўлатгайсан,
Биров қилган гуноҳнинг божини менга тўлатгайсан.
Бағирни тоғ этиб тиклаб, ўзинг ани қулатгайсан,
Баҳоримга қўзим тиксам, анга қорлар элатгайсан.*

*Сенга қуллуқ этай дейман, ўзим чоҳга йиқилгайман,
Богимда нағмалар истаб, қузгунларга чўқилгайман.
Кўкармасдан ҳазин япроқ каби беун ёқилгайман.
Имконимни олиб бутун, мисқоллатиб сўратгайсан.*

Ушбу сатрларни билмайдиган, хиргойи қилиб юрмайдиган инсон бўлмаса керак. Юқорида келтирилган шеърининг сатрлар ким томонидан яратилгани барчага маълумдир. Ушбу шеърни яратиш учун инсонга ҳеч кимнигина ўхшамас қалб керак. Бундай қалб ўзбек шоири Муҳаммад Юсуфда бор эди. Инсон дунёга келар экан, у яратган томонидан берилган истеъдод қобилияти ила дунё юзини кўради. Ўзбекистоннинг ижодкорлари, шоирлари жуда кўп. Аммо улар орасидан ўзининг самимийлиги, камтарлиги, ўз ижод қалами билан инсонларни дилига кириб борган шоиримиз Муҳаммад Юсуфдир.

Муҳаммад Юсуф ўзининг содда, халқ тилида битилган ҳеч бир шоир ижодини такрорламас мисраларию, самимий таърифларга бой шеърлари билан миллионлаб шеърят ихлосмандлари қалбини забт этган дилкаш шоир ҳамдир. Айтилган гаплар

каби ёзилган шеърлари ҳам, инсон қалбининг ойнаси бўлганидек, унинг қанчалар ростгўй, ҳалол ва покиза қалб эгаси эканлиги ёзган шеърларида ҳам яққол сезилиб туради. Шоир муҳаббат ҳақида куйлайдими, бевафо ёр дастидан сўзлайдими ёки тарихимиз-тақдиримиз шонидан ёзайдими, ҳар бирида ҳаммиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик барқ уриб туради. Тинглаган ёки ўқиган муҳлис юрагида бир вақтнинг ўзида унутилмас бўлиб, сақланиб қолади. Шу сабабдан ҳам ҳеч бир китобхон йўқ-ки, унинг китоб жавонида Муҳаммад Юсуфнинг шеърини тўпламлари ўрин олмаган, унинг мисраларидан меҳр-муҳаббат ҳиссини туймаган бўлсин. Шоир қаламида шундай шеърлар яраладики, уларни ёд олинмайди, улар ёзилиб, қалбларда куй бўлиб янграйди. Муҳаммад Юсуф ана шундай куйловчи шоирлар сирасидан эди. Унинг қаламига мансуб шеърлар нафақат шеърят оламида, балки ҳофизлар санъатида ҳам муносиб ўрин эгаллаб, икки қарра севимлиликка эриша олди.

Кўшиқлар куйланган бўлса-да, Муҳаммад Юсуфнинг талқини ўзгачадир. Юқоридаги шеърда ҳам онаизорнинг фарзанд доғида куйиб ёниши, ул зотдек бошқа ҳеч ким чин дилдан ғам чекмаслиги тасвирланган.

Муҳаммад Юсуф ижоди ҳар мавзуда руҳимизга далда, қалбларга ифтихор бергувчи севимли шеърлар бўлиб сақланиб қолди.

Ўзбек халқининг забардаст ёзувчиси Саид Аҳмад айтганларидек: “Асл шоирлар узоқ яшамайдилар, аммо ортларидан абадий яшайдиган унутилмас мерос қолдириб кетадилар”.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳам бизга ана шундай ўлмас мерос қолдирди. Бугун уларнинг ўзи бўлмаса-да, улардан бизга МУҲАММАД ЮСУФ деган дилнавоз шеърят мерос бўлиб қолди.

Шоир 2001 йил 30 июлда вафот этди. У ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Шеърларини мисол тариқасида талқин этсак-да, шунча кам. У дунёга битта бўлиб келди. Ҳа, у гарчанд дунёдан ўтган бўлса-да, дилларимизда ҳамон яшайпти, тилларимизда эса, ҳамон тирикдир.

Ҳаётга қандай боқсангиз – худди шундай кўрасиз. Мен уни бир узун йўлга қиёслайман. Йўллар текис равон эмас. Ҳаёт жуда ширин. Яшаган сари – янада яшагинг келаверади. Лекин ўлим – ҳақ.

Муҳаммад Юсуф ана шундай халқимизнинг ҳар қайси қатлами билан дардлаша оладиган шоир эди. Унинг ўзига хослиги ҳам айнан шунда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф М. сайланма. -Тошкент: Шарқ, 2014. -288 б.
2. Юсуф М. Шоир севгиси. -Тошкент: Ношир, 2016. -196 б.
3. Юсуф М. Халқ бўл элим. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -208 б.
4. Юсуф М. Улуғимсан Ватаним. - Тошкент: Ижод дунёси, 2004. -190 б.
5. Юсуф М. Биз бахтли бўламиз. - Тошкент: Nihol, 2011. -192 б.

ЭЛНИ СЕВИБ, ЭЛ ДАРДИДА ЁНГАН ШОИР

*Булутсиз тунлари
юлдузларга тўла самога
тикилиб, ўйга толганми-
сиз? Айтишларича, ҳар
қуни минглаб янги юлдуз-
лар пайдо бўлиб, минг-
лаб юлдузлар сўнар экан.
Юлдузлар турли-туман:
бири – катта, бири –
кичикроқ, бири – ёрқин,
бири – хирароқ нур сочади,
бири – яқин, бири – узоқроқ
жойлашган. Улар ҳам
барча жонзотлар каби
маълум йил умр кўради,
кичиклари кўпроқ, кат-
талари бирмунча камроқ
яшайди, чунки катталари
ўзида жамланган бутун
қувватни тезроқ сарфлар,
ёрқинроқ нур сочар экан.*



Ҳар сафар шулар ҳақида ўй сураб эканман, Муҳаммад Юсуфни катта, ёрқин юлдузга ўхшатаман. Шоир ўзининг шеърият осмонидаги қисқа, лекин ибратли умри давомида замондошларига, келажак авлодга, барча-барчага бир-биридан гўзал, бир-биридан чиройли, бир-биридан маъноли шеърларидан иборат бебаҳо мерос қолдириб кетди. У миллат дардини, гўзал иштибоҳлар орқали инсонларнинг нозик кечинмаларини кўрсатиб берди-ки, шунинг учун унинг шеърлари инсонлар қалбидан чуқур жой олди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шоир ҳақида шундай фикр билдирган эди: – Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай қолди. Аммо у тезда, ҳаммани хайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди. Дарҳақиқат, шоир халқнинг руҳий оламини, ички оламини ўз шеърлари ва дostonлари билан оча олди, кишиларни руҳлантиришга, қаноатлантиришга эришди, десак, сира ҳам муболага бўлмайди.

Муҳаммад Юсуфга 1998 йил халқ шоири унвони берилгандан кейин, Ориф Тўхташ шоир билан суҳбатлашади. Бу суҳбат давомида Муҳаммад Юсуф ўзи ҳақида шундай дейди: – Биласизми, мени нимагадир қўшиқчи шоир деб тан олишади. Фақат муҳаббатдан ёзади, дейишади. Лекин мен адабиётга ижтимоий шоир бўлиб кириб келганман. Эсингизда бўлса, ўша пайтларда ёзилган “Самарқандга борсам мен агар...”, “Дўппи”, Гдлян ҳақидаги шеърларим ана шундай сифатларга эга эди.

Шоирнинг муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам унинг ижтимоий шоир эканлигини англаш мумкин. Талабалик йилларимда, собиқ ТошДУнинг “Фило-

логия” факультетининг II курсида ўқиётган йилим, талабалар кўлида Муҳаммад Юсуфнинг дастлабки китоби – “Таниш тераклар” талабалар орасида қўлмақўл бўлиб кетганини эслайман. 1985 йилда чоп этилган ушбу китобдаги мазкур сатрларга эътибор қаратайлик:

*Термиламан, изларидан жим,
Боқиб кўзим толиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар қуни
Трамвайлар олиб кетади.*

*Темир йўлга бошларин уриб,
Ғилдираклар нолиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар қуни
Трамвайлар олиб кетади.*

Ишқ-муҳаббат қалбимизга мўралаган биз талаба-ёшлар – бу шеърни шоирнинг севган қизига бағишлаб ёзган ҳазиломуз туйғулари сифатида ўқиганмиз. Ҳозир бу шеър орқали Муҳаммад Юсуф нима демоқчи бўлганини англагандайман. Ўз Ватанини севган кизи сифатида тасвирлаб, собиқ мустабид тузумни трамвайга мензамоқдами? Балки, нолиб кетаётган ғилдираклар собиқ СССР таркибидаги республикалардир?

*Юр, деб ўзим кетар йўлларга,
Буролмайман трамвайларни.
Сўколмайман трамвайларни,
Уролмайман трамвайларни.*

Бу сатрларда халқимизнинг сиртга чиқара олмаган дарди мужассамдай, гўё. Шоирнинг Ватанга меҳр-муҳаббатини қуйидаги сатрлардан ҳам илғаш мумкин:

**Танҳо билмасам ҳам, билсам ҳам Ватан,
Йиғласам ҳам Ватан, кулсам ҳам Ватан,
Унга жонни тикмоқ тилагинг бўлсам,
Сен одам экансан, одам экансан.**

Шундай кейин Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир янги шеърини, янги китобини орзиқиб кутадиган бўлдик. 1989 йилда шоирнинг “Илтижо” ва “Уйқудаги қиз” номли икки шеърини тўплами нашрдан чиқди. “Илтижо”даги шеърларни ўқир эканман, унда яна ўша “трамвай”га кўзим тушди:

**Қилавермас ҳар кимга насиб
Трамвайда қофия ахтармоқ,
Сийёҳ қотиб қолган беш бармоқ,
Ҳар куни бир жондан тўймоқ,
Қогоз билан ўз-ўзин сўймоқ...**

Сатрларда яширинган ҳисни, тузумдан норизолик, тузумга қарши исён, шоир қалбидаги бўронни илғадингизми?

**Энг яқин дўстидан кечгандек,
Чириллатиб юракни гоҳ,
Чўнтакдаги охирги сўмни
Контролёр кафтига қўймоқ...**
Қилавермас ҳар кимга насиб.

Чўнтакдаги охирги сўм бу моддий бойликларимиз, балки эркимизни “марказ”га топшириб қўйганимизга шама эмасми?

“Уйқудаги қиз” китобини варақлар эканмиз, Муҳаммад Юсуфнинг она юртига бўлган чексиз меҳрини ифода этувчи бошқа шеърларларидан баҳраманд бўламиз.

**Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Яктагингни енгларидан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гийёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менинг,
Бободехқоним менинг...**

Собиқ СССРнинг хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистон бободехқон тимсолида моҳирона яширилган бўлиши мумкин.

**Офтоб чиқар,
Офтоб ботар,
Чўзлар сочиб танангга,
Бир кунгина бормай қўйсанг,
Нима қилар далангга?...
Бир шонача парвоналар
Бўлолмайсан болангга,
Ташнаи нолоним менинг,
Бободехқоним менинг.**

Бу мисралар орқали шоир моддий бойликларингни, газингни, пахтангни “марказ”га топширавермасдан – далага бир кунгина чиқмасдан, ўз халқинг фаровонлигига ишлата олмайсан – болангга парвона бўлолмайсан, демоқчи бўлгандир. Шеърни ўқиб, беихтиёр бободехқонни севиб қоласиз, унинг ортида Ватан турганини ҳис этасиз.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, барча ўзбек халқи каби Муҳаммад Юсуфнинг ҳам кўксига

шамол тегди. Энди у қалбининг туб-тубида ётган дардини, дил туғёнларини, аввал ошкор айта олмаганларини эмин-эркин ёзиш имконига эга бўлди. 1992 йилда шоирнинг “Эрка кийик” номли янги шеърлар тўплами нашрдан чиқди. Ушбу тўпландаги деярли барча шеърлар тез орада ўз халқининг кўнгил мулкига айланишга улгурди.

**Ич-ичимдан кўзимга ёш келар қалқиб,
Балиқдай гунг, қўйдек ювош ўзбек халқи!
Сен ҳам бундай қомат кериб юрсанг балки,
Уйингга ўт кетмасмиди, Фарғонажон?..**

ёки

**Қайлардасан ўзинг, қанисан ўзинг,
Сен кимнинг бир парча жонисан ўзинг?
Боболаринг кимдир, момоларинг ким,
Сен қачон ўзингни танийсан ўзинг?..**

1994 йилда чоп этилган “Ёлғончи ёр” тўпламида Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида янада мукамалликни, ўзгача эҳтиросларни кўрамиз. Иккинчи жаҳон урушидан 3 кун аввал соҳибқирон бобомиз Амир Темурни қабридан кўзғатганларга қарата битган шеъри ҳар бир инсоннинг қалбини ларзага солади.

**Жаҳонгирнинг қабрин очган қаззоблар,
Бири олим, яна бири арбоблар.
Хондек яшаб ўтдилару оламдан,
Амир Темур руҳи мени азоблар.
Ўшал кун сен қайда эдинг, болам, дер,
Қулозингга етмадиму нолам, дер.
Мени қўзғаб нима топди олам, дер,
Амир Темур руҳи мени азоблар.**

Юқоридаги тилга олинган суҳбатда, – Тасаввур қилинги, сиз – шоир Муҳаммад Юсуфнинг мухлисисиз. Четдан туриб, унга нима деган бўлар эдингиз? – саволига кечагина халқ шоири унвонини олган шоир шундай жавоб беради:

– Шеърларини ўқиб туриб, биринчидан, кўпроқ ўқи, камроқ кўшиқ ёз, деган бўлардим. Яхшиларидан кўпайтир, дердим.

Дарҳақиқат, Озод Шарафиддинов таърифлаганидек: “Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиши билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси – шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳрат кетидан эмас, шуҳрат унинг кетидан қувиб юрар эди”.

Ҳар сафар Муҳаммад Юсуф шеърларини мутолаа қилганимда, шоирнинг руҳи тепамада тургандек бўлади. Буни худди олдиндан сезгандек, шоир қуйидаги сатрларнинг айнан шундай ҳолат учун ёзгандек:

**Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Ёғар йўлларингга афсус-андуҳим.
Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни,
Уйингни устидан ўтади Руҳим...**

Шоир ўз шеърларини ёзганда, мақолада биз келтирган фикрларни кўзда тутмаган бўлиши мумкин, балки айнан шу фикрлар унинг ҳам хаёлидан ўтгандир. Нима бўлганда ҳам, шеърят мухлисларининг хаёлида бундай фикрларнинг уйғониши шоир қаламининг ўткирлигидан, халқ дардини тушуна олганидан, ўз Ватанига, она юртига чексиз муҳаббатидан дарак беради.

Бахтияр ИРИСМЕТОВ,
кандидат философских наук, доцент ГИИКУз,
Фирдавс АСКАРОВ,
студент II курса ГИИКУз

ЖИЗНЬ И ПАТЕТИКА ПОЭЗИИ МУХАММАДА ЮСУФА В ИСТОРИИ ЛИТЕРАТУРЫ И ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. Данная статья посвящена жизни и творчеству известного узбекского поэта Мухаммада Юсуфа, в ней отмечается значение творчества поэта в обществе и любовь к его поэзии простых людей, а также значение его в литературе в целом.

Ключевые слова: поэт, поэзия, Родина, мечта, творчество, чувство прекрасного, любовь, почитатели, искренность, мир.

Бахтиёр ИРИСМЕТОВ,
ЎзДСМИ фалсафа фанлари номзоди, доцент,
Фирдавс АСКАРОВ,
ЎзДСМИ II курс талабаси

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМАЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада машҳур ўзбек шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилди, шу билан бирга, шоир ижодининг кишилар учун аҳамияти таҳлил этилган.

Калим сўзлари: шоир, шеърият, Ватан, орзу, ижод, гўзаллик ҳисси, табиат, муҳаббат, мухлислар, истеъдод, самимийлик, дунё.

Bakhtiyar IRISMETOV,
Candidate of Philosophy, Associate Professor of the UzSIAC,
Firdavs ASKAROV,
2nd year student of UzSIAC

IMPORTANTANC AND PLACES OF THE POETRY OF MUHAMMAD YUSUF IN THE HISTORY OF LITERATURE AND ART OF UZBEKISTAN

Abstract. This article is dedicated to the life and work of the famous Uzbek poet Muhammad Yusuf. At the same time, it notes the poet's place in society and the importance of his poetry for ordinary people and literature in general.

Key words: poet, poetry, Motherland, dream, creativity, sense of beauty, love, admirers, sincerity, peace.

Выдающийся деятель искусства Узбекистана Мухаммад Юсуф родился 26 апреля 1954 года, в кишлаке Ковунчи. Настоящее имя и фамилия его Мухаммаджон Юсупов. Отец его был простым крестьянином, трудился в сельском хозяйстве, занимался разведением скота и возделыванием земли. С детства мальчик впитал в себя красоты окружающего мира и любовь и уважение к родному краю, что нашло отражение в дальнейших произведениях. Например, во многих стихах сохранились воспоминания о дворике и улице, где он жил с родителями, о ярких моментах ранних лет, когда бегал под ливнем, умывался росой, ловил бабочек, вдохновляясь природой родного края.

Как известно, будущий поэт, окончив среднюю школу, стал студентом ныне Узбекского Государственного университета Мирowych языков. После вуза Мухаммаджон в течение 2 лет проработал в «Обществе книголюбых» страны, где привлек внимание литературной общественности и обрел своих почитателей.

Уже с 1980 года числился журналистом в популярной столичной газете «Вечерний Ташкент», и почти через 5 лет снова вернулся к редакторской деятельности в издательство Литературы и искусства

имени Гафура Гуляма. Также, в профессиональном «багаже» Мухаммада Юсупова была работа в газете «Голос Узбекистана», и в «информгентстве УзА», и журнале «Тафаккур» [1. С. 6].

Особое место в жизни молодого дарования, заняла поэзия, хотя первое сочинение было опубликовано в газете «Литература и искусство Узбекистана», только в 1976-м году, дебютный сборник произведений «Знакомые тополя» вышел только через 9 лет. Книга заслужила высокую оценку, как у литературных критиков, так, и у простых читателей, а автор обрел звание серьезного и талантливого поэта, воспевающего жизнь, любовь и Родину.

В начале творческого пути молодому дарованию посчастливилось познакомиться с Абдуллоей Ариповым и Эркином Вахидовым, помогавшими начинающему мастеру художественного слога полнее раскрыть свой природный талант. Также, в течение жизни дружил с музыкантами и хафизами, любимыми певцами. Среди них: Мухриддином Холиковым и Охунжоном Мадалиевым, их даже называли «тремя братьями творческой музыки».

Своеобразной визитной карточкой синонима творчества Мухаммада Юсуфа являлась «Тюбетейка».

Здесь он рассуждал, почему «родной головной убор» стал менее «носимым» и популярным у людей. И к финалу нашел ответ – «иль тубетеек нет теперь пристойных, или достойных тубетеек нет голов» отмечал поэт.

Через два года появился поэтический сборник «Слушай, соловей». В нем М.Юсуф, затрагивает разные стороны жизни, воспеваешь отечество и народ, природу и любовь. Преобладание в них национального колорита и самобытный оригинальный стиль мгновенно принесли популярность.

Всегда разная, но очень близкая и родная природа Узбекистана прекрасно изображается в стихах мастера слова. В них не было ни словесных украшений, ни поэтических излишеств. Надо признать, что такой искренний поэтический голос и глубокая лиричность были редкостью для узбекской литературы конца XX века. Национальный колорит его поэзии и индивидуальный стиль сделали стихи Мухаммада Юсуфа невероятно популярными. Вот почему песни, созданные на его стихи, – будут вечны, их поют и любят до сих пор.

В стихах Мухаммада Юсуфа полно и многообразно выступала узбекская природа в различных образах. Всё, что он переживал и чувствовал, воплощались в его незабвенных стихах. Такой искренней поэтической голос, был и остается редкостью и по сей день, как « драгоценный природный камень лал, превратившийся в рубин, получив свою неповторимую огранку» [1. С. 8].

*Знакомые тополя. Шум арыка
Мутная вода, родная вода.
Склонились ветки уличных ив...
Давно не бывал я здесь...*

*Тихо откроется деревянная дверь...
Я очень сдержанный, но...
Но могу разрыдаться сейчас –
Давно не бывал я здесь...*

При этом поэт часто парадоксален, он пишет, казалось бы, простые стихи, но они глубокие и выстраданные:

*– Мама, зачем ты меня родила?
– Для Родины.
– Мама, зачем ты меня родила?
– Счастья твоего...
– Мама, зачем ты меня родила?
– От нужды.
– Мама, зачем ты меня родила?
– От скуки...*

Особо покоряет любителей поэзии, свежесть, непосредственность, проникновенная искренность лирики Мухаммада Юсуфа, лукавая прелесть его строк, новизна и своеобразие жанровых зарисовок, их истинно народное песенное начало. Национальный колорит его поэзии, неповторимый индивидуальный стиль сделали стихи Мухаммада Юсуфа

невероятно популярными. Песни, созданные на его стихи, живут своей самостоятельной жизнью, их поют и любят.

Мухаммаду Юсуфу свойственны необычайная многосторонность в восприятии мира, отзывчивость на каждое движение жизни и безудержный полет фантазии, что свойственно возрасту, в котором он покинул этот мир.

Решено.

Не буду писать стихов.

Я теперь человек,

Начинаю жить как обычный человек.

Но если душа потребует, чтоб написал,

Ночью создам, а утром сожгу!

Именно Мухаммад Юсуф умел показать жизнь в ее полноте и многообразии. Но жизнь для него – это и есть любовь. Без нее он не мыслил себя ни в жизни, ни в творчестве. Именно поэтому все его творчество пронизано трогательными нежными и трепетными нотами:

*Если придешь, дорогу осыплю цветами,
Тебя сравню с Лейли, себя – с Меджнуном,
Если бы в этом мире не знать разлук!
Где мне найти тебя?..*

Отдельно можно отметить его любовь к родной земле. О Родине может писать каждый поэт, но так искренне и неповторимо писал только он. Доказательством этих слов является стихотворение «Узбекистан» [2]:

*Каждый день с тобою – праздник для меня.
Я приветствую всех, знающих тебя,
Трудно жить без Родины даже краткий миг –
Жаль мне тех, кто край мой сразу не постиг.*

В узбекской поэзии он был словно порхающая бабочка. Легкость и красота его слога всегда отражались в творчестве поэта. Но жизнь Мухаммада Юсуфа оборвалась очень рано. Творческий полет, увы, был прерван на взлете, в 47 лет со словами:

*«У любви – отравленные стрелы.
Утешенья жажду – слышу смех.
Если боль мою со мной поделишь,
значит, ты и вправду человек».*

Утешает лишь то, что поэт такого масштаба, такой глубины чувств и мыслей, каким был Мухаммад Юсуф, оставил нам бесценное творческое наследие, которое окажет огромное благотворное влияние на развитие узбекской поэзии. Хотя сколько он увы и не успел?

«По моему, поэтическое творчество – не профессия и не ремесло. Поэты, сами того не зная, становятся любимцами Бога. Иногда, читая свои стихи, я хочу плакать. В такие минуты я думаю, что поэты сами не пишут. Им кто-то помогает. Им помогают ангель», – признался однажды он в своем интервью [3. С. 22].

Тема природы и патриотизма особенно громко звучат в сочинениях Мухаммада, за что поэта на



родине удостоили лестного сравнения с «последним русским поэтом деревни» Сергеем Есениным [4. С. 34].

В целом, за свою недолгую, но творчески богатую жизнь Мухаммад Юсуф подарил читателям больше 10 сборников – «Убедительная просьба», «Колыбельные матушки Халимы», «Корабль любви» и многие другие. В 2001-м году свет увидело и «Сочинение», а в 2013-м благодаря усердию родных – поэма «Любовь поэта». Также, литературным наследием М.Юсуфа стали пере-

водческие работы классиков мировой литературы [5. С. 62].

Поэтому, его жизнь, короткую, но яркую, можно охарактеризовать словами А.С.Пушкина, сказанными о Байроне: “Он исповедался в своих стихах неволью, увлеченный восторгом поэзии” и задача всех кто не равнодушен к поэзии нашего кумира и современника, максимально пропагандировать ценности любви к нации, стране и искусству, что стало смыслом всей его сложной, но насыщенной жизни.

Список литературы:

1. К 60-летию поэта Мухаммада Юсуфа. Газета «Правда Востока» от 26 апреля 2014 года.
2. Мухаммад Юсуф. Сборник стихов. «Элимда алёрим колур». – Ташкент: «Укитувчи», 2017. 216 с.
3. Темирова Ш. Журнал «Вестник современной науки». «Поэзия, о, неверная возлюбленная», № 11–2(23), 2016. С. 24–29.
4. Короглы Х. Узбекская литература // Краткая литературная энциклопедия. Гл. ред. А.А.Сурков. – Москва: «Сов. энцикл», 1962–1978. Т.7; «Советская Украина», «Флиаки», 1972. 730–742 с.
4. Абдумавлянов А., Бабаханов А., История узбекской литературы. – Ташкент, 1996; История узбекской советской литературы. – Москва, 1997. С. 342.
5. Владимирова Н.В., Султанова М.М. Узбекский советский рассказ. – Ташкент, 1992. С. 213.

Интернет-ресурс

1. www.cultura.uz «О творчестве поэта М.Юсуфа».
2. www.ziyouz.uz Т.Ботиров «Hozirgi davr o‘zbek milliy adabiyotining ko‘zga ko‘ringan iste’dodli shoirlaridan biri Muhammad Yusufning hayoti va ijodi».

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА ВАТАН МАДҲИ

*Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка қўмилар асл шоирлар*

Ҳаёт шундай серҳиммат, шундай саховатлики, у китоб аталмиш бебаҳо бир мўъжизани инсониятга тақдим этган. Китоб ўта назик дид ва нафосатни тарбияловчи беқиёс восита ҳисобланади. Унда нодонга – ақл, бедидга – фаросат, жоҳилга – маърифат, гамнокка – гамгузор, дардманга шифо бўла олгувчи куч мужжасам. Ана шундай китоб олами-нинг маърифат чашмасидан бизга буюк мерос қолдирган Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Муҳаммад Юсуф тирик бўлганларида 66 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Муҳаммад Юсуфнинг ёшлик, йигитлик йиллари Тошкентдай шаҳри азимда ўтди. У шу ерда омадини, бахтини, шон-шухратини топди. Кўҳна Шошнинг болохоналарида “шоир” деган унвонга эришди:

*Мени шоир қилган қумсувоқ
Болохоналаринг бор бўлсин.*

Ва бу юртдан бир умр бурчдор эканлигини, бир умр ҳис этиб яшади:

*Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,
Узолмасман сендан қарзимни.*

Оташин шоир Муҳаммад Юсуф ҳар қанча иззат-икром кўрсатилса арзийдиган сўз санъатори бўлиб, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан шухрат қозонди. Ўз навбатида, бу ижодкорнинг шеърляти ўз-ўзидан яралгани йўқ. Худо берган бу истеъдод сувоқлари кўчган эски уйлар, ажин босган ажиб юзларни эслатувчи ним нураган пахса деворлару, тупроқ кўчаларнинг тунги сукутларидан, онаизорларнинг меҳру соғинчлари, оталарнинг умрий заҳматлари иси келиб турувчи яқтак-чопонлари, сулув қизларнинг кулгиси, қошу киприкларидан майсадек кўкариб камол топди. Унинг шеърляти меҳру муҳаббат, соғинч, дарду хижрон, тириклик ва ўлим, дийдор, айрилиқ тарбиясини олган, шунинг учун ҳам бу шеърлят умрбоқийдир.

Дарахтнинг бўй-басти йиқилганда билинади деганлари айни ҳақиқат. Ҳар куни кўзингизни кувнатиб, яшнаб турган гўзаллик қарабсизки, бугун йўқ. Йўқотиш дарди оғир. Катта орзу-умидлар билан яшаб, ижод қилаётган шоирни ўлим орамиздан эрта олиб кетди. Муҳаммад Юсуф қисмати ҳам бевақт кулаган дарахт қисматиға ўхшаб кетди. Шоирдан бизга ибрат олса арзигулик чинакам бетакрор ижодий мерос қолди.

Муҳаммад Юсуф бахтли, омадли шоир эди. Қисқа вақт ичида адабиётимизнинг асл дарғалари Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ва, энг аввало,

халқимиз эътиборига тушди. Ўз даврида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуфни хотирлаб шундай ёзган эдилар: “Ажал якка ов қилади, дейишади. У ҳеч ким билан маслаҳатлашмас экан, бошқаларнинг иродасини назар-писанд қилмас экан. Бевақт ўлим адабиётимиз гулшанида барқ уриб очилиб, яшнаб турган бир чечакни уздию кетди...”

... Чинакам шоирнинг қалбида соҳир қуш доимо сайраб туради. Ўша қуш айнан Муҳаммадجونнинг юрагида ошён қурганига мен астойдил ишонганман.. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди” (1. 277 б.). Халқ шоирининг шаънига устозлар томонидан бундай илиқ сўзларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, Муҳаммад Юсуф устозлари, яқинлари, фарзандлари хотирасида яхши ишлари, хокисорлиги, меҳрлилиги билан муҳрланиб қолган бўлса, халқимиз, аниқроғи ўз муҳлислари тасаввур-ида йиғлатадиган, ўйлатадиган, эзгуликка етаклайдиган шеъри, қўшиқлари билан яшаб келмоқда. Бироқ, халқ сайилларида, тантаналарида ва оддий ёшлар билан учрашувларда халқпарвар шоиримизнинг ўрни билинади. Чунки мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ, халқимизнинг асрлар оша орзу-умидларини юракдан ҳис этиб, баралла овози билан “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” деб кураш майдонларига туша олган шоиримиз бугун орамизда йўқ. Халқ суйган шоиримиз элга, юртга меҳру муҳаббатини шу қадар содда, шу қадар суюкли мисраларда айта олган эди:

*Кўринганни дуолар
Қилар бизда момолар,
Ғанимга ҳам омонлик
Тилар бизда момолар.
Момолар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?
Бизнинг бўстон қайда бор,
Шоҳимардон қайда бор,
Сўлим Сурхон қайда бор,
Самарқанд нон қайда бор-а,
Ўзбекистон қайда бор?*

Ижодкорнинг бахти, ўз асарлари билан халқ меҳрини қозонишида, Ватан мадҳини баралла куйлай олишидадир. Халқ суйган шоир Муҳаммад Юсуф асарлари халқимиз кўнглида иккинчи умрини яшмоқда. Санъатсевар халқимиз эътиборига тушиш, унинг қалбидан жой олиш анча мураккаб бўлишига қарамадан, хокисор шоиримиз Ватанни севишни, ёрни севишни, ардоқлашни, асрашни ўзининг жозибали ва ёқимли овози билан бизга ўргатиб кетди.

Шу билан бир қаторда, Муҳаммад Юсуф ўзгалар дардини, алам-изтиробини, севги-садоқатини

ҳис этадиган шоир эди. Ватан аслида шоир юрагидаги гул. Шоир ҳеч қачон бу гулнинг сўлишини, завол топишини истамайди. Унинг чирой очиши, яшнаши шоирни яйратади. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуф:

**Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!**

— дея хитоб қилади. Муҳаммад Юсуфнинг “Кўҳна кудук” достонида шундай жумлалар бор: “Кўксингда саволинг бўлмаса дунёга нега келдинг, отингдан айланай, Инсон!” Иймонда, эътиқодда, киндик қони томган заминга муҳаббатда собит ҳар инсоннинг қалбида бир савол туғилади: “Элу юртимга муносиб фарзанд бўла олдими, тарбиялаб камолга етказган, оқ сут берган ота-онам мендан розими, сафларда ўрним, кадрим борми?” Шу саволлар олдида юзи ёруғ одам юрт йўлларида қаддини ғоз тутиб юра олади. Бировдан қарзи бор одам елкасидаги юкни иргитиб ташлолмайди. Ватан олдидаги қарзини ҳис этган инсон ҳам ҳаммага хушёр ва тийрак назар билан юради.

Тийрак назар шоиргина “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?” деган савол бера олади. Шоирнинг дардли оҳангда ёзган қуйидаги шеърига эътибор берайлик:

**Босма, бу майса – кулгу,
Майсалар – қувноқ ўтлар.
Кўз ёшу қулфатлар у –
Қирувчи самолётлар.**

(“Майса”)

Табиатни асраш даркорлигини, она тупроқнинг кулгиси эканлигини, ҳар бир жонзотни, ҳар бир набототни асраш – бу инсоннинг ўзини, қалбини, айни пайтда Ватанни асраш эканлигини Муҳаммад Юсуф ўз шеърларида насихатсиз айтади.

Муҳаммад Юсуф мамлакатимиз озодлигини, ҳеч иккиланмай, Қодирий, Чўлпон ва Усмон Носир каби улуғ ижодкорларнинг кўксини қуйдириб кетган буюк армон ижобати сифатида қабул қилди. Шу боис, бутун борлигини, истеъдодини Ватан мадҳини тараннум этишга бағишлади. Она Ватанга муҳаббат мавзуида Муҳаммад Юсуф тўлақонли ижод қилди. “Дўстлар, оғиз тўлдириб Ватан дея олмоқ ўзи бахт экан”, деб ёзса, бошқа бир шеърида “Ватан – юрагимнинг олампаҳоҳи”, дея улуғлайди. Ёки мана бу сатрларни ўқиб, кўнглида фахр-ифтихор туйғусини туймаган одам бўлмаса керак:

**Сен – шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим.
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим.
Кўнглимдаги ифтихорим,
Қўйнимдаги туморим,
Ўзинг мени улуглардан
Улугимсан, Ватаним!**

(“Ватаним”)

Ватан тарихи, мозийнинг нури ва зулматга чўлганган даврлари шоирни бефарқ қолдирмайди. У Ватан учун жонини фидо этган эл фарзандларининг жасоратини алоҳида ғурур билан ифодалаган.

**Сен Хўжандсан
Чингизларга
Дарвозасин очмаган.
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган.
Муқаннасан қорачиги
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлигимсан, Ватаним.**

(“Ватаним”)

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърини миллий ўзликни англаш, озод ва обод Ватанни тараннум этиш, оқ сут бериб улғайтирган она халққа бутун умр садоқат билан хизмат қилиш борасида ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов: “Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳаммаси шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар”, – деб ният билдирган эди (1. 1 б.).

Ўзбек халқи дунёдаги энг қадимги халқлардан бири саналади. Шу билан бирга, халқимиз тарихда мисли кўрилмаган ҳодисаларни бошдан кечирган. Босқинчи кетидан-босқинчи келиб, бу гўзал юртни вайрон этиб, халқимизни куллиққа мубтало қилишга уринган. Халқимиз бамисли самандар (оловда туғилиб, оловдан омон чиқадиган афсонавий қуш)дек барча синовлардан омон чиқди. Бироқ, бу курашлар, озодликка бўлган интилишлар, албатта, қурбонсиз, йўқотишларсиз кечмади. Миллатнинг не-не баҳодирлари юрт озодлигини ҳар нарсадан устун билган халқнинг асл фарзандлари, шу кураш майдонларида жон бердилар. Бироқ, ёв келганда ўзини четга олган, жон ширинлик қилиб, шаънидан кечган, дўстларини сотган кимсалар ҳам бўлган. Эҳтимол, ана шундай Ватан кадрини билмаган кимсаларнинг ёвуз кирдикорлари шоир қалбини тирнаб ўтгандир ва қуйидаги аламли сатрлар юзага келгандир:

**Юртим адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.
Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.
Осмонларингда ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термилган Чўлпонларинг бор.**

Ватанпарварлик ғоялари М.Юсуф шеърятининг ўзагини, туб моҳиятини ташкил этади. “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!”, “Халқ бўл, элим”, “Ўзингдан қўямасин, халқим”, “Ватан”, “Ватан мадҳи”, “Ватан яғонасан” ва бошқа кўплаб шеърлар каттаю кичикнинг кўнгли мулкига айланди. Ватанни ҳар ким ўзича суяди, ўзича ардоқлайди. М.Юсуф Ўзбекистонни алоҳида меҳр билан алқайди:

*Эй менга эртақлар сўйлаган замин,
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг.
Ўзгалар наздида боғи эрамни
Жийданг япроғига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.*

(“Ватан”)

Шоир миллатимиз тарихига чексиз хурмат билан қараб, эҳтиёткорлик билан уни қаламга олди. Гўёки “Ватан” бағрида ўзини мурғак, лекин уйғоқ гўдакдек ҳис этиб, эркин ижод қилди. Шоирнинг “Ватанним” шеърисида шундай қадрли мисралар бор:

*Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин – Курдистонда,
Бобуринг – Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролик деб,
Ётарлар зимистонда...*

Қарангки, шоир ушбу мисралар орқали Қашқар ва Энасой томонларда саргардонликда қолиб кетган Фурқат ва Усмон Носирларнинг аянчли қисматини қаламга олиб, аламли сатрлар битлади.

Шоир шахси Ватан туйғусини қалбининг туб-тубидан ҳис этсагина, унинг шеърлари ўқувчи юрагига тўғри кириб боради. Шунинг учун бўлса керак, Ватанни кўриш армони билан кўз юмган Бобур, Фурқат каби шоирларнинг шеърларини ўқиганда, ўқувчининг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати янада ортади. Муҳаммад Юсуф эл-юрт соғинчини оддий, лекин жуда самимий мисраларда тасвирлайди:

*Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан а,
Ўзингдан қўймасин халқим ўзингдан-а.*

(“Ўзингдан қўймасин, халқим”)

Ўзбек, миллат, Ватан, озодлик, ўзбеклик ғурури, улуғ боболарга ворислик туйғуси шоир шеърларида бўртиб туради:

*Зиё оққан мен юрган йўл-йўлакка
Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.
Дунёларни ўрантирган ипакка,
Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман! –*

деб ёзади шоир ғурур билан “Ўзбекман” номли шеърисида.

Шоир ижодида бўй чўзиб турган мухташам образ – бу, албатта, Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Муҳаммад Юсуф “юрагининг олампаҳоҳи бўлган” Ватан ҳақида ҳамшиша жўшиб ёзади. У том маънода Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат – Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат.



*Лочин кўкда нетар кўзи ўтмаса,
Синдир қаламингни сўзи ўтмаса,
Ватан десанг кўксинг тўлиб кетмаса,
Шеър ёзишга бало борми биродар?!*

– дея хайқиради шеърларидан бирида.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг яна бир фазилати унинг соддалигидадир. У ўз шеърлари учун ҳар хил шакллар ҳам кидириб юрмайди, халқ қўшиқлари йўлида қалам тебратиб, халқнинг ўзидан олиб, халқнинг ўзига беришга ҳаракат қилган. Шундан шеърлари қоғозга равон ва содда тушиб, маъносини англаш осон кечади. Чунончи, “Ўзбек” деган шеърисида шундай сатрлар бор:

*Ёмон шеър ёзсанг ҳам, бетингдан ўпиб,
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек...*

Хулоса қилиб айтганимизда, шеърят тубсиз бир уммон. Аслида сокин кўринган бу уммоннинг ички дунёси ғалаёнларга, тўфонларга бойдир. Муҳаммад Юсуф шеърляти ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди, унинг қалбида шундай буюк халққа фарзанд эканлигидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади.

*О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ, сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянга.*

*Сен билан ўтган кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.*

Муҳаммад Юсуф ана шундай ўтли меҳр, жўшқин рух, беғубор самимият, камтарона одоб билан мудом эл орасида бўлди, ўқтам шоирнинг умри ҳам эл ичида ниҳоя топди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: “Sharq”, 2014.
2. Муҳаммад Юсуф. Шоир севгиси. – Тошкент: “Noshir”, 2016.

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “ЭЙ, ДИЛ...” ДОСТОНИ ҲАҚИДАГИ ЎЙЛАР...

Муҳаммад Юсуф шеърлятида унинг қаламига мансуб дostonлар алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир дoston шоирнинг турли вақт, макондаги фикр ва туйғуларининг инъикоси бўлса-да, уларни бирлаштириб турувчи улуғ бир туйғу – Ватанга, элга муҳаббат, инсон қадрини улуғлаш туйғуси уларнинг ҳар бирида алоҳида пафос, алоҳида ҳис-туйғу, энг муҳими, уларга бўлган муҳаббатнинг энг юқори, авж пардаларида тараннум этилади. Буни биз Муҳаммад Юсуф ижодининг ўзига хос феномени – ўзлиги деб англашга одатландик.

“Эй, дил...” дostonи номланишининг ўзиданок, шоирнинг уйғоқ қалбига мурожаати эканлигидан дарак беради. Бу уйғоқ қалб эса доимо соф виждон олдида жавоб беради:

*Бўйи райҳон юртимнинг
Қадрин билиб юрдими?
Кулганда шод,
Куйинганда
Бағрим куйиб юрдими?
Дардин олай дедим,
Лекин
Дардин билиб юрдими?...
Эй, дил, сен айт!*

Инсон қалби – Аллоҳнинг назорат кўзгуси! Бу кўзгу борини акс эттирганидек, ҳеч бир зот ундан ҳақиқатни яшира олмайди ҳам. Шоир, ҳар бир масала бобидаги фикрига якун ясаб: “Эй, дил...” – дея мурожаат этиш билан қилган иши, амалининг энг “Олий ҳакам” наздидаги баҳосини англашга ҳаракат қилади ва шунинг учун ҳам савол ҳар гал жавобсиз... Жавоб “Улуғ кунга” қолдириляётгандек гўё... *Бўйи райҳон юрт* – жаннат демақдир. Унинг *қадри, дардини* билиб юришлик, *кулганда кулиб, йиғлаганда баб-баробар куйинишлик* – чин юрт фарзандининг бурчи, фуқаросининг қасамёдидек янграйди.

“Шоир зоти кайфиятнинг кули бўлади” деган гап бор. Ҳақ гап. Аммо кайфият инсон зоти руҳиятининг акси ёки ботилнинг зоҳири. Ҳар бир ижодкор аждодлар руҳига, шахсига юзланиш билан улардан мадад олишга, ўзларининг ақл призмаларидан ўтган ёки ўтаётган туйғуларининг ҳақ ёки ноҳақ эканлигини, саралаб олишга интилади. Инсонпарварликнинг энг олий намунаси, андозаси вазифасини ўтаган, эл назарига тушган, эл-юрт номини эзгулик тамойиллари асосида дунёга таратган орифлар, улуғлар, қаҳрамонларнинг ҳаёти, фаолияти, амалларига қараб, шоир ёки ёзувчи, ўзининг ёки замондошларининг олиб бораётган, қилаётган ишлари-

нинг тўғри ёки нотўғрилигини АДОЛАТ тарозусидан ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Қадимги ишонч ва эътиқодлари замирида “аждодлар ҳурмати” деган тушунча мавжуд. Туркий халқларда, шу жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган ўзбекларда бу эътиқоднинг турли кўринишлари сақланиб қолган. Унинг ҳозирги замонамиздаги кўринишларининг сақланиб қолиши ислом дини ғояларига мослиги билан ҳам белгиланади. Ҳадислардан бирида айтилишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “*Агар Аллоҳдан бошқа бир зотга сажда қилиш ҳуқуқи берилса, мен аёлнинг эрига сажда қилишини ёқлаган бўлар эдим*”, – дейилади.

Аждод ва авлодлар руҳиятига мурожаат анъанаси Муҳаммад Юсуф шеърлятида ҳам мавжуд. Жумладан, “Эй, дил...” дostonида шоир “*Бобо Широқ елкасида қалтирайди найзалар*”, – дея Широқнинг мардлиги, жасурлиги, Ватан учун жон фидо қилиши олдида, душмангина эмас, хаттоки найзалари ҳам қалтираганини таъкидлаш билан эл, юрт учун жонни фидо қилиш – энг чиройли ва тарихларга муҳрланувчи ўлим эканлигини замондошига етказишга интилади. Динимиз наздида ҳам, шахидлик – олий мақом саналади.

*Гиёҳ унмай,
Ер йиғлайди,
Чингиз ўтган жойларда.
Кўксимда бир
Шеър йиғлайди,
Чингиз ўтган жойларда.
Тулпор изи
Тошга сизиб,
Сўроқлайди сойларда:
Қайда қолди
Жалолиддин
Мангуберди, қайларда?...*

Халқимиз не-не босқинчиликларни бошидан ўтказди. Форслар билан курашлар, араблар юриши, Чингизхон босқини, русларнинг истилоси... Бундай кезларда: “*бахил бир ҳақ, жоҳил минг ҳақ, толиб – аҳли илм лол, фозилларнинг аҳволдан сўйлай десам, тилим лол*”, – дейди шоир. Ҳар доимо умид учкунлари, муҳаббат тимсоллари бўлиб тавсифланган: *юлдузлар* – “*Юртнинг бошига ўзга тилда сўзловчилар ёғдирган – дўқ, юртнинг ҳар чақнаган кўёшлари – Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Фитрат, Чўлпон, Қодирийлар бошига – ёғдирилган ўқ, Хўлқар эмас, Зуҳал эмас, шўрлик элнинг кўзларидан сачраган чўғ – юлдузлар*”...

Шоир наздида, ҳурлиги, эркини йўқотган эл – табиатнинг қувват, қувонч берувчи манбаларидан

ҳам маҳрум... Аммо ҳар сафар, ўт бўлиб куйиб, кулга айланган табиат ва наботот олаmidан “Қакнус” боласи чиқиб келганидек, халқ ичидан, худди Қакнус янглиғ, Тўмарису Широқлар, Жалолиддин Мангубердилар, Муқанналар, Дукчи эшону, Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар етишиб чиқдилар. Шунга қарамай, босқинчилик ва истилолар, қатағонлар ўз ишини қилди, халқнинг руҳи таназзул томон юз тутди. Чўлпон, Қодирий каби асл фарзандларини халқ асраб қололмади, ҳимоя қилолмади. Шоирнинг фарёди шундан:

Жалолиддин

Мангуберди, қайларда?..

Муқаннани, Алпомишу Гўрўғлиларни билмаган авлодлар, арбоб, аллома Улуғбекдек отани танимаган *падаркушлар* етишиб чиқди. Ва шоир замондошига қайта юзланади:

Аждодини

Билмаганда

Дил бўларми, айт ўзинг,

Қавм ёдини

Билмаганда

Дил бўларми, айт ўзинг –

Эй, дил, сен айт!

Шоир бугунги кун авлодларини ўзининг руҳи, қалбидан кечаётган узлуксиз саволларга ошно, шерик қилмоқчи бўлади. Ҳар биримиздан, қилаётган ишларимиздан гўё ҳисоб сўраб, яна аждодлар тарозуси ҳукмига ҳавола этади:

Боболаринг

Дастингдан дод

Уриб келса, нетарсан,

Унутдинг деб

Устинга от

Суриб келса, нетарсан?

Мирзо Бобур

Мозоридан

Туриб келса нетарсан? –

Эй, дил, сен айт!

Шоир улуғ алломаларимизни амалларимиз тарозуси олдидаги ҳакамга – олий, одил, асрлар ва халқ синовидан ўтган ҳакамга айлантириш билан уларни энг юксак мақомга кўтаради, улуғлайди ҳамда улуғлашни ўргатади.

Олимларимиз Жалолиддин Румий, Бедил, Навоий, Машраб каби алломаларимиз асарларини англаш учун замонавий тилга ўгириш устида бош қотирадилар. Назаримизда, замонавий шоир ва ёзувчиларимиз асарларини бугунги кун ёшларимизга етказиб берадиган таржимон эмас, восита зарур бўлиб қолганди. Чунки, ёшлар бугунги кун ижодкорлари тилини яхши тушунадилар, аммо **муаммо – уларнинг ўқимасликларида эди.** Бу борада ҳам ҳукуматимиз ва Президентимиз томонидан китобхонликни кенг тарғиб этиш, барча олий таълим муассасаларида она тилини ўрганишга, нутқ ҳамда мутолаа маданиятини юксалтиришга қаратилган қарор ва фармойишларининг

эълон қилиниши, айниқса, Адиблар хиёбони барпо этилиши сабаби ила уларнинг ижодига зийрак кўз билан қараш, асарларида тараннум этилган ғояларни ёшларимиз онгига сингдириш билан жамиятимиз маънавиятини янгилашга интилиш... кабилар, айнан шу кемтикларни тўлдиришга, ёшларимизни аждодларимиз анъаналарида тарбиялашга, ҳимоялашга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга молик ва долзарб амалий ечимлар бўлди.

Афсуски, баъзан айрим ёшларимиз Фарбнинг Шарк, мусулмон халқлари устига ёғдирган, XX–XXI аср “касали” бўлмиш “Интернет”, “Телефон” аталмиш воситалари – халқимиз бошига ёғдирилган навбатдаги “ИСТИЛО”, ёшларимизни, бугунги кун авлодини ўз илдизларидан, маънавиятидан, одил руҳиятидан айириб, илмсизлик, жоҳиллик, зўравонлик, андишасизлик, уятсизлик, беҳурматлик каби ўнлаб иллатлар домига тортмоқчи бўлаётган бир “ВАБО” эканлигини ҳар доим ҳам англаб етмаяптилар. Акс ҳолда, улар алломаларимиз, орифларимиз, шоирларимизнинг бонгига зийрак ва огоҳ ақл кўзи билан назар солишга интилган бўлар эдилар. Давлатимиз ва Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қилинаётган қатор амалий иш ва фармонлар ана шундай кучларга қарши қаратилганлиги, ёшларимиз ҳимоясига отланганлиги билан диққатга сазовордир. Ва, айнан: Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф каби салоҳиятли ёзувчи ҳамда шоирларимизнинг ижоди халқнинг қалби, дилидаги эрк туйғусини, ўзликни англаш туйғусини тушуниб етишга қаратилганлиги билан кадр топган ва топиб келаётганлиги ноёб хазинамиздир. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев билан адиблар хиёбонидаги суҳбатда Президентнинг: “Муҳаммад Юсуфни қайта тирилтириб, халққа қайтарасиз!” – деган фикрларида ҳам ўзига хос хитоб, шижоат ва келажак ёшлари устида қайғуриш борлиги аниқ кўриниб турган ҳолатдир. Шу ўринда, шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги фикрлари ҳам ёшларимизни Ватан аталмиш энг ноёб неъматга янада яқинроқ қилгандек янграйди:

Бизга Ватан

Шамсимоҳдир,

Бизга паноҳ шу Ватан.

Доим огоҳ

Шу Ватандир,

Доим ҳамроҳ шу Ватан.

Шоирни нафақат чет эл босқинчиларининг истибдоди қийнайди, балки ўз юртини, халқини билмаган, танимаган, аямаганларнинг жоҳиллиги ҳам изтиробга солади. Ҳар бир юртдоши, Ватандошининг хатосида халқнинг фожиасини кўради:

Шоҳ Машрабинг

Келар қайтиб

Ялангоёқ Қашқардан...

Ана, Тоҳир

*Сувга чўкди,
Зухро ютди захри қон,
Сайхундарё,
Жайхундарё
Оқди бўлиб наҳри қон.
Зайнабларнинг
Зардобидан
Кумушларнинг бағри қон,
Офтобойим
Рухи бўлиб,
Чирқирайди Марғилон!*

Абдулла Қодирийдек улуғ ёзувчимиз “Ўткан кунлар” романидаги кўпгина қаҳрамонлар ҳаёти, фаолиятига баҳо беришни китобхон ҳукмига ҳавола этганлиги бежиз эмас экан. Чунки, орадан сал кам бир аср ўтиб, Қодирий қаҳрамонлари халқ фикрининг марказида бўлиб келаётир: “*Офтобойим Рухи бўлиб, Чирқирайди Марғилон!*” Бир аср илгари фарзанд мусибатини тотган она қалби шоир ҳиссиётларини жунбишга келтиради. Икки кундош ўртасидаги мурасасизлик туфайли юзага келган ўлим, бутун бир халқнинг мотамига айлангандек: “*Офтобойим Рухи бўлиб, Чирқирайди Марғилон*”. Яқиндагина, “демократиянинг отаси” дея тилга олинувчи АҚШда бир ҳабаш – оддий қора танлининг ўлими учун бутун штат аҳолиси оёққа турди... Бизда, халқимизнинг энг сара зиёлилари, шоир ва ёзувчилари, ҳукумат арбоблари ёппасига қатагон қилиндилар – **халқ жим!** Диний эътиқодларимизни сунъий “коммунистик идеал ва атеизм”ларга алиштирдилар – **халқ жим!** Ёшларимиз – анъаналарга, ота-боболар удумларига, эътиқодларига бефарқ, илм ўрганишга лоқайд бўлиб, андишасизлик, уятсизлик, фоҳишабозликка, бемехрликка, жоҳиллик ва зўравонлик жарлигига туша бошладилар – **халқ энди жим турмаяпти. Бутун давлат, илм-фан, маърифат ва маданият, диний уламо-лар кучлари шу маънавий инкирозларни буткул йўқ қилишга сафарбар этилган.** Шоир Муҳаммад Юсуф бу борада ҳам ўз сўзини айтади:

*Бўлар элнинг
Болалари
Бир-бирини дер экан,
Бўлар элнинг
Зоғи лочин,
Қуёни ҳам шер экан.
Бўлмас элнинг
Болалари
Бир-бирини ер экан...
Эй, дил, сен айт!*

Муҳаммад Юсуф халқни эл бўлишга, бир бутун бўлишга чақиради. Ва бу бирлик “Хўжақўрсинга” эмас, қалам-қоғоз, фармойишларда эмас, қалб аталмиш сеҳр соҳибида бўлсин:

*Инсонга айт,
Қўл бергани,
Юрак бўлсин, дил бўлсин.*

Чунки, юрак – инсон қалби – Аллоҳнинг назорат



кўзгуси! Бу кўзгу борини акс эттирганидек, ҳеч бир зот ундан ҳақиқатни яшира олмайди ҳам.

Кичик бир дostonда халқ тарихи, унинг жавонмардлиги, қайғую изтиробларини мужассам эта билиш – Муҳаммад Юсуф ижодига хос хусусият. Dostonда ўзбек фарзандларининг Иккинчи жаҳон урушида, немис-фашистлар устидан қозонилган ғалабада улкан улуши борлиги, қаҳрамонлиги алоҳида жўшқинлик билан куйланади. Бир темирчи мисолида бутун халқнинг элпарварлиги, бола-жонлиги, энг олий фазилат тарзида эътироф этилиб, мадҳ қилинади. Ва, бу – юртининг энг сара ўғлонларини йўқ қилган, бор бойлигию, маънавий мулки, тили, динидан айирган тузумга нисбатан қилинаётган адолат рамзи – инсонийликнинг энг улуғ чўққиси бўлиб тасвирланади. Шоир, инсонлар эзгу, улуғ мақсадлар йўлида ҳар қандай адоватларни унутиб, бир жон, бир тан бўлиши мумкин эканлигини таъкидлагандек бўлади:

*Тирик жоннинг
Душмани бор,
Тирик жоннинг
дўсти бор,
Тошкентда бир
Темирчига
Ҳайкал қўйдик устувор:
Жигарларим,
Мана сув, нон,
Бўлишамиз баробар.
Нима топсак,
Бирга баҳам
Кўришамиз баробар!*

Муҳаммад Юсуф шеърятини шоирнинг фалсафий қарашларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ундаги фалсафага хос бир хусусият – бир танганинг икки томонини кўра билишлик мавжуд: **“Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиши мумкин. Шу бир калима сўз пинжсида қанча гуноҳга ботиши мумкин...”** “Эй, дил...” достонида ҳам шоир ўз анъанасига, услубига содиқ қолиб, ўз мухлисини ўйлашга мажбур этадиган мисраларни битади:

**Беш йил қиргин
Кезиб, голиб
Қайтганларга гапим бор.
Дзотларга
Кўкрак босиб
Ётганларга гапим бор.
Юртимнинг оқ
Сутин ичиб,
Сотганларга
гапим бор –
Эй, дил, сен айт!**

Беш йил кимдир Ватан учун, халқларнинг озодлиги учун мардлик намуналарини кўрсатди, жон олиб, жон берди. Лекин кимлардир хоинлик йўлига ўтиб, шу халқ, шу Ватанни сотдилар...

Эътибор билан ўқилса, шоирнинг “Эй, дил...”, дея қилган мурожаати тўғридан-тўғри сиз билан бизга қаратилганини ҳис этиш мумкин. Бу билан у гўёки, сизу бизни ҳақ билан ноҳақни, дўст билан душманни, яхши билан ёмонни англаб етишга чақиради. Айнан шу ўйлантириш, фикрлашга мажбур этиш хусусияти шоирнинг маҳоратидан дарак ҳисобланади. Халқни уйғотиш, халқнинг фикрини уйғотиш, яшашдан мақсад – ҳурлик, эрк эканлигига ишонтириш, ўз халқини чин севган шоирнинг мақсадлари бўлиб янграйди. Баъзан шоирнинг “*Умри эъзоз, Шундай ҳам оз, Тушунмайди гаранлар...*” каби фалсафий қарашлари халқини навбатдаги хавф-хатарлардан огоҳлантиришга қаратилган туйғуларга боғлиқ кетади. Ҳали Иккинчи жаҳон уруши заҳматлари, осколкаларининг ўрни, яралари битмасдан оммавий қиргин қуроллари навбат кутиб турганлигини маълум қилади. Ҳаттоки:

**Она замин
Айланади –
Бир тугмада кўзлари.**

Ер аталмиш куррай заминни биргина атом ёки нейтрон бомбасининг “вахшаттугма, даҳшаттугма олдида қалтирашини” ҳис этишлик, тасвирлаш Муҳаммад Юсуф ижодига хос хусусиятдир. Шоир

халқини, авлодларини бугунги кунда ҳам “*тиши қайраб юрган ёвлардан*” огоҳлантиради. Куйидаги мисраларни ёзар экан, шоир “Эй, дил, сен айт!” – дея яна сизу бизга юзланади:

**Бўйи райҳон юртимнинг
Қадрин билиб юрдимми?
Кулса қулиб,
Куйинганда
Бағрим куйиб юрдимми?
Дардин олай дедим,
Лекин,
Дардин билиб юрдимми?...
Эй, дил, сен айт!**

Шоирнинг она юртига, Ватанига бўлган муҳаббат туйғулари вулқон мисоли, табиат эмас, қалб қаъридан отилиб чиқади:

**Билиб, қачон
Дармон бўлдим,
Билмай қачон қилдим қон,
Юракдан бир қўшиқ келар,
Юракдан бир сўз ниҳон:
Ўзбекистон –
Ота макон,
Ўзбекистон –
Онажон!...
Эй, дил, сен айт!**

Инсон ўз онасини яхши кўради ва буни ҳар доим баралла айта олади. Инсон Аллоҳни севади, маҳбубасини севади ва буни-да, баралла айта олади. Чунки севги – энг улуг туйғу.

**Ардогида
Ўсдим, уни
Суйиб яшай нондай ман.
Кўксимдаги
Имонимдай,
Кўксимдаги жондай ман.
Ўз онамга
Севаман деб,
Айтай, лекин қандай ман –
Эй, дил, сен айт!**

Шоир чиройли бир сўз ўйини қилади, мен қандай қилиб, ўз онамга “севаман!” деб айта оламан, яна ўша: “Эй, дил, сен айт!” Яъни, шоир сизу бизга, мана шу Ватан аталмиш маконнинг ҳар бир эгасига, фарзандига мурожаат этапти: “Эй, дил, сен айт!”

Нимани?

Шу юрт, шу Ватанни севишимизни... Унинг учун яшаб, унинг билан нафас олишимизни. Ўрни келса, унинг содиқ ва мард ўғлонларидек, унинг учун жон беришга тайёр эканлигимизни...

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 134-135-бет.
2. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 136-бет.
3. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 131-бет.
4. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 132-бет.
5. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 137-бет.
6. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004. 139-140-бетлар

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “УЙҚУДАГИ ҚИЗ” ШЕЪРИ ҲАҚИДА

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбекининг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг Нурхон хотирасига бағишлаб ёзилган шеърининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: шоир, ёзувчи, шеър, ижод, санъат, ҳис-ҳаёжон, тасаввур, нозик санъат.

Шоира НУСРАТОВА,

старший преподаватель кафедры “Искусствоведение и культурологии” ГИИКУЗ

О СТИХОТВОРЕНИИ МУХАММЕДА ЮСУФА “СПЯЩАЯ ДЕВУШКА”

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности поэмы известного узбекского поэта Мухаммеда Юсуфа, посвященной памяти Нурхан.

Ключевые слова: поэт, писатель, поэма, творчество, искусство, эмоция, воображение, изобразительное искусство.

Shoira NUSRATOVA,

Senior lecturer of the Department of “Art History and Cultural Studies” of the UzSIAC

ABOUT MUHAMMAD YUSUF’S POEM “SLEEPING GIRL”

Abstract. This article discusses the features of the poem of the famous Uzbek poet Muhammad Yusuf, dedicated to the memory of Nurkhan.

Keywords: poet, writer, poem, creativity, art, emotion, imagination, fine art.

Хаёт ва ижод йўли бутун бир соҳа ёхуд соҳанинг катта бир даври ҳақида атрофлича тасаввур берадиган мутахассислар кўпчиликини ташкил этмайди. Чунки бундай кишилар тақдирнинг ажиб бир инояти сифатида майдонга келади. Бу эса ёзувчи, шоир, драматурглар ижодида яққол кўзга кўринади.

Баъзи бир таниқли драматург, шоир ва ёзувчиларнинг умри қисқа бўлган бўлса-да, шу қисқа вақт ичида қилинган кўплаб ижодий ишлари, яъни асарлари, ҳикоялари, шеърлари узоқ яшаб қолади.

Аммо улар орасида адабиётнинг гавҳари бўлмиш шеърятга ихлос қўйибгина қолмай, бу нозик санъатни юксак чўққига олиб чиққанлари камданкам. Айниқса, Муҳаммад Юсуфнинг иқтидорига тенг келолгани кам учрайди. Қолаверса, бу оқсоч дунё манаман деган шоирларнингда кўпини кўрган.

Муҳаммад Юсуфнинг инсонга кўтаринкилик ва журбат бағишлайдиган “Таниш тераклар”, “Булбулга бир гапим бор”, “Илтижо”, “Уйқудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари”, “Ишқ кемаси”, “Кўнглимда бир ёр”, “Бевафо кўп экан”, “Эрка кийик”, “Ёлғончи ёр”, “Осмонимга олиб кетаман”, “Улуғимсан, Ватаним” “Халқ бўл, элим” каби шеърларида ўзига хос рамзийлик бор.

Биргина “Уйқудаги қиз” шеърини олайлик, бу шеърда ақл-заковати билан назарга тушган Нурхон образи талқин этилади ҳамда шеърни унинг хотирасига бағишлаб ёзади. Нурхонни ҳаётдаги аччиқ синовлар бироз йўлдан адаштира-да, у ўзининг нимага қодирлигини намоён этган, турмуш синовларида тобланган. Шеърда ҳаётининг воқелик ва инсон тақдирининг бадиий ифодаси, тил жозибаси ва орзу-истаклар рўёбига чиқаришга бўлган олий ҳаракат

ўқувчини эзгуликка, янги мақсадларга ундайди, кўнглимиз мулкани бойитади...

Ёзувчи бу шеърини гарчи “Нурхон”да берилган маълумотлар асосида яратган бўлса-да, ундаги матн шунчалар зўр маҳорат билан бадиийлаштирилганки, ўқувчи дилбар бир шеърни ўқигандек ҳузур қилади. Шеърда Нурхон образи барча мураккаблиги ва ёрқинлиги билан намоён бўлган.

Агар шеър бадиийликдан маҳрум бўлса, либоссиз одамга, япроқсиз дарахтга, ой ва юл-дузсиз осмонга айланади. Бадиийлик эса, бу ҳаққонийликдир.

Агар ёзувчи тасвираётган воқеани айнан ранги, оҳанглари ва ҳатто бўйи билан тасвирласа, бу бадиийликдир. Шеърда манзара гул ва соялар жилваси, яъни маъно жиҳатидан қарама-қарши сўзларни қўллаш таъсирчанликни таъминловчи омиллардан кенг фойдаланган. Ошиққа вафодор, янги хаёт сари йўл олган қиз ҳақидаги мисралари бир байтдаёқ ойдинлашади. Муҳаммад Юсуф бадиий тасвир воситаларидан лирик санъатининг ифодаловчи унсурлигини қайд этган.

Шоир “Уйқудаги қиз” шеърининг байтида бир ёки икки сўзни икки маънода қўллаш санъатидан фойдаланган. Чунончи, унинг қуйидаги мисраларида кўнгли тўла армони қўйни тўла қизгалдоқ маъносида қўлланган:

*Ётар қуриб дармони,
Мангу ухлаб гул ёноқ.
Кўнгли тўла армонли,
Қўйни тўла қизгалдоқ.*

Бугина эмас, ҳатто тасвирлаш хусусияти сингдирилган ушбу шеърининг биринчи мисраси ҳам қуйидагидек талқин қилинган:



***Қор ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди,
Кўзларига тўла ёш,
Хур қизгина ухлайди.***

Юқоридаги мисралар кўринишидан осон, жўнгина туюлади, аслида эса, бундай ёза олиш жуда мураккаб бўлган антиқа баён услубидир. Шеър матни бир қизнинг эрта сўнган ҳаёти ҳақида эслатади. Унинг кўзларидаги ёши эса, ўзгача таъсир кучига эга бўлади.

Иккитагина мисрада яратилган ошиқ тимсоли феъл-атворининг кўп қирралилигига эътибор берайлик. Янгича поэтик шакл – мўъжиза содир этиб, анъанавий фикрларга янгидан жон ато этган, залвор оҳанг орқали тасвирлаган. Шу таъсирчанликни тескари амалиётда юзага чиқарган. Орзу-истакларига етишмай кетган, ота томонидан қўлланган зулмнинг қурбонига айланган “хур қиз” сиймосини ярата олган.

Муҳаммад Юсуф ўз шахсий услубини намоиш эта олган улкан санъаткордир. Ўзбек шеърляти ривожда шоирнинг ўрни алоҳидадир. Шоир бу кичик лирик жанр намуналарида хотин-қизларни синглим деб ўз шеърларида муҳрлаган. Шуниси эътиборлики, Муҳаммад Юсуфнинг шеърларининг мавзулари ғоят хилма-хил. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, севги-муҳаббат, дўстлик-тотувлик, ҳаётга муҳаббат, ёру диёр, айниқса, Ватанга садоқат сингари талқинлар маънавий теранлигию, табиийлиги билан ўқувчини мутолаага мойил этади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, Нурхоннинг ҳаётий саргузаштлари воқеий-тарихий лавҳаларидан иборат бўлса-да, “Уйқудаги қиз” шеъри шоир тўпламини ана шу ном остида нашр этишининг ўзига хос иловасидир.

Мазкур тўпламга кирган шеърларда Муҳаммад Юсуф мансуб бўлган авлоднинг энг олижаноб ва юксак инсоний фазилатлари билан бирга, ёшлиқ сурури, ишқ

ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона, содда, айна пайтда эзгу, бокира, бетакрор туйғу ҳамда кечинмалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Нурхон хотирасига бағишланиб битилган ушбу шеърда умумийликдан кўра таъсирчанлик устунлик қилади. Чунки китобхон, умуман лирик қахрамондан кўра, уйқудаги қизнинг ўзини юракка яқинроқ олади. Шуниси диққатга сазоворки, муайян шеърда, юзаки қараганда, Нурхон ҳолига доир ҳеч қандай белги кўринмайди. Агар биз унга тийрак кўз билан боқиб, тадқиқ эта бошласак, у шеърнинг кимга аталгани ва унинг исботини ҳам манзур этишимиз мумкин. Чунончи, қизнинг:

***Қора ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди.
Нурхон отли қаламқош,
Хур қизгина ухлайди.***

Шу билан бирга, шоир шеърятнинг асосий мазмуни бўлган инсоний фазилатлар, ёр васли, унинг гўзаллиги, унга чексиз муҳаббат, ҳижрон азоби, айрилик аламлари ва висол қувончлари ниҳоятда гўзал ҳамда моҳирона ифода этилган. Шеърда инсон ва табиатнинг кайфиятни мослаштириб тасвирлаши, охирги мисрада, яъни қахрамоннинг ҳаёти фожиа билан якун топиб, ҳур бўлади, деган сўзни англатади.

Сўзнинг бадий имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиш, мусиқий равонлик, туйғулар тиниқлиги, самимийлик ва майинлик, руҳият манзараларини лўнда ва яққол ифодалаш Муҳаммад Юсуф шеърини услубининг ўзига хос хусусиятларидир.

Унинг қаламига мансуб аксарият шеърлар таниқли хонандалар томонидан ижро этилмоқда. 1989 йилда “Уйқудаги қиз” номли шеърини тўплами учун шоир республика Ёшлар ташкилотининг мукофотига сазовор бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф М. Уйқудаги қиз: шеърлар. -Тошкент: Ғафур Ғулом, 1989.
2. Юсуф М. Улуғимсан ватаним. - Тошкент: Ижод дунёси, 2004. -192 б.

АЁЛГА ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

(Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижоди мисолида)



Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода, юритимиз Мустақилликка этишгач, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик бир қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ана шу ишлар доирасида юртимиз хотин-қизларининг мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, хунармандчилик, санъат ва спорт соҳаларида эришган ютуқлари учун ҳам иззат қилишга арзийди, дея оламиз. Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф айтганидек:

*Ўзбекнинг аёллари,
Ўзбекнинг хотинлари,
Сувдан ҳалол,
Гулдан пок
Кўллари олтинлари,
Қай томонга бурса юз,
Йўллари олтинлари –
Иззат учун яралган*
(“Ўзбек аёли”).

Яъни шоир айтмоқчики, ўзбек аёллари, ўзбек хотинлари ўз юртини севади, унинг равнақи учун тинимсиз меҳнат қилади, негаки улар сувдан-да ҳалол, гулдан-да пок, кўллари олтиндан-да порлоқ. Чунки уларнинг кўллари сув келтиради, чанқоқни кондиради, гул ўстиради, олтиндек нур таратиб туради. Юқоридаги сатрларда шоир аёлларга бўлган бор ҳурмат-эҳтиромини тўкиб солган, уларга бўлган инсоний муҳаббатини изҳор этган.

Аёл, энг аввало, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайди, муқаддас

урф-одатларимизни сақлайди ва келажак авлод қандай инсон бўлиб етишишига таъсир қилувчи тарбия ўчоғи ҳисобланади. Бу соҳада ҳам шоирнинг қуйидаги гаплари ниҳоятда ўринлидир:

*Ухламайди тунлари –
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган*
(“Ўзбек аёли”).

Фарзандни дунёга келтирган аёл ундан ҳеч нарса кутмай, фақат ундан бир парча хат ёки бир оғиз қўнғироқ илинжида яшайди. Ташида бўлмаса ҳам, ичида шоир айтганидек, қуйидаги сўзларни таъкидлайди:

*Чакка ўтган эски томга ўхшайман,
Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.
Ёруғ бу дунёда борми, билмайман
Ўз ўғли йўлига интизор мендай*
(“Онамдан хат”).

Шоир бу жумлаларни гўё ўзига қарата айтаётганга ўхшайди, лекин чуқурроқ диққат қилинса, ота-онасидан йироқда бўлган барча фарзандларга эслатма эканлигини англаб олиш мумкин. Чунки баъзан фарзандлар уч-тўрт оғиз сўз билан ўз ота-онасидан ҳол-аҳвол сўрашга ҳам вақт тополмайди, онажонлари эса фарзандини доим кутиб яшайди.

*Йилдан узун кунлари,
Ким кўнглини сўролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Меҳнат учун яралган*
(“Ўзбек аёли”).

Шу ўринда шоир ўзбек аёлининг кечаю кундуз

тиним билмаслигини кўрсатиб ўтмоқчи. Ўзининг ширин уйқуси, осойишта ҳаётдан кечиб насллар давомийлигини таъминлайди, фарзандларини асраб-авайлаб тарбия қилади, лекин бундай қора меҳнатини ҳеч кимга таъна қилмайди, шунинг учун ўзбекнинг оиласи асосий тарбия ўчоғи бўлиб қолган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Аждод момоларимиздан ифбат мерос бўлиб қолган. Замондошларимиз бўлган аёллар ҳам ана шу момоларимиз анъанасини давом эттириб ифбат масаласини муқаддас момо мерос сифатида қадрлаб, уни ҳозирги ўз қизларини, қаридош-уруғларнинг қизларига ҳам сингдиришда давом этмоқдалар. Шоирнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак:

**Ёт олдида сал нари
Қачон кокил ўролган
Ўзбекнинг хотинлари
Ифбат учун яралган**
(“Ўзбек аёли”).

Шоир айтганидек, ўзбек аёли учун ифбат энг олий қадрият ҳисобланади ва бу қадриятни авлодларга мерос қилиб қолдириб келмоқда.

Шоир фаришталардек бўлган момоларга яхши тилаклар билдиради:

**Тўкилмасин сочиндаги битта толанг,
Омон бўл сен, омон бўлсин дашту даланг.
Чўпон боланг, деҳқон боланг, султон боланг –
Кел, дуога қўл оч энди, Ўзбекмомо!..**
(“Ўзбекмомо”).

Узоқ йиллик тарих давомида Ўзбекмомолар эл-юртига омонлик тилаб Тўмарисдек ўз юртини асраб-авайлаб келди, ўз авлодларини тинчлик-осойишталигини тилаб дуолар қилди ва ҳозирги момолар ҳам ана шу анъаналарни давом эттириб, ўз авлодларини тинчлиги, хотиржамлиги, соғлиги-саломатлиги, осойишталиги, равнақини тилаб дуолар қилишда давом этмоқда.

Ўзбек аёллари учун хос бўлган қадриятлардан яна бири сабр-тоқатдир. Улар, айниқса уруш йиллари ана шу қадриятни бутун жаҳонга намоён қилган. Шоир ҳам ана шу ажойиб қадриятни ўз шеърида таъкидлаб кўрсатади ва бу қадриятни яна бир бора таъкидлаб ўтади:

**Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,
Ўз аҳдида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари,
Ифбат учун яралган**
(“Ўзбек аёли”).

Шоир шеърларидаги ва умуман, жамиятнинг ҳозирги ҳаётидаги аёлга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром унинг фидойи инсон эканлиги билан боғлиқдир. У ҳар бир инсоннинг бешигини тебратган, оқ сути билан одамга инсонийлик фазилатла-

рини сингдирган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлаган.

Шоир шеъриятида кўтариб чиқилган ўзбек аёлига бўлган ҳурмат-эҳтиромни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳар бир виждонли инсоннинг садоқатли бурчидир. Жамият аъзолари тақдири, мамлакат Мустақиллиги тақдири келажагини юртимиз ёшлари киёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўриш мумкин бўлади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни она алласи эзгуликка ўргатади, парвариш қилади, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, етук инсон қилиб вояга етказди. Шундагина ёшларимиз ва халқимиз ардоқли шоиримизга қўшилиб бемалол куйидаги сўзларни баралла, бор овозда айта олади:

**Она юртим – Ўзбекистоним,
Пойларингга садқа бу жоним.
Дунёлар ичра бир дунё,
Ўхшаши йўқ чаманистоним.
Юрагимда бир орзу, ҳавас –
Сенга содиқ ўгил бўлсам бас!..**
(“Чаманистоним”)

Ҳозирги пайтда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини белгилаш ва уни оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш, ҳаёт шароитини янада яхшилаш, янги Ўзбекистонни барпо этишда аёллар иштирокини кучайтириш учун шароит яратиш жамиятимиздаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолди.

Амалга оширилаётган барча тадбирлар мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий, маънавий асосларни мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Бунда, албатта, аёлларнинг роли бекиёс эканлиги таъкидланмоқда. Буларнинг барчаси элнинг равнақи йўлида амалга оширилаётганлиги сир эмас. Шу маънода шоир ҳам ўз элига равнақ тилайди:

**Чирой очсин дардкаш менинг элим ҳам,
Соддадил, заҳматкаш менинг элим ҳам.
Элат эмас миллат бўлсин бирлашиб,
Меҳнаткаш менинг элим ҳам.
Янги аср, кел, менга бер қўл энди,
Бирдамлигу бирлик асри бўл энди.**

Умуман олганда, юртимизнинг равнақи, миллат сифатида бирлашиб ривожланишида аёлнинг ўрни бениҳоя катта эканлиги, шубҳасиз. Негаки, янги даврда аёллар жамиятда етакчи кучга айланиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аёл меҳрибон она, уй бекаси бўлиш билан бирга жамият равнақига улкан ҳисса қўшмоқда. Шу сабабли шоир ҳам Ўзбекмомолар, ўзбек аёллари, ўзбекнинг сулув қизларини ўз асарларида мадҳ этди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2007.
2. Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан, Ватаним. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017



IV Бўлим

**ПЕДАГОГИКА,
ПСИХОЛОГИЯ**

Мусаллам АБДУЖАББАРОВА,
ЎзДСМИ, педагогика фанлари номзоди, доцент

АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪНАВИЯТ МАЙДОНИ

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкентдаги Адиблар хиёбони номли масканнынг тарбиявий аҳамияти ҳақида ёзилган. Бунда маскандаги 24 нафар ўзбекистонлик адиблар ҳайкали, музей, кутубхона билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган. Хиёбонга ёшларни келиши, дам олишлари ва бошқа имкониятлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тошкент, Адиблар хиёбони, Алишер Навоий, музей, кутубхона, ёшлар тарбияси.

Мусаллам АБДУЖАББАРОВА,
кандидат педагогических наук, доцент ГИИКУз

АЛЛЕЯ ЛИТЕРАТОРОВ – КЛАД ДУХОВНОСТИ

Аннотация. В данной статье о просветительской значимости Аллея Литераторов в Ташкенте. Здесь находятся статуи 24 узбекских писателей, музей и библиотека. Рассмотрены посещение молодых в аллею, их отдых и другие мероприятия были проанализированы.

Ключевые слова: Ташкент, Аллею Литераторов, Алишер Навои, музей, библиотека, молодежное воспитание.

Musallam ABDUJABBAROVA,
Candidate of pedagogical sciences, Associate Professor UzSIAC

THE ALLEY OF WRITERS – IS AN AREA OF SPIRITUALITY

Abstract. This article is about the educational significance of the Alley of Writers in Tashkent. There are statues of 24 Uzbek writers, a museum and a library. The arrival of young people in the park, their leisure and other opportunities were analyzed.

Key words: Tashkent, Alley of Writers, Alisher Navoi, museum, library, youth education.



Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кўтарилган беш муҳим ташаббус асосида ёшларни маънавий-ахлоқий, жисмоний баркамол этиб тарбиялаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ёшлар ўртасида халқимиз маънавияти, миллий кадриятларини тарғиботи учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган Ватанга

содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”нинг устувор вазибалари белгила-ниб, бу борада “оммавий маданият”нинг турларига қарши курашиш механизмларини ривожлантириш, ёшларни ўз миллий адабиёти, маданияти, санъати негизида тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон артпедагогик тизимлари шахсни ривож-лантиришга қаратилган технологик жараёнлар, ижтимоий-маданий фаолият категориялари интеграциялашуви асосида мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Бу эса шахсни маънавий жиҳатдан

тарбиялаш, мафкуравий соғломлаштириш, маданий турмуш тарзини муқобиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёда ҳар бир мамлакат ёки шаҳарларда турли хиёбонлар мавжуд. Уларни сайр қилган киши ўша мамлакат ўтмиши, менталитети, турмуш тарзини ҳис этиш билан бирга, аждодларига нисбатан ифтихорни ҳам тасвирланганлигини кўриш мумкин. Шундай мамлакатлардан бири Ўзбекистон бўлиб, айнан Адиблар хиёбони эса, ёш авлод учун тарбия маскани ҳисобланади. Ушбу маскан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбони барпо этиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди. Адиблар хиёбони 2020 йилнинг 20 май куни расман очилди. Президентимизнинг: “*Хиёбонга киришдан бошлаб, илоҳий куч бўлиши керак. Бу хиёбон одамларга маънавият берадиган, маърифат улашадиган жой бўлиши керак. Келганлар олдин музейга кириб, адибларимиз ижоди билан танишади, кейин зиёрат қилади*”, деган эди. Шу тариқа, ўзбек адабиётининг дунёга машҳур 24 нафар адиблари, ёзувчилари, шоирларининг ҳайкаллари ўзбек тили асосчиси Алишер Навоий атрофида қурултой курди.

Адиблар олами – адабиёт тарихи, аслида ҳар бир адибнинг ўзи алоҳида бир тарих ва уларнинг мажмуаси халқимиз руҳини жамлаган бир мезон. Бу ерда зиёрат Навоий бободан бошланади. Навоийнинг нуроний чехраси унинг юксаклигини билдиради. Алишер Навоий мероси маънавиятимиз асосидир. Ҳар бир ёш Навоий ҳайкали олдида ҳам ўзига маънавий озуқа олади. Ҳайкал устидаги гумбаз гирдида қуйидаги ҳикматли байтга ўқиймиз:

***Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизга ким, эрур ёрлиг иш.***

Ушбу байтлар орқали инсон бир-бирингизга доимо дўст, иноқ бўлиб яшанглар, асло душман ишини қилманг, шундагина бахтли ҳаёт кечирасиз, деган маъноларни англайди. Хиёбонга ташриф буюрган ҳар бир ёш йигит-қизлар қалбида ўз аждодлари билан фахрланиш туйғуси уйғонади. Ўтган адибларнинг маъноли ва ибратли ҳаётини дунёнинг неча-неча машҳур олимлари тадқиқ қилмоқдалар. Уларнинг асарлари эса, янги кашфиёт, янги бир китобларни яралишига муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Адиблар сийратини томоша қилган ёшлар тарихни ҳам ўрганади. Чунки адибларнинг ҳайкаллари хронологик тарзда ўрнатилган. Алишер

Навоийнинг асо ушлаган нуроний чехрасида ўз даврининг шаклу шамоили тасвирланган. Бу хиёбон тарих кўзгусидир. Буни ҳар бир адибнинг кийимидан ҳам кўриш мумкин.

***Навоий ҳайкали – нурвиқор, ўктам,
Асрлар кечмишин айларкан таҳлил,
Англаб етажакмиз уни, дўстгинам:
Сабр не, не мақсуд, не юрту не дил...
Бунда сеҳрлидир сўз ила туйғу,
Бунда илоҳий нур, руҳлар кезадир.
Бу бир салтанатдир – кўҳна ва мангу,
Бунда қалб ўзини боқий сезадир.***

Адиблар хиёбонида кейинги зиёрат давлат арбоби, шоир ва машҳур аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) ҳайкали бўлиб, унинг бир қўлида китоб, бир қўлида қинда қилич билан турганлигини кўриш мумкин.

Шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809–1874) ҳайкали ёшларга тарихий-адабий асарларимни ўқиб ибрат олинг, - деяётгандек.

Қорақалпоқ шоири Бердак (Бердимурат Қарғабой ўғли, 1827–1900) дутор чалган ҳолда:

***Тугилдингми, меҳнат қилгин эл учун,
Жонингни аяма элда эр учун.
Киндик қонинг томган туққан ер учун,
То ўлгунча хизмат қилгин яхшироқ,***

деб ёшларни чорлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган маърифатпарварлардан шоир ва публицист Зокиржон Фурқат (1858–1909) ва шоир Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий (1850–1903) ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илм-маориф ва маданиятни зўр эҳтирос билан тарғиб қилганлар. Масалан, Фурқатнинг фикрича, илм-фан бир машғала бўлиб, инсониятнинг бахт-саодат йўлини ёритиб туриши керак. Буни Фурқатнинг қуйидаги байтидан ҳам билиш мумкин:

***Кўнгилларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларинг нури илмдандур.
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.***

Маҳмудхўжа Бехбудий (1875–1919) ҳайкали олдида турган киши, худдики “кўлига асо тутиб, оқ яко кийиб, ботинка, узун шим ва мўйлаб қўйиб олган билан киши илмли ва маданиятли бўлиб қолмаслиги” тўғрисида хитобни ҳис қилгандек бўлади. Ёзувчи, маърифатпарвар ва педагог Абдулла Авлоний (1878–1934) эса фарзандларга “ҳайкал”дек, жонсиз” бўлмасликни, қайта-қайта билим олишни ва “Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида эзилур”, деб таъкидлаётгандек. Чунки, Абдулла Авлоний танқидий фикрларининг кескинлиги билан ажралиб турган. Янги йўналишдаги ўзбек шеърятининг асосчиларидан бири бўлмиш Абдулҳамид Чўлпоннинг (1897–1938) ўнг қўлида китоб ушлаб, узокни



кўзлаб ўйчан турган хайкали кишида ўзгача таассурот қолдиради.

Ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирий (1894–1938)нинг савлатли хайкали ёшларни тинимсиз меҳнат қилишига ундаётгандек гавдаланади. Собиқ совет ёзувчиларидан Гафур Гулом (1903–1966), Абдулла Қаҳҳор (1907–1968), Саид Аҳмад Хусанхўжаев (1920–2007), Тўлепберген Қаипбергенов (1929–2010), Иброҳим Юсупов (1929–2008), Эркин Воҳидов (1936–2016), Абдулла Орипов (1941–2016) ҳамда совет шоири ва сценарист, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Александр Файнбергларга (1939–2009) қўйилган хайкалларнинг сийратига ўткир илмий-ижодий тафаккур, Ватанга бўлган садоқат, ҳар бирининг эртанги ҳаётга қатъиятли, ишончли нигоҳлари ёшларда чуқур таассурот қолдиради. Вафо ва садоқат маликалари адибалар – Зулфия (1915–1996), Саида Зуннунова (1926–1977) сиймолари акс этган хайкалларнинг ҳар бири тошга битилган дostonдир. Уларда буюк ибрат ва барҳаёт ҳикматлар мужассам.

Муҳаммад Юсуф шарафига ўрнатилган хайкал эса, содда, шу билан бирга ўйчан нигоҳли, савлатдор зиёли сифатида тасвирланган. Ортида ўзининг сеvimли қишлоғи акс этган ва яна ўз қаламига мансуб “Халқ бўл, элим” шеъри битилган. Марҳум Муҳаммад Юсуфнинг ёрқин хотирасига бағишлаб яратилган ушбу ёдгорликни томоша қилар экансиз, шоир шу туришида:

*Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг – халқ бўл, элим!*

деяётгандек туюлиши табиий. Шоир ўзбек ёшларига: “Қиёси йўқ асло, меҳри бир дарё, ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек, дунёда болам деб яшайди ўзбек”, – дея ўз халқининг характерини, улуғлигини самимий сатрлар билан ифодалаб, илҳом бағишлайди, гўё.

Адиблар хиёбонида ёшларимиз учун жуда кўп имкониятлар мужассам. Жумладан, адиблар ҳаёти, фаолияти ва асарлари ҳақида ёзилган кўплаб китобларни ўзида жамлаган кутубхона ҳам очилган. Шунингдек, кутубхонанинг махсус залларида адибларнинг адабий кечалари, таваллуд айёмларига бағишланган тадбирлар, шеърхонлик кечалари, адабий суҳбатлар, очик дарслар, янги китоблар тақдимоти кабиларни ўтказиш мумкин. Адибларнинг авлодлари, фарзандлари, шогирдлари ва бошқа машҳур адиблар, ёзувчилар, шоирлар иштирокида турли тадбирлар ташкил этилса, тадбир иштирокчилари маънавий озуқа олсалар, ўтганларнинг руҳлари шод бўлиши табиий.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев миллий адабиёт хазинасини интернетда тарғиб этишни яхши йўлга қўйиш мақсадида, “Адиблар хиёбони” деб номланган Интернет порталини ташкил этиш бўйича жудаям ўринли, жўяли фикрларини бердилар. Сайтда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ҳамда адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланиши керак бўлади. Режага кўра, портал – ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик мухлис ва мутахассисларнинг ҳам фойдаланишига имконият яратилади.

Ўйлайманки, биз миллий адабиётимиз, ноёб санъат асарларимизни тарғиб этиш маъносида яна таниқли шоир Зикрилла Нейматовнинг қуйидаги шеърини келтириш мумкин:

*Пойтахтимиз бағрида буюклар қаҳқашони,
Бунда халқим юраги, руҳи ҳамда иймони.
Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони –
Қалби ишқ-у ижодга ҳабиблар хиёбони.*

*Бунда Навоий, Бобур – қувиб зулмат, риёни,
Яхшилик сари чорлар бор аҳли шуарони.
Фирдавс монанд бу гулшан, ўлмас руҳларга маскан
Бамисли қалби ойдек латифлар хиёбони.*

*Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони –
Удир халқим юраги, руҳи ҳамда иймони.
Асрлар қағрин ёриб, бунда тутмишлар макон,
Бебаҳо сўз мулкининг не-не хазинабони.*

*Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат шунда,
Бехбудий, Авлоний ва Ойбекнинг қутлуг қони.
Бунда Қодирий, Чўпон, Фафур Ғулом, Шайхзода
Ҳамда Ибройим Юсуп – элим уйғоқ виждони.*

*Тўлепберген оғамиз бироз ҳорзин кўрингай,
Тонг-ла ошиб келгандек буюк Амударёни.
Бу жой гўё оламга кўз-кўз этиб тургандай,
Ўзбегим қалбидаги ажиб меҳригиёни.*

*Бунда Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфияхоним –
Ишқ бирла садоқатнинг мангу сўнмас достони.
Саид Аҳмад домла-ю хоксор Саида опам,
Турар аччиқ қисматнинг икки фидойи жони.*

*Богда Абдулла Қаҳҳор ҳам Озод домла кезар,
Ҳар бир янги асарга бериб одил баҳони.
Янгар Абдулла Ориф жўшқин мадҳияси-ю
Устоз Эркин Воҳиднинг ўлмас “Ёшлик” девони.*

*“Ўзбекдайн танти эл кўрмадим”, – деб Файнберг,
Бу бозни макон тутмиш, кезиб жумла жаҳонни.
Бунда Муҳаммад Юсуф ўйчан кезар шеър битиб:
“Фидоси бўлгумдир, деб, азиз Ўзбекистонни!”*

*Эй, юртдошим, қалбинга гар нур истамоқ бўлсанг,
Ҳаётинга ёруғлик, сурур истамоқ бўлсанг,
Келиб бир бор кезиб чиқ адиблар хиёбонин,
Қалби ишқ-у ижодга ҳабиблар хиёбонин.*

*Шунда ногоҳ қалбингда бир нур уйғонажакдир,
Ўзлик, ўзбеклигиндан гурур уйғонажакдир.
Илм-у одоб, маърифат, ижод алангасидан –
Сенинг ҳам юрагингда бир олов ёнажакдир.*

*Адиблар хиёбони, адиблар хиёбони –
У эрур халқим қалби, руҳи, ўчмас иймони.
Эзгулик маъзидай чорлаб тургайдир бизни,
Юракларга улашиб ажиб меҳригиёни.*

Инсоният яралибдики, адабиёт, шеърят, санъат ва маънавият одамзод ҳаёти ҳамда унинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келмоқда. Буларнинг бари одамзоднинг дунёқарашига, уларнинг ички тарбияланишига, ақл-идрокининг ривожига ёрдам беради. Санъат асарлари билан танишиш одамзоднинг руҳиятини маънавий бойитади, унга ижобий таъсир этади. Бадий дунёқараш одамзодда санъатга нисбатан гўзал туйғуларни пайдо қилади. Одамзод интилади, ижод қилади ва санъат, адабиёт орқали ўзлаштирган фикр, ғоя, қарашларини ўзининг ҳаётида қўллайди. Шундай экан, Адиблар хиёбони нафақат ёшларимиз, балки ҳар бир инсоннинг хулқини, дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Адиблар хиёбони – маънавият ва маърифат майдони сифатида ёшларда чуқур таассуротлар қолдириши табиий. Бу хиёбондаги адиблар сиймолари Ўзбекистонда кимки меҳнат қилса, унинг номи асло унутилмаслигини ёрқин далили сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ёш хиёбонга ўз тенгқурлари, оила аъзолари, яқин кишилари билан биргаликда келиб, мароқ билан дам олиши, олам-олам таассуротлар, адабий-маънавий озуқа олиб қайтишига ишонаман.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Мирзиёев Ш. “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 19 апрель сони.
3. Ким эдигу ким бўлди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014.
4. Мустафоева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент: “Ниҳол”, 2014.
5. Сирожидинов С. Адабиёт ва маърифат хиёбони // www.madaniyat.uz.
5. Собиров А. Туркистон миллий тараққийпарварларининг ёшлар таълим ва тарбиясига оид қарашлари // “Жамият тараққиётида ёшларнинг роли: тарихий тажриба ва замонавий жараёнлар” мавзудаги Республика ёш олимлар илмий тўплами. – Тошкент, 2010. Б. 28–33.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг баъзи шеърлари таҳлил этилиб, уларнинг тарбиявий жиҳатлари инсонга қандай кучли таъсир қилиши хусусида фикрлар билдирилган. Шоирнинг ижоди қанчалик серқирра ва сермахсул эканлигига эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: Ватан, шоир, мерос, шеър, халқ шоири, мисра, ижод, кўшиқ.

Фотимахон ЗУПАРОВА,

Преподаватель кафедры «Инструментальное исполнение» ГИИКУз

ВОСПИТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ СТИХОВ НАРОДНОГО ПОЭТА УЗБЕКИСТАНА МУХАММАДА ЮСУФА

Аннотация. В данной статье анализируются стихи народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа и высказывается мнение об их сильном влиянии на человека с воспитательной точки зрения. Обращается внимание на многогранность и разносторонность творчества поэта.

Ключевые слова: Родина, поэт, наследия, стихи, народный поэт, строка, творчество, песня.

Fotimakhon ZUPAROVA,

Teacher of the Department «Instrumental performance» of the UzSIAC

EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF THE POEMS OF THE PEOPLE'S POET OF UZBEKISTAN MUHAMMAD YUSUF

Abstract. The article analyzes individual poems of the national poet of Uzbekistan Muhammad Yusuf and expresses an opinion about their strong influence on a person from an educational point of view. Attention is drawn to the versatility and versatility of the poet's work.

Key words: Motherland, poet, heritage, poems, folk poet, line, creation, song.

Ўзбек адабиёти шундай бўстонки, бу бўстонда бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган забардаст шоирлар авлоди қайта-қайта бўй чўзаверади. Ана шундай бетакрор қалам соҳибларидан бири – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф эди. У ўзининг сермахсул ва чуқур мазмунли ижоди орқали тезда эл оғзига тушиб, ном чиқарган, шуҳрат қозонган шоир эди.

“Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. Аммо у тезда, ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди”, – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов.

Муҳаммад Юсуф одамларни ўйлатадиган, қулдирадиган, йиғлатадиган, оташнафас шоир эди. У ўз шеърларида кўпчиликка яқин бўлган юрак дардларини ҳеч кимга ўхшамаган, шу билан бирга, содда, самимий ва тушунарли мисраларда баён эта олганлиги учун халқимиз ардоқлаган шоирга айланди. Муҳаммад Юсуф халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг ўзбек кўшиқчилики санъатига қўшган ҳиссаси улқандир. Ҳар йили нишонланадиган Наврўз ҳамда Мустақиллик кунига бағишланган умумхалқ байрам тантаналарида унинг шеърларига басталанган кўшиқларни ўзбек кўшиқчилики санъатининг кўзга кўринган намояндалари ижро этадилар.

Муҳаммад Юсуф шеърлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига чуқур таъсир кўрсата олиш хусусияти билан ажралиб туради. Шоир “Тавалло” шеърида “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” – дея, ёшларни туғилиб ўсган Ватанини ардоқлашга, уни ҳар қандай душманлардан ҳимоя қилишга чорлайди. Ҳозирда бу кўшиқ Ўзбекистон ёшларининг мадҳиясига айланган.

“Қайда бор” шеърида эса, ўзбек халқининг дуо-гўй момолари ҳамма қатори, ҳатто ғанимларга ҳам омонлик тилаши мумкинлигини, Сурхон диёрининг сўлимлиги, Самарқанд нонларининг мазаси ва Шохимардоннинг гўзаллигини дунёга кўз-кўз қилгандек, гўё:

**Кўрингани дуолар,
Қилар бизда момолар.
Ғанимга ҳам омонлик,
Тилар бизда момолар.
Момолар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..**

**Бизнинг бўстон қайда бор,
Шохимардон қайда бор.
Сўлим Сурхон қайда бор?
Самарқанд нон қайда бор-а,
Ўзбекистон қайда бор?!**

“Талабалар мадҳияси” шеърида эса, ўсиб келаётган ёшларимизни илм олишга ундайди ва Соҳибқирон Амир Темур ва Алишер Навоий бобомизнинг

авлодлари эканлигимизни яна бир қарра ёдимизга солади:

*Али ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон,
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!*

Ўз она тили туриб ўзга тилда гапиришга мажбур бўлган халқи учун юрак бағри эзилиб, “Она тилим” шеърисида “Она тилим, кечир мени, она тилим”, – дея зорланади:

*Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздимۇ бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб, ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.*

Шоирнинг “Қиёмат”, “Иймон кўшиғи”, “Тилак”, “Дунёда болам деб яшайди ўзбек”, “Чимилдик”, “Самарқанд”, “Халқ бўл, элим”, “Ватаним”, “Жайрон”, “Қизлар кўшиғи”, “Босмачилар”, “Файзулла Хўжаев марсияси”, “Шукр дейсан сен қачон?”, “Маслаҳат”, “Лаганбардорлар”, “Оқибат” каби шеърларини ўқиганда, уларда муаллифнинг орзу ва ниятлари ойдинлаша боради. Бугунги ва келгуси авлод ўтмишда бўлиб ўтган воқеалардан сабоқ чиқарсагина, эртага бўладиган минг турли ҳаёт синовларига тайёр турсагина, миллат миллат бўлади, халқ чинакам халқ бўлади, деб ният қилади. Шунда одамлар руҳиятидан оломончилик ҳисси чекиниб, чинакам шахслар шаклланади, деб ҳисоблайди.

Муҳаммад Юсуф чинакам халқ шоири сифатида ҳозирги кунда ҳам ҳаётимизда учраб турадиган баъзи жирканч иллатларга бефарқ қарай олмаган. У ўзининг “Оқибат” ва “Лаганбардорлар” шеърларида уларни бешафқат ошкор этади. Баъзи жирканч иллатлар устидан кулса, бошқаларидан ачинади, ўзида йўқ даражада хафа бўлади ва жон-жаҳди билан бундай жирканч хислатларни ошкор этади.

ОҚИБАТ

*Меҳр юракларда қотса ичкиб,
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруги.
Элнинг кичигини гажир кичиги,
Улугини эса улуги...*

*Полвони полвонин чалишга маҳтал,
Дорбози дорбозин кўролмай яшар.
Ҳофизлари кўшиқ айтишдан аввал,
Бир-бирларин қаргаб овоз созлашар.*

*Зиёлларига керакмас майдон:
Тинчитар бир-бирин сал гойибона,
Олими олимин олимлик билан,
Шоири шоирин ҳам шоирона!...*

ЛАГАНБАРДОРЛАР

*Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...
Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,*

*Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар,
Қодирий бобонинг қўлларин ўпиб,
Чоҳга итарган ҳам – лаганбардорлар.*

*Улар устозига қўлдаин кимса,
Меҳрибон ҳомийси шогирдаларининг.
Ўзи ўлдириб, сўнг мазоригача
Кўтариб боришар тобутларини...*

Шоирнинг ижодидан миллий бош кийимимиз бўлмиш дўппига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилган. У “Дўппи” шеърисида ўзбек халқининг миллий бош кийимини киймай қўйганлигини ачиниб ёзади. Шоир дўппининг фақат тарих саҳифаларидаю, кино ленталарида қолишини истамайди. Бизни ўз миллий меросимизга эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз зарурлигини уқтиради.

ДЎППИ

*Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан бошқа,
Сочлар силлиқ,
Силлиқ қадамлар,
У оғирлик қияпти бошга...*

*Рост дўппилар,
Ёлгон дўппилар,
Киноларда қолгон дўппилар.
Чуст дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппилар...*

*Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан ўзга,
Мен ҳам сизга бердим саволлар,
Шляпамни бостириб кўзга.*

*Дўппи киймай қўйди одамлар,
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.
Маданият гуллаган дамлар,
Каллага эътибор сусайди.*

*Дўппи киймай қўйди одамлар,
На уйда ва на кўчада.
Миртемирлар, Фафур Ғуломлар
Ечган дўппи қолди тоқчада...*

*Бу қандайин кўргулик савдо,
Дўппи киймай қўйди халойиқ.
Бошга лойиқ дўппи йўқдур ё –
Бош қолмади дўппига лойиқ.*

Ёшларимиз Муҳаммад Юсуф ижоди билан яқиндан танишганидан сўнггина, у каби Ватанни севишни, уни ардоқлашни, ёрни севишни ва асрашни ўрганадилар, дея умид қиламиз.

Шоир ўз атрофидаги бор мавжудотни жондан севганлигини шеърий мисраларидан англаш мумкин. “Ўпай десангиз, пешонаси йўқ” – дея айтган “Қизғалдоқ” шеърисидан тортиб, “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш” гача...

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг фикрларига кўра, шеърият аталмиш бу



қадимий гулхан атрофида ўтирганларнинг ҳар бири билганини айтди. Аммо ҳали ҳеч бири: “Кимда ғам кўп бўлса – у менинг онам!..” демади. Орият, ғурур, тиклик ҳақида ҳар биримиз имкон қадар нималардир деганмиз, лекин бирортамиз: “Бўйним эгилгунча кетсин узилиб!” – дея олмаганмиз. Бундай баланд пардаларга шу қадар осонлик билан чиқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

*Мен на бойваччаман,
Мен на султонман,
Ғариб бир онага ғариб ўғлонман.
Агар сен ер бўлсанг, мен ундан хоксор,
Агар сен шер бўлсанг – мен ҳам арслонман.*

*Кундайн йилларим ўтар тизилиб,
Бир бошга бир ўлим турар сузилиб,
Бўйним эгилгунча кетсин узилиб,
Орият йўлида кўкси қалқонман.*

Муҳаммад Юсуф ижодида катагон йилларида ҳалок бўлган боболаримиз руҳини ёд этиб ёзилган кўплаб шеърлар ҳам бор. Шулардан бири “Тушимга киради Қодирий бобом” шеъри:

*Тушимга киради Қодирий бобом:
Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...
Бўлса агар менинг зўримни топ, дер,
Келиб очик қолган кўзимни ёп, дер.*

*Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди –
Бари боболаринг ёнимда, дейди.
Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,
Қўллар бўйинларга чирмашиб кетган,*

*Бамисли шохдан дув тўкилган бодом –
Ётар бепоён майдон тўла одам...*

“ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ МАРСИЯСИ”

*Қадим Бухорога лайлақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?*

*Ривоятлар келди, эртақлар келди,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..*

*Қўймадик жойига эъзозингизни,
Атмай кетдингиз-ку дил розингизни,
Тинглаб юрармизу овозингизни,
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?*

Муҳаммад Юсуф бахтли, омадли шоир. Унга мустақил юртини, озод халқини кўриш насиб этди. Юртимизнинг энг улуғ байрамларида унинг кўшиқлари янграйдиган бўлди.

Шоир Муҳаммад Юсуфга Биринчи Президентимиз, марҳум Ислоҳ Каримовнинг меҳрлари бобомиз Мирзо Улуғбек ҳақидаги “Самарқанд” кўшиғини эшитган пайтларидаёқ тушган экан. 1998 йили “Халқ шоири” унвонини ҳам ўзлари топширган эканлар.

Севимли шоиримиз ҳаёт бўлганларида бу йил 66 баҳорни қаршилаган бўлар эдилар.

Ҳалима Худойбердиеванинг айтишларича, тириқлар ҳар доим ёнидаги инсонни мангу юради, деб ўйлайди. Ўзи ҳам мангу яшайдигандек, гўё... Муҳаммад Юсуф вафотидан чуқур қайғуга тушиб, шоира куйидаги мисраларни ёзган:

*Бир арслони кетди Ўзбекнинг
Оҳи кўкка етди Ўзбекнинг
Қуёш йиғла, осмон, аза тут,
Муҳаммади кетди Ўзбекнинг.*

*Баланд кетди, шонига кетди.
Жаннатнинг айвонига кетди.
Турк юкини елкалашай деб,
Яссавийнинг ёнига кетди...*

Муҳаммад Юсуф содда, самимий, қалби гўзал инсон эди. У ўз шеърлари орқали ўзини ҳам, қанча-қанча ҳофизларни, хонандаларни ҳам элга танитди. Шоир қисқа умр кечирди, аммо ортидан абадий яшайдиган мерос қолдирди. Охиратлари обод бўлсин!

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: “Sharq” НМАК Бош таҳририяти. 2005. 280 б.
2. Муҳаммад Юсуф. Халқ бўл, элим. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2009. 204 б.
3. Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. – Тошкент: “ADIB”, 2014. 231 б.

СЎЗНИ УЛУҒЛАЙ БИЛГАН ШОИР



*Муҳаммад Юсуф покиза
инсон эди. У одамларни ўйлат-
ган, қулдирган, йиғлатган, топ-
ган-тутганини одамлар устидан
сочган сахийлик тимсоли эди.*

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ ёзувчиси

*Инсон умри неча ёшга киргани билан эмас, балки шу вақт мобайнида ўздан
қолдирган ишлари билан баҳоланар экан. Одамлар оғзида: “У фалон ёшга кирибдию,
эслайдиган бир иш қилмабди-я?! Аммо фалончи жуда оз умр кўрди-ку, қилган ишларини
санаб адоғига етмайсан киши”, деб айтилган фикрлар қулогимизга чалиниб туради. Бу
мазмунда, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳақида ҳеч бир муболагасиз юрт
корига яраган шоир деб айтиш мумкин. У – Муҳаббат куйчиси эди.*

Гарчанд, М.Юсуф шеърлятида Ватан, халқ, миллат, севги, садоқат, одамийлик, шоирлик ва ҳоказо мавзуларни бошқа шоирлар ижодида ҳам учратсакда, талкин борасида ўзига хос ёндашуви бор эди. Унинг шеърлари муҳаббатга йўракланган, сўзлари куйга ҳамоҳанг эди. Яна шоирнинг шеърлятида ўта соддаликни, оддий, халқона чапаниликни, барча бирдек тушуна оладиган сўзлар ва жумлаларни кузатамиз. У қайси бир мавзуга эътибор қаратмасин, айтганлари гўё унга илоҳий ўзига хос ифодани таъминлагандек. Гап шундаки, М.Юсуф баъзи бир шоирлар каби сўзнинг жозибасига эмас, балки унинг табиийлигига эътибор қаратди. Сатрлардаги равонлик, соддалик ва чапанилик халқона ибора танлови сабаб, шоир шеърлари тезда ёдда қолади. Шундан бўлса керак, юракдан туғилган дардли сўзлар халқ қалбига тез сингди. Одамлар ҳам ҳеч бир кийинчиликсиз ёд олиб, хиргойи қилишга одатланган эди. Шоир муҳаббат ва Ватан куйчиси сифатида самимийлиги уфирган шеърлари билан юрти-

миз ардоғидаги ижодкорлар сафиданмуносиб ўрин эгаллади. Унинг энг сара шеърлари Ўзбекистон халқ артистлари Ғ.Ёқубов, Ю.Усмонова, О.Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Холиқов, О.Мадалиев, Ғ.Бойтоев, С.Назархон ва бошқа кўплаб хонандалар томонидан кўшиқ қилиб куйланди. Шунинг баробарида, кўплаб кўшиқлар сўзининг муаллифи сифатида кенг китобхонлар қалбига кириб, эл ичида ёшу кексага бирдек манзур бўлди. Бу кўшиқлар ҳофизлар ижодида репертуарларининг гултожи бўлиб, ўрин эгаллади. Аксарият кўшиқлар элга манзур кўшиқлар сифатида улар оғзида доимий хиргойи этиладиганларига айланди.

М.Юсуф ҳаётига бағишлаб олинган фильм портретлар, унда оиласи, дўстлари, яқинлари, шоирлар, бастакорлар, хонандалар томонидан билдирилган илиқ ва самимий фикрлар, шахс сифатида нечоғлик содда, самимий, тиришқок, танти инсон бўлганидан дарак беради. Дарҳақиқат, улар эътирофини кўришни истаган киши, шоир ёзган

шеърларни жамлаган китобни қўлга олиб назар солсинлар. Унинг ўнга якин “Таниш тераклар” (1985), “Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйқудаги қиз” (1989), “Ҳалима энам аллалари” (1989), “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1991), “Бевафо кўп экан” (1991), “Эрка кийик” (1992), “Ёлгончи ёр” (1994) каби шеъррий тўпламлари, сайланмалари нашр этилди.

М.Юсуф шеърлятида она образини ифода этаркан, унинг таърифига айтилган сўзлар сизнинг, менинг, бизнинг оналаримиз ҳақида ёзилганидек, гўё. Унинг “Онамга хат”, “Онамга”, “Онажон”, “Онаизор” номли ва бир қатор шу мавзудаги шеърлар туркумида китобхон беихтиёр ўз онасига айтмоқ истаган сўзини топади. Ўша меҳрибонлик, фарзанд учун қайғуриш, ташвишига кўмилиш, соғинч кийноғи, унинг қувончидан оламларга сиғмаслик, шодлигидан завқланиш ва ҳоказо. У – бизнинг Онамиз.

**Ох, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканини кўрмаган бечора онам...**

Ҳа, бу менинг онамга айтмоқ бўлганларим, кидирганларим, гўё унинг сўзларида акс этгандек. Шоир ҳали тириклик чоғида ўз онасига меҳрини баҳолар экан, ўзидан кечгудек, олаётган нафасидай омонат, буюкликка дахлдор сиймо деб айтади. М.Юсуф ижодида Она ва Ватан сиймоларини ўзаро уйғун талқин этди. Бир шеърда она бағридан Ватан топса, бошқасида Ватан ишқидан она меҳрини туйди.

**Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим ҳоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягона дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуглардан
Улугимсан, Ватаним...**

Бу сатрларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархон ижросида тинглаган куним ҳали-ҳамон ёдимда. Ўша куни “Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Эътироф” мукофоти совридорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтаётган эди. Саҳнага С.Назархон таклиф этилди. Саҳнанинг марказида туриб, юқоридаги сўзлар билан айтилгучи “Улугимсан, Ватаним” кўшиғи унинг ижросида янгради. Залда бир муддат сокинлик ҳукм сурди. Фақат Севаранинг ижроси эшитиларди, бироқ зум ўтмай, кўшиғининг нақорат қисмида хонандага бутун концерт зали жўр бўлди.

**Сен – шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,**

**Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуглардан
Улугимсан, ВАТАНИМ!**

Ўзим ҳам негадир, беихтиёр кўзда ёш билан куйлашга тушдим. Танамда шу лаҳзада гўё минглаб чумоли тирмашгандек сесканиб кетдим. Ҳарчанд ўзимни йиғлашдан тўхтатишга уринсам-да, иложи бўлмасди. Ногоҳ кўзим олдинги қаторда ўтирган эстрадамиз юлдузларига тушди, улар ҳам тинимсиз кўз ёшларини артиш баробарида, кўшиққа жўр бўлишарди. Шу пайт бутун концерт зали ўрнидан турди, бояги ҳаяжон янада кучайди. Энди ҳеч ким атрофга эътибор қилмас, борлиғи билан кўшиққа жўровозлик қиларди. Кўшиқ якунланди. Тинимсиз олқишлар узок янгради. Шу куни концерт залидан чиқиб, уйга пиёда йўл олдим. Тумонат одам ичидан ўтар эканман, кимдир ўша кўшиқ ҳақида ҳамроҳига ҳаяжон билан гапирар, яна кимдир эса, ҳамон кўшиқни хиргойи қилишдан тўхтамас эди. Билдимки, хонанданинг маҳорати шоирнинг дарди билан уйғунликда ижро этилди.

Шоир муҳаббат ҳақида куйлайдими, бевафо ёр ҳақида кўшиқ тўқийдими ёки тарихимиз саҳифаларини қаламга оладими, уларда ҳамшиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб турди.

1998 йили Муҳаммад Юсуфга “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвон берилди.

Шоир 2001 йилнинг 1 август куни 47 ёшида оламдан ўтди. Негадир, уни қабристонга кузатиб борганлар худди улар номидан сўзловчи, роҳат ва азоблари – кечинмаларини топиб айтувчи ҳамдардларини тупроққа қўяётгандек, айрилиқни туйганлари ҳақида ҳали-ҳамон эслайдилар.

Бугун унинг номи билан махсус ижод мактаби, музей, уй музейи ва ўзи ўқиган мактаб номланди. Хотирасини абадийлаштириш вазифаси муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович тавсияси билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига юклатилди. Ўтган қисқа вақт ичида амалий ишлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, хужжатли ва бадиий фильм, ижодий кечалар, институт ректорининг М.Юсуф шеърларини маҳоратли ўқиш, унинг сўзлари билан куйланувчи кўшиқлар танлови ва ҳоказо ижодий ишлар белгилаб олинди. Бу каби ижодий ишларнинг амалий натижаларига ҳам гувоҳ бўлдик. Ҳар ойда шоир ҳайкали жой олган Адиблар хиёбонида унинг оила аъзолари иштирокида ижодий кечалар ташкил этиб келинмоқда.

Айтганларимиз, Сизларга гарчанд янгилик бўлмаса-да, илмийлик касб этмаса-да, биз ҳам унинг шеърларига бир ихлосманд мухлис сифатида айтгимиз келган фикрлар билан ўртоқлашдик, холос. Зеро, шоирнинг руҳи шодланса, қалблар эса таскин топса.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ШАХС ФЕНОМЕНИ

Аннотация. Мазкур мақолада мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг забардаст вакили Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида ижтимоий муносабатлар, хусусан, ижтимоий фаол шахс феномени, бунёдкор шахс образининг бадиий ифода воситалари ва мазмуни борасида фикр-мулоҳазалар юритилиб, жамият аъзолари, хусусан, ёшларни ватанпарварлик ҳамда ташаббускорлик руҳида тарбиялашда улардан фойдаланиш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Муҳаммад Юсуф, жамият, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар, миллий менталитет, адабиёт, ташаббускорлик, бунёдкорлик, фаоллик, шахс, Ватан.

Баҳромжон ИНАТУЛЛАЕВ,

и.о. доцента кафедрасы “Социально-культурной деятельности и музыкального образования” НамГУ

ФЕНОМЕН СОЦИАЛЬНО-АКТИВНОЙ ЛИЧНОСТИ В ПОЭЗИИ МУҲАММАДА ЮСУФА

Аннотация. В статье рассматриваются социальные отношения, особенно феномен социальной активности, средства и содержание художественного выражения образа творческой личности в стихах Мухаммада Юсуфа, видного представителя узбекской поэзии периода независимости и были сделаны выводы об использовании их в деле воспитания патриотизма и инициативности членов общества, особенно молодежи.

Ключевые слова: Мухаммад Юсуф, общество, общественная жизнь, социальные отношения, национальный менталитет, литература, инициатива, творчество, активизм, личность, Родина.

Bakhromjon INATULLAEV,

Acting Associate Professor, Department of “Socio-Cultural Activities and Music Education” at Namangan State University

THE PHENOMENON OF A SOCIAL ACTIVE PERSON IN THE POETRY OF MUHAMMAD YUSUF

Annotation. This article discusses the social relations, in particular, the phenomenon of social activism, the means and content of artistic expression of the image of a creative person in the poems of Muhammad Yusuf, a prominent representative of Uzbek poetry of the independence period, and draws conclusions on their use in educating patriotic members out.

Key words: Muhammad Yusuf, society, social life, social relations, national mentality, literature, initiative, creativity, activism, personality, Motherland.

Ҳар қандай давлат ёки жамиятда фаол шахс тарбияси, унинг ижтимоий-психологик камолоти бош стратегик масалалардан биридир. Чунки, шахсни эзгу ғоялар, интеллектуал талаблар асосида тарбияламай туриб, кучли фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Зеро, бу жараёнда, энг аввало, ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш тизими, унинг мазмун-моҳияти, айти пайтда тизимни такомиллаштиришга хизмат қилувчи воситалар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида ислохот – ислохот учун эмас, балки инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиши бир жиҳатдан инсоннинг олий кадрият сифатида баҳоланишини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан эса, унинг ақл-тафаккурини унданда юқори даражага олиб чиқади. Чунки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади [1.Б.5]. Инсоният яралибдики, у ҳар доим ҳам муайян эҳтиёжларини қондиришга интилиб яшаган. Бу ижтимоий жараённинг провард натижасида нафақат

моддий бойликлар, балки маънавий мерос юзага келдики, улар асрлар давомида инсониятнинг эзгу амалларга сафарбар этиб келмоқда. Ана шундай ҳар бир халқнинг ижтимоий ҳаётини сўзда тавсифлашга асосланган шеърият, инсонларнинг нозик туйғулар соҳиблари бўлган шоирларнинг ҳаёт йўли ҳамда шахсияти жамият аъзоларининг ижтимоий фаол бўлишларига йўлчи юлдуз бўлаётгани муболаға эмас, албатта. Бундай инсонлар нафақат ўзларининг, балки миллатнинг шаъни, кадр-қимматини жаҳон майдонида баралла, баланд пардаларда кўйлаб келдилар.

“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди”, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов [2.Б.140].

Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўз мустақиллигини



кўлга киритган дастлабки йиллардан бошлаб адабиётга, ижод аҳлига муносабат тубдан ўзгариб, халқимизнинг оташқалб шоирлари жаннатмакон юртни тараннум этдилар.

Истиклол шеърятти миллий адабиётимизнинг етакчи туридир. Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Иқбол Мирзо, Муҳаммад Юсуф, Фахриёр каби шоирларнинг шеърларида оламни идрок этиш янги босқичга кўтарилгани намоён бўлади. Бу давр шеърятда ўткир гап айтиш, доно фикр билдириш, насиҳат, ақл ўргатиш эмас, балки инсон руҳининг мураккаб, исмсиз манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди. Ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучайди. Истиклол шеърятти шаклий изланишларга бойлиги, чиқиш назмидан ҳам, ботиш адабиётидан ҳам самарали ўрганишга интилиш кучайганлиги билан характерланади [3.Б.253].

Мустақиллик даври шеърятда Муҳаммад Юсуфнинг ижоди ранг-баранглиги, хилма-хиллиги, мавзулар кўламининг кенглиги билан ажралиб туради. Халқ орасида “Она, Ватан кўйчиси” деб ном олган бўлса-да, инсонларнинг кўз илгамас нозик туйғулари, ижтимоий муносабатларини шеърӣ сатрларда моҳирлик билан тавсифлаб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда ташаббускорлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Муҳаммад Юсуф шеърлари ўзига хос оҳанги билан туғилган ва халқона сўзлар билан йўғрилиб, инсонлар қалбига нур бўлиб кириб борган.

Ҳар бир сатри инсонларни яратувчанлик, ибтидо ва интиҳо оралиғи бир қадам экани-ю, унда бутун дунёни яратишга қодир эканини таъкидлайди.

*Мудроқ босган дилим,
Айтаман бир сир,
Тангри уйқуни-да
Паллада тортар.
Уйқу – ҳам
Насияга берилган умр,
Уйқунг ортган сайин
Қарзинг ҳам ортар... [4.]*


Шоир ушбу мисралари билан инсон умрининг ўлчовлигини изоҳлаш баробарида, инсон кечган умрига яраша бунёдкорликни амалга ошириши лозимлигига ишора қилади. У ўз мухлисларига ҳар бир кунни самарали ўтказиши, умрни беҳуда ишларга сарф этмасликни уқтиради. Ўз навбатида, мазкур сатрлар шоир шахсиятини ўзида акс эттириб, ғайрат-шижоатга лиммо-лим тўлган қалб эгаси эканини ифодалайди.

*Асли дунё надир – Сахрои кабир,
Агар азиз эрса одам-да, азиз.
Дунёга келдингми, дардингдан гапир,
Умринг ўлчаб қўймиш саробни хасис.*

Муҳаммад Юсуф ғанимат берилган умрни беҳуда сарф этмаслик, миллат ва жамиятга наф келтириш олий саодат эканини ифодалайди. Бу мисраларда илгари сурилган қарашлар ўзбек халқининг “иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар” деган мақолнинг нақадар ҳақ эканлигини, ёшлиқни олтин даврини илм ва хунар ўрганиш билан безамоқ лозимлигини уқтиради.

Муҳаммад Юсуф шеърятдаги фаол шахс феномени ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, фаоллик (лотинча “actus” – ҳаракат, “activus” – фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категория эканини унутмаслигимиз зарур. Бу ўша оддий қўлимизга қалам олиб, бирор чизикча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб то ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам, психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ҳамда уни уддалашига алоқадор сифатлари орқали баён этилади. Муҳаммад Юсуфнинг деярли барча шеърларида ички ёки ташқи фаолликни у ёки бу элементлари бадий тасвирини кузатиш мумкин бўлади.

Ички фаоллик – бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига



— Oftob qayerga botadi, deyman bobomga. Osmonning oxiriga, deydi u. Oftob osmonning oxiriga borib botmaydi, balki yig`laydi...

MUHAMMAD YUSUF

таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади. Мисол тариқасида Муҳаммад Юсуфнинг куйидаги мисраларини кўриб чиқайлик:

*Ўзингдан ол, ўзингга узат,
Сен ҳам ўзинг-ўзингни юпат.
Оқибат кўрсатиб, оқибат
Кўрмаган одамга ўхшайсан...
Минорларинг бўйлари узун,
Ўзидан-да ўйлари узун,
Эртакдайин сўйлари узун,
Сен ҳам узун гамга ўхшайсан.
Тоқатга ўхшайсан, сабрга,
Қадри бор-у лек беқадрга,
Ёмғирлар ёлмаган адирга,
Оролсиз кўкламга ўхшайсан. [4.]*

Бу мисраларда ташқи фаолликни биз шоир қаршидаги қад кўтарган Ватан тимсоллари ва унга шоирни интилиши, оёғи остидаги тупроқларни кафтига олиб, юракка яқин тутиши, ватан дарди билан кўзларидан оққан ёшларида кўрсак, ички фаолликда ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, асл дард сабаблари (ватанда кечган истибдод даврлари ва асрий дард, аламларлар туфайли ички туйғулар туғени каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Шунингдек, шоир шеърятни ўзига хос доноликка йўғрилган бўлиб, у жамият аъзоларини энг можароли чоғда ҳам инсон ўз иродасига таяниши лозимлигини Ватан тимсолида авлодларга уқтиради.

Ўзбек халқи миллий менталитетига хос гўзал туйғулар Муҳаммад Юсуф шеърятининг энг асо-

сий безакларидан бири эди. Юқоридаги шеърда ҳам шоир юксак виқор, метин ирода ва бегуборликни самимий камтарлик ҳошияси билан ўраб, буюк Ватан олдида бош эгади. Она Ватан билан ўз тилида сўзлашади. Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бу шеърда аждодлар қолдирган моддий ва маънавий ёдгорликлари учун миннатдорчилик туйғуларини намоён қилган.

*Киндик қони томган тупроқ унга – шон
Керак бўлса, бесўз бахш этар у жон,
Кўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!
Алпомиш ўғлонга ўхшайди ўзбек. [5.]*

Бу мисраларда шоир юксак маънавият ва ботиний куч-қудрат соҳиби Алпомиш тимсолига мурожаат қилиб, ватан мана шундай ботирлар, ташаббускор авлод билан Ватан деган улуғ номни сақлаб қолишини таъкидлайди. Бу бугунги кунда жамиятнинг кичик ёшли аъзолари қалбида: “Ватан менга нима берди, деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим?” – деб яшаш хиссини бардавом этмоқда.

*Сен пахта терардинг етти букилиб,
Пайкалингда эдинг, эй, онажоним.
Ўзбекмисиз, дея галати кулиб,
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним. [5.]*

Муҳаммад Юсуф шеърларида даласидан кетмай ишлайдиган бободехқон тимсоли суяги меҳнатда қотган, бунёдкорлик ҳаёт шиорига айланган ўзбек халқининг ўзига хосликларини ифода-лаб беради. Шунингдек, у ишчанлик борасида жамият аъзоларини ўзаро таққослаб, бугунги мустақилликкача бўлган даврда ҳам бир қўлида бешик, бир қўлида дунёни тебратган, улкан гўзалликлар ибтидоси бўлган Шарқ аёлини улуғлайди.

Шунингдек, меҳнат бахтни ибтидоси эканини уқтириб, келажак авлодга меҳнаткаш ота-боболаридан сўзлайди..

Эрк ва озодлик ўз-ўзидан келмаслигини ўзига жаҳид алломаларидан мерос қилиб олган шоир Она Ватанни минг азоб кўрса-да, метин ирода, камтарин мезбон тимсолида кўрсатади. Мустақилликнинг моҳиятини қисқа сатрларда ифодалаб, ота-боболарнинг бу йўлдаги чеккан азоблари-ю, жасоратини ёш авлод ёдига солиб, ватанпарвар, ташаббускор бўлмаса, хуррият омон бўлмаслигини таъкидлайди:

*Ўтган кунинг – ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирини берган замин,
Қодирини сотган кун.
Қўлин боғлаб,
Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ, болам! деб айтолмаган
Дудугимсан, Ватаним. [4.]*

Фаол шахснинг маънавий қиёфаси бир жамиятдаги ижтимоий муносабатларда шаклланади экан, ўз-ўзидан ижтимоий ҳамкорликка эҳтиёж сезади. Бу шоир шеърляридаги дўстлик туйғуларини бадиий ифодасида намоён бўлади. Қуйидаги сатрларда шарқ халқларида эркаларнинг энг яқин дўсти, ҳамроҳи бўлган от билан бўлган муносабатларни тасвирлайди. Бу тасвирлар халқ оғзаки ижодига ишора қилиб, оти билан яхши ва ёмон кунида бирга бўлгани, унинг таърифи дoston бўлгани учун ҳатто беклар ҳам унга зорлиги, лекин от доим у билан бирга қолгани учун отини яхши кўришини билдирмоқчи бўлади ва, ўз навбатида, дўстона муносабат, содиқликни тарғиб этади:

*Оқ тулпорим бор эди,
Беклар унга зор эди.
Огайнилар, от менга
Ҳам дўст-у, ҳам ёр эди.[5.]*

Шунингдек, шоир шеърлятида табиат ва жамият муносабатлари ижтимоий воқеликлар орқали бадиий тасвирларга кўчирилади: лозимлигига ишора қилади. У ўз мухлисларига ҳар бир кунни самарали ўтказиши, умрни беҳуда ишларга сарф этмасликни уқтиради. Ўз навбатида, мазкур сатрлар шоир шахсиятини ўзида акс эттириб, ғайрат-шижоатга лиммолим тўлган қалб эгаси эканини ифодалайди.

*Сўйла қушим нолангни,
Уйингда дон-дун йўқми?
Уйинг тўла болангни
Ризқин териб тин йўқми?
Ё сенда ҳам тил йўқми,
Ё сенга ҳам кун йўқми?..[5.]*

Шоир қаламига мансуб ушбу “Қалдирғоч” номли шеърда ўзбек миллати бағри кенг миллат, уйда қалдирғочни яшашига жой, шароит яратиб, ундан ҳол-аҳвол сўраб турадиган миллат экани тавсифланиши билан миллийликни яна бир қарра намоён этади. Шунингдек, бадиий тасвир воситасида ҳар бир инсон ўз ризқини ўзи яратишини таъкидлаб, ёш авлодни бунёдкорликка сафарбар этади.

*Тонгда чопиб чиқдим.
Дарахт жойида.
Шох бор,
Шохда қарга йўқ эди, аммо.
Бошга қулфат тушган кунда шериги
Ташлаб кетмас экан қузғунлар ҳатто! [5.]*

Муҳаммад Юсуф жамиятни синчковлик билан кузатувчи, тадқиқотчи ҳисобланади. У табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни, ижтимоий муносабатларни тимсоллар асосида шеърхонга етказди. Ушбу шеърда шоир, бир томондан, “қарга” тимсолида инсонларни бошига қулфат тушганда бир-бирига ёрдам бериши, ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ғоясини илгари сурса, иккинчи томондан, шу йўл билан инсонларни таъбиатга муносабатини шакллантиришга уринади. Бу каби ибратомуз, табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига бағишланган мисраларни Муҳаммад Юсуф ижодида кўплаб учратиш мумкин.

Муҳаммад Юсуф шеърларини мутолаа қилар экан, инсон жамиятдаги ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб, жамиятдаги ўз ролларини теранроқ англаб боради. Бу билан ҳар бир шахсда ижтимоий борликни билишга, англашга ва муносабат ўрнатишга интилиш пайдо бўлади. Ёрқин шеърят билан қувватланган ижтимоий фаоллик юксак маънавиятли шахс тарбиясидаги асосий омиллардан бири бўлиб, тегишли эҳтиёж ва имкониятларни уйғунлаштиради. Бунинг асосида жамият аъзоларида ижтимоий омиллар билан узвий ҳолда ташаббускорлик сифатлари шаклланиб боради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б. 4.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент:Маънавият, 2009. –Б.-140.
3. Норматов У, Йўлдошев Қ. Адабиёт-Тошкент: Ўқитувчи, 2004. - Б.253
4. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. Шеърлар. Достонлар. Хотиралар. — Тошкент: Шарқ, 2007. –Б. 133
5. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. -Тошкент: Шарқ, 2005. - Б.178

Севара МАХМУДОВА,
ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди,
Дилнавоз ХОЛИҚОВА,

ҚК академияси ХТМ педагог кадрлар малакасини ошириши маркази доценти, филология фанлари номзоди

МУҲАММАД ЮСУФ ЛИРИКАСИДА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада адабиётда мифологик образлар, хусусан, Муҳаммад Юсуф ижодидаги миллий, диний қадриятларни, шунингдек, фольклорга хос образларни, шоирнинг фольклордан таъсирланиши, эришган ютуқлари сирларини илмий-назарий аспектда тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: фольклор, мифологик образ, мифологик модель, Пари образи, халқона услуб.

Севара МАХМУДОВА,
доцент ГИИКУз, кандидат филологических наук,
Дилнавоз ХОЛИҚОВА,

доцент центра повышения квалификации педагогических кадров ВТУ академии ВС, канд. филол. наук

МИФОЛОГИЧЕСКИЕ ОБРАЗЫ В ЛИРИКЕ МУҲАММАДА ЮСУФА

Аннотация. В данной научной статье рассматриваются теоретические аспекты мифологических образов, национальных, религиозных ценностей в литературном творчестве Мухаммада Юсуфа. Нужно отметить, что огромное влияние на становление творческого потенциала поэта оказали национальный фольклор и национальные фольклорные образы.

Ключевые слова: фольклор, мифологический образ, мифологическая модель, образ Пери, народный стиль.

Sevara MAKHMUDOVA,
Candidate of Philological Sciences, Associate professor of UzSIAC,
Dilnavoz KHOLIKOVA,
Associate Professor of the Center for Advanced Training of teachers of MEI of the Academy of the AF,
Candidate of Philological Sciences

MYTHOLOGICAL IMAGES IN THE LYRICS OF MUHAMMAD YUSUF

Abstract. This scientific article discusses the theoretical aspects of mythological images, national, religious values in the literary work of Muhammad Yusuf. It should be noted that national folklore and national folklore images had a huge impact on the formation of the poet's creative potential.

Key words: folklore, mythological image, mythological model, Peri image, folk style.

Бадий адабиётда халқнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий-ахлоқий, маърифий турмушини тасвирлашда, унинг янада тараққий топишида, халқчилигининг таъминланишида фольклорнинг ўрни бекиёсдир.

Жаҳон адабиёти намояндлари фольклор асарларидан баҳра олиб, улардаги юксак умуминсоний ғоялардан таъсирланиб, бадий баркамол асарлар яратишган. Ҳар бир шоир халқ оғзаки ижодининг ранг-баранг жанрларига мурожаат этиб, бадий образ ва характер яратишга ҳаракат қилади. Шу боис, бирор-бир шоир ёки ёзувчи ижоди ўрганилганда фольклорга хос услуб, сюжет, образ ва тасвирий воситалар яққол кўзга ташланади. Муайян шоир лирикаси мисолида фольклор аъналари муаммосини тадқиқ этиш – ўша давр адабий жараёнини, муаллифнинг индивидуал услуби ва маҳоратини ойдинлаштиришга имкон беради. Қолаверса, ҳар бир шоир ёки ёзувчи халқ оғзаки ижоди намуналарини янгича талқин этиб, ўзига хос бадий-эстетик дунёсини шакллантиради.

Миллий адабиётнинг қудратли тарбиявий таъсирига алоҳида тўхталиб: “Биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз” [1.Б.530], – деб ёзди Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, адабиёт ҳамма замонларда халқ маънавияти учун бебаҳо хазина бўлиб келган. Ўзбек шеърятининг таникли намояндаси Муҳаммад Юсуф ижодидаги миллий, диний қадриятларни, шунингдек, фольклорга хос образларни тадқиқ этар эканмиз, шоирнинг фольклордан таъсирланиши, эришган ютуқлари сирларини илмий-назарий аспектда тадқиқ этиш, бугунги адабиётшунослигимиз учун муҳим масала эканлигини англаб етамиз. Зеро, “фольклор аъналари ва элементларини санъаткор ўз ижодий лабораториясида қай даражада ишлаб, халқ учун аҳамиятли, халқчил асарлар яратиб, кишиларнинг эзгу инсоний туйғулар билан тарбиялашга ҳисса қўшишини кўрсатиб бериш



– адабиёт ва фольклор алоқаларини ўрганишнинг асосини ташкил этади” [2.Б.8].

Истиклол шарофати билан халқ оғзаки ижоди, диний, миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгарганлиги, эътибор ошганлиги ҳисобга олинса, ҳозирги ўзбек шеъриятида халқчиллик, миллийлик ва халқона услубни юзага келтирган асосий сабаблар фольклорга бориб боғланиши ойдинлашади.

Тадқиқотчи С.Ҳамдамова: “Миф – оламни онгсиз идрок этиш натижасида яратилган қадимги тасаввурларнинг изчил тизимга солинган кўринишидир” [3. Б.18], деган нотўғри хулосага келади.

Зеро, адабиётшунос А.Мусақулов айтганидек: “Кўпгина кишилар бир неча асрлардан буён мифлар инсоннинг табиат қаршисидаги ожизлиги туфайли яратилган, деган ҳукмга мойил бўлиб келмоқдалар. Бизнингча, мифлар ва уларнинг таъсири шунинг учун ҳам яшаб келмоқдаки, улар инсоннинг ожизлиги эмас, балки тафаккури, ўз фаолияти қудратига, пировардида эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишига ишончининг ифодасидир” [4.Б.4].

Дарҳақиқат, инсоният XXI асрда тараққий этган техника, шиддатли ва сершовкин муҳитда яшар экан, қадим маданият ҳамда адабиётдан қанча узоклашмасин, бари бир инсон руҳи, қалби қадимий миф, афсона ва ривоятларни шунча кўмсайди. Бу ҳол инсоннинг улғайган сари болалигини соғинишига ўхшайди.

Ҳар бир мифологик образнинг энг муҳим белги ва хусусиятлари мавжуд. Шунингдек, ҳар бир мифологик образ халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда ўз генезиси ҳамда тадрижига эга. Пари, Дев, Аждар, Ялмоғиз ёки Ўрдак, Ғоз, Турна, Қарға сингари образлар турли жанрларда кенг ва атрофлича ишланган.

Мифологик образ ҳисобланган пари образи нафақат халқ оғзаки ижодида, балки ёзма адабиётда ҳам қадим даврлардан бери кенг қўлланиб келинади. Адабиётшунос К.Имомов бу образ ҳақида шундай ёзади: “Пари образи олов стихиясининг

тимсоли, оташкадаларда олов билан шуғулланиб шуҳрат топган аёллар руҳининг тимсолларидир. Қадимий анимик тасаввурда юзага келган пари ва паризод образлари миф замирида пайдо бўлган... У гўзаллик рамзи сифатида фаолият кўрсатади. Олов пари ғоят гўзал, нафис, марҳаматли, фусункор қиз қиёфасида тасвирланган. Унинг пари аталиши оловдан чиқиб, оташга сингиб кетишида амал қилади” [5.Б.57]. Пари нафақат, ўзбек халқи орасида, балки қардош халқлар, қолаверса, европаликлар орасида ҳам маълум ва машҳур образ саналади.

Т.Р.Хўжаев номзодлик ишида мумтоз шоирлар ижодида пари образини тадқиқ этар экан, бу образ ҳақида қуйидагича фикр юритади: “Пари халқ оғзаки ижодида, унинг дoston, эртақ, қўшиқ каби жанрларида асосий образлардан бири ҳисобланади. Аммо пари образи учун етакчи белги, “пари” сўзи тилга олинганда ҳаёлимизда зухур бўладиган илк тасаввур ҳусн билан, беқиёс гўзаллик билан боғлиқ. Демак, пари учун бош сифат унга тегишли дастлабки ёрлик – бу ноёб гўзаллик, тенгсиз латофат. Пари инсон тасаввурининг энг нозик, ғоят мўъжаз нуқталарининг маҳсулидир. У халқ идеалидаги гўзаллик олами, ташқи қиёфанинг мукамаллик тимсоли. Пари кўзга жуда кам кўринадиган, намоён бўлганда эса, ўзининг ҳусн ва латофати билан инсонни ақл-у ҳушидан мосуво этувчи соҳира” [6.Б.37]. Аммо мифологияда пари – диний тимсол. У оғир пайтларда инсонга ёрдам беради ёки балолар ёғдиради. Уларнинг шаффоф, нафис ва гўзаллиги эса, ёзма адабиётда рамзий маънода гўзаллик тимсолидир.

Шу маънода, “пари” номи тилга олиниши билан Т.Хўжаев таъкидлаганидек, тенгсиз гўзаллик тимсоли кўз олдимизда намоён бўлади. Бу образнинг хусусиятларини мукамал тасаввур этиш учун “тенгсиз” сўзини уч хил талқин қилиш мумкин. Биринчидан, ҳақиқатан, кўплаб фольклоршунос, адабиётшунослар қайд этганларидек, “пари” образи, аввало, ҳуснда тенгсиз, ташқи гўзал қиёфа тимсоли бўлса, иккинчидан, дунёнинг барча сирсиноатларини ўзлаштирган билимдон, оламдаги барча дунёвий ҳамда ғайб илмини эгаллаган образ ҳисобланади. Учунчидан, пари оддий инсонлардан (чунки пари инсон қиёфасида тасаввур қилинади) фарқли равишда сеҳр-жодуловчи характерга эгаллиги билан халқ оғзаки ижодида, қолаверса, ёзма адабиётда алоҳида ажралиб туради. Демак, ўз-ўзидан парининг икки хил қиёфаси яққол кўзга ташланади: бирда ботирларга раҳнамо бўлса, бирда рашкчи ракиб, гоҳида болаларни ўғирлаб, инсонга азоб беради. Хусусан, фольклоршунос олимлар аниқлаган “Пари образи, бир томондан, ёвуз куч, хиёнаткор, жодугарликка эга бўлган салбий персонаж, иккинчи томондан, донишманд ва гўзалликка эга бўлган ижобий персонаж сифатида ифодаланади” [7.Б.143].

Муҳаммад Юсуф “Сувпари” шеърда мифологик образнинг икки хил турини, яъни кўзда яшовчи

хур-пари ва сув остида яшовчи сувпаридан образини яратганлигига гувоҳ бўламиз:

**Сен кўлдаги ҳарир кўйлак, хур-пари,
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпаридан.
Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбаридан,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек [8.Б.28].**

Бу шеърда лирик қаҳрамон севгилисига муҳаббатини изҳор этар экан, ҳеч ким унингдек сева олмаслигини ҳар банд охирида “сени ҳеч ким севолмайди менингдек” такрорий нақарот мисралар билан таъкидлайди. Охириги бандда севгилисини осмону фалакда яшовчи ҳарир кўйлак кийган хур-парига ва иккинчи мисрада эса, кўк кўлдаги сув остида яшовчи сувпарига қиёслайди. Нима сабабдан шоир ўз севгилисини айнан пари образига қиёс этди экан? Чунки, юкорида айтиб ўтилганидек, лирик қаҳрамоннинг “кўнглидаги дилбаридан” қўл етмас фалакда хур-пари, инсон қадами етмас кўл тубида сувпаридан мисоли ҳаёт кечиради. Лирик қаҳрамон, гарчанд унинг васлига ета олмаслигини билса-да, уни севаверади, унга талпинаверади. Демак, Муҳаммад Юсуф халқ оғзаки ижодидаги ва ёзма адабиётга кўчган “пари” образининг икки хил ҳаёт тарзидан фойдаланиб, ушбу образни яратган.

Бинобарин, Муҳаммад Юсуф ҳам мумтоз шоирлар яратган анъаналар ва фольклор ижодининг туганмас хазинасидан оқилона фойдаланиб, ўз шеърлятида пари образининг турли кирраларини, характерини, қисқаси гўзаллик ҳамда доноликнинг тенгсиз тимсолини, яъни пари образини яратади. Унинг шеърлятида “пари” образи ниҳоятда изчил ишланганини кузатиш мумкин. Хусусан, “Ўтинч”, “Келинчак” номли шеърларида ҳам пари образига нисбат берилувчи сатрлар учрайди. Жумладан:

**Мулқингизга не парилар ҳавас этмас,
Ёрим айтинг, сизга яна нима етмас,
Нечун ойдек юзингиздан қайғу кетмас,
Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми? (8.Б.58)**

“Келинчак” шеъри, аввало, халқ кўшиқлари услубида ёзилгани билан характерланса, иккинчидан, лирик қаҳрамон тез-тез мурожаат этган, яъни қиз боланинг ўзга хонадонга узатилиши мавзусига яна бир бор қайтади. Лирик қаҳрамон келинчакка қараб, унга ҳатто парилар ҳам ҳавас қилаётган бир маҳалда, унинг ойдек гўзал юзида нечун қайғунинг изтиробли кўланкаси сабабини суриштиради, айри-

лик азобининг даҳшатини “ёр” ҳам тотаётганини айтиб, кўнглини ёзади.

Муҳаммад Юсуф “Яхши” номли шеърда аёлни парига менгзайди. Аммо энди бу ерда пари – гўзал, ўзига ром этувчи, аммо бевафо аёллар тимсолида гавдаланади:

**Ўпич кўрган паридан
Сепкил тошган юз яхши.
Ичмасанг ҳам қимиз зўр,
Қучмасанг ҳам қиз яхши (8.Б.64).**

Кўринадики, Муҳаммад Юсуф халқ кўшиқларига хос соддалик, теран мазмун, самимийлик, жозибадорликдан унумли фойдаланган ҳолда, ўз шеърлярида пари образига жуда кўп мурожаат этади.

Муҳаммад Юсуфнинг “Яхши” радибли шеъри халқ кўшиқларидан ушбу сатрларни ёдга солади:

**Шамчироқни ёнганидан,
Ёнмагани яхшироқ,
Бевафо ёр бўлганидан,
Бўлмагани яхшироқ (8.Б.158).**

Муҳаммад Юсуфнинг “Ўпич кўрган паридан” хунук кизнинг яхшилигини таъкидлаши – халқ кўшиқларига хос услуб шеърга хос оҳанг, туроқ, ритм ва мазмун айнан халқ кўшиқларидан таъсирланиш натижасида яратилганини кўрсатади.

“Оқ рўмол қизлар” шеърда эса шоир қизларнинг юрган йўлларига, қадамига парилар ҳам ҳавас қилишини таъкидлаш орқали тасвирда эмоционал таъсирчанликка эришади. Зеро, парилар нурдан яратилган бўлса-да, қизларнинг нур каби софлигига улар ҳам ошиқ:

**Юрса йўлга ёгдулар изи,
Париларга орзулар изи.
Сиз – онамнинг ёришган юзи,
Сиз – отамнинг йўқотган қизи...
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар (8.Б.145).**

Хуллас, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги мифологик образлар кишилар ҳаётининг муайян тимсолли образлари саналади. Жумладан, гўзаллик, сеҳржодулик тимсоли пари поэтик образи Муҳаммад Юсуф лирикасида ўзига хос ўрин эгаллайди ва шеърлярига жозоба бахш этиб, фалсафий маъно ташийди.

Шоир лирикасида бу мифологик образ янгича сайқалланган поэтик образ, поэтик сифатлаш, поэтик тасвирий восита сифатида намоён бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
2. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: “Фан”, 1979. – 196 б.
3. Ҳамдамова С. Халқ ижоди – илҳом чашмаси. – Тошкент: “Фан”, 2009. – 64 б.
4. Жўраев М, Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.
5. Имомов К. Зардўштилик ва эпик мотивлар генезисига доир // “Ўзбек тили ва адабиёти”. – Тошкент, 2009. – № 6.
6. Хўжаев Т. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: филол.фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1996. – 131 б.
7. Раззоқов Ҳ, Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980. – 360 б.
8. Юсуф М. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ”, 2002. – 288 б.

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ: КОМИЛ ЯШИН ҲАМДА МУҲАММАД ЮСУФ МУНОСАБАТЛАРИ МИСОЛИДА

*“Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий
оламини юксалтиришининг мустаҳкам пойдеворидир”.*

Ш.МИРЗИЁЕВ



*Аллоҳ таоло Қуръони каримни тушириб,
ҳар ким уни ўзи ўқиб олаверсин демаган, балки
Қуръони Каримни бандаларга ўргатиш учун
набий юборган. У зот эса, умматларига устозлик
қилиб, саҳобаларга таълим берганлар. Саҳобалар
тобеинларга таълим берганлар. Улар эса, ўзла-
ридан кейингиларга ва шундай тарзда ҳозиргача
давом этиб келмоқда. Шу тариқа, бугунги кунда
ҳам мустақил фикрловчи, ишонч-эътиқодли
шогирдларни тарбиялашда “Устоз-шогирд” анъ-
анасининг ўрни беқиёс.*

Мени кўпинча хотираларим узоқ-узоқларга,
ўтмишга олиб кетади. Чунки, менинг ёшлигим фахр
билан ёдга олса бўладиган инсонлар орасида ўтган.
Аксарият вақтим устозим Ҳалима Носирова ва улар-
нинг умр йўлдошлари Комил Яшин билан ўтар
эди. Боиси, ушбу хонадон ҳақиқий илм-маърифат
учқунларини таратувчи, ўзларининг юксак маънави-
ятлари билан атрофидагиларнинг маънавиятини ҳам
бойитувчи буюк инсонлар билан доим гавжум эди.
Ана шундай буюк инсонлар сафида ўзбек халқининг
севимли фарзанди, оташқалб шоири Муҳаммад
Юсуф ҳам бор эди. Атокли адиб ва жамоат арбоби,
академик ёзувчи Комил Яшин билан Муҳаммад
Юсуфнинг “Устоз-шогирд” анъаналари шу қадар
юксак ва мустаҳкамлигига ўзим гувоҳ бўлганман.

Кечагидек ёдимда, 27–28 ёшларда эдим, ўша
кезларда Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Дўр-
мон” боғидаги Комил акага тегишли уй Муҳаммад
Юсуфга бериладиган бўлди. Чунки, бу пайтга келиб,

Ҳалима опа ва Комил аканинг ёшлари анчагина
ўтиб қолиб, боққа кўп ҳам бормас эдилар. Комил
ака шогирди Муҳаммад Юсуфга ана шу хонадонни
совға қилишни ихтиёр этганида, шоир: “Устоз-
нинг жойини ололмайман”, деб жавоб берганида,
Комил ака Муҳаммад Юсуфга: “Сен доимо мени
отам дейсан. Ушбу уй отадан-ўғилга берилган ҳадя-
дир. Ота ўғилни кига меҳмонга келмайдими?” – дея
Муҳаммад Юсуфни ўз фарзандидек кўришини, агар
устозни раъйини қайтарса, қаттиқ ранжишларини
айтганлар. Ҳалима опа ҳамда Комил ака уй билан
биргаликда кўплаб уй жиҳозларини, Муҳаммад
Юсуф ва Назира ас-Саломга совға сифатида тақдим
этишган.

Муқаддас китобларимизда: “Инсон ўзига раво
кўрган яхшиликларни бошқаларга ҳам раво кўр-
магунича мусулмон бўлмайди”[2], дейилган.
Бугун ҳамма ўз фойдасини кўзлаб яшаётган бир
замонда мен уларнинг инсонийлик фазилатларини
бошқаларга ибрат қилиб, гапириб берган бўлар
эдим. “Устоз-шогирд” анъанаси бизга ота мерос-
дир. Бурҳониддин Марғинович хазратлари ривоят
қиладилар: “Бухоронинг йирик олимларидан бири
дарс бериб ўтирар экан, ора-сирада ўрнидан туриб
кўяр эди. Бунинг боисини сўраганларида: “Усто-
зимнинг ўғли кўчада болалар билан ўйнаб юрибди.
Баъзан масжиднинг эшиги олдида келиб қолмоқда.
Қачон унга кўзим тушса, устозимнинг ҳурмати учун
ўрнимдан бир туриб кўяман”[3], – дея жавоб берган
эканлар.

Марв имомлари пешвоси, кози Фахриддин Арсабандийни Султон бағоятда ҳурмат қилар эди. У киши: “Мен бу мансабни устозимга қилган хизматим туфайли топганман. Мен устозим – кози, имом Абу Зайд Даббусийнинг хизматларида эдим. У кишининг таомларини пишириб, тайёрлаб кўяр, лекин ундан бирор марта танаввул қилмас эдим. Шу тариқа ўттиз йил хизмат қилдим ва яратган мана шундай мартаба билан мени мукофотлади” [4], деган эканлар. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, устозини эъзозлаган, уларнинг ҳурматини жойига қўйган шогирдларнинг юксалганликларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Муҳаммад Юсуф ҳам ана шундай шогирдлар сафида эди. Уларнинг Комил Яшин ва унинг яқинларига нисбатан ўзаро ҳурмат, меҳр, эътиқоди, самимий муносабатлари таҳсинга лойиқ эди.

Ҳалима опа билан Муҳаммад Юсуфнинг қизғин, ижодий суҳбатларини ҳали-ҳамон ўзгача бир энтиқиш, соғинч билан хотирлайман. Кунларнинг бирида Муҳаммад Юсуф Ҳалима опага: “Опа, саксон ёшингизда ҳам сочингизни бўяйсиз-а?” – деганларида, Ҳалима опа ҳозиржавоблик билан куйидаги туюқни айтгандилар:

**Назар ҳам солмадингиз кўздаги оққан бу ёшимга,
Куларсиз, қаҳ-қаҳ айлаб, сочим оқин бўёшимга.
Бировлар қилмиши бирла, менинг асло ишим йўқдир,
Сочим оқин бўёшим ҳам муносибдир бу ёшимга.**

Шунда Муҳаммад Юсуф опага тасаннолар айтиб: “Туюқни жуда моҳирона ёзасиз. Шеър ёзишни аслида Комил ака сиздан ўрганганми, дейманда?” – дея ҳазил-мутойибалар қилган эдилар.

Ҳеч қачон устозимнинг куйидаги сўзларини ёдимдан чиқармайман: “Санъатнинг нонини ейиш учун пўлатдан тиш ва ҳалол лукма керак”. Ушбу сўзлар мана шу ҳаёт ва ижод йўлим давомида шиорим бўлиб келади. Ҳозирда санъат олийгоҳида таҳсил олаётган шогирдларимга ҳам ушбу сўзларнинг мазмунини тушунтираман. Хотираларимни улар билан ҳам ўртоқлашаман. Санъат вакиллари ҳақида сўз кетганда, Муҳаммад Юсуфнинг бир ўкинч билан гапирган гаплари ёдимга тушади: “Мен кўшиқчи шоир эмасман! Шеърларимни кўшиқ бўлиб янграшига асло қаршилигим йўқ, лекин мени кўшиқчи шоир санаб, манфаат учун ижод қилади, деб ўйлашларини кўтаролмайман. Шоирлик касб эмас, мен учун, шоирлик – қисмат! Шеър бу – ширин дард, азоб. Шоир – шу дард бемори. Юракдаги ўша шеър қоғозга тушмагунча баъзида уйку келмайди. Уни ёзиб битирганингдан кейинги

роҳат бошқача бўлади. Баъзилар борки, мен ёзолмай қоляпман, мажбуран бўлса-да, ёзиб турмасам, “қўлим чиқиб кетади” дейишади. Мен бунга асло қўшилмайман. Ўзим кўнглим буюрмагунча ёзмайман ҳам. Биласизми, аслида мен адабиётга ижтимоий шоир бўлиб кириб келганман. Эсингизда бўлса, ўша пайтларда ёзилган “Самарқандга борсам мен агар...”, “Дўппи” ҳақидаги шеърларим ана шундай сифатларга эга эди. Шеър кўнглини ижтимоийликка боғлайдиган ришта бўлиши керак. Шунда шеърят ўз куч-қудратини намоён этади.

Шунда Ҳалима опа: “Ҳа, тўғри айтасиз, адабиёт ва санъатнинг йўли жуда оғир –

**Одами зот хулқининг зўр моҳири,
Артист, шоир, шод кўринур зоҳири.
Ҳар хунарманд вақт ўтиб бўлса азиз,
Нега санъатнинг ҳаробдир охири?..”**

дея узок ўйга толганлари ёдимда. Шоирлик, санъаткорлик, ижодкорлик барчаси аслида илоҳийдир. Биргина шеърнинг туғилиши ёхуд биргина санъат асарининг вужудга келиши ижодкордан қанча машаққат талаб этади. Юрак кўри билан йўғрилган ижод маҳсули юракларга етиб боради ва у ердан муносиб ўрин эгаллайди. Ижодни, ижодкорларни эъзозлаганларни яратган ҳам барча учун азизу мукарам айлайди, аксинча, уни оёқ ости қилишга уринганларни охирини хароб айлайди. Шунинг учун: “Асло ғам еманг, иним, ўзи қўлласин!” – дея шоирга тасалли берар эдилар.

Муҳаммад Юсуф қисқа ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган бўлса-да, ўзининг самимий, дилтортар шеърлари билан мустақил диёримиз, абадиятга дахлдор адабиётимизда ўчмас, ёрқин из қолдириши тақдири азалдир. Шоир ҳар бир шеърда ватандошларининг орзу-умидлари, улар қалбининг тубтубида сақланиб қолган гўзал ҳисларни ифодалади. Ҳар бир мисра, ҳар бир сўзни, аввало, ўз юрагидан ўтказиб, сўнг қоғозга туширганлиги боис, улар халқ юрагига кириб бора олди ва ҳали-ҳануз уларнинг юракларида сақланиб келмоқда. Шоирнинг шеърлари ҳали кўп замонлар ўрганилади ва келажак авлодларимизнинг маънавий оламини юксалтиришда беқиёс хизмат қилади.

Томирларимда ўзбек санъатининг буюк дарғаси Ҳалима Носированинг қони оқаётганидан, қолаверса, юртимизнинг тарихига айланган азиз фарзандлари суҳбатида бўлганимдан мен ўзимни бахтли инсон деб баралла айта оламан.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги Зиёлилар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқларидан.
2. www.saviya.uz
3. www.xojabuxoriy.uz
4. <https://naqshband.uz>



V Бўлим

**ЁШ
ТАДҚИҚОТЧИ**

МАЪРИФАТЛИ ШОИР ИЖОДИДА УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Аннотация. Ушбу мақола Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ижодида устоз-шогирд анъаналари, таълим-тарбия соҳасида шеърятнинг ўрни ҳақида ёзилган. Унинг энг яқин устозлари ва шогирдлари билдирган фикрлардан иқтибослар келтирилган. Мақоладан шоирнинг қаламига мансуб шеърларидан намуналар ҳам ўрин олган.

Калим сўзлар: феномен, шоир, устоз-шогирд, адабиёт, келажак, ёзувчи, шеърят, маърифат, халқона шоир.

Улуғбек МУСИНОВ,

Преподаватель кафедры “Искусства кукольного театра” ГИИКУз

ВНИМАНИЕ ТРАДИЦИЯМ НАСТАВНИК-УЧЕНИК В ТВОРЧЕСТВЕ ПРОСВЕЩЁННОГО ПОЭТА

Аннотация. Данная статья посвящена педагогическим традициям шогирда в творчестве народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа, роли поэзии в воспитании. Из мнений, высказанных его ближайшими учителями и учениками, приводятся слова. Из статьи были также найдены образцы стихотворений, принадлежащих перу поэта.

Ключевые слова: феномен, поэт, наставник-ученик, литература, будущее, писатель, поэзия, просвещение, народный поэт.

Ulugbek MUSINOV,

Teacher of the Department of “Puppet theater art” UzSIAC

ATTENTION TO THE TRADITIONS OF THE MENTOR-STUDENT IN THE WORK OF THE ENLIGHTENED POET

Annotation. This article is written about the teacher-learner traditions in the work of the people’s poet of Uzbekistan Mukhammad Yusuf, the role of poetry in education. From the views expressed by his closest teachers and his apprentices are quoted. From the article, samples of poems belonging to the poet’s pen were also found.

Keywords: phenomenon, poet, teacher-shogird, literature, future, writer, poetry, enlightenment, folk poet.

Адабиёт халқнинг руҳий оламини, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантира олишга, қанотлантиришга қодир буюк бир санъат. У инсоннинг касбидан қатъи назар, барчага бирдай азиз ҳисобланадиган неъматдир.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг шахси, феномени, аввало унинг асарларида ўз ифодасини топган. Шоир ижоди алоҳидалиги, бетакрорлиги билан фарқланади. Шоирлар: “Асл шеърни оддий сўзлар билан ифодалаб бўлмайди”, – дейишади. Лекин оддий феъли, оддий сўзлари билан кўнгилларни забт этган шоир ўзининг қисқа, аммо мазмундор умри ва ижодий фаолияти давомида бой адабий мерос қолдирди. Ватан озодлиги, халқ бахти, юртнинг нурафшон келажagini ёниб қуйлаган истеъдодли шоирнинг асарлари миллат эътирофига сазовор бўлди ва қалблардан чуқур жой олди. Унинг устозлари, ижодкор дўстлари, шогирдлари ва шоирни яқиндан билган инсонлар хотираларида шоирнинг сийрати ҳамда сурати акс этган. Унинг шоирона истеъдодига сайқал бериб, ўз маслаҳат ва ёрдамини аямаган устозлари: Абдулла Орипов, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Расул Ҳамзатов, Тоҳир Малик, Алибек Рустамовларнинг роли катта аҳамият касб этди.

Устозлар изидан, сафдошлари билан ёнма-ён Муҳаммад Юсуф ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўз шеърлари билан нури кўприклар солиб, янги, ёруғ йўллар очишга муваффақ бўлди. Унинг назмий йўл –

кўприклари кўнгилларни-кўнгилларга улади, дилларни-дилларга яқинлаштирди, қалбларни бири-бирига ёру ошно этди. У азиз ва бетимсол диёрини ўзгача бир завқу шавқ билан қуйлади:

**Одам билан улғаяр макон,
Дунёларга дoston бўлади.
Эрки элнинг гўдаги султон,
Султони мард инсон бўлади.
Даҳри дун ҳаммадан қолади,
Биздан озод Ватан қолади!**

Илк шеърлари биланоқ катта устозларнинг назарига тушган, мудом уларнинг диққат-эътиборида бўлган, “осмонқалб шоир” дея ном олган шогирднинг ҳам шогирдлари қисқа муддатда кўпайиб кетди. Устоз Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуф билан устоз ва шогирд бўлиб, бирга Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг таваллуд тўйига Маҳачқалъага борганларини, Расул бобонинг Муҳаммад-жонни дарров яхши кўриб қолганини, унга шеър ўқитиб: “Шеърни ўзимдай ўқиркансан”, – дея мақтаганларини алоҳида меҳр ва соғинч билан эслайди. Бу хотираларнинг ўзи ҳам, у дийдорлашувлар ҳам бугун шеърини соғинчларга айланган.

**Қушдай учиб қучоғиндан дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзиндан-а,
Ўзиндан қўямасин, халқим, ўзиндан-а.**

Устоз-муаллимлар даврасида шеър, адабиёт ҳақида гап кетганда домлалардан бири: “Сўз Ватандай бўлмоғи керак!” деган чиройли иборани ишлатган эди. Сал баландпарвоз, китобийроқ хитобдай туюлса-да, ҳар ҳолда, шоир сўзининг салмоғи, миқёси даражасини белгилаб берадиган тўғри гап. “Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир”, дейди Муҳаммад Юсуф. Унинг назиди Сўз Ватан тушунчаси янглиғ қадри ва азиз. “Мен негиб шоир ўлай, Бир қалам ўйнатмасам. Жон қадар бир сўз сўраб, Бир калом шеър айтмасам”, дейилганида ҳам, айнан шу муқаддас масъулият билан бурч назарда тутилган. “Шундай йилларни кўрдикки, бахтли бўлиш уят эди”, – дегандилар устоз Асқад Мухтор. Муҳаммад Юсуф чин маънода бахтли бўлиш, яъни одам инсондай яшаши уят саналмаган, элу юртимизнинг асрий орзу-армонлари ушалган ғурурбахш бир замоннинг озодқалб шоири бўлиб камолга етди. Шунинг учун ҳам, “Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,.. Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна” дея кўксини тўлдириб сўз айтди.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида: “халққа, Ватанга Муҳаммад Юсуфдек шоирлар зарур”лиги алоҳида таъкидлангани, шоир ижоди ва шахсиятининг моҳиятини яққол кўрсатган.

У ўзининг қисқа, аммо мазмундор ижодий фаолияти билан халқ эътирофини қозонди ва бунинг табиий самараси ўлароқ, 1998 йилда – 44 ёшида “Ўзбекистон халқ шоири” деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов: “Муҳаммадjon ноёб истеъдод эгаси, одамларга меҳрибон, софдил, мард ва камтарин инсон эди. Унинг ёрқин хотираси барчамизнинг қалбимизда доимо сақланади”, дея таъкидлаган эди, шоир ҳақида. Дарҳақиқат, ўз Ватанини беғараз меҳр-муҳаббат билан севган, ҳамиша унинг хизматига шай турган, истиқлолни куйлашдан чарчамаган, юрт тупроғини тилдан қўймаган фидойи фарзандлар номи - ёди ҳамиша барҳаётдир. Ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф бугун халқимизнинг юрагида, қалбида яшамокда” [1. Б. 3].

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шоир ҳақидаги таассуротларида шундай дейди: “Муҳаммад Юсуфни мен таниқли ёзувчи Назир Сафаров орқали танир эдим. Муҳаммадjon Назир ака хонадонидида турар, ёшгина ўсмир йигитчанинг пойтахтдаги илк қадамлари мана шу остонадан бошланган, бу уйдаги адабий муҳит бўлажак шоирга катта мактаб бўлган эди. Дастлабки шеърларини менга бераётди, Назир ака шундай деган эдилар: “Мен, Эркинjon, - ёзувчиман. Шеърятдан узокроқман. Сизга бир илтимосим, Муҳаммаднинг шеърларини ўқиб кўриб, ўзингиз йўл-йўриқ кўрсатсангиз. Машқларида нимадир борга ўхшайди”.

Бу озғингина, истараси иссиқ, қорачагина йигитча бир кўришдаёқ мени ўзига тортган эди. Шу ўринда,

бир нарсани таъкидламоқчиманки, инсон умрининг охиригача илм ўрганади, ҳаёт дарсини ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илми, уни ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Муҳаммадjon туғма истеъдод соҳиби эди. У бу истеъдодни ривожлантирди, ўзига талабчан бўлди.

У пайтларда унинг шеърятдаги таҳаллуси йўқ, Муҳаммадjon Юсупов номи билан ижод қиларди. Мен “Ёшлик” журналининг Бош муҳаррири эдим. У вақтлар ёш шоирларнинг битта, таниқли шоирларнинг уч-тўрт шеърига жой ажратардик. Муҳаммадjonнинг шеърлари бу қобикни ёриб чиққан, унга бир саҳифа жой ажратгандик.

У жуда тез оғизга тушди. “Тошкент оқшоми”, “Ўзбекистон овози” газеталаридаги фаолияти эса уни яна бошқа оламга олиб кирди. Унинг танқидий йўналишдаги “луқма”лари, кичик-кичик қатралари, бир қатор мақолалари Мақсад Яхшиев номи билан газеталар саҳифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлди. Сал кейинроқ у Муҳаммад Юсуф номи билан элга танилди” [2. Б. 275–276].

Унинг халқимиз юрагига жо бўлган бу номга илк бор ёзувчи Тоҳир Маликнинг таклифи сабаб бўлган.

Бу ҳақда китоб муаллифи Шукур Қурбон шундай баён қилган: “Ёзувчи Тоҳир Малик “Шарқ юлдузи” журналининг масъул котиби эдилар. Кўпчилик шоирлар қатори Муҳаммадjonнинг шеърларидан бир даста тайёрлаб, аканинг ҳукмига ҳавола этдим. Тоҳир ака уларни ўқиб, илик фикр билдирдилар.

Кейин қўшимча қилдилар:

– Лекин имзосини ўзгартирамиз.

– Имзосини? Нега? – ҳайрон бўлдим.

– “Муҳаммад Юсупов” эмас, “Муҳаммад Юсуф” имзоси остида эълон қиламиз, бу шеърларни.

– Қандай бўларкин?

– Яхши бўлади: “Муҳаммад” ҳам “Юсуф” ҳам пайгамбаримизнинг исмлари. Уларга “ов” қўшимчасини қўшиб, ўзимиздан бегоналаштирмайлик.

Мен бу фикрга қўшилдим.

Шундай қилиб, бу шеърлар “Муҳаммад Юсуф” таҳаллуси остида ёритилди ва Ёзувчилар уюшмаси Поэзия секцияси муҳокамасида йилнинг энг яхши шеърлари сифатида эътироф этилди” [4. Б. 6].

Муҳаммад Юсуфни шоир этиб танитган номи ҳам адабиётшуносларнинг фикрлари билан шеърят бўстонида ўз ўрнини топди. Бугунги кунда ҳам шоирнинг номини абадийлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Устозлар ва зиёлиларнинг ёшларга мурожаатларида, куй-қўшиқларда, умуман тилимизда доим жаранглаётган назмий мерос саналган қаламкашларимизнинг ижод намуналарини барчамиз ҳалигача қизиқиб, севиб ўрганаверамиз. “Янги Ўзбекистон” газетасининг 180-сонидида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошевнинг “Ҳар бир ўзбекнинг юрагини ўзиники қилган шоир” деб номланган мақолалари чоп этилди. Мақолада юртимиз ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида қай-қуриб, бетакрор асарлар яратган шоиримизнинг

ижодини ўрганиш бўйича Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида айни пайтда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланган. Жумладан, шоир меросига бағишланган махсус ўқув курси жорий этилиб, талаба-ёшларга адиб асарлари чуқур ўргатилмоқда. Шунингдек, таълим муассасасида талаба ёшлар учун “Муҳаммад Юсуф издошлари” ижодий тўғараги ташкил этилди ва ушбу тўғаракка Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо раҳбарлик қиладиган бўлди. Институтда 2020–2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад Юсуф кўкрак нишони ва унинг номидаги махсус стипендия жорий қилинди” [5. Б. 2].

Дарҳақиқат, Иқбол Мирзо Муҳаммад Юсуфнинг замондоши, бугунги кундаги издоши, Ватан куйчиси аталмиш шоирнинг энг яқин шогирдларидан бўлган. Устози ҳақида илиқ фикрлари ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ўзбекона сифатини очиб беради. “Муҳаммад ака ўз шеърларига куйиб қўйгандек ўхшарди: содда, рост, самимий... Айтганча, самимий дегани нимани англатади? Кўп ишлатилганидан деҳқоннинг кетмонидек ялтиллаб кетган бу сўзнинг қиёфаси қанақа? “Унинг шеърларидан самимият балқиб туради”, деб ёзишади олимларимиз. Ҳеч тасаввур қилолмайман-да. Ёки бу юракдан чиққан, дўстона айтилган гап дегани бўлсами?”

Каминанинг ожиз фикрича, истеъдод кирраларидан бири – самимият. Бу таъриф остида мардоналик, тўғрилиқ, тил ва дил бирлиги, инсон қалбини теран хис қилиш, ҳолатга кира олиш... лар бор.

Муҳаммад аканинг дастлабки шеърларини ўқиганимда қизғалдоқзор адирда почалари шимарилган ўспирин куёшга қараб шошмасдан кетаётгандек туюларди. Яна унинг шеърларидан эндигина кўшқулоқ бўлган ялпизнинг ҳидларини туярдим. Хуллас, ғирт ўзбекча манзара, кайфият эди бу. Тўғри, ҳаммамиз ўзбекча ёзамиз, лекин ҳамма ҳам ўзбекона ёзолмас экан” [1. Б. 52].

Муҳаммад Юсуф ўз шеърлятида устоз деган номни тилга олар экан, унинг халқона, оддий сўзи билан, оддий шеър орқали ифода эта олди. Устозга эҳтиром, ҳурмат кўрсатишни оддий тушунтирди. “Оддий муаллим” шеъри билан инсонларни устозга меҳрини оширди.

**Қадри билинади энди менга гоҳ,
Олис мактабимни ўша беҳашам,
Навоийку бизга устоздир, бироқ,
Кимдир ўқитганку Навоийни ҳам.
Шундай улуг зотга ҳарф ўргатган ким,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.**

**Тупроқдай хокисор безовта жонлар,
Аммо қаноатда тоғдек улугвор.
Ҳатто Темурдайин соҳибқиронлар,
Пириим деб этагин тутган зотлар бор.
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.**

**Йўқдан Берунийлар бинолар қилган,
Машрабни машҳури дунёлар қилган.**

**Ҳусайнни Ибн Синолар қилган,
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Илон ўйнатгандек сўз ўйнатган ким?
Оддий муаллим-да, оддий муаллим...**

Шеърда Навоий, Амир Темур, Беруний, Ибн Сино, Машраб, Ҳусайн, Абдулло каби ўзига устоз санаган етук шахсларни бирма-бир, қатрама-қатра бир шеърга жойлай олди.

“Буюк аждодларимиз бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак... Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор” [6], – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Маърифатли шоир Муҳаммад Юсуф ижодини чуқур ўрганиш, ёш ижодкор болаларни тарбиялаш борасида давлат даражасидаги ишлар олиб борилмоқда. Адабиёт, маърифат, маънавият бугун ўсиб вояга етаётган авлодларимизни тарбиялаб, келажак учун, миллатимиз, бутун халқимиз ривожининг ҳал қилувчи кучи деб қараймиз.

2017 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиётни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани, “Ёш носирлар”, “Ёш драматурглар”, “Шеърят шайдолари” каби тўғараклар орқали устоз шоирларнинг назмий асарлари-ю насрий ижодларини ўрганишмоқда.

“Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни ХХ асрда маърифатпарвар жаҳид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар” [6].

Муҳаммад Юсуф ҳам илм ўрганиш муҳим иш эканлигини яна бир бор ёш авлодга “Талабалар мадҳияси” номли шеъри билан етказиб берди:

**Али ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!**

Шоир ҳар бир илм – маърифатдан либос кийган шеърда, албатта, Соҳибқирон Амир Темур ва Алишер Навоийни алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Унинг тарихга бўлган қизиқиши, миллат болаларининг маънавиятли, илмли бўлишни тарихда яшаб ўтган миллий қаҳрамонларимиздан ўрганишимиз лозимлигини ёзади.

**Тахрдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қурмасдан – Давлат қурган.
Юрти учун елкасига тоғлар сурган,
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.**

**Кўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тоғмаҳаллар тиклар султон –
Бобурлари, Беҳодлари, илм истанг.**

*Ҳақ йўлида сиз илминг умматлари,
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.*

*Илм истанг, изингиздан ибрат ёгсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёгсин.
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёгсин –
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..*

Муҳаммад Юсуфнинг илмга ташна экани, аввало, шоирнинг ўзи-ўзига қўйган талаб эканини англаймиз. У нафақат тарих ва адабиёт, балки барча фанларнинг ўзига хослиги ҳақида ана шу фанларга улкан ҳисса қўшган қомусий олимларни шеърга солди. “Талабалар мадҳияси” шеъри бир ватқнинг ўзида қомусий кучга, вазнга эгаллиги билан ажралиб туради. У охириги тўртликда ҳам, яна бир бор Соҳибқирон ва Навоийни асосий диққат-марказга олиб кирган.

*Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркли элнинг қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг.*

Муҳаммад Юсуф гарчи шеърлятида содда сўзлардан фойдаланган бўлса-да, унинг мазмун моҳиятини жуда ҳам бой, чуқур маънога эга тарзда ёритиб берган.

*Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ –
Лола, лолажоним,
Лолақизгалдоқ!*

Ушбу шеърда ҳам, инсон ва ҳаёт, Она Ватан тушунчалари мужассамлашган.

Муҳаммад Юсуфни ўзининг даражасида англаш бу шоир ёрдами билан ўз шахсини англашга, аниқлашга интилишдир. Яъни, шоирнинг мероси орқали унинг алоҳида характери, феномени, умуман нималар ҳақида кўпроқ ўйлаганини билиш муҳимроқдир. Бу шоирнинг ва ўрганувчиларнинг катта ютуғи ҳисобланади.

*Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёгилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.*

*Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отғум уни, бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш керак... яшаш шарт эмас!
“Осмон чўкиб қолди бу оқшом...”*

Юқоридаги мисраларда шоирнинг алоҳидалиги шундаки, “бир маҳалла нигоҳ”нинг (бошқалар) қарорида яшаш, шоирнинг фикрида эса севиш акс этмоқда. Демак, Муҳаммад Юсуф айтмоқчики, ҳар бир ишни юракдан бажариш, ҳар бир сўзни ҳис этиш кераклиги, қалб амри ва ақл-идрокнинг ўрта-сидаги тафовутни кўрсатиб бериш орқали, ўзининг ҳамда ўқувчиларнинг фикрини фалсафий нуқтага йўналтирди.

Шоирнинг фаолиятидаги асосий манба, бойлиги – бу унинг она тили. У ўз миллий руҳи ва маънавиятини номоддий қадрият саналадиган она тили билан ифода этиб, “Она тилим” шеърини битди.

*Гарчи зугум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздим-у бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.*

Ўз она тилидан афв тилаб, онадек азиз тилига ҳурмат ва эҳтиром билан мурожаат қилган шоир куйидаги сатрларда кўнглидагиларни баён этган.

*Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда, дил йўқ дерлар.
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.*

*Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар,
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг менинг мавлуд йилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.*

Халқ шоири Муҳаммад Юсуф 2001 йил 30 июлда дунёдан кўз юмди. Гарчи у вафот етган бўлса-да, лекин у одамлар юрагида мангу яшайди. Муҳаммад Юсуф халқнинг қалбидир.

Юртбошимиз таъкидлаган ушбу ҳаётий ҳақиқат бугун ҳам ўз тасдиғини топаётгани Муҳаммад Юсуф сингари тилни – онадай, сўзни – Ватандай қадрлаган шоирларимизнинг меросини давом эттириш ва кадр-қимматини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. - Тошкент: Адиб, 2014.
2. Юсуф М. Сайланма: шеърлар. -Тошкент: Шарқ, 2019.
3. Курбон Ш. Муҳаммад Юсуф сабоқлари. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2019.
4. //Янги Ўзбекистон. -Тошкент, 2020. -19 сент. 180-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.

БЎЛАЖАК САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак санъат ва маданият ходимларини тарбиялашда Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни ва аҳамияти, бугунги кунда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ёритилган.

Калит сўзлар: санъат, маданият, ходим, бўлажак, тарбия, Муҳаммад Юсуф, ижод, вазифа, адиб, муваффақият, тафаккур, адабиёт, устоз, тарих, истеъдод.

Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА,
соискатель ГИИКУз

13.00.01 Теория педагогики. История педагогического образования

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВЕ МУХАММАДА ЮСУФА В ОБРАЗОВАНИИ БУДУЩИХ ХУДОЖНИКОВ И РАБОТНИКОВ КУЛЬТУРЫ

Аннотация. В этой статье обсуждается роль и важность работы Мухаммада Юсуфа в обучении будущих художников и деятелей культуры, а также задачи, которые необходимо решить сегодня.

Ключевые слова: искусство, культура, сотрудник, будущее, воспитание, Мухаммад Юсуф, творчество, миссия, писатель, успех, мышление, литература, учитель, история, талант.

Khurshida FAYZULLAeva,
Researcher of at Uzbekistan State Institute of Arts and Culture
13.00.01 Theory of pedagogy. History of teacher education

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE WORK OF MUHAMMAD YUSUF IN EDUCATION OF FUTURE ARTISTS AND CULTURAL WORKERS

Annotation. This article discusses the role and importance of Muhammad Yusuf's work in educating future artists and cultural figures, as well as the challenges that need to be addressed today.

Key words: art, culture, employee, future, education, Muhammad Yusuf, creativity, mission, writer, success, thinking, literature, teacher, history, talent.

Сўнги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашган эдилар. Учрашувда Президентимиз қатъият билан “Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”[3] деб, таъкидлаган сўзлари бугун ҳам яратиш, ҳам яшнатиш иштиёқи билан буюк манзилларни қўзлаган ҳолда, эзгу ғоялар йўлидан дадил, одимлаб бораётган ёшларнинг аллақачон шиорига айланиб улгурди деб қатъият билан айта оламан.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтларда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам

қабул қилинди. Бу ҳақида гап кетганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб боришиб, мактаблар ва турли ёдгорлик мажмуалари қад ростлаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиздир.

Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган “Адиблар хиёбони” ижодкор аҳли учун илҳом манбайи бўлиб, уни сайр этиш жараёнида мен ўйлайманки, ҳар бир ўзбекнинг кўксига юксак ғурур ва ифтихор туйғулари барқ уриши табиий. Боиси, ушбу хиёбонда бизни кузатиб турган адабиётимизнинг забардаст вакиллари бизга улкан муваффақиятлар тилаб тургандек, юртимиздаги мустақиллик, ҳурлик учун яратганга шукроналар келтираётгандек туюлади менга. Адабиёт соҳаси ҳақида гап кетганда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб, шеър ва ҳикоялар машқ қилиб келаётган, адабиёт остонасига ўзининг илк қадамларини қўяётган иқтидорли

ёшларимиз минглаб топилади. Бугун бошловчи мисралар ёзиб, тахририятга ёки устоз адиблар қошига ийманибгина бораётган бу йигит-қизлар эртанги кунимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирларига айланса, ажаб эмас. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли рисола-сида “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажак-ини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”[2] деган фикр асосий мақсад-муддаолардан бири сифатида алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Бугун барча ғамхўрлик ва эътибор ана шу мақсад рўёбига қаратилган.

Мамлакатимиз мустақилликга эришган дастлабки кунларданок, ёшлар сиёсати энг бирламчи масалалардан бирига айланди. Мана йигирма тўққиз йилдирки, ушбу муҳим масала кун тартибидан тушгани йўқ. Аксинча, йилдан йилга ёшлар қатламига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Шу маънода, ўткир дидли, бадиий савияси юксак ёш ижодкорларни тарбиялаш учун яратилган бугунги шарт-шароитларни ҳеч бир давр билан қиёслаб бўлмайди. Ана шундай юксак эътибор самараси ўларок, 2010 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди томонидан бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг илк китоблари нашр этилгани ва барча таълим муассасаларига бепул тарқатилганлигидан барчамиз яхши хабардоримиз. Эзгу анъанага айланиб улгурган “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида ҳар йили кўплаб янги истеъдод эгалари кашф этилётганлиги қувонарлидир.

Адабиёт соҳасига оид ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, рассом ва кўшиқчилар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек: “Адабиёт, маданият яшаса, миллат яшайди”. Демак шу ўринда табиий бир савол туғилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?” дея ижодкорларга савол билан юзландилар. Албатта, халқимизнинг маънавий камол топишида санъат ва маданият намояндларининг улкан хизматлари бор. Бироқ ҳозирги кунда санъат ва маданият ходимларида фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётганини ҳаммамиз ҳам ҳис қилиб турибмиз. Ҳолбуки, маданият ва санъат ходимлари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол фуқаролик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми? Бу муаммоларни бартараф этиш албатта,

биз санъат ва маданият соҳасида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклайди.

Азал-азалдан халқ ижод аҳлига жуда катта ҳурмат ва ишонч билан қараши барчамизга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга “властители дум”, яъни “жамият тафаккурининг эгалари” деган юксак баҳо бериб келиниши, албатта бежиз эмас. Чунки, ижодкорларга Яратганнинг ўзи шундай ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бундай хусусият, бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга эканлиги тарих исботлаган ҳақиқат. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланишимизми?

Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди. Ўзбек халқининг севимли фарзанди, оташқалб шоир Муҳаммад Юсуф ижоди бўлажак санъат ва маданият ходимларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ижодкор ростгўй шоир, ҳалол ва покиза қалб эгаси. У муҳаббат ҳақида қуйлайдимиз, бевафо ёр ҳақида кўшиқ тўқийдимиз ёки тарихимиз ва тақдиримиз саҳифаларини қаламга оладимиз, уларда ҳамиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб туради. Унинг шеърлари равон ва соддалиги билан халқ оғзаки ижодига ҳамоҳангдир. Шоирнинг «Меҳр қолур» шеърини эсланг-а:

**Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.**

Шоир шеърляти ҳам шундай. Меҳрингизда, қалбингизда кўшиқ бўлиб қолади.

Ўзбек шеърлятининг ўта иқтидорли намояндларидан бири Муҳаммад Юсуф ижодининг гуллаган палласи XX аср охири – XXI аср бошларига, яъни Ўзбекистон янги мустақиллиги даврига тўғри келади. Унинг қисқа, аммо ёрқин ҳаётини Пушкиннинг Байрон ҳақидаги сўзлари билан изоҳлаш мумкин: “У ўз шеърларида ихтиёрсиз тарзда шеърлятининг завқу шавқи ила иқрорлик билдирган”.

Ижодининг илк йиллари у китобхонларга ўзининг ўзбек дўпписи ҳақида шеъри билан танилган, кейин узоқ йиллар давомида бу шеър шоирнинг ташриф қоғозига айланган. Унда Муҳаммад Юсуф нима учун ўзбеклар дўппи киймай қўйганидан ҳайратланади. Ахир, ушбу бош кийимининг турли хиллари бор. Ёки уни кийиш оғирлик қилиб қолдимиз? Хулоса қувонарли эмас: гап мос дўппи йўқлигида эмас – ҳамма гап уни кийишга лойиқ инсон қолмаганлигида.

Ҳеч бир китобхон йўқки, унинг жавонидан Муҳаммад Юсуфнинг китоби топилмайдиган, ҳеч бир инсон йўқки, унинг мисраларидан меҳр, муҳаббат ҳиссин туймаган! У шундай истеъдодли



шоирки, унинг ҳар бир шеърида халқнинг қувончу изтироблари, орзу ва армонларини мадҳ эттирган. Шоирнинг дилга ёқар мисраларини ҳирғоя қиламаган биронта ўзбек фарзанди топилмаса керак. Муҳаммад Юсуф санъаткорлар аҳлига ҳам катта ютуқ келтирган, ўлмас сатрларни битган десак, муболаға бўлмайди.

*Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним.
Ўзим ҳоқон, ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним.
Ёлғизим яғонам дейми?
Топинган қошонам дейми?
Ўзинг менинг улуғлардан,
Улуғимсан Ватаним.*

Ушбу шеърда ҳам инсон ва ҳаёт, она ватан тушунчалари мужассамлашган. Айтиш мумкинки, ҳамма инсон ҳам ватан, она дея қуйлаши мумкину, аммо она юртни маромига етказиб, юракдан қуйлай оладиган, халқ дилини биладиган ижодкоргина чин шоир бўла олади! Муҳаммад Юсуф бунга ёрқин мисол деб ўйлайман. Шоир шеърлари орқали унутаёзган кадриятларимизни, миллатимизни асраб авайлашга чорлайди. Бу эса бўлажак санъат ва маданият ходимларини тарбиялашда биз профессор-ўқитувчилар учун муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг БМТнинг 72-сессиясида халқаро жамоатчиликка қарата “Оламини маърифат қутқаради”[1] мазмунидаги ташаббуси барчамизни, бутун инсониятни маънавий таҳдидлардан огоҳлантирди. Демак, биз қанчалик миллий ўзлигимизга яқин борсак, цивилизациянинг шунча юқори даражасига кўтариламиз.

Биз Ватанни тинмай мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Тўғри, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо бу бир заррадир холос. Яъни уммонга томирилган биргина томчидир. Боболаримиз айтдиларки: “Ватанпарварлик номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, шамолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида меҳнат қил”. Ватанга меҳр-муҳаббатли бўлиш – ғоят чидам, ғоят юксак онг талаб этувчи ўзига хос илм ҳамда бунинг эгаллаш ҳам бешиқдан бошланмоғи ва оқибат сўнгги нафасга қадар давом этмоғи лозим. Бу халқ рўйи заминнинг тарихини бойитишга, маънавий оламнинг юксалишига улкан ҳисса қўшиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Лекин биз ўтмиш билан фақат фахрланибгина қолмай, Ватан равнақи, юрт келажаги учун улуғлар анъанасини давом эттиришга масъул эканлигимизни унутмай, шунга яраша ҳаракат қилишимиз шарт.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. <https://mfa.uz/uz/press/news/2017/08/>
2. И.А.Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажаққа эътибор. Рисола. -Тошкент: Маънавият, 2014. Б.20-21.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда “Миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалари” мавзусидаги сўзлаган нутқи. adolat.uz № 31/ 2017

ИЛК ЎЗБЕК ТАНГОСИ МУАЛЛИФИ (Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига бағишланган)

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфни танимаган, унинг шеърларини куйга солмаган хонанда, хиргойи қилмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Шу ўринда шоирнинг бир сатр шеъри ёдимга тушди.

*Ўлса ўзи ўлар, сўзи ўлмайди,
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.[2]*

Дарҳақиқат, шоирнинг бу сатрлари бугунимизнинг ҳақиқатидир. Чунки, у шундай шеърлар ёза олганки, бугун уни ҳар биримиз юрагимизга кўмиб қўйганмиз. Ҳар сафар шеърларини ўқиганимизда унинг ҳаёт эканлигига яна бир бор ишонгимиз келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонига ташриф буюрар экан, халқ шоирини ватан куйчиси сифатида эътироф этдилар. Унинг ижодини бутун Ўзбекистон бўйича “Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси” номли тадбирлар орқали ватанимизнинг турли чеккаларида ташкил этишни айтдилар. Бугун “Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси” шиори остида ўтказилаётган тадбирлар ҳар бир хонадонга кириб борди, назаримда. Тадбирнинг асоси мақсади — Муҳаммад Юсуфнинг ҳаётини ўрганиш билан бирга, юртдошларимизни она-Ватанга садоқат, унинг мадҳини куйлаш, тинчлик ва хотиржамликни кадрига етиш каби фазилатларини ёшлар онгига сингдириш ҳамда шоирга чуқур эҳтиром кўрсатиш эди.

Шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлайдиган бўлсак Муҳаммад Юсуф – адабиётга етмишинчи йиллар охирида кириб келди. У бетакрор, эса қоларли тимсоллар яратиб, бир қарашда оддий ҳаёт воқелигини чуқур ва ўзига хос тарзда бадиий шаклларда маромида фойдалана олди. Муҳаммад Юсуф жиддий ва ажойиб истеъдод соҳиби эди. Шоир ижодининг гуллаган палласи XX аср охири XXI аср бошларига тўғри келди. Унинг қисқа, аммо ёрқин ҳаётини, Пушкиннинг Байрон ҳақидаги сўзлари билан изохлаш мумкин. “У ўз шеърларида ихтиёрсиз тарзда шеърятнинг завқу шавқи ила иқрорлик билдирган.”[1.Б.9]

Бугунга қадар Муҳаммад Юсуф ижоди ва ҳаёти ҳақида кўплаб мақолалар, китоблар, эсдаликлар тақдмоти бўлиб ўтган, кўрсатувлар ҳамда ижодий учрашувлар ўтказиб келинган ва ҳозир ҳам ушбу анъана давом этиб келмоқда. Мисол тариқасида, 2014 йилда суратга олинган “Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим” хужжатли фильми шоир ҳаёти ва

ижодининг кичик бир парчаси дейиш мумкин.

Фильм ижодкорлари Аюб Шаҳобиддинов, Сирожиддин Саййид, Азиз Арзиқулов, Акмал Саидов, Баҳриддин Айназаров, Ғафур Шермуҳаммад, Фатхулла Маъсудовлар шоирнинг ҳаётини гўёки бир поездга қиёс этилиб, шоирнинг ҳаёти ва ҳақиқат йўлини, ижодини излаган инсон сифатида гавдалантирганлар. Фильмнинг муваффақияти шу поезд орқали ижодкорни ўз услуби ва ҳаёт тарзи борлигини акс эттирганлигида деб ўйлайман.

Фильм уч қисмдан иборат бўлиб, ижодкорлар хужжатли фильм жанрига тегишли барча компонентлардан усталик билан фойдаланган. Эпизод қисмида тўлиқ муаллиф томонидан шоир шеърлари матни билан берилган. Воқеалар ривожини ижодкор ҳаёт йўли, болалиги, ижод оламига кириб келиши, шоирнинг эсдаликлари ва шеърлари нуқтаи назаридан ёритилганини ҳисобга оладиган бўлсак, фильм муваффақиятли чиққан. Муаллиф фильмининг бойитишда шоирнинг оиласи, яқинлари ва ижодий ҳамкорларининг интервьюлари билан аниқ далил ва хужжатларга асосланган ҳолда шеърининг матнлар билан ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Фильмининг яна бир жиҳати томошабинни таъсирлантиради, яъни Муҳаммад Юсуфнинг Андижонда дунёга келгани ва шу қишлоқда шоирнинг беғубор ёшлиги ўтганлиги ифодаланган. Шоирнинг Андижон ҳақидаги шеърини келтирилиши фильмнинг таъсирчанлигини оширган:

*Нечук қуллуқ қилмай Андижонга мен –
Шу юртда тугилдим, шу юртда ўсдим.
Агар дўстим бўлса, битта у дўстим –
Нечук қуллуқ қилмай Андижонга мен!..[2]*

Шоир ўрта мактабни тамомлагач, Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтидаги талабалик даврлари акс этади.

Шоирнинг дастлабки шеърларидан намуналар 1976 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги саҳифаларида чоп этила бошланди.

Ижодининг илк йилларида у китобхонларга ўзининг ўзбек дўпписи ҳақидаги шеъри билан танилган эди. Кейинчалик бу шеър шоирнинг ташриф қоғозига айланди.

*Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан ўзга,
Мен ҳам сизга бердим саволлар.
Шляпамни бостириб кўзга.[2]*

Муҳаммад Юсуф шеърини “Бошга лойиқ дўппи йўқдур ё, Бош қолмади дўппига лойиқ!”[2]-дея



яқунлайди. Бу билан шоир шеърда нима учун ўзбеклар дўппи киймай қўйганини хулоса қилади ва у оддийгина сўзлардан оқилона фойдалана олган. Яна “Бу қандайин кўргулик савдо, Дўппи киймай қўйди халойиқ” [2], бу сўзларни шоир куюнчаклик билан халқ дардини айтганини ҳис қилиш қийин эмас. “Ёки уни кийиши оғирлик қилиб қолдимиз?”, — демокчики, гап мос дўппи йўқлигида эмас, балки ҳамма гап уни кийишга лойиқ инсон қолмаганлигидадир.

Эндигина ижодкорлар даврасига кириб келадиган шоир 1978-1980 йилларда Республика китобсеварлар жамиятида, 1980-1986 йиллар ораллигида пойтахтнинг “Тошкент оқшоми” газетасида, 1986-1992 йилларда эса Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилади. Мана шу нашриётда ишлаш йиллари Муҳаммад Юсуфнинг ижодий тақдирида муҳим ўрин тутди. Буни у бирга ижод қилган ва фаолият юритган ҳамкасблар кўп эслайди.

Фильмдан шоирнинг 1992-1995 йилларда “Ўзбекистон овози” газетасида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)да, 1997 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари этиб тайинланлиг гақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Шу ўринда, фильмда Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги сўзлари шоирнинг биз билмаган қирраларини яна бир бор очиб берди:

“Муҳаммад Юсуф деган шоир шеърятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. У қўшиқ ёзган ҳам, ўзини қўшиқчи шоир ҳисоблаган ҳам эмас. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда, ўта жиддий, аммо халқ тилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Шунинг учунми, ҳофизлар уларни қўшиққа солиб юбордилар. Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди ва шуҳрат қозонди. Муҳаммаднинг шеърлари бир

қарашда жуда содда, жўн ёзиладиганга ўхшаб туйилади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи!” Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатади, қулдиради, ўз оғушига тортади. Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар”. [3]

Шу тариқа, шоирнинг шеърлари матбуотда тез-тез чоп этилиб турди. булар эса унинг шеъррий мажмуаларини жамлашига туртки бўлди.

“Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйкудаги қиз” (1989), “Халима энам аллалари” (1989) “Ишқ кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1990). “Бевафо кўп экан” (1991) “Ёлғончи ёр”, “Эрка кийик ” (1992). “Осмонимга олиб кетаман” сингари ўнлаб шеъррий мажмуалари халқ тилига тушиб улгурди. Шундан сўнг, шоир йирик поэтик жанрларга ҳам мурожаат қилиб, “Осмоннинг охири”, “Қора қуёш” сингари дostonлар яратди.

Ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўзининг шеърлари билан кўнгишларга ҳузур бахш эта олган, халқчил, соддагина шоир, — деб эслайди ўзининг интервьюларининг бирида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, бастакор Анор Назаров. “Муҳаммад Юсуф билан бир куни ўтириб роса суҳбатлашдик. Кейин қўлимга бир китобнинг қораламасини тутқазди ва очиб ўқисам, “Юр муҳаббат, кетдик бу ердан”, — Ё Худо, деб юбордим. Кейинги сатрларида, *Ой юзидан нур сочди сим-сим...* Бу сатрлардан фаҳмладимки, асл ўзбек тангосини яратиш зарур. Бу сўзлар ўз-ўзидан кўнглимга қуйларни сола бошлади ва илк ўзбек тангоси дунёга келди. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров томонидан маҳорат ва юксак дид билан ижро этилди. Бу қўшиқ халқ қалбидан чуқур жой олди” [4].

Юртимизнинг мустақилликка эришгани Муҳаммад Юсуф ижодида янги уфқларни очди. Унинг миллат ва юрт истиқлоли шарафига битган гўзал шеърлари ўзининг самимийлиги, соддалиги, бадий

мукамаллиги билан миллионлар қалбида акс садо берди. Шоирнинг “Ватаним”, “Халқ бўл, элим”, “Дунё”, “Иншооллоҳ”, “Ўзбекмомо”, “Иқро”, “Тилак” сингари ўнлаб шеърлари чинакам шеърят сифатида юртни қандай куйламоғи лозимлигини исботлаган асарлар бўлиб қолди.

Халқ дардини чиройли сатрлари билан ифода этган Муҳаммад Юсуфга 1998 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилди. Унинг ижоди кейинги давр кўшиқчилиги ривожига муҳим ўрин тутди. Миллий санъатимизнинг энг йирик ва истеъдодли вакилларидан тортиб, ҳаваскор кўшиқчиларгача шоир шеърларини маҳорат билан куйга солиб келмоқдалар.

Фильмнинг “Эсласак, арзигулик хуш дамимиз бор” номли қисмида шоирнинг оиласи билан шоирнинг Тошкентга келган даврларда кўрган кийинчиликлари акс эттирилади.

“Халқона” – “Халқ она” қисмида эса онасининг таърифини шундай гўзал сатрлар билан таърифлагани келтириладики, беихтиёр кишининг юзига табассум югуради.

“Онамнинг исми Энахон. Ниҳоятда кўнгиладан, заҳматкаш бир аёл. Гоҳи ростдан шу аёлнинг фарзандиманми, деб қоламан. Телевизорда шеър ўқисам йиғлайди. Китобим чиқса яна кўз ёш қилади. Биров мақтаса йиғлайди. Ғийбат қилса яна йиғлайди. Оналар болаларини дунёга келтиради. Болалари эса, уни ўртаб адои тамом қиладилар. Онамни ёшлигида ниҳоятда гўзал бўлган дейишади. Мен мактабни битириб, онамга разм солсам, анча кексайиб қолган эди. Юзи, пешонасидаги ажинлари орасидан мен жилмайиб турардим. Ўзим қаритгандим-да, бояқишни.

Волидам гоҳи узун қиш кечалари чилдирма чертиб хиргойи қилса, уялардим. Биров эшитмасин дердим. Энди ўйласам, майин овози бор экан. Шунча шеърим кўшиқ бўлиб, қанчадан-қанча хонишларни тинглаб, энди виждонан тан олсам, биронта хонанда унинг ёнига йўлолмас экан”, деб таърифлаб ўтган.

Фильмда шоирнинг ҳаёти, кечинмалари, унинг умр йўлини, ўзи томонидан ёзилган кўшиқлари остида безак берилиши, айнан томошабин кўнгилида янада илиқлик уйғотади. Бу эса фильмнинг беагани ва таъсирчанлигини оширган.

Афсуски, Муҳаммад Юсуфнинг умри қисқа бўлди. У 2001 йилнинг 31 июлида Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманига қилинган ижодий сафар чоғида, юзлаб мухлисларига шеър ўқийётган пайтда юрак ҳужудидан вафот этди. Худди Мирзо Бобурдек, Шавкат Раҳмон каби Муҳаммад Юсуф ҳам 47 йил умр кўрди.

Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғида Гиштли ота қабристонига Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф зиёратгоҳи мана бир неча йиллардан бери шоирнинг мухлислари томонидан зиёрат қилиниб келинмоқда. Ҳар йили 26 апрель куни шоирни хотирлаб, катта байрам нишонланади. Буюк шоир Муҳаммад Юсуфдан жудолик ҳиссини бир нарса, яъни ундан ўзбек шеърятини ривожига самарали таъсир кўрсатувчи мерослар қолгани тўлдиради. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга бағишлаб Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир куйидаги шеърини битган эди.

*Миллатнинг дардига дармон шоирим,
Энди ўз халқига армон шоирим.
Йўқ, сенинг ўлганинг ёлгон шоирим,
Наҳот ажал йўлин бўлмайди тўсиб,
Қандоқ кетиб қолдинг Муҳаммад Юсуф.
Беҳишт болиш берсин булбул шоирим,
Изингда интизор минг гул шоирим,
Йўқ, сен ўлганинг йўқ буткул шоирим,
Ўзбек олиб юрар жонига қўшиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф.[5]*

Бундан ташқари, бугун шоир ижодига мансуб “Улуғимсан Ватаним” шеъри Ўзбекистон халқ артисти Севара Назархон ижросидаги хониш нафақат мамлакатимиз узра, балки хорижлик мухлисларимиз томонидан ҳам ижро этилгани ОАВ орқали томошабинларга тақдим қилинди. Бу челленж хорижда истиқомат қилаётган ҳамюртларимизнинг ҳам мадҳияси бўлиб янгради, десак янглишмаган бўлаемиз. Грузия, Корея, Беларусь, Канада, Украина ва бошқа бир қатор давлатларда ўзбек тилида ижро этилишидан, шоирнинг ижодида катта ҳаёт мактаби борлигини сезиш кийин эмас. Халқчил тилда ёзилгани учун ҳам бу шеър бошқа миллат санъаткорларининг дилига яқин бўлиб қолди.

*Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним.
Ёлғизим,
Яғонам дейми,
Топинган қошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...[2]*

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Муҳаммад Юсуф Ватан куйчиси, миллий анъана ва кадрятларимизни кадрлайдиган халқпарвар инсон сифатида барчамизга ибрат бўлиб қолади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шукур Қурбон. Муҳаммад Юсуф сабоқлари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2019. -108 бет.
2. Юсуф М. Сайланма. - Тошкент: Шарқ, 2007. - 286 б.
3. “Бу ёруғ дунёда ўчмас чирогим” ҳужжатли фильм. 2014 йил. Аюб Шаҳобиддинов (режиссиёр) сценарий муаллифи - Сирожиддин Сайид. (Озод Шарафиддинов хотираларидан).
4. “Бу ёруғ дунёда ўчмас чирогим” ҳужжатли фильм. 2014 йил. Аюб Шаҳобиддинов (режиссиёр) сценарий муаллифи - Сирожиддин Сайид. (Анор Назаров хотираларидан).
5. “Осмоннинг охири” ҳужжатли фильм. Муаллиф ва режиссёр Абдукарим Мирзаев.
6. arboblar.uz веб сайти.

ЁШЛАРДА ЮРТГА САДОҚАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Муҳаммад Юсуф ижодий меросини ўрганиш орқали ёшларда юртга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳақида фикр юритилган. Қолаверса, юртимиздаги ёшларни ватанпарварликка ўргатиш, уларни маънан етук этиб тарбиялаш каби масалалар давлатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ватан, садоқат, ватанпарварлик, ижодий мерос, ёшлар, интеллектуал, ренессанс, театр, спектакль.

РОЛЬ ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ МУХАММАДА ЮСУФА В ФОРМИРОВАНИИ ПРЕДАННОСТИ И ПАТРИОТИЗМА У МОЛОДЕЖИ

Аннотация. Статья посвящена формированию у молодежи чувства преданности и патриотизма через изучение творческого наследия Мухаммеда Юсуфа. Кроме того, была проанализирована информация о проводимой в нашей стране работе по таким вопросам, как патриотическое воспитание молодежи в нашей стране и их духовное развитие.

Ключевые слова: Родина, преданность, патриотизм, творческое наследие, молодежь, интеллектуальный, ренессанс, театр, спектакль.

ROLE OF CREATIVE HERITAGE OF MUHAMMAD YUSUF IN FORMATION OF DEVOTION AND PATRIOTISM AT YOUTH

Abstract. The article is devoted to the formation of a sense of devotion and patriotism among young people through the study of the creative heritage of Muhammad Yusuf. In addition, the information on the work carried out in our country on such issues as the patriotic education of young people in our country and their spiritual development was analyzed.

Key words: Homeland, devotion, patriotism, creative heritage, youth, intellectual, renaissance, theater, performance.

“Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташиқил этади”.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Сўнгги йилларда юртимизда жадаллик билан олиб борилаётган ҳар бир соҳадаги ислохотлар қаторида маданият ва санъат, миллий адабиёт, маънавият-тимизга қаратилаётган улкан эътибор кўплаб истеъдод соҳибларининг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ижодкор зиёлилар билан бўлган учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”, дея таъкидлаган эдилар. Чиндан ҳам, буюк алломаларимиз, ёзувчиларимиз, шоирларимиз ҳамда маданият ва санъат намоёндаларининг улкан ижодий мероси ўзбек халқининг чинакам миллат бўлиб шаклланишида катта аҳамиятга эга. Юртимизда йиллар ўтгани сари маънавий тараққиёт долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Жамият онгини ўзгартириш, шахс камолоти асоси бўлмиш тафаккурни ўстириш, одамлар дунёқарашини замон талабларига мослаш башариёт тақдирининг ажралмас қисмига айланмоқда. Маданият ва санъат ўзбек миллати шахсиятининг маънавий, маданий ва психологик таркибий қисмларига

сезиларли даражада таъсир қилади ҳамда миллатнинг миллий ўзига хослигида акс этади. Ушбу жараёнлар янгиланаётган Ўзбекистонда миллий ўзига хосликни мустаҳкамлаш ва ҳаётнинг барча соҳаларида муваффақиятга эришиш воситаси сифатида ахлоқий-ватанпарварлик тарбиясига мурожаат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда аждодлар меросини ўрганиш, буюк халқимизга ва маданиятимиизга муносиб адабиёт яратиш, она тилимиизнинг амалий мавқеини янада юксалтириш учун улкан шароитлар яратилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан 2017 йилнинг 18 апрель куни “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги ПҚ-2894-сон қарорлари эълон қилинган эди. Қарорга мувофиқ Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимиизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш каби олий мақсадлар белгиланди [1]. Ушбу

боғнинг 8 гектардан ортиқ майдонида яхлит зиёрат маскани барпо этилди. Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкаллари атрофига атоқли шоир ва адиблар ҳайкаллари жойлаштирилди. Адибларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш каби масалалар аксарият олий таълим муассасаларига белгилаб берилди. Бизнинг институтимизга Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодий меросини ўрганиш вазифаси ишониб топширилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Муҳаммад Юсуф ижодий меросини ўрганиш ҳамда тарғибот ишлари бўйича аниқ тизимли ишларни белгилаб олди. Ҳозирги кунда профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилар томонидан маънавий-маърифий тадбирлар, масофавий суҳбатлар, китобхонлик кечалари ҳамда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш нафақат республика-мизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам амалга оширилиши режалаштирилган.

Ватанпарварликни ҳар ким ўзича тасаввур этади. Муқаддас заминимизда улғайиб, вояга етган буюк аждодларимиз Ватан эрки ва озодлиги йўлида мислсиз қаҳрамонликлари билан дунё оммасини ҳануз лол қолдирыпти. Шунингдек, Она Ватанидан олис юртларда армон билан дунёдан кўз юмган алломаларимиз озмунчами? Бунга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Жалолоддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат сингари буюк бобокалонларимиз қисмати мисолдир. Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, уни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсон табиатига хос ҳислардир.

Алишер Навоий Ҳазратларининг қуйидаги сўзи Она Ватанини сеувчи, садоқатли ҳар бир кишининг қалбида ғайрат-шижоат уйғотади:

***Ватан таркини бир нафас айлама,
Ани ранжи – ғурбат, ҳавас айлама.***

Инсон ҳар жойда бир бурда нонини топиб, қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахт. Биз учун Ватан ягона. Шу боис ҳам, у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди.

Менинг фикримча, ватанпарварлик бу – ҳалол меҳнат қилиш замирида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш, эл-юрт, жамият манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиш демакдир. Элу халққа ошқора насиҳат қилиб бўлмайди, дейилади. Лекин халқни қалбини топиб, дардини ҳис қилиб, орзу-умидларига куч бағишлаб, сўз айтсангиз, халқ худди отаси гапираётгандек ёки онаси гапираётгандек насиҳатларни самимий қабул қилади ва беихтиёр сизга эргашади. Шоирнинг қалбида Ватанга



муҳаббат шу қадар кучли эдики, баъзи шеърларини ён-атрофидаги Ватан тараққиётига бефарқ инсонларга бўлган аламидан ҳам ёзган, десак, муболаға бўлмайди. Ижтимоийлашув хусусиятига эга шеърларнинг умри боқийдир. Яъни, инсонлар орасида маълум бир шеърнинг кадрланиши ва кенг тарқалиши учун унинг ижтимоий аҳамиятлилик даражаси юқори бўлиши керак. Муҳаммад Юсуфнинг ёзган шеърларида буни яққол кўришимиз мумкин.

Муҳаммад Юсуф билан бўлган суҳбатлардан бирида шоирга бир савол билан мурожаат қилишади: – Шеърни ҳар ким ҳар хил талқин этади. Сизнингча, шеър нима? Шоир бир оз ўйланиб жавоб беради: – Шеър бу – ширин дард, азоб. Шоир шу дард бемори. Юракдаги ўша шеър қоғозга тушмагунча баъзида уйку келмайди. Уни ёзиб тугатгандан кейинги роҳат бошқача бўлади. Яхши китоб ўқисангиз мазза қиласиз-ку! Энди бир илиқ жумла топиб олишни тасаввур қилиб кўринг. Катта-катта асарларнинг яратилишига ҳам биргина жумла сабаб бўлиши табиий. Бир шеърни кўғозга тушира олмай ойнаб қийналиб юриши мумкин, лекин бир куни, “ажойиб кунларнинг бирида” мақсад рўёбга чиқади ва ўқиб туриб қувониб кетасиз. Баъзилар борки, мен

ёзолмай қоляпман, мажбуран бўлса-да, ёзиб турма-сам, қўлим чиқиб кетади дейишади. Мен бунга асло қўшилмайман. Ўзим кўнглим буюрмагунча ёзмайман ҳам [2. 9–10-б.].

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфни “Ватан куйчиси” десак, муболага бўлмайди. Шоирнинг кўплаб шеърлари ватан ҳақида шундай маҳорат билан ёзилганки, уларни ўқигач, ҳар бир инсонда Ватан туйғуси жўшиб кетади. Элни севиб, эл дардида ёнган шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббатини, садоқатини ва чексиз ҳурматини унинг умрбоқий шеърларидан сезишимиз мумкин.

Ёшларда юртга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда сингдиришда Муҳаммад Юсуф ижодий меросининг аҳамияти улкан деб ҳисоблайман. Зеро, Она Ватанига садоқат билан хизмат қилаётган инсон кўнглида шахсий манфаат бирламчи бўлмайди, аксинча, юрт тараққиёти ва равнаки муҳим саналади. Ватанпарварликни ёшларда шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги кундаги таҳликали бир вазиятда. Зеро, ватанпарварлик туйғуси кучли бўлган ёшларда мафкуравий иммунитет мустаҳкам бўлади, ҳар қандай вайронкор ғояларга қарши тура олади. Диний экстремизм, терроризм ва шунга ўхшаш ваҳший оқимлардан йироқ бўлади. Юртга садоқати кучли ёшларни олий мақсади битта – бу Ватан тараққиёти.

Муҳаммад Юсуфнинг ибратли фаолиятини тарғиб этишда театр санъатининг ўрни бекиёс деб ҳисоблайман. “Театр – бу ибратхонадир”. Театрни маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ана шундай атаган бўлса, бугун юртбошимиз, театрни маънавият ўчоғи, ижод аҳлини эса, инсон қалбининг муҳандислари, дея юксак таърифлайдилар. Ҳақиқатан ҳам театр ҳар қандай даврда, ҳаётининг сабоқлар берувчи жонли восита ҳисобланган. Инсон маънавиятини юксалтиришда театрнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъатининг алоҳида ҳиссаси бор. Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда республикамизда фаолият юритаётган театрларда саҳналаштирилаётган ва келгусида саҳналаштириладиган спектаклларга жиддий эътибор беришимиз лозим.

Зеро, халқимиз театр саҳналарида бугунги замонавий ҳаётимизни теран ва яққол акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажак йўлини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдирини деб биладиган фидойи инсонлар, яъни замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги ҳамда креатив (ижодий) услубдаги спектаклларни орзиқиб кутаётганини таъкид-

лаш ўринлидир. Муҳаммад Юсуф ижодий меросини кенг тарғиб этиш, унинг шеърлари орқали ёшларда ижобий сифатларни шакллантиришда театрнинг ўрни бекиёс, деб ҳисоблайман. Шоирнинг ҳаёти ҳар бир шеъри алоҳида бир спектакль намоёиш этишга муносиб. Ватан тараққиёти, юрт фаровонлиги учун ёниб яшайдиган ҳар биримиз қалбан Муҳаммад Юсуфдек бўлишимиз керак. Муҳаммад Юсуфнинг она юртига бўлган меҳри ва муҳаббати, садоқати унинг шеърларида яққол намоён бўлади. Шоирнинг “Қуёшга қараб оққан сув” китобини варақлар эканман, “Ватан” номли шеърга эътибор қаратдим:

*Эй, менга эртаклар сўйлаган Замин,
Эргашиб изиндан қолмасман сенинг.
Ўзгалар наздида Боғи Эраминг
Жийданг япрогига олмасман сенинг.
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,
Боболарим ётар саждагоҳимсан.*

Ушбу шеър замирида Ватан мадҳи намоён. Шоир ушбу шеърда она юртини улуғлайди ва қадрлайди. Боболаримиз ҳам бизга мададкор. Ватан бизни ҳеч қачон хор қилиб, ташлаб қўймайди, доимо қўллаб-қувватлайди. Фикримча, Муҳаммад Юсуфнинг шеърини орқали ёшларимизда ватанпарварлик ва юртга садоқат каби туйғуларни шакллантира оламиз. Айни пайтда, ёшлар шуурида юртга муҳаббат, умрбоқий анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга садоқат, эзгулик, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларини қарор топтиришга йўналтирилган спектаклларни яратиш ва ёш томошабинларга тақдим этиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Институтимиз белгилаб олган “Йўл харитаси”да шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда тарғиб этишда муҳим вазифа шоирнинг босиб ўтган сермазмун ҳаёт йўлини спектакль орқали томошабинга етказишдир. Ҳозирги кунда спектаклни яратиш ишлари учун профессор-ўқитувчилар, маҳоратли драматург ва режиссёрлар, актёрлар, қолаверса, иқтидорли талабалар жалб этилган. Бундан ташқари, ҳар бир факультетда талабалар театр студиялари ташкил этилиши режалаштирилган. Яратилажак спектакллар нафақат институт миқёсида, балки республикадаги кўплаб таълим даргоҳларида намоёиш этилади.

Бизнинг буюк тарихимиздан маълумки, Ватанга муҳаббат, тарихга, анъаналарга ҳурмат ва ахлоқий-ватанпарварлик тарбияси ўзбек миллатига хос бўлган. Ҳозирги кунда ҳам янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда юртга садоқат туйғуларини шакллантириш ҳамда ҳар томонлама ривожланган, билимдон, халқига, шунингдек, Ватанга хизмат қилиш ишига содиқ ёшларни тарбиялаш бўйича кенг миқёсдаги



Устоз ва шогирдлар: Йўлдош Сулаймон, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф.

ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йил 28 июнда муҳтарам Президентимизнинг “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари эълон қилинди.

Ушбу қарорда Муҳтарам Президентимиз муҳим вазифаларни ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни белгилаб бердилар. Улар қуйидагилар:

– “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицей ўқувчилари томонидан мунтазам равишда бадиий ва илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, шунингдек, ўқувчиларда мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва бошқа санъат турларига қизиқишни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– ўқувчиларнинг маънавий-маърифий ўсишини таъминлаш учун китобларни ўқиш, кинотеатр, театр ва музейларга бориш, маданият ва спорт вакиллари билан учрашувларни ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек халқининг тарихи, анъаналари ва бойликларини фаол ўрганиш йўли билан зарурий шароитларни яратиш [3].

Ёш ҳарбийларда халқимизнинг маънавий-маърифий кадрларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, виждонийлик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари шахс сифатларини, шунингдек, миллий ғурур

туйғуларини шакллантириш ғоят муҳим вазифа саналади.

Бугунги кунда республикаимизнинг ҳар бир вилоятида 4 тадан, ҳаммаси бўлиб 56 та умумий ўрта таълим мактабларида Миллий гвардия тизими учун кадрларни узлуксиз ва мақсадли тайёрлайдиган ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлар фаолияти йўлга қўйилди. Ўйлайманки, ушбу ёш ҳарбийларни тайёрловчи таълим даргоҳларида Муҳаммад Юсуф ижодий меросини тарғиб қилиниши, юксак интеллектуал салоҳиятга, замонавий фикрлаш ҳамда дунёқарашга эга, давлатимиз манфаатлари ва суверенитетини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр бўлган ҳар томонлама камол топган, жисмонан соғлом ҳамда маънавий етук ёш авлодни тарбиялашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда учинчи Ренессанс даври бошланди. Муҳтарам юртбошимиз томонидан ёшларга жуда катта ишонч билдирилиб, улкан имкониятлар яратилмоқда. Ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан равнақи учун хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, қадимий тарихимиз ҳамда маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш каби муҳим туйғуларни сингдириш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарор 2017 йил 18 апрель. lex.uz.
2. Юлдашев.И.Ж. Ёшлар учун ҳар жиҳатдан ибрат ижодкор. -//Халқ сўзи. 2020, 9 июль.
3. Муҳаммад Юсуф сабоқлари. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2019. – 108 б.
4. Мирзиёев Ш. “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор. Тошкент, 2019 йил 28 июнь, ПҚ-4375-сон.

ТРАДИЦИИ И ПРОГРЕСС В ТВОРЧЕСТВЕ МУХАММАДА ЮСУФА: НОВЫЙ РИТМИЧЕСКИЙ РИСУНОК УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

Аннотация. В данной статье приведены традиции и прогресс в творчестве Мухаммада Юсуфа. Показан новый ритмический рисунок узбекской поэзии в творчестве неповторимого поэта. Сделан акцент на его прогрессивном реализме, при этом имеющем все традиционные черты классической поэзии Востока.

Ключевые слова: поэзия, традиции, прогресс, ритмический рисунок, прогрессивный реализм, поэзия Востока.

Станислав МАРКОВ,

ЎзДСМИ “Санъатишунослик ва маданиятишунослик” кафедраси мустақил изланувчиси

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДАГИ АНЪАНА ВА ЮКСАЛИШ: ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДАГИ ЯНГИЧА ОҲАНГЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Мухаммад Юсуфнинг фаолиятидаги анъаналар ва тараққиёт ҳақида сўз боради. Ноёб шоир асарларида ўзбек шеъриятининг янги ритмик нақиллари кўрсатилган. Шарқ мумтоз шеъриятининг барча анъанавий хусусиятларига эга бўлган ҳолда, унинг прогрессив реализмига ургу берилди.

Калим сўзлар: шеърият, анъаналар, тараққиёт, ритмик нақил, прогрессив реализм, Шарқ шеърияти.

Stanislav MARKOV,

independent applicant of the Department of «Art History and Cultural Studies» of UzSIAC

TRADITIONS AND PROGRESS IN THE WORKS OF MUHAMMAD YUSUF: RHYTHMIC PATTERN OF UZBEK POETRY

Abstract. This article presents the traditions and progress in the work of Muhammad Yusuf. A new rhythmic pattern of Uzbek poetry in the work of a unique poet is shown. The emphasis is placed on his progressive realism, while having all the traditional features of classical poetry of the East.

Key words: poetry, traditions, progress, rhythmic pattern, progressive realism, poetry of the East.

Мухаммад Юсуф – один из самых одаренных поэтов и публицистов периода независимости Узбекистана. Человек, чье имя навечно вписано в историю нашей страны, а также в историю мировой современной литературы. Поэт, внёсший огромный и ничем неизмеримый вклад в популяризацию и развитие узбекского языка, как языка разностороннего, языка универсального, языка современного и ёмкого[1].

Он прожил всего 41 год, но за это время успел сделать столько, сколько бы хватило на две жизни. К сожалению, талантливые люди иногда уходят очень рано, но оставленный ими след подобен комете на вечернем небосклоне. И этот короткий и яркий след будет вспоминаться через века благодарными потомками и пытливыми исследователями.

Родившись в кишлаке в Ферганской Долине, Мухаммад Юсуф с самого детства впитал в себя понятную эстетику и простое очарование будней сельской жизни, о чем он часто говорил в своих стихах и прозе[2].

Скучаю [3]

...Под ливнем бегал я ещё вчера,

И пел, лицо росой умывая.

Лукавых бабочек ловила детвора...

По детству моему давно скучаю.

Письмо матери[4]

...Как осень прекрасна Фергана –

Кишлак родной всегда подобье рая.

Ах, мама, как по дому я скучаю!

В садах, наверное, айва уж поспевает...

Человек никогда не забывающий свои корни, и несущий этот огонек через всё своё творчество на протяжении всей жизни.

Он смог объединить два поляризованных мира – городской и сельский – и создать из них целостный образ своей любимой Родины. Такое редко кому удавалось, а сделать это так, как сделал Мухаммад Юсуф – с таким изяществом, такой простотой, в таком понятном ключе и на понятном языке – до него, да и после, не удавалось вообще никому.

Узбекская литература, имеющая глубокие корни, уходящие в историю, богата своими поэтическими традициями, и традиции эти создавались на протяжении веков множеством талантливых стихотворцев – от Алишера Навои и Захириддина Бабура, до Абдуллы Арипова и Эркина Вахидова, ставших классиками еще при жизни[5].

Мухаммад Юсуф был взращен на этих традициях, но помимо классической парадигмы сумел привнести в поэзию Узбекистана свойственный только ему уникальный колорит. Большую роль в этом сыграли его личные качества и характер, проявлявшиеся во всех его стихотворениях.

Бескомпромиссный бунтарь, объективный наблюдатель, всесторонне развитый и пытливый ум, описывающий все происходящее вокруг с подкупающей и в то же время беспощадной ясностью – так можно описать личность молодого поэта, буквально ворвавшегося в литературный мир в конце семидесятых годов [6].

Тюбетейка[7]

*...Поменьше б наших сделок недостойных.
Без тюбетеек много сёл и городов.
Иль тюбетеек нет теперь пристойных,
Или, достойных тюбетеек, нет голов.*

Жестокосердие[8]

*...Шептали мне: «Хитрее будь, проворней...»
Под эту дудку так и не спясал.
В ущерб себе что белое, то – белым,
Что чёрное, то чёрным называл,
И никогда себе не изменял.*

Такой талант не мог остаться незамеченным и молодой литератор был не только благосклонно принят критиками, но и стал другом для Эркина Вохидова и Абдуллы Арипова, которых впоследствии называл своими учителями и наставниками.

Мухаммад Юсуф может служить ярким примером того, что несмотря на огромный талант – образование и широкий кругозор не менее важны. Закончив Ташкентский Институт русского языка и литературы, он прекрасно владел как родным узбекским, так и русским языком. Занимаясь поэзией, он не забывал и об общественно-политической деятельности.

Начав свою работу в Союзе книголюбив Узбекистана, продолжив ее в качестве редактора и корреспондента в национальных газетах, он стал заместителем председателя Союза писателей Узбекистана – на этом посту он оставался до самой своей смерти, служа Родине верой и правдой, как ее преданный сын.

Витиеватость, тонкие филигранные словарные обороты и фразеологизмы – все это давно стало признаками поэзии Востока, без которых, казалось бы, невозможно представить себе ни одно стихотворное произведение, написанное классиками. Воспевание красоты природы, духовных ценностей и основополагающих принципов морали и добродетели всегда являлись основой, фундаментом, на которых зиждилось великое наследие нашей литературы.

Мухаммад Юсуф сумел то, чего практически никому не удавалось – опираясь на классику, он создал новый стиль, присущий только ему. Стиль яркий и безошибочно узнаваемый. Этот стиль можно охарактери-

зовать как прогрессивный реализм, при этом имеющий все традиционные черты классической поэзии Востока. По сути, он создал новый ритмический рисунок узбекской поэзии – простой, точный и в то же время полный знаков, аллюзий и богатых метафор. При этом поэт относился к своему творчеству очень самокритично и без творческого тщеславия. Если проводить параллели, то можно было сравнить его с Омаром Хайямом и его Рубайятом, или ранним Маяковским с его трескучим и бунтарским слогом.

Признание[9]

*...Я – поэтический изгой. Сознаюсь,
Что я с лирической братией не знаюсь.
У них в стихах сады и соловьи, цветочки.
Довольно... Я дошёл до точки!*

Марухский перевал[10]

*Взвод. Вмерз в лед.
Пулю встретив грудью, боец погиб
Там, где белизна ледниковых глыб.*

Стихотворения Мухаммада Юсуфа отличает пронзительная знаковая и подсознательное понимание им семиотических механизмов, созвучных и гениально связанных между собой. Он, как музыкальный композитор, слышал свои стихи в голове, а не просто воплотил их на бумаге.

Именно поэтому его творчество необходимо изучать не только в текстовом виде, но также в виде его гармонично звучащего, богатого и певучего языка – учить стихи наизусть, читать их вслух, слушать аудио-версии и проникаться любовью поэта к Родине, окружающему естеству и великому узбекскому языку.

Тюльпанчик мой любимый [11]

*Что, уйдя, оставлю?
Томик небольшой,
Книжечку пару сундуков,
Холмик земляной.
Мне вослед что скажут –
Только звук пустой,
Ну а ты, родная,
Что будет с тобой?
Тюльпанчик мой любимый,
Алый мак степной.*

Список литературы:

1. Сувонкулов И., Суфи Оллоёр // Узбекистон буюк алломалар юрти. Тошкент, Маънавият. Мовароуннахр, 2010, с.379
2. Юсуф М. Элимда алёрим колур. -Ташкент: Ўқитувчи, 2017. -216 стр.
3. Мухаммад Юсуф (1954-2001) - Ziyouz.uz [Электронный ресурс].
Режим доступа: <https://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>
4. Мухаммад Юсуф (1954-2001) - Ziyouz.uz [Электронный ресурс].
Режим доступа: <https://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>
5. Узбек тили ва адабиёти. стр.:64-67 Ташкент 2014
6. Стихи. Мухаммад Юсуф - Читальный зал [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://reading-hall.ru/publication.php?id=14537>
7. Стихи. Мухаммад Юсуф - Читальный зал [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://reading-hall.ru/publication.php?id=14537>
8. Напевы чудесной страны Переводы с узбекского - Стихи.ру [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://stih.ru/2016/09/18/5048>
9. Мухаммад Юсуф (1954-2001) - Ziyouz.uz [Электронный ресурс].
Режим доступа: <https://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>
10. Мухаммад Юсуф (1954-2001) - Ziyouz.uz [Электронный ресурс].
Режим доступа: <https://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “ҚОРА ҚУЁШ” ДОСТОНИДА ДРАМАТИК ҲОЛАТЛАР

Аннотация. Мақолада Муҳаммад Юсуфнинг “Қора қуёш” достонининг сюжетлари линиясида драматик ҳолатлар таҳлил этилган, драматургия қонуниятлари талаблари билан солиштирилган ва хулосалар берилган.

Калим сўзлар: драматик ҳолат, альтернатив омил, композиция, яхлит ифода, кескин бурилиш, кульминация, пафос.

Шавкат БОБОМУРОДОВ,
1-курс магистратуры по специальности “Театральное искусство”

ДРАМАТИЧЕСКИЕ КОЛЛИЗИИ В ПОЭМЕ МУХАММАДА ЮСУФА “ЧЕРНОЕ СОЛНЦЕ”

Аннотация. В статье анализируются драматические ситуации в сюжетной линии эпоса Мухаммада Юсуфа “Черное солнце”, сравниваются с требованиями законов драмы и делаются выводы.

Ключевые слова: драматическая ситуация, альтернативный фактор, композиция, целостное выражение, перипетия, кульминация, пафос.

Shavkat BOBOMURODOV,
“Arts of Theater” Department 1course of Master

DRAMATICAL ACTIONS OF “BLACK SUN” POEM BY MUHAMMAD YUSUF

Abstract. The article analyzes the dramatic situations of the epic “Black Sun” of Muhammad Yusuf in the plot line, compares them with the requirements of the laws of drama and draws conclusions.

Key words: dramatic situation, alternative factor, composition, whole expression, sharp turn, culmination, pathos.

Арасту ўзининг “Поэтика” асарида даҳшатли ҳолатни сахна жиҳозларисиз, воқеа орқали ифода-лайдиган ижодкор яхши шоир эканини таъкидларкан, ўз фикрини шундай давом эттиради: “Аслида асар шундай ёзилиши керакки, у сахнада кўрилмаганида ҳам, бўлиб ўтадиган воқеани тинглаётган ҳар бир киши, худди Эдип ҳақидаги ривоятни тинглагандай, ходисаларнинг ўсиб боришидан ғам чекувчига нисбатан ўзида ҳамдардлик сезсин ва вужуди жимирлаб сескансин” [1. 28-б.].

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг жуда кўп шеърларида худди шу жиҳат яққол кўзга ташланади: ўқувчи беихтиёр драматик ҳолатга тушади, қаҳрамоннинг бошига тушаётган кулфатларга ҳамдард кайфиятга инади. Шоирнинг “Қора қуёш” достонидаги мана шундай ҳамдардлик уйғотувчи сюжет линиясига эътибор қаратайлик:

Ўлган ўлди-кетди.

Ҳеч ким қайтмайди.

Нега?

Нима учун?

Бу ҳам муаммо.

Тарих соқов кампир,

Дардин айтмайди,

Айтолмас,

Унутиб ҳам бўлмас аммо [2. 278-б.].

“Соқов кампир” айтмаган дардни муаллиф айтмоқчи бўлиб ўқувчини ҳозирлайди, диққатини бутунлай жалб этади. Александр Митта таъкидлаганидек: “Ҳар қандай ҳикоя драматик ҳолатдан бошланади. У юзага қанчалик тез қалкиб чиқиши керак? Энг яхшиси – дарҳол!” [3. 44-б.]

Мана,

Қодирийни қилишар сўроқ:

– “Ўтган кунлар” деган шеър сизникими?

– Ҳа.

Аммо у шеър эмас...

– Жим бўлинг, ахир.

Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.

Тамом.

Бошқа гапга қолмайди ҳожат...

Сюжет жиҳатидан “бошқа гапга” чиндан ҳожат қолмайди. Чунки, муаллиф кенг кўламли воқеанинг бутун композициясини юқоридаги яхлит ифода орқали баён этиб берган эди. Энди юқоридаги сюжет драматик ҳолатга солиб қўйган қаҳрамоннинг кўнгил кечинмаларини ифода этувчи таъсирчан, кучли монолога эҳтиёж сезилади. Шоир бу вазифанинг ҳам қойилмақом урдасидан чиқади:

Тамом.

Бошқа гапга қолмайди ҳожат...

Терговчи – пайгамбар,

Терговчи – худо.

Темир зотдан келган буйруқ – ижозат,

Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Сюжет гарчи таъсирчан бўлса-да, воқеаларнинг одатдаги тартибда тизимлангани унда кескин бурилиш – перипетияни талаб қилади. Зеро, Арасту таъкидлаганидек: “Мен шундай тўхтовсиз ва ягона воқеани содда деб атайманки, ундан воқеа давомида тақдир ўзгариши кескин бурилишсиз ва тўсатдан англашсиз содир бўлади” [1. 24-б.]. Кескин бурилиш ва тўсатдан англаш талаби кейинги моҳирона кўлланган мисралар орқали кондирилади:

Айби шуки...

Айби...

Ким билсин бунни,

Балки, жуда ноёб истеъдодидир.

Отишдимикин ё осишиди уни?

Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

**Жоди деганларин билишмас ёшлар,
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.
Жоди орасига тушганда бошлар
Одам...**

Кескин бурилиш ва тўсатдан англаш воқеалар ривожини пафосга олиб келади. Зеро, “пафос – эҳтирос ҳалоқат ёки изтироб келтирувчи ҳаракатдир” [1.25-б.]. Шоир худди шу эҳтиёж талабида давом этади:

**Кўзимга ёш тўлар мана шу ерда.
Кўйнимга тош тўлар мана шу ерда.
Кўзимга тор бўлиб қолади олам,
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ, тилло бобом...
Ўтган кунинг курсин, Абдулло бобом!**

Шоир ҳар бир детални улуғлаб, ҳар бир сўзни ўйнатиб ишлатади. Театр донишманди К.С.Станиславский ёзганидек: “Қатта ёзувчиларнинг асарларида ҳатто энг кичкина жисмоний вазифалар ҳам қатта муҳим шарт-шароитлар билан асосланган бўлади, уларда туйғуни қўзғатувчи куч яширинади” [4. 213-б.].

Достондаги яна бир ўринда шундай хотира ёзуви келтириладики, бу аламли хотира достоннинг умумий воқеалар ривожини темпини бир поғонага кўтариб олади:

“Сибирдаги саргардонлик йилларим бир ҳам-юртим билан учрашиб қолдим. Йиғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен уни ҳам ўзимга ўхшаб беайб бадарга бўлганлардан бири эканлигини сезиб турсам ҳам сўрадим:

– Сизни нега қамадилар, биродар?
– Сулаймон Азимовнинг “думи” сан, деб!
– Кимнинг-кимнинг?
– Айтдим-ку, Азимовнинг...

Анчадан кейин бироз ўзимга келиб, секин бориб елкасидан қучдим:

– Уни танийсизми?
– Йўқ, кўрмаганман...
– Унда келинг, танишволайлик, – дедим. – Менман ўша сиз айтган одам!..”

*Марказқўмнинг собиқ котиби
Сулаймон Азимовнинг хотираларидан”.*
* * *

Достон таркибида драматик таранг ҳолат акс этган яна бир парча мавжуд. Миттага кўра, альтернатив омилнинг қуйидаги шакли персонаж ҳаётига бўлган хавфнинг ўзига хос шаклини кўрсатиб беради [3. 46-б.]:

**Соқовни қамашди,
Соқов “душман”ни,
Сийсий саводсиз,
Анқов душманни...
Қамашди,
Бир кунда,
Пайсалга солмай.
Айби аниқ эди,
Айби маълум эди,
У доҳий отини**

**Тўғри айтолмай,
Ҳамманинг олдида
“Ишталин” деди!**

Одатда, альтернатив омилнинг ўзини ҳурмат қилишга бериладиган зарба, касбий ўпирилиш, жисмоний зарар, ўлим хавфи, оила ҳаётига таҳдид, омма ҳаётига таҳдид, инсониятга таҳдид каби турлари драматик ҳолатни келтириб чиқаради. Шоир томонидан баён қилинаётган ҳикоя эса, альтернатив омилнинг деярли барча турларини ўзида қамраб, таранг драматик ҳолатни юзага келтирган.

**Соқчига мўлтирар
Соқов,
Қалтирар,
Ўлдиришар энди,
Уни ўлдираб.
Қолди уй,
Қолди – гурбатхонаси.
Гурбатхонасида –
Қари онаси.
Яна бир зот кетди,
Шундай қилиб –
Соқовнинг бошига
Етди ўз тили...**

Гарчи сюжет линиясининг шу ерига етганда: ўқувчи ўзини кульминацияга етиб келгандек ҳис қилиши мумкин, аммо кейинги воқеа авж нуқта қаерда эканини яққол кўрсатиб беради:

**Ўрмонда отишди,
Қор эди қалин.
Йиқилди.
Ҳайқириб:
“Яшаш-шин Ишта-лин!”**

Ечим эса, ҳулосаларининг ўткирлиги, теранлиги билан драматик ҳолатни янада кескинлаштиради:

**Соқовни отишди,
Анқовлиги учун.
Тўғрироғи –
Тузга
Соқовлиги учун.
Қирқ йил бўлди бунга.
Элик йил бўлди-ёв.
Мана энди,
Соқовнинг онаси –
Ҳақиқий соқов!..
Соқов дудуқ эди
Мундай олганда.
Тиллашса бўларди
Ўлмай қолганда.**

Юқоридагилардан кўринадик, Муҳаммад Юсуфнинг “Қора қуёш” достони ҳам шаклан, ҳам мазмунан драматик қонуниятларга ҳамоҳанг тарзда ўз ифодасини топган. Бу эса, мазкур достонга асосланиб, кучли драматик асарлар яратиш, фильмлар суратга олиш, спектакллар саҳналаштириш мумкинлигидан далолат беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аристотель. Поэтика. -Тошкент: Фафур Ғулом, 1980.
2. Юсуф М. Сайланма. - Тошкент Шарқ, 2007. - 286 б.
3. Митта А. Кинода режиссура ва драматургия. -Тошкент, Фан ва технология, 2014. -328 б.
4. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши.-Тошкент Янги аср авлоди, 2011.- 472 б.



VI Бўлим

ХОТИРА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “ОЛТИН ДАВРИ”

(суҳбат)

Суҳбатдош: Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида беш йил бирга ўқиган, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Жаҳон тиллари ва адабиёти” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Ҳамдам Исмоилов.

Мурод Толипов. *Анчадан буён Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб келаман. Унинг болалиги ва мактабда ўқиб юрган чоғлари ҳақида баъзи манбаларда ўқиганман. Лекин талабалик йиллари ҳақида кўп ҳам маълумотга эга эмасман. Сиз шоир билан беш йил бирга ўқиган, кўп ҳамсуҳбат бўлган экансиз. Шулар ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлмоқчи эдим.*

Ҳамдам Исмоилов. Дарҳақиқат, биз Муҳаммаджон билан Республика рус тили ва адабиёти институтида бирга ўқиганмиз. У билан бирга ўқиб, анчагина ҳамсуҳбат бўлганлигимдан ғурурланиб юрمان. Унинг хотирасини бир умр унутмайман.

Суҳбатни Муҳаммаджон билан дастлабки кўришган кунимиздан бошлаш қолай. 1973 йил 21 августда илк бор юзма-юз учрашганмиз. Бунгача ҳам, албатта, бир-биримизни кўрган бўлишимиз керак, лекин ҳар биримиз ўз имтиҳон ташвишларимиз билан бўлиб, бир-биримизга эътибор бермаган бўлишимиз мумкин. Негаки, абитуриентлар имтиҳон пайтида бир-бирига кўпроқ душман назари билан қарашни ҳалигача маълум, ўша пайтларда ҳам худди шундай бўлган эди. Барча абитуриентлар бир-бирига қарашга ботинмас, ҳамма “ўз ёғида ўзи ковурилар эди”. Гап шундаки, барча имтиҳонларга икковимиз ҳам ҳарбий кийимда кирган эдик. Бизга ўхшаб ҳарбий кийимда имтиҳонга кирганлар яна беш-олтита бор эди. Лекин шунга қарамай, Муҳаммаджон билан бир-биримизга кўзимиз тушганлиги табиий.

Энди ҳарбий кийимда имтиҳонга киришнинг фойдасини айтиб берай. Биз ҳужжатимизни ўша даврларда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти деб номланган олий ўқув юртига топширган эдик. Тўртта фандан кириш имтиҳони топширилди эди. Барча фанлардан кириш имтиҳони рус тилида қабул қилинарди. Гарчи ҳарбийда икки йил давомида русийзабон миллат вакиллари билан хизмат қилган бўлсак-да, рус тилида озроқгина мулоқот қилишни ўрганган эдик, холос. Шунинг учун ҳам, ҳарбий кийим маълум маънода қалқон вазифасини ўтарди. Ҳарбий кийимдаги абитуриентларни имтиҳонда “йикитмасдан”, ҳеч бўлмаса “уч” қўйиб беришарди. Ҳарбий хизматгача бир-икки марта “йиқилиб” кўнглимиз зада бўлганлиги учун,

ҳеч бўлмаса “уч” қўйиб беришар, деган мақсадда ҳам ҳарбий кийимда имтиҳонларга кириб-чиққан эдик, дарҳақиқат, у “қалқон” вазифасини ўтади.

Тўртта имтиҳондан кейин “Мандат” деб аталган абитуриент тақдирини ҳал қилувчи босқич бўлар эди. Шу кун абитуриентлар эрталаб соат 9:00га қабул комиссияси эшиги рўпарасидаги майдончага тўпландик. Ҳарбий хизматдан келганлар бир томонга (жойини кўрсатишди) тўпланишимизни ва барчамиз талабалар сафига қабул қилинганлигимизни айтишди. Шу пайтда, Муҳаммаджон билан ёнма-ён турган эканмиз, бир-биримизни табрикладик ва танишдик. У Андижон вилояти, Марҳамат туманидан эканлигин айтди, мен Хўжаобод туманидан эканлигимни айтдим. Қандай ҳужжатларни кўчириб келиш зарурлигини айтиб, хизмат қилганларга жавоб беришди.

Август ойининг 30 санаси институтга келиб, қабул комиссияси олдидаги гуруҳлар рўйхатини кўриб, ҳақиқий талаба бўлганимизга ишондик. Лекин, Муҳаммаджон билан бошқа-бошқа гуруҳга тушиб қолган эдик. Мен икки кун давомида қабул комиссиясидагилар буюрган ишларни бажариб, талабалар ётоқхонасидан жой олдим. Муҳаммаджон маҳалладаги яқинроқ хонадонга ижарага жойлашганини айтди. Кейинчалик, ўйлаб қарасам, ижодкор ижод қилиши учун ғала-ғовур ётоқxonани эмас, тинч хусусий ижара хонани маъқул кўрганлиги маълум бўлди.

Мурод Толипов. *Икковингизни ҳам дастлаб ўқув аудиториясига кирган пайтингиздаги кайфиятингизни тасаввур қилаямман. Мен ҳам сизларга ўхшаб мактабни тамомлаганимдан анча йил кейин талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Шунда анчагина йиллардан кейин талаба бўлишдек ва ўқув аудиториясига илк бора кириб ўқишдек бахтли онларни туйганман. Лекин, ўзингиз айтганингиздек, ҳамма мутахассислик ва номутахассислик фанлари рус тилида ўқитилган экан, бу сизларни рус тилини билиш даражангизга кўра қийинчилик тугдирган бўлса керак? Қийин пайтларда нега бу институтга кирдим-а, деб афсусланган жойларингиз бўлмади?*

Ҳамдам Исмоилов. Мактабни тамомлагандан сўнг, бир-икки йил ўқишга кира олмадик. Ҳарбий

хизматда икки йил умримиз ўтди, шу туфайли ўқишни ниҳоятда соғиниб қолганлигимиз, ўзимиз қўзлаган мақсад – ниҳоят олий ўқув юртига кириб ўқиш бахтига муяссар бўлганимиз учун, дастлабки пайтлардаги қийинчиликлар оғир бўлмади. Ўқишга чин дилдан киришганимиз учун истисносиз барча фанлар баробар ёқарди. Ниманики тушунмаган бўлсак, барчасини ёд олишга ҳаракат қилардик. Шунда мен илгариги эски мактабларда қўлланган ёд олиш усули нақадар фойдали бўлганлигини тушундим. Чунки ёд олганларимнинг ҳаммаси ҳозиргача эсимда. Муҳаммаджонга ҳам, менга ҳам, айниқса, тил ва адабиёт дарслари жуда ёқарди: “Армияда қўллаган рус тили содда, тўпори тил эканда. Рус тили барча тиллар каби чиройли ва ёқимли эканлигини тобора тушуниб бораётганман. Дарс бераётган ўқитувчиларнинг нутқини қаранг, рус тилида қандай чиройли гапиришади, менинг рус тилини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган қизиқишим тобора ортиб бораёпти. Айниқса, менга луғат билан ишлаш жуда ёқяпти. Ўқитувчимиз ҳар дарсда Ожеговнинг “Словарь русского языка” луғатидан ўнта сўзни маъноси билан бирга ёзиб ва ёдлаб келишга бераёпти. Баъзи сўзлар ўнлаб маъно англатиши мени жуда қизиқтириб қўйди. “Тил – бу бойлик” деган экан машойихлар. Тил билган эл билади, дейилгани ҳам бекорга эмас экан. Рус тили фонетикасини ўргандик, морфологиясини билиб олдик, бу билан мен ўзим учун янги Америка очаётгандекман ва рус тилига нисбатан ҳурматим янада ортиб кетяпти,” – дея кўп бора таъкидлаган эди Муҳаммаджон.

Муҳаммаджон рус фольклори ва қадимги адабиётини ёқтирарди ҳамда улардан ҳайратга тушарди: “Қаранг, рус фольклори мен ўйлаган даражадан-да бой экан. Кутубхонада “Русские народные сказки” деган китоб бор экан, мен ўзим эртақларни яхши кўраман, шунинг учун бу китобни тез кунда ўқиб чиқдим. Аввало, булар эртақ бўлганлиги учун кўпгина русча сўзлар маъносини осон тушундим. Айниқса, эртақларда тасвирланган рус киши, ўрмонлари, ўрмонлардаги жониворлар тасвири, ҳатто рус тилини камроқ биладиганларни ҳам ҳайратга солади. Ялмоғиз кампирнинг товук оёғи устига ўрнатилган уйчасининг ўзи бир дунё, бунақа уйчаларни рус эртақ фильмларида ҳам кўрган эдим.

Эртақлардаги образлар тасвири менга жуда ёқди. Бир томонда – Ялмоғиз кампир, ўлмас Кошчей сингари салбий образлар, бошқа томонда – Аёз бобо, Иванушка каби ижобий образлар эътиборни тортади. “Золушка” эртаги ўзимизнинг “Зумрад ва Қиммат” эртагига ўхшаб кетар экан. Рус эртақларида ҳам ўзбек эртақларидагига ўхшаб яхшилик ғалаба қозониши менга ёқди. Демак, барча халқларнинг эртақларида қандайдир бир яқинлик бор экан-да. Фақат узоқ йиллик тарихий давр мобайнида миллатларни шаклланиши ва ер юзида рўй берган демогра-

фик ўзгаришларнинг барчаси халқлар эртақларида ўз аксини топган экан,” – деган эди шоир.

Шоирнинг шу ва шунга ўхшаш фикрлари қандайдир арзимасдек туюлиши мумкин, лекин мантиқан ўйлаб кўрилса, бундай кузатувлар ижодкор учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Чунки, ана шундай арзимаган икир-чикирлардан бир бутунлик ҳосил бўлади ва бадий асарларда образ яратилади.

Мурод Толипов. *Рус тили ҳам, адабиёти ҳам, дарҳақиқат, бой тил ва адабиёт ҳисобланади. Русларнинг тарихи ҳам анчайин чуқур илдизга эга. Табиийки, рус тили ва адабиётининг тарихий тараққиёти бўлажак шоирнинг эътиборини тортган бўлиши мумкинми?*

Ҳамдам Исмоилов. Рус тили ва адабиёти бошқа бир қатор тиллар ҳамда адабиётлар каби анчайин узоқ тарихга эга эканлиги ҳақида мактабда ўтилган рус тили ва адабиёти дарсларида берилган маълумотлар асосида озроқ бўлса ҳам билар эдик, лекин институтда ўтилган дарслар ана шу билимларимизни ниҳоятда кенгайтириб юборганлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, энг қадимги даврлардаёқ болгариялик роҳиблар Кирилл ва Мефодий рус подшосининг илтимосига кўра алифбо тузиб берган. XI асрда номаълум адиб томонидан ёзилганлиги тахмин қилинган “Игорь жангномаси” асари рус адабиёти тарихидаги илк ёзма адабиёт ҳисобланади. Агар бу даврни қадимий ўзбек адабиёти намуналари билан қиёсласак, ана шу пайтлар қадимий туркий ўй адиблар М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, А.Югнакийнинг “Хибатул-ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари яратилган эди. Шу маънода, рус адабиётининг илк ёзма намунаси туркий адабиётнинг дастлабки намуналари билан деярли бир пайтда яратилганлиги маълум бўлади. Кунлардан бир куни шоирнинг ижара хонасида жуда қизғин тортишув бўлган эди. Сухбатда, жумладан, шоир шундай деган эди: “Қаранг, халқлар адабиёти тарихида баъзи ўхшашликлар бўлиши мумкин экан.

Рус ва ўзбек ёзма адабиётини вужудга келишида ҳам давр жиҳатдан маълум бир ўхшашлик бор экан. Бу “Игорь жангномаси” асари эпик асар бўлишига қарамадан, шеърӣ йўл билан ёзилганлиги эътиборни тортади. Ўша даврлар рус бахшиси бошқа дostonлар қаторида лира номли мусиқа асбоби жўрлигида бу асарни ҳам ижро этган экан. Бу ўзимиздаги эпик асарларни бахшиларимиз томонидан ижро этилганлигига ўхшаш экан. Булардан ташқари, руслар ҳам “Игорь жангномаси” номли биринчи ёзма асарни, биз “Алпомиш”ни қандай қадрласак, шундай қадрлар экан. Чунки князь Игорь ҳам Алпомиш каби ўз халқи, ўз диёрини кўчманчи-босқинчилардан асраб қолган миллий қаҳрамон сифатида улуғланар экан. Князь Игорь ўз ватани озодлиги

учун, курашчиларнинг умумлашма образи бўлганлиги учун менга маъқул бўлди,” – деб суҳбатни якунлади Муҳаммаджон.

Кейинчалик, шоир ҳам ўз шеърларида ўзбек юрти учун курашиб қурбон бўлган қатор зиёлилар образини яратиб, уларни халқимиз тарихидан абадий ўрин олишларига замин яратди. Бунда ҳам шоирнинг юқоридаги асарлардан олган ўчмас таасуротлари ўз вазифасини тўла-тўқис бажарганлигини ишонч билан айтиш мумкин.

Мурод Толипов. *Рус адабиёти тарихидан озроқ хабарим бор. Рус адабиёти кейинги даврларда, айниқса, XIX асрда юксак даражада ривожланганлиги маълум. Бу даврни, баъзан рус адабиётида уйғониш даври деб ҳам атайдилар. XX асрда ҳам рус адабиётида шов-шувга сабаб бўлган адабий асарлар вужудга келди. Бу ҳақида Муҳаммаджон ака билан фикрлашган бўлсангизлар керак?*

Ҳамдам Исмоилов. Беш йил бирга ўқиганлигимиз туфайли Муҳаммаджон билан кўп марта суҳбатлашиш имконияти бўлган. Эсимда бор, у адабиёт ҳақидаги суҳбатларни баҳс-мунозарага айлантириб юборарди. Бу суҳбатлар бир пайтнинг ўзида бўлиб ўтган эмас. Улар беш йил давомида турли жойларда, яъни Муҳаммаджоннинг ижара хонаси, бизнинг ётоқхона ёки ташқаридаги скамейкада, баъзан Андижонга автобус ёки поездда кетаётганимизда, институт ховлисида, аудиторияда, мен уч кунда бир марта қоровуллик қилган АДМ корпусда бўлиб ўтган эди. Қачон, қаерда гаплашмайлик, гап адабиётга бориб тақалаверарди. Кейинчалик билсам, бу адабиёт ҳақидаги суҳбатлар, баҳс-мунозаралар бўлажак шоир ижодига пойдевор бўлаётган экан, мана шу заминда у зимдан шаклланаётган экан.

Бир қатор суҳбатларимизда Муҳаммаджон шундай деган эди: “Мен бу институтда ўқишни танлаб хато қилмаганга ўхшайман. Негаки кундан-кунга, ойдан-ойга, йилдан-йилга рус тили ва адабиёти деган оламнинг ичига тобора чуқурроқ кириб бораётгандекман. Рус тилида ўқиётган китобларнинг моҳиятига янада чуқурроқ кириб, уларни худди ўзбек адабиётидек севиб қолаётгандекман. Шу ўринда, ўзимизнинг она адабиётимиз ҳам мен учун тобора қадри бўлиб бораётганлигини сезиб қоляпман. Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Есенин каби рус шоирларининг шеърлари менга қадрдон бўлиб қоляпти. Шунинг учун улардан кўпчилигини ёд оляпман. Улардаги Ватан, озодлик, бағрикенглик ҳақидаги эзгу тушунчалар миямга кўрғошиндек қуйилиб қоляпти. Бу шоирлар шеърларида соддалик, ҳатто тўпорилик менга жуда қадрдон бўлиб қоляпти, улардан оддий рус халқининг нафаси келяпти (бу фикрларни эшитиш учун унга қандайдир мунозара уйғотадиган фикр ташлаб қўяр эдик). Қисқаси, бу рус шоирларининг шеърларидаги табиий соддалик

менга жуда ёқяпти” (мен шундай содда ёзаман, деб ният қилган бўлса, ажаб эмас).

Мурод Толипов. *Суҳбатимиз якунида Муҳаммаджон аканинг шеър ёзишга бўлган қизиқиши, илк машқлари, шеър ёзишга кимлар туртки берганлиги, кимлар рағбатлантириб турганлиги ҳақида эшитганларингизни гапириб берсангиз?*

Ҳамдам Исмоилов. Шоир икковимиз ҳам рус тили ва адабиёти институтида ўқиб, рус тилини ҳам, адабиётини ҳам анча яхши ўрганиб чиқдик. Муҳаммаджон рус тилида яхши гапирар ҳамда ёзар эди, мен эса у тилдан бу тилга ва аксинча, таржима қила олиш салоҳиятига эга бўлдим. Лекин ўзбек тили ва адабиётидан мактабда яхши билим олган эканмиз шекилли, Муҳаммаджон институтда ўқиётгандаёқ ўзбек тилида ҳамма ҳавас қилса арзигулик шеърлар ёзди. Муҳаммаджоннинг шеърлари газеталарда чоп этила бошлаганданоқ китобхонлар тилига тушди.

Негаки, илк шеърлари ҳам ҳаваскорлик даражасидан анчагина юқорилаб кетган эди. Бунинг боиси, шеърят пойдевори унда анча илгари шаклланганлигини, баъзан гап орасида гапириб кетганлиги ёдимда бор. Ўзининг айтишича, мактабнинг юқори синфларида ўқиётганидаёқ баъзи машқлари деворий газеталарда кўрина бошлаган. Бунга мактабда кучли адабиёт ўқитувчилари таълим берганлиги сабаб бўлганлигини гапирган.

Суҳбатлардан бирида шоир шундай деган эди: “Мактабда бешинчи-олтинчи синфларда ўқиётганимиздаёқ ўзимча шеърлар машқ қилардим, лекин ўқитувчиларим ва бошқаларга кўрсатишга уялардим. Шу билан бирга, шеърини китобларни ўқишни яхши кўрардим. Бунга ота-онамнинг китобга бўлган ижобий муносабати сабаб бўлган бўлиши мумкин. Баъзан Марҳамат тумани марказига бориб қолсак, албатта, китоб дўконига кирар эдик. Қ.Муҳаммадий, Ғ.Ғулом кабиларнинг шеърини китоблари; Х.Тўхтабоев, Ҳ.Назир каби адибларнинг ҳикоялар тўпламларини сотиб олиб, ўқиган эдим. Мактаб кутубхонаси эса мен учун битмас-туганмас хазина эди.

Мактабнинг юқори синфларида ва институтда ўқиб юрган пайтда ҳам Ҳазрат Навоий, Бобур ғазаллари, рубоийлари; Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг дилтортар шеърлари билан қизиқиб танишдим, кейинчалик эса, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби шоирларнинг шеърлари мени мафтун қилиб қўйди ва уларни устоз сифатида эътироф қилдим. Қани энди, мен ҳам шулардек шеърлар ёза олсам, яхши бўларди, деган армон юрагимда ғамирлаб қўяр эди. Биринчи шеърларим республика матбуотида босилиб чиққанда, мендек бахтли инсон ер юзида бўлмаган бўлса керак”.

Шундай қилиб, қувончу ташвишларга тўла талабалик “олтин даври” ҳам оқар сувдек ўтиб кетди. Лекин институтда ўқиб юрган дамлар абадий эса қолди, чунки бу даврлар шоирнинг шаклланишидаги “олтин давр” эди.

КЎЗ ЁШИНИ ГНИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА КЎРСАТМА

Элимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф шеърларини бугунги кунда ўқимаган, ёд олманган киши орамизда жуда кам бўлса керак. Агар шоир ҳаёт бўлганида 26 апрель куни 66 ёшни қаршиларди. Шу муносабат билан Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси, шоира Назира ас-Салом билан шоирнинг умр йўллари ҳақида суҳбатлашдик.

– Назира опа, агар Муҳаммад ака ҳозир ёнингизда бўлганларида, нималар деган бўлар эдингиз?

– Муҳаммад ака билан хаёлан суҳбатлашмаган кунларим деярли йўқ. Болаларнинг, ўзимнинг муаммоларимни айтиб маслаҳат сўрайман. Отамни йўқотганимдан кейин, улар энг катта суянчиқ бўлганликларини ўша лаҳзаларда сезмаган эканман. Вафотларидан бутунлай довдираб қолганман.

– Таскин ва армонларингиз?..

– Биласизми, вақт ўтганидан кейин қисматга кўнглингиз кўнмаса ҳам, ўзингиз кўнишга мажбур экансиз. Ўн йилдан сўнггина Муҳаммад аканинг ёнимда эмаслигига кўникдим, шунда ҳам юрагим кўнгани йўқ. Болаларим учун керакман, деган фикр, халқнинг ич-ичига кириб борганим сари тадбиру учрашувларда Муҳаммад акага бўлган меҳр-муҳаббат мени ҳаётга қайтарди, юрагимда яшаш иштиёқини оширди. Севимли шоиримизнинг адабий меросини йиғиш, номларини абадийлаштиришда ҳаётим мазмунини топдим, десам, муболағага йўйманг. Мен шундан куч оламан ва яшайман.

Энг катта армоним, уларнинг ҳеч бўлмаганда эллик ёшга кирмаганлари. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида “Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Муҳаммад Юсуф ижодий кечаси” ўтказилиб, унда тўрт мингдан зиёд мухлислар иштирок этганди. Бирорта одам ўрнидан туриб кетмасдан шеър тинглаган. Маҳмуджон Азимов, Охунжон Мадалиевлар қўшиқ куйлашган. Вафотларидан бир ҳафта олдин “Зарафшон” ресторанида ижодий кеча ташкиллаштирайлик, деган таклиф билан келишган. Мен эса “Аввалгидек, “Халқлар дўстлиги” саройида қилсангиз, яхшироқ эди”, десам, раҳматли “Сиз орзулаган катта учрашувни эллик ёшга кирганимда ўтказамиз”, деганди. Буни қарангки, бундай катта юбилей Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қарорлари билан ўзлари бўлмасалар ҳам, шу даргоҳда нишонланди.

Мухриддин Холиқовнинг рафиқаси Гулсарахон билан гаплашганимда бу аёлга ҳавасим келди. Раҳматли санъаткорнинг ижодлари ҳам, оддий ҳаётдаги фаолиятлари ҳам видеоларга муҳрланган экан. Муҳаммад ака суратга тушишни унчалик хуш



Ошладан бошланар Ватан. Муҳаммад Юсуф рафиқаси, қизлари: Маъсуда, Мадина, Нозима ва набираси Билол билан.

кўрмасди. Ҳатто, бирга тушган суратларимиз ҳам кам.

Шу ўринда, журналист-суратчи Абдуғани Жумага миннатдорчилик билдираман. Чунки улар Муҳаммаджон акани қаерда кўрса, фотога муҳрлаб олаверган эканлар. Вафотларидан кейин шу фотосуратларни жамлаб, катта альбом қилиб бердилар. Эвазига мендан бирор нарса сўраганлари ҳам йўқ. Яна телевидениеда ишлайдиган Жўра Бобораҳмат ҳам ўзи олган кўп суратларни берди.

Муҳаммад ака менинг бирор жойга боришимни унча ёқтиравермасдилар. “Сиз ёзаверинг, ўзим китоб қилиб чиқариб бераман”, дердилар. Худди шу тарзда, уларнинг ишлари билан шуғулланишимни ҳам истамасди. Шу боисмикан, вафотларидан кейин мен анча қийналдим.

Катта қизимиз Маъсудани бош бўлиб узатиб, набирамизга Билол деб ўзлари исм қўйдилар. Армонларимдан бири – икки қизимизнинг тўйини кўрмаганлари. Қизларимнинг кўнгли умрбод ярим бўлди. Ҳеч нарса уларга оталари ўрнини босолмайди. Яна бир армон, агар ҳаёт бўлганларида



қанчадан-қанча гўзал шеърлари дунёга келиб, элимиз ундан баҳраманд бўларди.

– **Шоирнинг “Туғилмаган кўшиқларим, сиздан узр” деган сатрларини ўқиб, бежиз ёзмаган эканлар, деб ўйлайсан киши.**

– Бу шеърнинг ўзига хос тарихи бор. Охунжон Мадалиев билан Муҳаммад ака танишишганда хонанда Фарғонада яшагани сабабли, бошқа санъаткорлар каби тез-тез учрашиб туришмаган. Наманганда катта стадионда иккаларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтади. Охунжоннинг Муҳаммад акага жуда меҳри баланд эди. Ўшанда у: “Ака, ижодий ҳамкорлик ҳам қилолмаямиз. Тадбир тугаганидан кейин янги шеърлардан ёзиб беринг”, дея илтимос қилган. Муҳаммад ака шу ерда ўтириб, қисқа фурсатда тўртта шеър ёзиб бергандилар. Шуларнинг биттаси “Туғилмаган кўшиқларим, сиздан узр”, иккинчиси “Фарғонанинг паривашлари” эди.

Умуман олганда эса, улар жуда кузатувчан эдилар. Тўйга борсалар, даврада бироз ўтириб, “Ҳозир, бир-икки оғиз гапим бор эди”, деб самоварчининг ёнига бориб гаплашиб ўтиришни яхши кўрардилар. Улар шу тарзда одамларни кузатар эканлар, ўрганарканлар. Яна “Шеър ёзиш учун кўпроқ проза ўқиш керак”, дердилар.

– **Шоирнинг рафиқаси сифатида у билан яшаш, унинг қувонч-шодликларини баҳам кўриш, ташвишу изтиробларини бўлишини осон кечмагандир?**

– Ижодкорнинг ижодкор билан яшашининг осон томони шундаки, бир-бирининг руҳиятини тушунишади. Бу дегани унинг шеърни ўзи истагандек, тўла-тўқис ёзиши учун шарт-шароит яратиб бериш, халақит қилмаслик. Шеърнинг дунёга келишини тўлғоқ тутаётган пайтга қиёслаш мумкин. Шеърларини асосан уйда, фарзандларидан хотиржам бўлган чоғларида ёзганлар. Шеър қоғозга тушаётганда улар халал бермаслиги шарт эди. Ёзганларини, албатта, менга ўқиб берардилар. Мен ёнларида бўлмасам, бутун бошли шеърнинг баҳридан ўтган пайтлари

ҳам бўлган, йиртиб ташлаганлар. Шунинг учун ҳар доим сергак туришим керак эди. Уларни тушуниб етганим учун ҳақиқий дўстга айлангандим. Мени шунинг учун кадрлардилар.

– **Сиз нималардандир воз кечгансиз, тўғрими?**

– Бу менинг ихтиёримдаги нарса эди. Муҳаммад ака мени кўп ёзишимни хоҳлардилар. Балки кўнглимни кўтариш учундир, балки ижодий жараёнга қўшилиб кетишимни истабми, “Мана бу шеърингиз анча кучли, яхши”, дердилар. Менинг эса, уларнинг шеърларини ўқиганимдан сўнг, ёзишга бўлган хоҳишим аста камайган. “Мен айтмоқчи бўлган нарсаларни ёзиб бўлдилар”, деб анча йиллар кўлимга қалам олмай қўйганман.

Шоир одам аслида анчайин инжиқ бўлади. Муҳаммад аканинг ҳам феъл-атвори ўзига хос бўлган. Агар кўчадан уйга кириб келганида таом тайёр бўлмаса, индамасдан яна кўчага чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Эл таниган одам билан яшаш, бир-бирини тушуниш, шеърларини севиш, мени шоира сифатида тан олишлари ҳам катта бахт эди.

– **Айтганча, кенжа қизингиз Мадинахон шеър ёзади, деб эшитгандим. Бугунги кунда ҳам у шеърятга ошноми?**

– Мадинахоннинг илк “Соғинч сатрлари” тўплами нашрдан чиққан. Ҳозир кейинги шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаяпман. У отасини жуда соғинган дамларида кўлига қалам олади. Шеърларининг деярли барчаси отасига бағишлов. Касб борасига келсак, сиз бир нарсани ўйлайсиз, ҳаёт йўллари эса, бошқа тўлқинга олиб кетиши ҳеч гап эмас экан. Катта қизим Маъсуданинг шифокор бўлишини истагандилар. У эса ўзи журналист бўлишни хоҳлади. Дастлаб “Ёшлар” телеканалда фаолият юритган. Илк кўрсатуви эфирга кетганида Қорақалпоғистонда кўриб, раҳбарига кўнғироқ қилибдилар: “Қара, қизим, анча эплабди. Журналист чиқади, шекилли”, дебдилар. Ҳозирда “Ўзбекистон 24” телеканалда фаолият юритаяпти. Иккинчи қизим Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқиди, у ҳам газетада ишлаяпти. Энг кичигимизни туғма юрист – бу қизим, ҳуқуқшуносликда ўқийди, дердилар. У Жаҳон тиллари университетини битириб, банкда ишлаяпти, ўз ишидан, жамоасидан жуда хурсанд.

– **Фарзандларига қандай ўғитлар қиларди?**

– Аввало, болаларимизга қиз ёки ўғил бола, деб эмас, фарзанд – Аллоҳнинг энг буюк неъматиди, деб қараган ва еру кўкка ишонмаган. Қизларимизга ўғил бола қандай ишни уддалаши керак бўлса, ҳаммасига аста-секин ўргатганлар. Масалан, машина ҳайдашни. “Болалар спорт билан шуғулланиши керак”, деб ҳисоблаганлари боис, ўзлари машқларни биргаликда бажарардилар. Уйимизда тренажёр бор эди. Ҳали ҳам ўша жойда турибди. Қизларимга кўпроқ эркинлик берардилар, мен эса қаттиққўллик

қилардим. Менга айтмаган сўзларини қизларига айтардилар, қизлар ҳам баъзан оталари билан сирлашишарди. Катта қизимга “Сен ўзингни қиз болман, деб ҳеч қачон ожизлик қилмагин, кўз ёшингни ҳеч қачон, ҳеч кимга кўрсатма”, дегандилар. Кичик қизим Мадина: “Дадам ёш вафот этишларини сезгандек, бизга кучли бўлинглар, дея тарбия берганлар”, дейди.

– *Сўнги суҳбат чоғида нималар тўғрисида гаплашгандингиз?*

– Ўшанда қизларим бувимизниқига борамиз, деб хархаша қилишган. Қайнонам раҳматли жуда меҳрибон бўлганлари учун соғиниб, уларни кўргилари келаварарди. Муҳаммад ака эса аранг кўндилар, мен болаларни олиб, Андижонга кетдим. Раҳматли умр йўлдошим уйда ёлғиз қолишни жуда ёмон кўрарди. Эртасига азонда изимиздан Андижонга етиб бордилар. “Болалар йўқ, сен йўқ, сиқилиб кетдим”, дедилар ўзларини оқлаб. Орадан бир кун ўтиб, Тошкентга қайтамиз, деб қолдилар. Қизлар эса яна озгина қолайлик, деб туриб олишди.

Шундан сўнг, иккаламизга самолётга чипта олдилар. Бугунги кунда, ўшанда ички сезгилари аён қилган, деб ўйлайман. Самолётнинг учиши кечиктирилгани боис, бўш вақтимиз борлиги учун, мени

бутун Андижонни айлантирганлар, баъзи жойлар билан таништирганлар. “Анчадан буён мени йўқлаётганди”, деб машҳур боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг чойхонасига олиб бордилар. Лекин унинг ўзи йўқ экан. Ёрдамчилари чиройли кутиб олишди. Кейин қаҳвахонага олиб бордилар. Шерали Жўраев ижросидаги бир кўшиқни қайта-қайта кўйдириб эшитдилар. Шу куни ҳар хил мавзуларда роса гаплашдик. Самолётга ўтирганларида эса, елкамга бош қўйганча пинакка кетдилар. Бир оздан ўтиб, чўчиб уйғонди, менга қараб шундай дедилар: “Ноз, сенинг меҳрибончилигингга яраша жавоб қайтаролмадим, кадрлолмадим. Мендан хафа бўлмагин”, дедилар. Бу сўзлардан ҳайрон бўлиб: “Бирор марта мен сиздан хафа бўлдимми?” дедим. Шу тарзда яна суҳбатимиз давом этди. Уйга қайтганимиздан сўнг, кўп ўтмай, Қорақалпоғистонга жўнаб кетдилар. “Негадир, оёғим тортмаяпти, лекин одамлар кутишяпти, бормасам бўлмайди. Бир инсонни зиёрат қилиш ниятида эдим. Шу баҳона, шу ниятимни ҳам амалга ошираман”, деб йўлга чиқдилар. Балки одамлар олдидаги масъулиятни ҳис этганларидан шундай дегандирлар. Охиратлари обод бўлсин!

Маъпура НАБИЕВА суҳбатлашди.

Абдулла ШОНОСИР,

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими,
Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шифокор-шоир*

ШОИР ЁДИ

(“Сени осмонимга олиб кетаман”. Муҳаммад Юсуф)

*Осмонингга учиб кетдинг ўзинг ҳам,
Бўғзингда кетди айтолмаган сўзинг ҳам,
Бугун сени эслаганда кўзларим нам,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Укам дегандим юракка яқин олиб,
Аввал кетдинг сен улуг ёш аканг қолиб,
Ўртада соғинч, фироқинг бўлди голиб,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Бир ёруғ юлдуздайн ёндингу ўчдинг,
Эзгуликни қуйладинг, эзгулик сочдинг,
Мунча шошиб боқийга, не учун кўчдинг,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Ижодинг мухлислари кўндир элимда,
Ёшлар ҳам ўсмоқда сенинг шеърингда,*

*Тухфа этган китобинг мудом қўлимда,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Кўрмадим “йиғлашни билмас қизларингни”,
Азобдаман топмай бугун изларингни,
Ётибсанми “қумга босиб юзларингни”,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Эл ёдидан ўчмагай собир Муҳаммад,
Ўлмас газаллар битган шоир Муҳаммад,
Мўмин-қобил, камтарин, дилкаш Муҳаммад,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

*Укам дегандим юракка яқин олиб,
Сенга бўлган ҳурматимдан қалбим ёниб,
Қанийди бир кўрсам сени меҳрим қониб,
Ёдимдасан ҳамиша, Муҳаммад укам.*

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтнинг “ЎзДСМИ хабарлари” илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журналига

2021 йилдан тақдим этилаётган мақолаларга қўйилган талаблар

1. Илмий мақолалар мавзуси “ЎзДСМИ хабарлари” илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журналининг тетр ва кино, мусиқа санъати, санъат тарихи, фалсафа ва номоддий маданий мерос, педагогика, психология ва ёш тадқиқотчи номли рукнларига мос келиши шарт.

2. Мақола электрон ва қоғоз шаклида муаллиф томонидан имзоланган ҳолда топширилиб, ҳажми 1 интервалда, Microsoft Word-2003да Times New Roman ёзуви, 14 шрифтда, 10-12 бетдан иборат бўлиши керак. Матннинг ҳар томонидан 2 см.дан иборат масофа қолдирилади.

3. Мақолалар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин.

4. Мақолада кўтарилган муаммо аниқ ўрганилган, мавзу назарий-методологик ва услубий жиҳатдан пухта бўлиши, кўрсатилган манбаларнинг ишончлилиги асосланган бўлиши керак. Қўйилган масалани ечишда муаллифнинг ёндошуви, шунингдек, мақолада кириш, асосий қисм, илмий натижалар, хулоса ва таклифларнинг тушунарли қилиб баён этилиши ҳамда Web of Science, Scopus ва Science Direct нуфузли журналларидан цитаталар келтирилиши ва улардан ўринли фойдаланиш талаб этилади.

5. Президент асарлари ва олимлар фикрларига мурожаат қилиши ҳамда шахсий фикр бўлиши керак.

6. Мақолада фойдаланилган нота ва расмлар манбалари аниқ кўрсатилиши керак. Нота ва расмларга қисқатма сўзларга тўлиқ изоҳ берилиш шарт. (интернет манбалар бундан мустасно).

7. Мақолаларнинг қисқача аннотация ва калит сўзлари (3 тилда 5-6 қатор)дан иборат бўлиши керак. Унда муаммонинг долзарблиги, уни ўрганиш усули ва олинган натижа аниқ ифодаланиши лозим.

8. Мақола тегишли фан йўналиши бўйича олимлардан олинган тақризи билан бирга қабул қилинади. Шу билан бирга, тахририят мақолани кўшимча равишда тақризга тақдим этиши ва ушбу тақриз натижалари асосида мақолани чоп этиш масаласи бўйича тегишли қарорга келиши мумкин.

9. Ҳаволалар мақола ичида [1.Б.128] кўринишида бўлади ва мақола сўнгида барча ҳаволалар фойдаланган адабиётлар кетма-кетлигида бўлади.

Масалан: [1.Б.128] Исломов Т. Тарих ва сахна. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2018. –б 38

10. Мақола биринчи бетининг юқори қисмида муаллиф тўғрисидаги маълумотлар ва муаллифнинг расми бўлиши керак (фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ кўрсатилиши, иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони ва мулоқот телефонлари).

11. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар тахририят томонидан кўриб чиқилмайди.

Электрон почта: nashriyot@dsmi.uz.

Манзилмиз: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-а уй.

Тел.: 71 230-28-02,

71 230-28-03,

71 230-28-13.

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ



Институтнинг Кино, телевидение ва радио санъати факультети томонидан Адиблар хиёбонида ташкил этилган навбатдаги маданий-маърифий тадбир "МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ" деб номланди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази вакиллари, институт раҳбарияти ҳамда талабалар иштирок этишди. Ижодкорлар томонидан шоирнинг ибратли ҳаёти, Ватанга бўлган муносабати ҳақида илик фикрлар билдирилди.

Учрашувда шоир қолдирган бой маънавий мероси орқали ёш авлоднинг ватанга бўлган мухаббатини оширишга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.




ШОИР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ



Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ўтказилган бу галги тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Дастлаб институтимиз ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодининг ўзига хос томонлари, унинг ёшлар учун ибрат бўладиган жиҳатлари ҳақида тўхталди.

Шоирнинг турмуш ўртоғи Назира Саломова Муҳаммад Юсуф шеърларнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги ўрни, уларнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумотлар берди. Ушбу маданий-маърифий тадбир доирасида шоир шеърларидан намуналар ўқилиб, улар асосида яратилган кўшиқлар ижро этилди.





**Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
хабарлари**

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг
2017 йил 29 ноябрдаги 245/6-сонли қарори билан
санъатшунослик фанлари бўйича диссертациялар
юзасидан асосий илмий натижаларни чоп этишга
тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ ХАБАРЛАРИ

илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журнал

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

Нашрга тайёрловчилар:

Ғани Худоев,
Фахриддин Абдувоҳидов,
Насиба Турғунова,
Муқаддам Содикова,
Зилола Эргашева,
Максим Савочкин,
Нафиса Раимқулова,
Тўхтаҳон Қўзиёева.

Саҳифаловчи-дизайнер:

А.Содиқов

Босишга рухсат этилди: 23.12.2020 й. Офсет босма усулда босилди.

«Times New Roman» гарнитураси. Бичими 60×84¹/₈.

Шартли босма табоғи 12,25.

Буюртма рақами № 27/08. Адади: 130 нусха.

Манзилимиз: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Яланғоч даҳаси, 127-а уй. Тел.: 230-28-02, 230-28-03, 230-28-13

ZEBO PRINTS босмаҳонасида чоп этилди.

Мўлжал: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани 22-ҳарбий шаҳарча.



O'ZDSMI

MAXSUS SON

XABARLARI

ILMIY-NAZARIY, AMALIY-USLUBIY,
MA'NAVIY - MA'RIFIY JURNALI

ADIBLAR XIYOBONI -
ADABIYOT, MA'NAVIYAT,
MA'RIFAT, MADANIYAT MASKANI

O'ZBEKISTON XALQ SHOIRI
MUHAMMAD YUSUFNING
"OLTIN DAVRI"

MUHAMMAD YUSUF -
ZAMONAMIZ QAHRAMONI

MILLIYLIKNI QALBLARGA
SINGDIRGAN SHOIR

O'ZBEKNING OTASHQALB
SHOIRI

ADIBLAR XIYOBONI -
MA'NAVIYAT MAYDONI

2020/3(15)

